

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Н.М. МАХМУДОВ, С.О. ХОМИДОВ, А.А. ДЖАЛИЛОВ

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МОДЕЛЛАРИ
Ўқув қўлланма

*Магистратуранинг “Макроиқтисодиёт”
5A230103 мутахассислигида таҳсил олувчи
талабаларга мўлжалланган*

ТОШКЕНТ – 2015

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор **Болтабоев Махмуджон Рустамович** таҳрири остида

Такризчилар:

А.Т. Кенжабоев – ТМИ “Информацион коммуникацион технологиялар”
кафедраси мудири и.ф.д., профессор

А.Х. Азаматов – ТДИУ “Эконометрика” кафедраси мудири и.ф.н., доцент

Махмудов Н.М., Хомидов С.О., Джалилов А.А. Иқтисодий ўсиш моделлари.
Ўқув қўлланма.

Мазкур ўқув қўлланма иқтисодий ўсиш назарияси ва моделлари кенг
ёритилган. Адабиёт кейнсчилар, неокейнсчилар, неоклассиклар ва инновация ва
инсон капиталини ўзида қамраб олувчи янги иқтисодий ўсиш моделларини
ўзида қамраб олган ҳамда иқтисодий ўсиш жараёнини миқдорий баҳолаш учун
математик ва эконометрик моделлари ёритиб берилган.

Мазкур ўқув қўлланма магистратура босқичидаги 5A230103
“Макроиқтисодиёт” йўналишида талабалар учун мўлжалланган.

Под редакцией ректора Ташкентского экономического университета,
д.э.н., профессора **Болтабоев Махмуджон Рустамович**

Рецензенты:

А.Т. Кенжабоев – заведующий кафедрой «Информацион коммуникацион технологии» ТФИ д.э.н., профессор

А.Х. Азаматов – заведующий кафедрой «Эконометрика» ТГЭУ к.э.н., доцент

Махмудов Н.М., Хомидов С.О., Джалилов А.А. Модели экономического роста.
Учебное пособие.

В данном учебном пособии широко освещены модели и теория экономического роста. В литературе представлено модели кейнсянские, некейнсянские, неоклассические и модели новой волны экономического роста которые включают к себе инновация и человеческий капитал, а также приведено математические и эконометрические модели для количественный анализа экономического роста

Учебное пособия предназначено для студентов магистрантов учащейся по специальности «Макроэкономика» 5A230103.

Edit by **Boltaboyev Maxmudjon Rustamovich**,
rector of Tashkent state university of economics,
doctor of economics sciences, professor

Reviews by

A.T. Kenjabaev – *head of chair the “Technology of information communication” of TFI, doctor of economics sciences, professor*

A.X. Azamatov – *head of chair the “Econometrics” of TSUE, candidate of economics sciences, assistant professor*

Makhmudov N.M., Khomidov S.O., Djalilov A.A. Models economics growth.
Textbook

Abstract

The models and the theories of economic growth are widely represented in this textbook. The literature presents a models of keynesian, neokeynesian and neoclassic, and a new wave of economic growth that includes innovation and human capital, and given the mathematical and econometric models for quantitative analysis of economic growth.

This textbook is written for masters who specialize for "Macroeconomics" 5A230103.

КИРИШ

Давлат томонидан олиб олиб бориладиган ҳар қандай иқтисодий сиёсат, мамлакат обрўсини халқаро ҳамжамият олдидаги ўрнини кўтариш, ёки аҳоли турмуш даражасини кўтаришга қаратилган иқтисодий сиёсат бўлмасин, мамлакат иқтисодчи олимлари олдида миллий иқтисодиётни барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш кун тартибининг асосий масалалардан бирига айланади. Бунинг учун эса, мамлакатнинг узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишга эришишини таъминлашни тақазо этади. Бу эса ўз навбатида иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларни ўрганиш, иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминловчи мавжуд имкониятлардан тўлиқ самарали фойдаланиш каби бир қатор масалаларни тадқиқ этиш вазифаларни ўзида мужассамлаштиради. Натижада эса, давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг самарадорлиги, келажакда мамлакат иқтисодиёти қай ҳолда бўлиши мумкилиги ва проноз қилинаётган салбий оқибатларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш имконини яратади. Бу борада юрт-бошимиз И.А. Каримов “Бугунги кунда иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга ошириш, саноатимизни диверсификация қилиш, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш тармоқлари ва янги иш ўринларини ташкил этиш бизнинг энг устувор, энг долзарб вазифамиз бўлиши даркор”¹ деб таъкидлаган.

Сўнги йилларида Ўзбекистон Республикасида давлат томонидан олиб борилган самарали иқтисодий сиёсат натижасида 2004-2014 йиллар оралиғида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ўртача йиллик 14,1 % га, иқтисодиётга иш билан банд аҳоли сони ўртача йиллик 2,8 % га ўсмоқда натижада, 11 йил ичида ўртача йиллик 8,1 фоизлик иқтисодий ўсишга эришилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи. // Халқ сўзи, 2015 йил 1 сентябрь 171 сон.

Сўнги 100 йилликда иқтисодий ўсиш доирасида кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан бир қатор серқирра тадқиқотлар олиб борилган. Лекин шунга қарамай унинг ўрганилмаган томонлари кўпдир, шу сабабли ҳам ҳалигача бу мавзу иқтисодчи олимларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Шунинг учун мазкур адабиётга фақат иқтисодий ўсишни таҳлил қилишда сўнги йилларда кенг фойдаланилаётган ва жаҳон иқтисодчи олимлари жамияти томонидан тан олинган иқтисодий ўсиш назариялари ва моделларини ўзида мужассамлаштирган.

Ўқув қўлланма 10 бобдан иборат бўлиб, уни шартли равишда икки қисмга бўлишимиз мумкин. Биринчи қисмда иқтисодий ўсиш назарияси ва моделлари жумладан: кейнсча, неокейнсча, неоклассик ва янги иқтисодий ўсиш назариялари моделлари келтирилган. Ўқув қўлланманинг иккинчи қисмида эса иқтисодий ўсишни баҳолаш ва келажакда сценарийли прогнозлашни ўрганиш учун иқтисодий математик ва эконометрик моделлар ўз аксини топган.

Мазкур ўқув қўлланма магистратура босқичидаги 5A230103 “Макроиқтисодиёт” йўналиши учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий ўқув дастури асосида тузилган. Мазкур ўқув қўлланма магистратура макроиқтисодиёт йўналишдаги талабалар, иқтисодий ўсиш мавзуси билан қизиқган мустақил ўрганувчилар, катта илмий изланувчи ходимлар ва ушбу фан бўйича дарс ўтувчи ўқитувчилар учун мўлжалланган.

1-БОБ. “ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МОДЕЛЛАРИ” ФАННИНГ МОҲИАТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1 Иқтисодий ўсишнинг моҳияти ва турлари.

Иқтисодий ўсишнинг ҳозирги тури XVIII асрнинг иккинчи ярмида Англияда саноат революцияси натижасида аниқланган. Бу даврда, аҳолининг реал даромадлари аср бошига нисбаттан 10 бараварга ошди, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич ундан ҳам юқори бўлди. Аҳолининг ўртача жон бошига даромади соатига 1 АҚШ долларни ташкил этган, натижада эса иқтисодчи олимлар томонидан иқтисодий ўсиш назарияси шаклланиб, унга таъсир этувчи омиллар аниқланиб, кўплаб иқтисодий ўсиш моделлари ишлаб чиқилган. Ҳар бир иқтисодий ўсиш модели ўз даврига нисбаттан ишлаб чиқилган бўлиб вақт ўтиши билан ўсиш моделлари такомиллашиб келмоқда.

Одатда иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш ўртасида фарқни кўпчилик иқтисодий ўсиш назариясини янги ўрганувчилари бир биридан ажрата олмайдилар, аввал ушбу кўрсаткичларни фарқлаб олсак. Иқтисодий ривожланиш иқтисодий ўсишдан фарқланиб, иқтисодий ривожланиш натижасида иқтисодий ўсиш юзага келади. Демак иқтисодий ўсиш бу иқтисодий ривожланишнинг келажакдаги натижасидир. Ҳозирги замонавий иқтисодёт назариясида иқтисодий ўсиш кўрсаткичига аҳоли жон бошига нисбаттан олинган кўрсаткичлар орқали баҳоланмоқда. Бундан ташқари инсонлани яшаш шароитини яхшилаш мақсадида олиб борилаётган давлатнинг ижтимоий сиёсати орқали ҳам баҳоланади. Эндиликда юқоридагиларни умумийлаштириб иқтисодий ўсишга умумий таъриф бериладиган бўлса:

Иқтисодий ўсиш - тўлиқ бандлик билан мужассамлашган ишлаб чиқариш реал ҳажмининг ўзоқ муддат мобайнида ўсишидир. Иқтисодий ўсиш ЯИМ, давлат иқтисодий қудрати ва инсонлар фаровонлигининг ўсишида ўз ифодасини топади. Шунингдек, иқтисодий ўсиш бевосита ялпи миллий маҳсулот миқдорининг мутлоқ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс

харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатнинг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ҳам ифодаланади.

Ҳозирги кунда иқтисодий ўсиш назариясида иқтисодий ўсиш суръатларини маълум муддат оралиғида эришишгина эмас, балки уни ўзоқ муддат давомида ўсиш сураътларида сақлаш кўзда тутилмоқда. Яъни ўсишни барқарорлигини таъминловчи омилларни аниқлаб уларни такомиллаштириш устида иш олиб бориш замонавий иқтисодиёт назариясини олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. демак юқоридаги фикрларни умумийлаштириб барқарор иқтисодий ўсишга қуйидагича таъриф берилади:

Барқарор иқтисодий ўсиш - бу узоқ вақт давомида иқтисодиётни юқори суръатлар билан ўсиб боришидир. Макроиқтисодиёт назарияси ва жаҳон амалиёти кўрсатишича мамлакатларни йиллик ЯИМни ўсиш суръати 7% дан кам бўлмаса ЯИМнинг ҳажми 10 йилда 2 марта кўпаяди. Аксинча ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 10% дан кам бўлмаса, мамлакат ЯИМ ҳажми 7 йилда 2 марта кўпаяди.


Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодий ўсиш сураътларини таъминлаш, иқтисодиётни мамлакат шиддат билан бир иқтисодий тизимдан кейинги иқтисодий тизимга ўтишда мамлакат иқтисодиёти юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш керак бўлади. **Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари** - бу амалга оширилган мувозанатлаштирилган макроиқтисодий сиёсатни, иқтисодиётни эркинлаштиришни, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта қурулантиришга қаратилган таркибий ўзгаришлар жараёнларини жадаллашуви ва чуқурлашувини натижасидир.

Иқтисодчи олимлар дуч келган муаммолардан бири бу иқтисодий ўсишнинг турлилиги бўлиб ҳосбланади. Чунки баъзи давлатлар юқори ўсиш суръатлар билан, баъзи давлатлар ўртача ўсиш суратлар билан, базилари эса умуман иқтисодий ўсиш кўзатилмаган баъзида умуман иқтисодий ўсиш ўрнига иқтисодий пасайиш (стагнация) ҳолатлари кўзатилад эди. Ушбу ҳолатларни баҳлаш ва илмий асослаш учун 20 асрда кўплаб олимлар изланишлар олиб борганлар. Ушбу изланишларнинг энг умумийлашгани ва мувофақиятли

якунлаган иқтисодчи олим Халқаро ривожлантириш ва тараққиёт жаҳон банки иқтисодчиси Лент Притчет томонидан олиб борилган изланишлар бўлиб ҳисобланади. Унинг фикрича иқтисодий ўсиш турлари қуйидаги 6 турга бўлинади (у ҳар бир иқтисодий ўсиш турни географик маконлар номи билан ифодалаган):²

1. Юқори адирлар;
2. Адирлар;
3. Платолар;
4. Чўққилар;
5. Текисликлар;
6. Денверлар (бунда текисликлардан чўққиларга ўтиш даври назарда тутилади).

Юқори адирлар, бунда Питч мамлакат аҳоли жонбошига тўғри келадиган ЯИМ йиллик 3 % оралиғидаги юқори ўсиш сураътини назарда тутди. Бундай ўсиш тенденциясига эга бўлган давлатлар асосан шарқий осийдаги 11 та мамлакатлар (Япония, Гонконг, Корея, Малайзия, Сингапур, Тайвань, Таиланд), баъзи Европпа мамлакатлари (Кипр, Ирландия, Мальта) ва Африкадаги Ботсвана мисол бўла олади (1.1.1-расм).




1.1.1-расм. Иқтисодий ўсишнинг юқори адирлар тури.

Адирлар, бундай турга одатда ўзоқ муддат давр мобайнида барқарор иқтисодий ўсиш тенденциясига эга бўлган ва йиллик аҳоли жон бошига 1.5 – 3


² Шараев Ю.В. “Теория экономического роста”, Учебник, ВЭШ, -М.: 2006 стр. 256

%га ЯИМ ҳажми ўсиши кўзатиладиган мамлакатлар киради. Булар АҚШ, Австралия, Канада; индустриаллашган ғарбийевроппа мамлакатлари (Франция, Германия, Италия, Греция, Испания, Швейцария, Дания, Бельгия, Финляндия, Австрия); осий мамлакатларидан Хитой, Бирма, Филиппин, Бангладеш, Покистан, Изроил, Туркия, Тунис; баъзи латин америкасидаги мамлакатлар (Барбадос, Колумбия, Коста-Рика, Мексика) (1.1.2-расм)




1.1.2.-расм. Иқтисодий ўсишнинг адирлар тури.

Платолар, ўсишнинг бундай турига аввал юқори ўсишга эга бўлиб (1.5 – 3 %) сўнгра яна пасайиш (0.66-0%) кўзатилган мамлакатлар иқтисодиёти мисол бўла олади. Бу мамлакатлар Бразилия, Доминикан Республикаси, Сальвадор, Гватемала, ва баъзи ривожланган мамлакатлар Голландия, Испания, Янги Зеландия, Швеция ва бир қатор африка мамлакатлари —Эфиопия, Гамбия, Гвинея-Бисау, Кения, Лесото, Марокко, Малави, Свазиленд (1.1.3-расм).




1.1.3.-расм. Иқтисодий ўсишнинг платолар тури.

Чўққилар, бундай турдаги иқтисодий ўсиш мамлактларнинг аввал юқори суръатлар билан ўсиш кўзатилиб бирданига пасайиш кўзатилган мамлакатлар киради. Ушбу мамлакатлар Буюк Британия, Папуа—Янги Гвинея, Эран, Ироқ, Иордания, Сурия; бир гуруҳ африка ва латин америка мамлакатлари Алжир, Намибия, Миср, Камерун, Конго, Кот-д'Ивуар, Габон, Либерия, Мозамбик, Нигер, Нигерия, Сьерра-Леоне, ЖАР, Того, Зоир, Замбия, Аргентина, Боливия, Эквадор, Гайана, Гондурас, Ямайка, Никарагуа, Панама, Парагвай, Перу, Суринам, Тринидади Тобаго (1.1.4.-расм).




1.1.4.-расм. Иқтисодий ўсишнинг чўққилар тури.

Текисликлар, ушбу иқтисодий ўсиш туридаги давлатлар географик номи каби иқтисодий ўсиш паст бўлган мамлакатларга мисол бўла олади йиллик жон бошига иқтисодий ўсиш 1.5 % гача кўзатилади. Ушбу гуруҳга кирувчилар иқтисодий ўсиш мавжуд булиши мумкин ва аксинча иқтисодий ўсиш умуман кўзатилмаслиги мумкин. Иқтисодий ўсиш кўзатилмаган иқтисодий ўсиш воҳалар деб юритилади. Бу гуруҳга қуйидаги мамлакатлар иқтисодий ўсиши мисол бўлиши мумкин: Непал, Гаити, Венесуэла, Ангола, Бурунди, Бенин, Марказий-Африканска Республикаси, Буркина-Фасо, Мадагаскар, Мали, Мавритания, Сомали, Уганда, Зимбабве (1.1.5.-расм).




1.1.5.-расм. Иқтисодий ўсишнинг текисликлар тури.

Дневерлар ёки тезлашиш, бунда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 1.5 %гача йиллик ўсиш 1.5 %дан юқори суръатлар билан ўсишни кўзатилган мамлакатлар мисол бўла олади. Бу мамлакатлар қуйидагилар: Индонезия, Ҳидистон, Шри-Ланка, Чили, Уругвай, Гана, Маврикий.



1.1.6.-расм. Иқтисодий ўсишнинг дневер тури.

Мустақилликнинг илк йилларида мамлакат иқтисодиётида тақчиллик, озиқ овқат етишмовчилиги ва бир қатор муаммолар мавжуд эди. Бунинг сабаби собиқ иттифоқ даврида олиб борилган бир томонлама иқтисодиётнинг ихтисослашуви эди. Леки давлатнинг самарали иқтисодий ислохотлари натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти қисқа муддат ичида ўз иқтисоди ўсишини тиклаб барқарор ўсиш тенденцияларини қўлга киритди.



1.1.7.-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ўсиш суръатлари %да

1.1.7.-расмга эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакат реал ЯИМ аҳоли жон бошига 1992-1996 йиллар оралиғида пасайиш тенденциясига эга бўлган ва иқтисодий ўсишнинг воҳалар турига мансуб бўлган, 1997-2003 йилларда иқтисодий ўсишнинг тезланиш турига эга бўлган. Мамлакат иқтисодий ўсиши 2003 йилдан ҳозиргача чўққилар турига мансуб бўлиб келмоқда ва мамлакатимизда юқори иқтисодий ўсиш суръатлари кўзатишмоқда. Бу эса ўз навбатида давлатнинг мустақиллик илк йилларида олиб борган самарали иқтисодий сиёсатининг келажакдаги яъни ҳозирги кундаги ҳосиласи ислохотларнинг аниқ мақсадга мувофиқ олиб борилаётганлигидан далолат беради. ҳозирги кунда мамлакатимизда иқтисодий ривожланишга эришиш ва ўзоқ муддатли иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида, давлат томонидан кўплаб иқтисодий-ижтимоий ислохотлар олиб борилмоқда бу сай ҳаракатлар эса келажакда ижобий ўз ҳосиласини бериши керак.

Жамият эҳтиёжлари ишлаб чиқариш ресурсларига муносабатда доимо биринчи бўлсада, бу эҳтиёжларни қондирувчи ишлаб чиқариш маҳсулотлари маълум мамлакатнинг ишлаб чиқарувчилари ёки импорт маҳсулотлар воситалари ўзлаштирганда вужудга келади. Буни шу билан тушунтириш мумкинки, эҳтиёжларининг вужудга келиши қадам - бақадам оммавий тус олади ва ишлаб чиқаришнинг ўзлукчиз ривожланишини назарда тутди.

Ишлаб чиқариш имкониятларининг ривожланиши жамият эҳтиёжлари ўсиши миқдори билангина эмас, уларнинг таркибида бир эҳтиёж улушининг ортиши ва бошқасининг улуши пасайиши билан ифодаланилади. Ишлаб чиқариш ресурслари ва чиқариш таркиби, қоидага мувофиқ эҳтиёжлар тўзулмаси каби тез ўзгариши мумкин эмас. Маҳсулот ёки хизматга янги эҳтиёж туғилиши учун унинг бир вақтда ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва бозорда истеъмолчилар талабларига мос, тулаш қобилиятига эга ўз сифати ва нархи билан улар талабига жавоб берадиган янги маҳсулотнинг пайдо бўлиши факти етарли.

Шу билан бирга маълум товар ишлаб чиқаришни оммовий ўзлаштириш учун маълум муддат зарур. Ишлаб чиқарувчилар ортда қолишни камайтиришгагина эришишлари мумкин, лекин уни бутунлай эскиртираолмайдилар. Бундан келиб чиқадики, иқтисодиётнинг асосий субъектларининг иқтисодий ўсиши томон интилиши жамиятда қандай ривожланиш даражасига эришилганга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади. Бироқ ишлаб чиқариш реал шартлари ўсиш потенциалини реализация қилишга ҳар доим ҳам йўл қўймайди. Бундай шароитларда депрессия ёки худди ички иқтисодий омиллар, каби миллий иқтисодиётга муносабатдаги ички омиллар (масалан, урушлар, ички ва халқаро сиёсатдаги ўзгариш ва бошқалар) билан изоҳланиши мумкин бўлган иқтисодий таназзул бошланади.

Иқтисодиёт назариясида иқтисодий ўсишнинг юзага келиши шакллари изоҳида икки асосий ёндашув мавжуд. Улардан кенг тарқалгани иқтисодий ўсишни ЯИМ (МД) реал ҳажми ўсиш суръати ёки бу кўрсаткичларни аҳоли эҳтиёжи ҳисобида ошириш суръати билан ўлчанадиган аниқ вақтда миллий иқтисодиёт ривожланишининг жами характеристикаси билан тушуниш ҳисобланади. Иқтисодий ўсишни ҳисоблайди у ёки бу услубни қўллаш зарурати одатда тадқиқот масалалари билан боғлиқ. Иқтисодий ўсишни ҳисоблашнинг биринчи усули, қоидага кўра, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти кенгайиш суръатларини баҳолашда қўлланилади, иккинчисидан эса аҳолининг қулай шароити динамикаси таҳлилида ёки турли ҳудудлар ва мамлакатларнинг ҳаётийлик даражасини солиштиришда фойдаланилади.

Ҳозирги вақтда ўсиш назариясида иккинчи ҳисоблаш усули афзал деб қаралади.

Иқтисодий ўсишда реал миллий даромад ошиш суръатлари аҳоли ўсиши суръатларини оширадиган миллий иқтисодиёт ривожланиши назарда тутилади. Бу ўсиш муаммоларини ташқи кўзатувчи нуқтаи назаридан эмас, мамлакат аҳолиси позициясидан туриб кўриб чиқишни тақозо этади.

Иқтисодий ўсишни ишлаб чиқариш реал ҳажмининг ошиш суръатлари нуқтаи назаридан қараб чиқишда одатда (аниқ ва ноаниқ шаклда) иқтисодиётда чуқур тўзилмавий ва институционал ўзгаришлари юз бермаслиги тахмин қилинади. Ишлаб чиқариш тўзилмаси ва институционал муҳит мураккаб ва ўзгармас ҳисобланади. Бундай ривожланиш характери ташқи муҳит билан ўзаро таъсирда балансланган ва яхлитлик хусусиятига эга бўлган иқтисодий тизим учун ўзига хос.

Иқтисодий ўсиш назариясидаги бошқа ёндашув индустриал ва постиндустриал жамиятни такрор ишлаб чиқаришда қўлланилади. Бу назариялар қачонки, ўзгаришларга ҳокимлик, бошқарув, инфратўзилма объектлари, иқтисодиётдаги тўзилмавий ўзаро таъсир ва унинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқасининг асосий институтлари дуч келганда, “юқори узун” даврда иқтисодий динамика муаммоларини таҳлил қилади. Таъкидлаш керакки, “ўзоқ муддатли” ва “Юқор узун” даврлар тушунчалари динамика назариясида иқтисодий вақт ҳақида гап борар экан, худди ўзининг вақтинчалик масофаси ва концептуал йўналиш каби фарқланади (ходисалар содир бўлиш тезлиги). “Юқори узун” давр ўзининг вақтинчалик масофаси ходисалари қаторида ўзоқ муддатли давр ва унинг анъанавий тушунчасида қисқа бўлиши мумкин. Хусусан, бу мамлакатимиз ривожланишининг замонавий босқичида, унинг учун характерлидир. Бунда тўзилмавий, институционал ва функционал ўзгаришлар ишлаб чиқариш реал ҳажми табиий ўсиш жараёнини аниқлайдиган ишлаб чиқаришнинг текис олимлари ўзгаришидан кўра тезроқ юз беради.

Юқори ўзун даврдаги иқтисодий ўсиш таҳлилининг икки асосий хусусиятини ажратиш мумкин:

- иқтисодий ўсиш иқтисод ривожланишининг ташкилий элементи сифатида қаралади. У бир томондан ривожланишнинг циклик характери ни ифодалайди, иккинчи томондан ўзи пасайиш ва депрессия даврларига тайёрловчи ўзгаришлар натижаси ҳисобланади. Шунинг учун асосий эътибор иқтисодий ўсиш суръатларига эмас, балки иқтисодиётдаги глобал ўзгаришлар, барқарор тенденция ва қонунчиликлар ва уларнинг янги сифат ўзгаришларига қаратилади.

- макроиқтисодий танаффуслар қаторида иқтисодий ривожланишнинг ва индустриал асослари, тадбиркорлик муаммолари, ишлаб чиқарувчилар қизиқишлари зиддиятли силжишлари, истеъмолчилар ва давлат ҳокимияти институтлари иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишга йўл қўймайдиган янги иқтисодий тўзилманинг шаклланиши ва унинг ташқи муҳит ўзгарувчанлиги шароитидаги барқарорлигини текширади.

Жамият аъзоларининг хилма-хил ва юксалиб бораётган эҳтиёжларини қондиришнинг бирдан бир воситаси иқтисодий ўсишдир. Агар иқтисодий ўсиш бўлмаса ҳеч қандай жамият ривожлана олмайди, эски иқтисодий тизим ўрнига янгиси қирмайди, ҳуллас ижтимоий тарақиёт юз бермайди. Бу объектив қонуният бўлиб, аҳоли ўсиши ва фан – техника жараёнлари билан боғланган. У миллий иқтисодиёт ривожланиш ҳаракатини қўрсатади ва шу сабабли вақтнинг маълум даврларига (чорак, йил ва ундан ўзоқ вақтга) макроиқтисодий кўрсаткичларни (ЯИМ ва СММ) таққослаш йўли билан ўлчанади.

Иқтисодий ўсиш деганда, одамларнинг талаб – эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган моддий маҳсулот ва хизматларни, яъни барча ноз – неъматларни ишлаб чиқаришнинг кўпайиб бориши тушунилади. Иқтисодий ўсиш нафақат истеъмол буюмлари, балки ишлаб чиқариш воситалари, яъни ресурсларни ҳам кўплаб ишлаб чиқаришини англатади, чунки ўсиш жамият аъзоларининг жорий истеъмолини қондириш билан чекланмай, келажакда ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали бўлғуси истеъмолни қондиришни ҳам мўлжаллайди. Ишлаб чиқариш фаолияти жамият ҳаётининг бирламчи асоси бўлганидан иқтисодидан ўсиш ижтимоий тарақиёт учун моддий замин

яратиб беради . Жамиятдаги чуқур ва сифатли ўзгаришлар иқтисодий ўсиш суръатларига қараб юз беради. Ҳозирги босқичда жамият ҳаётидаги шиддатли ўзгаришлар барқарор ўсиш натижасидир. Иқтисодий ўсиш жамиятдаги ишлаб чиқариш ҳажмини ёки аҳоли жон бошига яратилган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмини ортиб бориши билан ўлчанади. Уни албатта реал ялпи миллий маҳсулот ёки реал миллий даромаднинг кўпайиши ифода этади.

Макроиқтисодий ўсиш – бутун жамият миқёсидаги, масалан, мамлакат миқёсидаги иқтисодиётни ўсишдир. У жамият ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси бўлади, турли корхона ва тармоқлардаги макроиқтисодий ўсишнинг мазмуни сифатида юзага келади.

Микроиқтисодий ўсиш – бу корхона , хўжалик фирма ва тармоқ доирасидаги ўсишдир , шу доирадаги меҳнат қилувчилар иқтисодий аниқроғи гуруҳий фаолиятнинг натижасидир.

1.2. Иқтисодий ўсишнинг дастлабки шартлари.

Иқтисодиёт бойлик ҳақидаги фан экан, табиийки, аввалом бор унинг пайдо бўлиши биланок иқтисодий ўсиш муаммоси диққат марказида туради. Бу муаммони ечиш иқтисодиётнинг аҳоли доимий ўсишда ҳаёт даражасини оширишни таъминлайдиган ривожланиш омилларини қидиришни билдиради. Маълумки, инсон эҳтиёжлари чегараланмаган: инсон бир эҳтиёжини қондириши билан кейингиси туғилаверади. Шу билан бирга ер аҳолиси ўзлуксиз ўсиб боради. Инсониятнинг 1 млрд.га етиши учун 10 минг йил керак бўлди. (Бу 1850 йилда эди), 2 млрд.га етиши учун эса 80 йилгина керак бўлди (1930). 45 йилда эса бу рақам икки бараварга кўпайди (1975). 2000 йилда Ер юзида 6 млрд. киши яшаган. 2020 йилда эса аҳоли 8 млрд.ни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда.

Дарҳақиқат, XIX аср ўрталарида бошланган аҳолининг бундай тез ўсиши одамлар эҳтиёжини жамият ва индивидуал қондирилишига олиб борувчи маҳсулот таннархининг илгарилаб ўсиши билан ёнма-ён кечади. Америкалик иқтисодчи Э. Меддисон эраизмнинг 500-йилидан бошлаб иқтисодий ўсиш

тарихини ўрганар экан, қизиқарли натижаларга келди. Сўнгги 1500 йил оралиғида бир киши учун етарли бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиши ва аҳоли ўсиши орасидаги аниқ боғлиқлик бўлган доирадаги 4 давр кўрсатилади.

1.2.1-жадвал

Сўнгги 1500 йил ичида аҳоли ўсиши ва аҳоли эҳтиёжидида маҳсулот ишлаб чиқариш (ўртача йиллик ўсиш суръати %).³

Давр	Аҳоли ўсиши	Аҳоли эҳтиёжидида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши
Аграрианизм (500-1500 й.)	0,1	0,0
Ривожланган аграрианизм (1500-1700 йиллар)	0,2	0,1
Савдо капитализми (1700-1800 йиллар)	0,4	0,2
Замонавий капитализм(1820-1980)	0,9	1,6

Маълумотлардан кўриниб турибдики, аҳоли эҳтиёжига кўра ишлаб чиқариш 1000 йил оралиғида ўсмаган ва аҳоли шу давр мобайнида ўртача йиллик суръатда 0,1 %га ўсган. Айрим кўрсаткичлар ўсиши кейинги уч юз йиллик мобайнида кўзатилган, лекин уларнинг ўсиш суръати жуда пастлигича қолган. Шиддатли сакраш замонавий капитализм даврида юз берган. Бунда аҳоли эҳтиёжи бўйича ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 1,6 %гача кўтарилган, аҳоли сони эса йилига тахминан 1 %га ўсган.

Бошқа америка тадқиқотчиси, иқтисодий ўсишни тушунтиришга миқдорий ёндашув асосчиси С. Кўзнец Англия, Германия, АҚШ каби мамлакатлардаги иқтисодий ўсиш суръатлари тезлиги саноат бурилиши ва капитализмнинг етакчи иқтисодий тизимга айланган даври билан боғлиқ деб ҳисобланади. Капитализм моҳиятан, капиталистик ривожланиш йўлида турган мамлакатлар иқтисодий ўсишида ўзакли ўзгариш билан таъминлайдиган биринчи иқтисодий тизим бўлиб қолди.

Бу тарихий феномен олимлар томонидан турлича тушунтирилган. Шу мавзуга бағишланган оммавий назариялардан бири дин ва иқтисоднинг ўзаро

³ Сакс Д.Ж., Ларрен Ф. Макроэкономика Глобал ёндашув М., 1996. – 599 .

алоқсини етарли сабаб деб ҳисобловчи М. Вебер томонидан ишлаб чиқилган. У капитализм ўз ривожланиши учун тикланиш даврида фақат дин бериши мумкин бўлган бақувват маънавий стимулга мухтож эди. Шундай дин сифатида XVI асрнинг биринчи ярмида христиан ислохотчилари М. Лютер ва Ж. Калвиннинг теологик таъминоти – протестантизм бўлди. Протестантизм ва у орқали юзага келган касбий этика, Вебер фикрига кўра, Шарқ дини Хитой, Хиндистон каби мамлакатларда индустриал кўтарилишга монеълик қилувчи барьер сифатида хизмат қилганда, Ғарб иқтисодий кўтарилиши ва замонавий Ғарб цивилизациясининг жиддий омили бўлди.

Протестант таълимининг маркази тақдир ҳақидаги ғоялар ҳисобланади: ҳар бир кишига туғилмасидан олдин унинг тақдири – кутилиш ёки абадий ташвиш белгиланган бўлади. Кишиларнинг ҳар қандай интилишлари ёки церков ёрдами ҳеч нимани ўзгартира олмайди. Барчаси худо томонидан у оламни яратган пайтда белгилаб қўйилган ҳеч ким бу олам нима учун яралганини билмайди. Тақдир ҳақида ғоя осмондаги “яхши ишлар” ёрдамида ёки монастирлик, оламдан ташқари аскезларга олиб борувчи йўлни беркитиб қўйди. Инсонга умид ва танлаш ҳақида гувоҳлик берадиган ютуқларга эришиши учун табиий машғулоти касбий фаолият бўлиб қолди. Бошқа барча нарсадан воз кечилди, модомики у бойлик орттиришга ишдаги муваффақиятга ҳалақит беради. Ердаги инсоннинг муваффақияти, унинг интилиши яхшиланишларга йўналтирилганлиги худонинг инсонга берилган қутқарувчилик белгиси худонинг инояти. Ялқовлик, мавффақиятсизлик камбағалликни эса ҳар ким лаънат тамғаси деб қабул қилиши лозим.

Бундан ташқари, протестантизм психологияда ўз-ўзини англашдан ўзоқлашув деб аталадиган тушунчага тақлид қилади. У инсонга ўз хатоларини ўзи муҳокама қилиш ҳуқуқини беради. Бунинг учун церковга бориш шарт эмас. Модомики, худо инсонни ҳар доим ва ҳар жойда кўрар экан, ҳар бир одам ўз жавобгарлигини унинг олдида ҳис қилиши керак. Натижада инсонларга жамият ва бир - бирлари олдида персонал жавобгарлик шаклланади.

Худога, меҳнатга яқинлашишдаги янги муносабатларнинг бирдан-бир янги мақсади бўлган Европада протестантизм кенгайиши даврида инсонларда юз берган катта психологик силжишга олиб келди. Аввалги вақтларда, жумладан, ўрта асрларда меҳнатга муносабат ўзгача эди. М.Вебернинг ёзишича, капиталистик даврга қадар анъанавий ҳаёт даражани ушлаб туриш заруратидан ташқари кўп ишлаш стимули бўлмаган эди. Одамлар ишлашлари керак бўлгани учун ишлардилар ва бу зарурат четдаги, иқтисодий эҳтиёждан ташқари босим билан шартлашган бўлади. Капиталистик жамиятда янги хусусиятлар пайдо бўлди: инсонлар худди ички эҳтиёжлар каби ташқи босим учун ҳам ишлай бошладилар. Улар шундай муддат жавобгарлик ва интенсивлик билан ишлай бошладиларки, бундай ҳолат олдинги жамиятларда бўлиши мумкин эмас.

Инсон қобилияти ва кучини мобилизация қилиш учун ҳар қандай ташқи босимдан кўра ички эҳтиёж жуда самарали. Ташқи эҳтиёжлар пасайтирадиган психологик зиддиятларни юзага келтиради ва ақл инстинктив ва жавобгарликни ошириш талаб қилинган пайтда кишиларни пассив, муаммоларини ечишда қобиятсиз қилиб қўяди.

“Агар инсон энергиясини бир қисми ишга йўналтирилганида, капитализм ривожлана олмас эди. Бунга шубҳа йўқ,- деб ёзган машҳур ғарб психологи Э.Ф. Ромм, - тарихда эркин кишилар ўз энергияларини бутунлигича ягона мақсад – ишга бахш этган бошқа давр йўқ. Доимий меҳнатга интилиш бош ишлаб чиқариш кучига айланади. Буғ ва электр каби бизнинг саноат тизимимиз ривожланиш учун муҳимдир”.

Ғарб иқтисодий ўсишини айрим тадқиқотчилар бош режага бошқа омилларни ҳам киритадилар. Хусусан, фан ва тадқиқотлар, табиий ресурслар ва иқтисодий стимуллар, колониал эксплуатация ва империалистик экспонция. Бироқ бу омилларнинг муҳимлиги даражасини баҳолаш қийин. Агар, масалан, фан ва тадқиқотлар, - Ғарб бойлиги ўсишининг етарли сабаби бўлса, нима учун худди шундай ўсиш XVI асргача шу даражада лидерлик қилган Хитой ёки Ислон мамлакатларида кўзатилмаган.

Иқтисодий ўсишни тушунтиришда кичик бўлмаган аҳамиятини айрим муаллифлар таъкидлаган табиий ресурсларга келсак, тарихий ҳақиқат XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида (Нидерландия ва Швейцария гуллаган даврида) бу тезис репутациясини пасайтириб юборди. Унга сўнгги зарбани Япониянинг кўринмас ўсиши ва гуллаши, жанубий Кореянинг иқтисодий муваффақиятлари ва қатор янги индустриал мамлакатлар берди. Бунга яна мисол қилиб, иккинчи жаҳон урушидан кейин чекланган табиий ресурсларга эга бўлган Европа мамлакатлари қашшоқликдан бойликка интилувчан силжишни юзага келтирганликларини ва худди шу вақтнинг ўзида айрим “учинчи олам” мамлакатлари йирик табиий ресурсларга эга бўла туриб ҳам, ҳалигача қашшоқликда яшаётганлигини мисол келтриш мумкин.

К.Маркс Ғарб иқтисодий ўсишини тушунтиришда рақобатнинг ҳаракатланувчи кучлари, психологик мотивация, харажат кетидан қувишга катта аҳамият беради. Бирок, М.Вебер бу фикрнинг аҳамиятини инкор этади:

“Иқтисодий қизиқишлар танглигининг бошқа даврлардан фарқ қиладиган бизнинг рационалистик ва капиталистик замонга мувофиқ тасаввур содда тасаввурдир: замонавий капиталистлар, масалан, шарқ савдогарларидан, унчалик катта бўлмаган даражадаги тамагарликдан кўрқишлари билан ажралиб турадилар. Иқтисодий қизиқишларда ўзбошимчалик қилиш ўз-ўзидан фақатгина иррационал натижаларга олиб келиш мумкин.”

Бошқа бир ишида М.Вебер ёзади: “Тадбиркорликка интилиш, текин фойдага интилиш пул яроқлигида ўз-ўзидан капитализм билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бундай интилиш официантларда, шифокорларда, кучер, рассом, кокетка (фохиша), порахор чиновник, солдат, қароқчи, қизил бурунлар, қуморхона қатнашчилари ва қашшоқларда кўзатилган ва кўзатиляпти. Капитализмнинг моҳияти ҳақидаги шу каби содда тасаввурлар тарих маданиятини ўрганиш мобайнида бутунлай вос кечишни кўзлайдиган ҳақиқатга тегишли. Текин даромад ишларида тийиқсиз очкўзлик ҳеч қандай меъёрда капитализмга ўхшамайди ва унинг “руҳи”га мувофиқ эмас. Капитализм бу иррационал интилишга ортиқча ташвиш бўлиши мумкин, ҳар ҳолда унинг

рационал бўйсунушига ёрдам беради. Капитализм, шубҳасиз, ўзлуксиз фаолдият юритувчи рационал капиталистик корхона доирасида текин даромадга ва даромаднинг ўзлуксизлигига рентабелликка интилиши жиҳатдан мос келади”.

М.Вебер хусусий тадбиркорлик хўжалиги ишлаб чиқарувчанлигига йўналтирилган янги хўжалик ахлоқи ва мантиқ асосан улар ортиқчалик қилганларида ўзининг қатъийлиги билан бойликдан бевосита баҳра олишни рад қилишини ва талабни қисқартиришга интилишларини курсатди. Шу билан бирга улар молпарастликни анъанавий этиканинг психологик оғирлигидан ҳалос қилди, уни фақатгина қонунигина эмас, худо нуқтаи назарига ҳам тўғри келадиган билимларга айлантириб, кишанларни ечди. Бир сўз билан айтганда, бойлик касбий фаолият натижаси сифатида оқланди, Худонинг рағбати сифатида қаралди. Агар эҳтиёжларга пуританча муносабат текин даромадга интилиш билан қушилса, унда бунинг объектив натижаси эҳтиёткорлик натижасида капитал жамғариш бўлади. “Бойлик орттириш эҳтиёжи йўлидаги тўсиқ,- таъкидлайди М.Вебер – инвесторланган капитал сифатида унинг ишлаб чиқаришда қўлланишига муқаррар хизмат қилиши лозим”.

Шу билан бирга янги этика ғарб мамлакатлари ҳаёти учун оддий капитал жамғаришдан кўра муҳимроқ натижага эга. “Пуритан тинчлик туйғуси тасдиқланган ҳар бир жойда, ҳар қандай шароитда у ҳаёт тарзининг иқтисодий нуқтаи назаридан рационал, буржуазия тикланишига имкон туғдиради ва албатта, капитал қўйилмаларининг оддий стимуллаштиришдан кўра кўпроқ аҳамиятга эга. Пуританизм замонавий “иқтисодий инсон” манбаида турибди”.

Янги шахс юзага келиши ва капиталнинг жамғарилиши хўжалик ҳаётининг усувчи автоматизацияси бўлиб қолди. Иқтисодий муносабатлар қадам - бақадам бутунлай интеграрлашган ва юқори ташкиллашган сўнгги ўрта асрлар давридаги феодал жамият учун характерли бўлган диний ва сиёсий назорат остига кира бошлади. Иқтисодиётнинг устидаги бундай назоратнинг бўшаши турли шаклларда юз берди: бошқарилмайдиган нархлар бўйича савдо ҳажми ўсиб кетди, ўз қўллари билан ишлаб чиқарган маҳсулотларини

сотадиган хунармандлардан фарқли равишда олди-сотди хисобига яшовчи ва боювчи савдогарлар синифи пайдо бўлди; кадам-бакадам кўпгина иқтисодий қарорлар маркази бўлган янги корхоналар ташкил этилиши билан ҳукумат ва гильдийлар томонидан назоратнинг йўқ бўлиши, бу қарорлардаги қирим ва қиким эса корхонанинг шахсий эгаси томонидан тан олинди. Бу барча ўзгаришлар сифатли янги иқтисодий механизмнинг қуришда, миллий иқтисодиёт ташкилотлари самарадорлигини оширишда катта рол ўйнайди.

“Иқтисодиётнинг самарали ташкилоти,- деб таъкидлайди америкалик иқтисодчи Д.Норе – иқтисодий ўсиш калитидир. Унинг Ғарбий Европада вужудга келиши Ғарбнинг кутарилишига шартлангандир. Самарали ташкилот ўзининг кетидан индивидуал қирим шакиллари ямийт қирим шакиллари яқинлаштирувчи иқтисодий активлик кўринишлари оқимидаги индивидуал иқтисодий зўриқиш йўналиши учун стимуллари ташкил қиладиган шахсий ҳуқуқ тўзилмаси ва институционал тўзилма қуришни эргаштиради.”

Кейинги 10-15 йил ичида кўпгина иқтисодчилар диққати Жанубий-Шарқий мамлакатлари иқтисодий ўсиш билимларига бориб тақалмоқда. Бу мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишларидаги ютуғи ҳақиқатдан ҳам афсонавий характерга эга. Бошқа ҳеч қандай ривожланаётган мамлакатлар гуруҳи бундай ўсиш суърати, қашшоқликни пасайиши даражаси, жаҳон бозорига интеграцияси, шунингдек, ҳаётийлик даражасининг ошиши бўйича ўрناق бўла олмайди. Кейинги 25 йил ичида бу ерда аҳоли талаби деярли 4 баробар ошди. Қашшоқликда яшаётган аҳоли қисми таъхминан 2-3 ҳажмда камайди, аҳоли ўсиш суърати тез тушиб кетди, таълим даражаси ва саломат кўрсаткичлари сезиларли яхшиланди. “Осиё йўлбарслари”(Жанубий Корея, Сингапур, Ганконг, Тайван) нинг кетидан “иккинчи авлод” (Индонезия, Малазия) борди, ҳозир эса рационал ўсишнинг янги ҳаракати сифатида Хитой номоен бўлди.

Янги индустриал мамлакатлар (НИС) иқтисодий ютуғи сабаблари нимада?

Бу саволга жавоб бериш учун Халқаро банк томонидан уч гуруҳ омиллари таъсирини аниқлашни уддалаш натижасидаги кенгайтирилган тадқиқот олиб борилди:

- a) Сиёсий ва макроиқтисодий барқарорликка эришиш;
- b) Инсон ресурсларига инвестициялар;
- c) Ташқи бозорга йўналтирилганлик.

Бу мамлакатларнинг асосий ютуғи у ёки бу иқтисодий сиёсат шакилланишидаги прогматизм галасидир. Бунинг замирида, модомики, НИС биринчи авлодининг гуллаши давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашуви билан бўлса, бир вақтнинг ўзида улардан кейинги мамлакат ютуғи давлат иқтисодий сиёсатининг эркинлиги билан шартланганлигини назарда тутиш лозим. Лекин у ёки бу ҳолда ҳам макроиқтисодий сиёсат юқори фискал дисциплина, жамғарма ва инвестициялар, шунингдек ташқи ориентирланган савдо сиёсатининг адекват стимуллашуви билан характерланади. Иқтисодий ўсишдаги макроиқтисодий барқарорлик қўйилмаси давлат бюджети дефицити барқарор ва паст даражаси билангина эмас, шунингдек бошқа ривожланаётган мамлакатлар кўрсаткичларига мувофиқ ЯИМ икки-уч баробар оширадиган хусусий инвестициялар улушининг катта тезликда ўсишида ҳам жойлашади.

Тажриба кўсатадики, ишлаб - чиқариш инвестицияларининг ва капитал қўйилмаларининг самарадорлиги меҳнат ресурсларининг унумдорлигига боғлиқ. НИСда меҳнатнинг роли иқтисодий ўсиш омили сифатида ўта жиддий. Ишчи кучи бу ерда юқори интизомлилик, технологик ва ташкилий ўзгаришларга осонгина мослашиш, таълим ва малаканинг юқори даражаси билан фарқланади. Жанубий - Шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодий ўсишида хориж капиталининг оқиб кириши ва мўътадил протекционистлик импорт сиёсатининг экспортни стимуллаштириш билан бир вақтда олиб борилиши асосий роль ўйнайди. Тўғри хорижий инвестициялар учун қулай иқлимни трансмиллий корпорациялар (ТНК) назорати остида бўлган филиаллар ва қўшма ҳамда лицензияли корхоналар шаклидаги капиталнинг кенг масштабда

жалб қилувчилар яратдилар. Бугунги кунда худди шундай ютукқа Хитой эришмоқда.

Шу тарзда Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатлари тажрибаси бу ерда иқтисодий ўсишни ҳал қилувчи ҳеч қандай сабаб йўқ. Уларнинг ютуғи - уларда иқтисодий ўсишни фақат зарурат юзасидангина эмас, балки жисмоний имкониятларни ҳам ҳисобга олган қатор омилларнинг яхлит комбинацияланган натижаси ҳисобланади. Бироқ, кўрсатиб ўтилган омилларга қўшимча қилиб, яна бир – рухий характер омилини киритиш лозим. Бу мамлакатларнинг барчасида, жумладан, Япония ва Хитойда бутун умри давомида кишилар Конфуций таълимини оладилар. Бу таълимга амал қилиш учун ҳар бир киши “уч сифат ва бешта яхши фазилятга” эга бўлишлари керак. Уч сифат - бу эҳтиёткорлик, меҳрибонлик ва жасурлик. Бешта яхши фазилят - бу ўз - ўзини ҳурмат қилиш, дунёқарашнинг кенглиги, тўғрилиқ, ғайратлиқ ва саҳоватлиқ. Буларнинг ҳаммасида ҳеч қандай ғайри табиийлик йўқ, лекин ижобий таъсир этувчи сиёсий шароитларда кўрсатилган сифат ва яхши фазилятлар жамиятнинг ижтимоий – иқтисодий прогрессида катта роль ўйнаш қобилиятига эга. Жамият ҳаётидаги Конфуция таълими материализацияси учун бошланғич аҳамиятга эга бўлган, Конфуция ғоялари мавжудлигининг барча масофасидаги кучли давлат ҳокимиятигина балки кейинги 20-30 йилдагина ривожланган ва тан олинган. Бу яқиндагина федерал қалоқлик шароитида бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ва социал юксалишининг натижасидир.

1.3 Жамият институтларини ўзгариши иқтисодий ўсишга таъсири.

Иқтисодий ўсиш жараёни жамиятдаги бир қатор миқдорий ва сифат жиҳатдаги ўзгаришлар билан кўзатилади. Шулардан биринчи навбатда иқтисодиётнинг таркибий трансформациясини алоҳида кўрсатиш керак. Иқтисодий ўсишни кўзлаган мамлакатларда биринчи навбатда қишлоқ хўжалигининг миллий маҳсулот ва бандликдаги улушини камайтириши характерлидир. Мавжуд маълумотларга кўра, АҚШда 1920 йилда ишчи кучининг 70%и қишлоқ хўжалигида банд бўлган, бу улуш 1941 йилга келиб

20%дан камни ва 1987 йилга келиб атиги 3%ни ташкил қилган. Японияда қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчи кучининг улуши 1879 йилдаги 72%дан, 1930 йилларга келиб 30%гачани, 1980 йилларнинг охирларида 8%ни ташкил қилган. Белгаяда 1846 йилда қишлоқ хўжалигида ишчи кучининг 51% иштирок этган бўлса, 1947 йилда -12,5%, 1970 йилда 7%ни ташкил қилган.

Ушбу кўрсаткичлар иқтисодий ўсиш нафақат қишлоқ хўжалигининг умумий миллий ишлаб чиқаришдаги улуши қисқариши билан, балки, ушбу жараённинг тезлашуви билан ҳам кўзатилади. Агарда, қишлоқдаги банд бўлганларнинг улушини 50%гача камайтириш учун бир неча юз йилликлар талаб қилинса, кўпгана ривожланган мамлакатларда унинг охириги 100 йил ичида 40-50% га қисқариши таркибий трансформациянинг юқори тезлигига гувоҳдик беради.

Бундай ҳолатнинг асосий сабаби, авваламбор, иқтисодиётнинг аграр соҳасидаги меҳнат самараси ўсиши учун кўп микдорда захираларнинг жамланганлиги, яъни бир хил шароитда маълум бир турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кам ишчи кучи сарфлаган ҳолда ишлаб чиқариш имконини беради. Бошқа томондан, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги товарларини истеъмол қилиниши чегараланган бўлиб, бу аҳоли жон бошига даромадларнинг ўсиши билан истеъмол талаби таркибидаги озиқ-овқатга қилинадиган харажатлар улуши камайишини англатади. Бундай ҳулоса ўтган асрда немис статистиги Э.Энгел томонидан берилган ва Энгел биринчи қонуни номини олган. (Энгелнинг иккинчи қонуни саноат истеъмол товарлари ва қимматбаҳо буюмларга таълуқли бўлиб, аҳолининг жон бошига бўлган даромади кўпайган сари, уй хўжаликларининг ушбу товар гуруҳига харажатларининг улуши ҳам ортади.)

Кейинчалик инглиз иқтисодчиси К.Кларк янги эмпирик маълумотлар асосида Энгел ҳулосаларини тасдиқлади ва аграр соҳаси улушининг камайиши бошида саноат улушининг кўпайиши ҳисобланиб, кейин эса хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиши ҳисобланади. Ушбу соҳалардаги, авваламбор хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишлаб чиқаришни ривожлантириш харажатларининг эластик ўсиш коэффициенти ялпи ички маҳсулотнинг

ўсишига боғлиқ ҳолда 1 дан юқори бўлади. Бу ЯИМ ўсишига боғлиқ ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасидаги харажатлар иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги харажатларга нисбатан тез суръатлар билан ўсади. Мисол учун, АҚШда ЯИМда уларнинг улуши 1929 йилда (жорий нархларда) 34,7%, 1960 йилда - 38,1%, 1976 йилда - 45,6%ни ташкил қилган. Шу билан бирга, хизмат кўрсатишнинг улуши шахсий истеъмол харажатларида ҳам кўпаяди: АҚШда 1950 йилда 51,5%, 1960 йилда 50,4%, 1975 йилда 60,2%дан иборат бўлган. 1990 йилларда ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши 55%гача ва шахсий истеъмол харажатларидаги улуши 70%гача кўпайди.

Жамият томонидан ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган хизматлар турли хилдаги категорияларга бўлинади:

- махсус билимларни талаб қилувчи интеллектуал хизматлар (таълим бериш, воситачилик, реклама фаолият турлари);
- соғлиқни сақдаш, таълим билан боғлиқ хизматлар;
- меҳмонхона ва ресторанлар фаолияти билан боғлиқ хизматлар;
- алоқа воситалари (транспорт, почта, телекоммуникация);
- молиявий хизматлар (банклар, томонидан такдим қилинадиган кредит ва бошқа хизматлар, суғурталаш);
- жамият ҳимоясини таъминловчи ва унинг аъзолари ўртасидаги алоқаларни тартибга солиб турувчи умумий хизматлар (мамлакат мудофаси, жамоат тартибини сақлаш, адлия, миллий ва маҳаллий даражадаги умумий бошқарув).

Иқтисодиёт жабҳаларидаги ўзгаришлар ижтимоий институтлар, инсонлар ҳатти-ҳаракатлари ва мафкураларида сезиларли ўзгаришларга олиб келади. Мазкур ўзгаришлар модернизация деб юритилади. Швед иқтисодчиси

Г. Мюртал «учинчи дунё» мамлакатлари иқтисодий тараққиётига бағишланган «Осиё драмаси» номли китобида модернизациянинг қуйидаги тамойилларини кўрсатиб ўтган:

1. Рационализм. Анъанавий фикрлаш тарзи ва ишлаб чиқариш шаклинг ўзгартириш, жамоатчилик ва инсон фаолиятининг барча соҳаларида янги метод ва моделларни қўллаш
2. Иқтисодий режалаштириш. Хўжаликлар тараққиётини ошириш мақсадида қўлланиладиган иқтисодий сиёсат
3. Тенглик. Барча учун янада тенг ижтимоий ва ҳуқуқий мавқе, даромадлар ва ҳаёт тарзининг яратилишини таъминлаш.
4. Ижтимоий институтлар ва акд-идроқдаги ўзгаришлар. Бу ерда меҳнат унумдорлигини оширадиган, рақобатни ривожлантириб тадбиркорликка йўл очадиган, маълум бир маънода инсонлар хоҳиш ва имкониятларидан фойдаланишга замин яратадиган ўзгаришлар тўғрисида фикр юритилади.

Институционал ўзгаришлар ўз ичига ер ислохотлари, монополияга қарши кураш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва давлат бошқарувининг ўзгаришини олади.

Хулоса қилиб айтганда, жамоа мафкурасини модернизациялаш меҳнатсеварлик, самарадорлик, ҳақиқатпарварлик, оқиллик ва ўз кучига таяниш, ўзгаришларга тайёрлик ва шу каби хислатларни кучайтириш демакдир.

Иқтисодий ўсиш - тўлиқ бандлик билан мужассамлашган ишлаб чиқариш реал ҳажмининг ўзоқ муддат мобайнида ўсишидир. Иқтисодий ўсиш ЯИМ, давлат иқтисодий қудрати ва инсонлар фаровонлигининг ўсишида ўз ифодасини топади. Шунинг учун иқтисодий ўсиш ечими ҳар бир давлат макроиқтисодий сиёсати тўрт мақсадидан бири («сирли тўртлик») ҳисобланган вазифасига киради.

2. Иқтисодий ўсиш таҳлилининг муҳим томонларидан бири унинг асосини ўрганишдир. Иқтисодий ўсишнинг тарихий илдизлари шундан дарак берадики замонавий иқтисодий ўсиш тушунчаси XIX асрнинг биринчи ярмида Ғарбий Европада вужудга келган. Айрим муаллифларнинг фикрларига қараганда ишлаб чиқаришдаги туб ўзгаришлар, капитализмнинг етакчи иқтисодий тизим шаклида вужудга келиши бунга асос бўлиб хизмат қилган. Бошқа муаллифлар (масалан М. Вебер) ғарбдаги кескин иқтисодий

Ўсишнинг янада чуқурроқ маъносини англашга ҳаракат қиладилар ва протестант мазҳабини унинг сабаларидан бири сифатида қайд этадилар. Протестант этикаси ва руҳияти мавжуд бўлган барча ҳудудларда оқилона, буржуа ҳаёт тарзи ва шу билан биргаликда хўжалиғ фаолиятини самарали юритишга ҳаракат қиладиган «иқтисодий инсон» вужудга келган. Иқтисодий инсон капиталнинг тўпланиши ва тежамкорликни юзага келишига ижобий таъсир ўтказди. Иқтисодий ўсиш асосларидан сифатида шунингдек хусусий мулкчилик, рақобатчилик ва иқтисодий рағбатлантириш, илм-фан тараққиёти ва кашфиётлар, табиий ва инсон ресурсларининг мавжудлиги, колониал эксплуатация ва империалистик экспансия ҳам кўрсатиб ўтилади.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Иқтисодий ўсиш нима?
2. Иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш ўртасидаги фарқини ваалоқадорлигини ифодалаб беринг.
3. Лент Притче иқтисодий ўсишни нечта турга ажратиб кўрсатган?
4. Мустақиллик йилларида иқтисодий ўсишининг шаклланиши ва унинг таркибини тушунтириб беринг.
5. Макроиқтисодий ва микроиқтисодий ўсишнинг бир биридан фарқини ва ўзаро алоқадорлигини ифодалаб беринг.
6. Янги индустриал мамлакатлар иқтисодий ўсиш ютуғи нимада?
7. Иқтисодий ривожланишда аграр, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг тасири қандай?
8. Динни иқтисодий жарайнга қандай таъсир кўрсатади?
9. Модернизациянинг иқтисодий ўсишга таъсирини ифодалаб беринг.
10. Г. Муюртал “Осиё драммаси” номли асаарида моденизациянинг қанақа тамоиллари келтирилган?

2-БОБ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ, ТУРЛАРИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ

2.1. Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар.

Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин булар таб омилли ва тақлиф омилли. Биринчи гуруҳ омиллар иқтисодиётнинг миқдорий ўсиш лаёқатини белгилаб беради , улар тақлиф омиллари деб ҳам аталади . Бу омиллар қуйидагилар :

1. Табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;
2. Ишчи кучи ресурслари миқдори ва сифати;
3. Асосий капитал (асосий фондлар) нинг ҳажми ва сифати;
4. Технология ва фан – техника тараққиёти.

Иқтисодий ўсишга тақсимлаш омиллари ҳам таъсир қилади. Ишлаб чиқариш потенциалидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун нафақат ресурслар иқтисодий жараёнга тўлиқ жалб қилинган бўлиши, балки жуда самарали ишлатилиши зарур. Ресурсларнинг ўсиб боровчи ҳажмидан реал фойдаланиш ва уларни керакли маҳсулотнинг мутлоқ миқдорини оладиган қилиб тақсимлаш ҳам зару бўлади.

Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи тақлиф ва тақсимлаш омиллари ўзаро боғлиқ ва бир бирини тақазо қилади. Масалан , ресурслар миқдорининг ўсиши ва сифатининг яхшиланиши, технологияни такомиллаштириш иқтисодий ўсиш учун имконият яратади. Тўлиқ бандлик ва ресурсларни самарали тақсимлаш омиллари ҳам ўз ўрнига эга бўлади бу муаммони таҳлил қилишда асосий эътибор тақлиф омилларига қаратилиши зарур.

Мамалакат миқёсидаги ялпи ишлаб чиқаришда тармоқларнинг ўртача физик ўсиш ҳажми мазкур тармоқлардаги ишлаб чиқариш фаолиятига реал баҳо бера олмайди. Чунки, бунда айрим йилларда тармоқларда ўртачадан юқори ишлаб чиқариш кўзатилса, айрим йилларда эса, паст ишлаб чиқариш ҳажмлари кўзатилиши мумкин. Шунинг учун, мамлакат миқёсида ялпи ишлаб чиқариш

таркибида тармоқларнинг ўсиш суръатларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади .


Меҳнат унумдорлигининг ўсишга олиб келувчи омилларни тўлароқ кўриб чиқамиз.



2.1.1.-расм. Ўзбекистонда ялпи ишлаб чиқариш манбалари ва омиллари боғлиқлигининг мажмуавий тизими

Фан – техника тараққиёти меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий ўсишни таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Техника тараққиёти ўз ичига нафақат ишлаб чиқаришнинг бутунлай янги усуллари, балки бошқариш ва ишлаб чиқариш ташкил қилишнинг янги шакллари ҳам олади. Умуман айтганда фан – техника тараққиёти дейилганда пировард маҳсулот чиқаришни кўпайтириш мақсадида мавжуд ресурсларни янгича уйғунлаштиришни тақозо қилувчи янги

усулларнинг топилиши ҳам тушунилади. Амалиёт техника тараққиёти ва капитал қўйилмалар (инвестициялар) мустаҳкам ўзаро боғлиқ, техника тараққиёти кўпинча янги машина ва ускуналарга инвестициялар қўйишга олиб келади. Масалан, атом энергиясидан фойдаланиш бўйича технологияни қўллаш учун атом локтрестенцияларини куриш зарур бўлади. Биринчи карашда техника тараққиёти тарихий ва шиддатли рўй бериш хусусиятига эга бўлади. Газ ва ёқилғи двигетеллари, конвейер ва йиғма линиялар бизнинг ҳаётга ўтишимиз энг муҳим ютуқлари сифатида кириб келди. Қуйидаги 2.1.1 схемадан кўринадик, реал маҳсулотни икки асосий усулда кўпайтириши мумкин.



2.1.2-расм. Ишлаб чиқаришни ташкил этувчи омиллари

Республика олдида техника тараққиёти соҳасидаги асосий вазифа, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияни қўллаш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқаришнинг янги усул ва шакллари жорий қилиш ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигининг ўсишини аниқлаб берувчи асосий омил ҳар бир ишловчига тўғри келувчи асосий капитал ҳажми ҳисобланади. Маълум вақт ичида капиталнинг ҳажми мутлоқ кўпайиши мумкин, аммо ишчи кучи сони тезроқ ўсса, меҳнат унумдорлиги пасаяди, чунки ҳар бир ишчининг асосий капитал билан қуролланганлик даражаси камаяди. Капитал унумдорлигини 2 йўл билан ошириш мумкин:

1) Улардан анча унумли фойдаланиш йўли билан, бунда ишлаб чиқариш жараёнига фан – технология ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш. Ишлаб чиқариш жараёнига юқори малакали кадрларни жалб этиш ва ишчи ходимларнинг малакасини ошириш орқали эришилади.

2) Реал маҳсулотни ҳажмини кўпайтириш йўли билан, бунда ишлаб чиқаришга қўшимча ресурсларни жалб этиш орқали эришилади. Бу йўл кейинчалик ишлаб чиқариш ҳаражатларини кўпайишига сабаб бўлади, шунинг учун ўзоқ муддатли ўсишни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатмайди.

Таълим ва малака тайёргарлиги меҳнат унумдорлигини оширади ва натижада анча юқориланиш ҳақиқага эга бўлиш имкониятини беради. Инсон капиталига инвестициялар қўйиш меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Ўз-ўзидан малумки, ишчи кучи сифатининг энг оддий кўрсаткичи таълим даражаси ҳисобланади. Ҳозирги даврда республикамиз иқтисодиётида банд бўлганларнинг 80 фоизга яқини олий ва ўрта махсус таълимга эга.

Амалий ҳаётда иқтисодий ўсишни суратини пасайтирувчи омиллар ҳам мавжуд бўлади. Уларга меҳнат муҳофазаси, атроф муҳитнинг ифлосланишдан сақлаш химояси ва шу каби ҳолатлар.

Маълумки, макроиқтисодиётда барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг энг асосий шартларидан бири бу – ялпи талаб барқарорлигини таъминланишидир. Бошқа мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам ялпи талаб барқарорлигини таъминлаш, унинг компонентлари улушини кескин тебранишига йўл қўймаслик, ҳамда макроиқтисодий сиёсат усуллари орқали ялпи талабни самарали тартибга солиб туриш ҳар қандай макроиқтисодий тадқиқотларнинг бош вазифасидир.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш эса, кўп жиҳатдан иқтисодиётда амал қилувчи макроиқтисодий механизмларнинг такомиллашув даражасига ўзвий боғлиқдир.

Ялпи талабни барқарорлаштириш макроиқтисодиётда вужудга келадиган айрим номутаносибликларни ўз вақтида олдини олишни ва макроиқтисодий сиёсат воситаларининг таъсирчанлигини оширишда тўсиқ бўла оладиган мавжуд муаммоларнинг аниқланишини ҳамда ушбу муаммоларни самарали ҳал қилинишини талаб этади.

Шунингдек, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда ялпи талаб ва унга таъсир этувчи омилларни таснифлаш ҳамда улар орасидаги муҳим миқдорий боғланишларни тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади (2.1.1-жадвал).

Таъкидлаш лозимки, ялпи талаб барқарорлигини таъминлаш борасида мамлакатда олиб борилаётган пул - кредит сиёсатининг алоҳида ўрни бор. Жумладан, кейинги йилларда банк тизимида олиб борилган иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон миллий иқтисодиёти пул-кредит тизимида макроиқтисодий барқарорлик таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ялпи талабни барқарорлаштириш мақсадида пул-кредит сиёсатининг асосий инструментлари ҳисобланган қайта молиялаштириш ставкаси, мажбурий заҳиралар нормаси, очик бозордаги операциялар ва валюта курси интервенциялардан самарали фойдаланди.

Бунда қатъий пул-кредит сиёсати юритилганлиги инфляцияни жиловлашда муҳим аҳамият касб этди ва истеъмол баҳолари индексининг ўсиши асосан номонетар омиллар ҳисобига юз берди.

Ички бозорда истеъмол товарлари нархларининг шаклланишига таъсир қилувчи омилларни, жаҳон бозоридаги нархлар динамикасини, шунингдек, ички талабни рағбалантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилади⁴.

⁴ 2012 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. ЎзР. Марказий банки расмий сайти – www.cbu.uz/uzc/node/39959

Ялпи талабга таъсир этувчи асосий макроиктисодий омиллар

Омиллар	Суб омиллар
Пул-кредит сиёсати	Пул массаси, фоиз ставкалари: қайта молиялаштириш ставкаси, кредитлар ва депозитлар бўйича фоиз ставкалари, мажбурий заҳиралар нормаси, инфляция, очик бозордаги операциялар, валюта курси, тижорат банкларининг умумий активлари ва капитали, иқтисодиётга ажратилган кредитлар ҳажми, аҳоли омонатлари
Солиқ-бюджет сиёсати	Солиқ ставкаси, солиқ юки, солиқ тури ва миқдори, бюджет харажатлари ҳажми, трансферт тўловлар, бюджет сальдоси
Ташқи иқтисодий сиёсат	Хорижий инвестициялар, экспорт, импорт, соф экспорт, бож сиёсати, протекционизм сиёсати, валюта сиёсати, жаҳон бозоридаги ҳолат, тўлов баланси сальдоси
Иқтисодиётнинг реал сектори	Асосий капитал ҳажми, ишчи кучи, тармоқлардаги ишлаб чиқариш ҳажми, ишсизлик, истеъмол, ялпи жамғариш, инвестиция сиёсати

Ўз навбатида, инфляция даражаси ва пул массасини мақсадли параметрлар доирасида ушлаб туриш мақсадида 2013 йилда Марказий банк қатъий пул-кредит сиёсатини амалга оширишни давом эттиради ва ушбу мақсадда монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан фаол фойдаланади.

Фоиз сиёсатида асосий эътибор пул бозорининг барқарорлигини ва банк депозитлари жозибadorлигини таъминлашга, жумладан, аҳоли омонатлари бўйича реал фоиз ставкаларининг ижобийлигини сақлаб қолиш ҳамда тижорат банклари депозитлар портфелидаги ўзоқ муддатли депозитлар улушини оширишга, шунингдек иқтисодиётнинг реал секторига ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг мақбуллигини таъминлашга қаратилади.

Очиқ бозордаги операциялар - муомаладаги пул массасини бошқариш, банк тизими ликвидлигини тартибга солиш ва фоиз ставкалари ҳамда молия бозори барқарорлигини таъминловчи инструмент бўлиб, унинг самарадорлиги макроиқтисодий ва молиявий барқарорликда, бу эса депозитлар ва фоиз ставкаларининг динамикасида ўз аксини топади. Шунингдек, банклар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши ва кредитлар кўламининг кенгайиши банклараро пул бозорида фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келди.

2.2. Иқтисодий ўсиш турлари

Маҳсулот ўсиш суръати билан ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ўзгариши ўртасидаги нисбат иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив йўллари билан белгилаб беради.

Экстенсив иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади. Айтайлик, маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса кўпайтириш учун мавжуд корхона билан бир қаторда ўрнатилган ускуналарнинг қуввати, миқдори ва сифати ишчи кучининг сони ва малака таркиби бўйича худди ўшандай корхона қурилади. Экстенсив ўсишда агар у соф ҳолда амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади.

Интенсив иқтисодий ўсиш шароитида маҳсулот чиқариш миқёсларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларини сифати жиҳатидан такомиллаштириш: янада прогрессивроқ ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинadиган самаранинг, пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўз ифодасини топади. Бунда маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса ошириш учун мавжуд корхонага тенг бўлган яна бир корхона қуришга ҳожат йўқ. Бу натижага ишлаб турган корхона

реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, мавжуд ресурслардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкин.

Реал ҳаётда экстенсив ва интенсив омиллар соф ҳолда, алоҳида – алоҳида мавжуд бўлмайди, балки муайян уйғунликда, бир – бири билан қўшилган тарзда бўлади. Шу сабабли устивор экстенсив ва устивор интенсив иқтисодий ўсиш йўллари таҳлил қилинади.

Иқтисодий фан иқтисодий ўсишнинг биринчи марта К. Маркс томонидан кўрсатилган икки шаклини фарқлайди. Улар ишлаб чиқариш натижалари ва омиллари нисбати билан фаркланади.

Биринчи шакли иқтисодий ресурсларнинг ҳажмини ўсиши билан характерланади (ишлаб чиқариш омиллари), яъни янги корхоналарни, электр тармоклари, йўллар қурилиши, фойдаланиладиган янги ерларни, табиий ва меҳнат ресурсларини ва ҳ.к. ўзлаштирилиши. Бу шакл экстенсив иқтисодий ўсиш номини олган. Бу шаклдаги иқтисодий ўсишда ЯИМни ўсиши тирик ва ижтимоий меҳнат ҳажмини ўсиши ҳисобига эришилади, шу билан бирга жамиятдаги меҳнат унумдорлиги ўзгармасдан қолади.

Буни қуйидагича ифодалаш мумкин. Айтиб ўтилганидек, иқтисодий ўсишнинг ўлчови бўлиб ЯИМни маълум бир давр ичида ўсиш даражаси хизмат қилади:

$$\frac{Y_t - Y_{t-1}}{Y_{t-1}}$$

Бу ерда, Y_t - ЯИМнинг t давр ичида ўзгариши, Y_{t-1} ЯИМнинг ўтган даврдаги ҳажми. Шунда экстенсив ўсишни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин.

$$Y_t/N_t = \text{CONST} \quad \text{ёки} \quad \dot{Y}_t = \dot{N}_t,$$

Бу ерда N_t - фойдаланилаётган ресурслар сони (масалан, банд бўлганлар сони); $\dot{N}_t$ - ресурсларнинг маълум даврда ўсиши.

Иқтисодий ўсишнинг иккинчи шакли интенсив ўсиш деб аталиб, бунда ЯИМнинг ўсиши фойдаланилаётган ресурслар ҳажмини ўсишига қараганда тезроқ бўлади $\dot{Y}_t > \dot{N}_t$.

Маълумки, иқтисодиётнинг интенсив ўсиши жамият тараққиётининг асоси ҳисобланади. Шу билан бирга экстенсив ўсиш иқтисодий ўсишнинг содда шакли ҳисобланади.

Унинг асосий афзаллиги хўжалик ривожланиши суръатини оширишнинг осон йўли эканлиги ҳамда мамлакат иқтисодини нисбатан тез ва арзон ўсишни таъминлайди. Экстенсив ўсиш тарихан интенсив ўсишдан олдин кечадиган жараён. Ҳар бир мамлакат ўз вақтида экстенсив ўсишни бошдан кечиради. Мисол учун Ғарб мамлакатлари XX асрнинг биринчи ярмида экстенсив ўсишдан интенсив ўсишга ўтганлар. Голланд иқтисодчиси Я. Тинтергеннинг маълумотларига кўра 1870-1914 йилларда экстенсив ва интенсив ўсишнинг ўзаро нисбати қуйидаги кўринишда бўлган (2.2.1-жадвал)

2.2.1-жадвал

Иқтисодий ўсишда экстенсив ва интенсив омилларнинг нисбати⁵

Мамлакат	Ўсишнинг экстенсив/интенсив омиллари %
Буюк Британия	80/20
Германия	60/40
АҚШ	73/27

Кейинроқ америкалик иқтисодчи Р. Солоу АҚШда 1909-1949 йилларда ЯИМнинг 80%дан ортиқ ўсишига техника тараққиёти, яъни интенсив ўсишни сабаб бўлганини аниқлади.

Турли омилларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини ҳисоблаш бўйича катта тадқиқотчилардан бири бўлиб америкалик иқтисодчи Э. Денисов танилган. У иқтисодий ўсишни изоҳловчи омилларни икки тоифага ажратади. Биринчи тоифага ишлаб чиқаришнинг жисмоний омиллари (меҳнат ва капитал), иккинчи тоифага меҳнат унумдорлигини ошиши киритилди.

Инсон факторининг таъсирини ҳисоблашда фақат ишчи кучининг сонинигина эмас, балки ишчиларнинг жинси, ёши, маълумоти ва касбий тайёргарлигидан келиб чиқадиган меҳнат унумдорлигини ҳисобга олган.

⁵ Сакс Дж.Д., Ларен Ф.Б. Макроэкономика. Глобальный подход: Пер. с англ. – М.: Дело, 1996. -848 с.

Капитал омили таъсирини ҳисоблашда ҳам у бир қатор ўзгартиришлар киритган, яъни турар жой, ишлаб чиқариш дастгоҳлари, саноат иншоотлари, товарлар захираси, хорижий инвестициялар таъсирини ҳам ҳисобга олган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир алоҳида омилнинг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссасини аниқлаган.

Меҳнат унумдорлигани иқтисодий ўсишга таъсирини ҳисоблашда Э. Денисон фикрича бу таъсир қуйидаги жараёнлар натижасида ҳосил бўлади:

1. Технологик билимларни чуқурлашуви ёки ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш шароитни яхшиланиши;
2. "Қўлдан берилган имкониятни қайта тиклаш", бу юқори ривожланган мамлакатлар томонидан қолоқ мамлакатларга ўз билим ва тажрибаларини бериш ва бу орқали уларни оптимал нуқтага етказиш;
3. Ишлаб чиқаришнинг жисмоний омилларини яхшиланиши, бу омилларни кўпроқ фойда келтирадиган соҳа ва минтақаларга сарфланиши. Қачон омилларни жойлаштиришда оптимал ҳолат юзага келса, ишлаб чиқариш ўсади. Денисоннинг фикрича бу ҳилдаги оптималлаштиришнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:
 - а) қишлоқ хўжалигини интенсивлашуви натижасида ҳосил бўлган ортиқча ишчи кучини жойлаштирилиши натижасида йиғилган капитални яхшироқ ишлатилишини таъминланади;
 - б) кичик, мустақил ишлаб чиқарувчилар секторини қисқартириш (қишлоқ хўжалигидан ташқари банд бўлганлари) орқали аграр секторда бўлаётган ўхшаш ўзгаришларга эришиш;
 - в) халқаро савдодаги мавжуд чекловларни бекор қилиш орқали халқаро меҳнат тақсимотини яхшилаш.
4. ишлаб чиқаришни маҳсуслашуви ва миллий бозорларнинг катталашуви орқали иқтисодиёт масштабларининг ўсиши.

Э. Денисон томонидан келтирилган таҳлил АҚШ, Ғарбий Европа ва Япониядаги иқтисодий ўсиш суратларидаги фарқни тушунтириб беради. АҚШда иқтисодий ўсиш нисбатан сезиларсиз бўлиши билан бирга (1948

йилдан 1969 йилга қадар АҚШда иқтисодий ўсиш 3,87%, Ғарбий Европада 4,78% ҳамда Японияда 8,81%ни ташкил этган) бу ўсиш бошқа омиллар таъсирида рўй берган. АҚШда иқтисодий таққосланаётган мамлакатларга нисбатан кўпроқ меҳнат ва капитал сарфини оширишга асосланган бўлиб, меҳнат унумдорлигини оширилишига эътибор суғулдирилган. 1970 йиллар бошидан эса АҚШда меҳнат унумдорлигини ошириш иқтисодий ўсишга кучсиз таъсир ўткази бошлаган, сабаби атроф муҳитни ҳимоя қилиш ва инсон яшаш муҳитини ривожлантиришга маблағ ажратили бошлаган. Ғарбий Европа ва Японияда эса шароит умам бошқа бўлган. Ғарбий Европа мамлакатларидаги иқтисодий ўсиш 2/3 қисми меҳнат унумдорлигини ҳисобига рўй берган. Бунда Ғарбий Европа мамлакатларида АҚШни қувиб етишга бўлган ҳаракат, шунингдек ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, ишчи кучларини самарали жойлаштириш (яширин ишсизликни қисқартириш ва ишчи кучларини қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳаларга йўналитирилиши ҳисобига) асосий омилга айланди. Европа мамлакатларида иқтисодий ўсишга бўлган ижобий ялпи талабни оширишга олиб келди.

Японияда иқтисодий ўсишнинг 50% меҳнат ва капитал сарфи харажатларини ошириш ҳисобига қолгани меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига рўй берди. Э. Денисоннинг фикрича Япониядаги иқтисодий ўсишнинг асосий омил бу капитал қўйилмаларнинг ҳажмини оширишга боғлиқ бўлган. Бу омил ҳисобига 1948-1969 йиллардаги йиллик 8,81% иқтисодий ўсишнинг 2,1% тўғри келган. Технологик ривожланиш ҳисобига 1,97%, ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилиши ҳисобига 1,94%, иқтисодий ресурсларнинг самарали жойлаштирилиши ҳисобига 0,94% тўғри келган. Охириги омилнинг таъсирини юзага келишига сабаб қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётдаги салмоғини таҳлил қилинаётган ораликда 35,6%дан 14,6%га қисқариши ҳисобланади.

Э. Денисон таҳлили жуда қизиқарли ва қутилмаган ҳулосаларга бой, мантиқий кетма-кетликда ва аниқ эди, шунга қарамай бу таҳлил эълон

қилинғач жуда кўп танқидий фикрлар пайдо бўлди. Тадқиқотларнинг асосий камчилиги – Денисон томонидан омилларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини алоҳида ўрганганлигида ва бунда уларнинг ўзаро боғликлиги ва ўзаро таъсирини эътибордан четда қолдирганлигида бўлди.

1970 йилларда АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатлар иқтисодиётнинг ўсиши секинлашди. Бунга асосий сабаб меҳнат унумдорлигани ўсиш суръати пасайганлиги бўлди. 1980-1990 йилларда бу суръат бир мунча ўсган бўлсада, лекин "тез иқтисодий ўсишнинг олтин даври" дея таърифланган 1960 йиллардаги даражага ета олмади. Меҳнат унумдорлигини ўсишининг пасайишини иқтисодчилар қатор сабаблар таъсири билан изоҳлайдилар:

- Ишчи кучини жинсийғёши тўзилмаси ҳолатини ёмонлашиши билан (ёшлар сонини нисбатан кўпайиши, урушдан кейинги йилларда туғилганлар сонини кўпайиши, ва қисман иш билан бандликларни сонини кўпайиши);
- Атроф муҳитни яхшилаш учун сарфларни кўпайиши;
- Шу даврда дунё бозорида нефтьга нархларни ошиб кетиши (10-11 баробар);
- Янгиликларни киритишни камайиб кетиши;
- Далаат иқтисодиётни тартибга солишни зўрайиши.

Баъзи муаллифларнинг таъкидлашларича, нефть нархларининг ошиши натижасида мавжуд капиталнинг қадрсизланиши ва янги сармоялар ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ўрнига мазкур капитални қоплашга йўналтирилиши сабабли иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир кўрсатади. Шубҳасиз, бундай аргумент таҳлил қилинаётган даврга нисбатан тўғри бўлиши мумкин, бироқ, энергия жамғариш тармоқларида энергетик технологияларни алмаштиригандан сўнг иқтисоднинг тескари ривожланиши – ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши кўзатилади (80-90 йиллар бунга мисол бўла олади).

Баъзи олимларнинг фикрича, давлат назоратининг кучайиши эса барча тармоқларда иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатган. Шунингдек, Р.Дорнбуш ва С.Фишер бу тўғрисида шундай адолатли фикрни билдирганлар:

«Давлатнинг аралашуви, масалан ифлосгарчиликни олдини олишга қаратилган ҳаракатлари атроф муҳитнинг тозалигига ва миллатнинг соғлиғига катта ҳисса қўшади, аммо ЯИМ ўсишида ҳеч қандай таъсири бўлмайди».

Собиқ Иттифок даврида ўсиш суръатларининг экстенсив шаклидан интенсив шаклига ўтиши фақатгина **80-йилларнинг** охири ва 90-йилларнинг бошида режалаштирилган эди. Ушбу ҳаракат 80-йилларнинг ўртасида бошланган қайта қуриш даврининг энг асосий вазифаларидан бирига айланишга улгурган эди. 10- ва 11 -бешйилликларда (1975-1980, 1981-1986 й.й.) мамлакатда иқтисодий ўсиш деярли тўхтаб қолган эди. Бунга сабаб, иқтисодий ўсишнинг экстенсив факторлари, яъни иш кучининг оқими, табиий бойликларининг қазилиши, корхоналар даромадларининг ва давлат молиявий ресурсларининг ўсиши тўхтаб қолганлигидир.

Шунинг учун, 1985 йилда СССРда ижтимоий-иқтисодий ўсиш вазифаси эълон қилинди. Бунда, иқтисодий ўсишнинг интенсив шаклига ўтиш назарда тутилган эди. Бу мақсадларда қуйидаги 3 та инструмент кўзда тутилган:

- инсон факторини жадаллаштириш ва бу кўрсаткичнинг иқтисодий ўсишдаги улуши, олимларнинг фикрича, 10% бўлиши керак эди;
- ўсиш суръатини 20% кўрсаткичида таъминлашга мўлжалланган хўжалик механизмини такомиллаштириш;
- иқтисодий ўсишнинг 70% улушини ташкил этиши кўзда тутилган илмий – техник ривожланиш суръатларини жадаллаштириш.

Дастлабки босқичларда СССРда инсон факторларининг жадаллашуви барча табақаларда – меҳнат жамоалари ва умумдавлат поғоналарида - пропаганда тадбирларини амалга ошириш орқали рўй берган. Кейинчалик моддий манфаатдорликни ҳам ҳисобга олган ҳолда хўжалик механизмини такомиллаштириш оидин масалага айланиб қолди. Бу эса иқтисодиёт илмида баҳс – мунозаралар ҳамда ишлаб чиқаришда хўжалик экспериментларини юзага келишига сабаб бўлган. Натижада хўжалик механизмини қайта қуришда асосий вазифалардан бири ишлаб чиқаришнинг пудратчилик шаклидан фойдаланиш эканлиги тан олинди. Пудратчилик

иқтисодиётни хусусийлаштириш ва меҳнат жамоаларига кенгрок иқтисодий эркинлик яратилишини англатади: бунда ишлаб чиқариш манбаларига бўлган юридик ҳуқуқ давлатга тегишли бўлиб, меҳнат жамоалари эса ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тўла ҳуқуқли эгалари ҳисобланган. Уларнинг шартномалар тўзишда, нархларни белгилашда, маҳсулот хажмлари ва етказиб бериш муддатларини аниқдашда эркин эканликлари хўжалик турининг янги шarti – бозор механизмини яратиш ва ривожлантиришга асос солган. Ваҳоланки, 90-йилларнинг бошида СССРда, кейинчалик Россияда давлат мулкни тўлиқ хусусийлаштириш жараёни бошланганлиги сабаби, пудратчилик бозор муносабатларига ўтишда ўзининг афзалликларини окдай олмади. Хусусийлаштириш жараёнининг жадаллашуви ва унинг ваучерлар (бепул) асосида амалга оширилиши бутун иқтисодиётда ва жамиятда тўзулмавий нуқсонларни келиб чиқишига сабаб бўлди: асосий ва айланма капиталнинг самарадорлиги пасайди, миллий хўжаликнинг макроиқтисодий бошқарилиши сусайди инвестициялар ва ишлаб чиқариш кескин равишда пасайди. Хусусан, 1993 йилда Россияда металл ва металлга ишлов берувчи ускуналарнинг хажми 1989 йилга нисбатан 30%га пасайди, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, мато ва пойафзалларнинг ишлаб чиқариш хажми 50-60%га пасайди. Мамлакатнинг ЯИМ хажми 1990 йилдан 1992 йилгача деярли 2 бараварга қисқарди.

Шундай қилиб, 90 - йиллар бошида Россия бозор ислохотларини амалга оширишга киришганда, мамлакатда иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан вакуум ҳосил бўлди - ўсишнинг экстенсив факторлари батамом тугатилган эди, интенсив факторлар эса ҳали тайёрланмаган эди. Бундан ташқари, қайд этиш керакки, ўтмишдаги ўсишнинг экстенсив факторлари мамлакатга янги шароитларда хўжалик юритиш учун объектив ва субъектив имкониятларни тайёрлаш имконини бермади. Гап шундаки, ўсишнинг экстенсив усулининг нафақат ижобий томони (оддий ва арзон ўсиш, маълум бир чегараларгача) балки салбий томони ҳам мавжуд:

- маҳсулот ишлаб чиқаришнинг микдорий ўсиши техник – иқтисодий прогресс билан кўзатилмаганлиги сабабли, унга техник қотиб қолишлик хусусиятлидир;

- аксарият ҳолларда ишлаб чиқаришнинг ўсиши харажатли характерни ўзига қабул қилади. Бу иқтисодиётнинг ўсиш темплари ишлаб чиқаришда иқтисодий ресурсларни кўпайтириш ва уларни жалб қилиш темпларидан орқада қолишиши аниқланади. Ҳарб мутахассисларининг фикрига кўра, АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатларга қараганда Россияда ҳар бир маҳсулот сонига 2-3 марта кўп бўлган хом ашё, материаллар ва энергиялар тўғри келади. Экстенсив ўсишнинг баҳоси шундай.

9-5 йилликдаги экстенсив ўсишнинг кўриниши диаграмма акс эттириши мумкин. Унда асосий капиталга ва материалларга харажатларнинг ўсиши мамлакат ЯИМ ўсишидан кўплиги кўрсатилган, ва фақат ишчи кучининг табиий чегараланганлиги унинг йирик масштабларда фойдаланишига йўл қўймапти.

Интенсив ўсиш модели бир қатор янги тавсифларга, хусусиятларга ва устунликларга эга:

- иқтисодиёт ўсишининг бир мунча қийин усули бўлиб, унда илмий-техник ривожланиш ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Шунга мувофиқ, у ишлаб чиқариш кучлари, техника, технологияларнинг юқори даражада ўсишини ва ходимларнинг юқори маълумотини ва мутахассислигини назарда тутди.

- иқтисодиётнинг айнан анашу ўсиш усули ресурсларнинг чегараланганлик муаммосини ҳал этиш имконини беради. Бу эса, айнан мана шу усулда иқтисодиёт ўсишининг асосий манбаларидан бири бўлиб ресурсларни тежаш ҳисобланади, бу жамият учун ресурслар ўсишига қараганда бир мунча арзонга тушади. Мисол учун, 1 тонна ёқилғини тежаш (7 минг килокалорий), 1 тонна ёқилғини қазиб чиқаришга қараганда 3 – 4 маротаба кам харажатни талаб қилади. Бироқ, иқтисодиётнинг интенсив ўсиш усулига ўтиш осон иш эмас. Иқтисодиёт таркибини прогрессив қайта қуриш, илмий

соҳалар улушини кўпайтириш, ишчи кучини тегишли қайта тайёрлаш, ишлаб чиқаришнинг иқтисодиётда кўчиб юришидаги енгиллик ва бошқалар талаб қилинади. Шу сабабдан, бозор ислохотлари йўлидан ҳаракатланиш иқтисодиёт ўсишининг интенсификациялаш (кучайтириш) шартларидан биридир.

2.3 Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари

Кўпгина давлатлар ўзини даражасини АҚШ билан тенглаштиради. Турли ҳилдаги ишлаб чиқариш омилларини бирикиши ҳамда ҳар – ҳил давлатларнинг ривожланиши шароити, иқтисодий ривожланиш даражасини белгилаб беришга йўл қўймайди, деган бир фикр мавжуддир. Бунинг учун бир қатор асосий кўрсаткичлар қўлланилади:

1. Аҳоли сонига тўғри келадиган ЯИМ;
2. Аҳоли сонига тўғри келадиган ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни турлари;
3. Аҳолини турмуш даражаси ва сифати;
4. Иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг натижаси;

Айтиб ўтиш жоизки иқтисодий ривожланиш даражаси бу тарихий тушунча бўлиб, миллий иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир поғонаси ҳамда жаҳон ҳамжамиятига унинг асосий кўрсаткичларига озми – кўпми ўз таъсирини кўрсатади.

Аҳоли сонига тўғри келадиган ЯИМ кўрсаткичи иқтисодий ривожланиш даражасининг ташқисини аниқлаб берувчилардан ҳисобланади. Бир қанча ривожланган давлатлар 90 йилларнинг ўрталарида АҚШ да аҳоли сонига ЯИМ кўрсаткичи жуда юқори даражада бошқа ривожланган давлатларга солиштирганда, лекин бошқа кўрсаткичларга қараганда иқтисодиёт соҳасининг тизими аҳоли сонига тўғри келган ишлаб чиқаришган маҳсулотларнинг турлари ва бошқалар бундай давлатлар ривожланган давлатлар сарасига кирмайди. Бошқа кўрсаткичлар халқаро кўламда кенг қўлланиладиган, иқтисодий

соҳасининг тизими ҳисобланади, тизимларга бўлиб чиқарилиб унга ЯИМ асосида ташҳис қўйилади.

Биринчи навбатда халқ хўжалиги соҳасида йирик тизимлардан яъни молиявий ва молиявий бўлмаган маҳсулотлар орасидаги фарқ ўрганилиб чиқилади.

Бу солиштирув биринчи навбатда ишлаб чиқаришнинг умумий белгилаб беради. Бошқа соҳаларнинг тизимини ўрганиб чиқиш ҳам катта аҳамиятга эга. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш соҳасидаги ташҳис натижалари шуни кўрсатадики, машинасозлик ҳамда химия соҳалари қандай аҳамиятга эга ва бошқа соҳалар илмий-техникавий ўсишни таъминлаб берувчи.

Масалан: ишлаб чиқаришдаги олдинга бораётган давлатларда машинасозлик соҳасидаги кўрсаткичлар 150-200 ундан ҳам юқори кўрсаткичи паст бўлган иқтисодий ривожланиш даражаси 10-15 даража паст бўлган давлатлар ҳамда бошқа турдаги соҳаларнинг эгалаган янги йирик хўжалик ёқилғи-энергияси, агросаноат, қурилиш ҳамда ҳом-ашё, ҳарбий бўлинма ва ҳ.к.

Давлатнинг иқтисодий ривожланиш даражаини уни асосий ишлаб чиқараётган маҳсулотига қараб белгиланади (миллий иқтисодиётнинг таянчи ҳисобланган маҳсулотларни). Шу асосий ишлаб чиқариш ган маҳсулотларнинг қанчалик давлат учун эҳтиёжини қондираётганлигига қараб берилади. Биринчи ўринда бундай асосий ишлаб чиқариш га етарли даражада электр қуввати олинади. Электр қуввати ривожланиш асосида етади, ҳамда бунинг орасида яна бир соҳа чамбарчас ётади яъни техникавий ривожланиш ҳамда буларнинг ишлаб чиқариш сифати сони ва хизмат кўрсатиш эътиборга моликдир ва ҳ.к.

Ҳозирги вақтда ривожланган ҳамда ривожланиш паст бўлган давлатларда бу кўрсаткич 500та га 1 та тўғри келадиган, баъзи ҳолларда ундан ҳам кўпроқ. Бу аҳоли сонига тўғри келадиган асосий ишлаб чиқариш ётган маҳсулотдир. Статистика шуни кўрсатадики яъни мис ишлаб чиқариш, метал эритиш, станоклар, автомобиллар, минерал ўғитлар, ҳиллик толалар ва бир қатор бошқа маҳсулотлар.

Миллий Институти ишлаб чиқараётган меъёрларга асосан бу ишлаб чиқариш ган маҳсулотларнинг сифатини белгилашга ёрдам беради, яъни бир қанча муҳим кўп муддатга етадиган маҳсулотлардан бу мўзлатгич, кир ювиш машинаси, телевизор, енгил автомобиль, видеоаппарат ва бошқалар. Аҳолининг яшаш даражасининг давлатдаги ЯИМнинг ҳам йўлга қўйилганига боғлиқ. Ўзоқ муддатга етадиган маҳсулотнинг истеъмолчи томонидан қанча кўп олинса бу аҳолининг яшаш шароити яхшилигидан далолат беради ва бу аҳолининг яшайдиган давлат анча иқтисодий томонидан яхши ривожланган ҳисобланади.

Одатда аҳолининг турмуш даражасининг қўйидаги 2 та кўрсаткичлари ўзаро боғлиқлиги орқали белгиланади. Меҳнат ресурсларининг ҳолати ўртача ҳаёт кечиришнинг давомийлиги аҳолининг саводхонлиги даражаси, аҳоли сонига тўғри келадиган асосий маҳсулотларнинг истеъмоллик даражаси, меҳнат ресурсларининг квалификациялилиқ даражаси 10минг аҳоли сонининг ичидан қанчаси ўқиётгани ва талабларининг сони ЯИМ даги билимларни оширишдаги сарф харажатларнинг сони, соҳа хизматларининг ривожланиши (10минг та аҳолига тўғри келадиган шифокорлар сони 1минг аҳолига тўғри келадиган шифохонадаги ўринлар сони, аҳолининг ўй-жой билан таъминлаганлиги ўй жиҳоз ва ҳ.к.).

Охирги йилларда жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, турмуш сифатини аниқлаш учун ўз ичига ижтимоий иқтисодий кўрсаткичларни ҳамда аҳолининг саводхонлигини ошириш ҳаёт кечириш давомийлиги айрим кўрсаткичлардан ёки бўлмасада умумжамиятнинг ривожланишини таъминловчи индекслардан фойдаланмоқда ва ҳ.к. ўз ичига қамраб олган.

Шу кўрсаткичларга алоҳида тўхталиб ўтилади, энг муҳимларини айтиб ўтишимиз лозим:

- Меҳнат билан таъминлаш (ишлаб чиқариш ва аграр хўжалиги, ишлаб чиқариш алоҳида соҳалари).
- ЯИМ капитал сифимининг бирлиги ёки аниқ бир ишлаб чиқариш кўриниши.

- Фондларнинг асосий фонд тақсимлаш бирлиги
- ЯИМ нинг хом-ашё сиғими бирлиги ва асосий ишлаб чиқариш кўриниши.

Охирги йилларда Халқаро Валюта Фонди ҳамда МДХ да қабул қилинган кенг камровли рақобатбардош кўрсаткичлардан фойдаланилмоқда, бир қатор кўрсаткичлар нарх-навони ўсишини ўлчаш учун ҳамда давлатда ишлаб чиқариш ган маҳсулотни қолиб кетишини ва бошқа ривожланган давлатларда нисбатан солиштириш кўрсаткичларидир.

- Маош тўлаш учун кетаётган сарф харажатлар (1та ишлаб чиқариш ган маҳсулотнинг ҳисобига)
- Бир иш куни кетадиган меъёрий сарф харажатлар(1та ишлаб чиқариш ган маҳсулотнинг ҳисобига)
- Нарх-наво устига қўшилган элементларнинг даражаси ва ҳ.к. биринчи ишлаб чиқариш факторларини сарф харажатларнинг кўрсаткичлари.
- Маҳсулотнинг чакана нархининг солиштириш даражаси. Экспорт қилинадиган товарнинг солиштириш даражаси. Албатта бу система давлатнинг иқтисодий ривожланишининг тўлақонли кўрсатиб бера олмайди, лекин айрим фаолияти соҳаси халқаро бозорда рақобатбардошлиги яққол кўрсата олади.

Иқтисодий ўсиш 2 усул билан аниқланади ва ўлчанади.

1- усул реал ЯИМ ни (ЯММ,СММ) ўтган даврга нисбатан ўзгариши сифатида аниқланади ва мамлакатнинг умуиқтисодий имкониятлари ҳаракатини ифодалаш учун ишлатилади.

2- Усул реал ЯИМ ни (ЯММ , СММ) ўтган даврга нисбатан аҳоли жон бошига ўзгариши сифатида аниқланади ва мамлакат ижтимоий ривожланиши даражасини ва ҳаракатининг сифат ўзгаришларини ифодалаш учун фойдаланади. Иқтисодий ўсиш суратлари ва қўшимча ўсиш суръатлари бир-биридан фарқланади:

Қўшимча ўсиш суръатлари қўйидаги формула бўйича аниқланади.

Бунда , Y_0 – базис йилдаги реал ЯИМ, Y_i - шу йилдаги реал ЯИМ, Y_{i-1} - бундан аввалги йилдаги реал ЯИМ

Кўпчилик мамлакатларнинг тарихий тажрибасида тасдиқланган қонуният борки, унга кўра иқтисодий ўсишнинг кўлами ва суръатлари ўзаро тескари муттаносибликда ўзгаради, яъни ўсиш кўлами миқдоран ошган сари, унинг суръатлари пасайишига мойил бўлади. Иқтисодий ўсишнинг нафақат миқдорий, балки сифат меъёри ҳам мавжуд.

Иқтисодий даврларининг хусусияти ва кўриниши. Иқтисодий тараққиёт доимий тебранишларга учраб туради – пасайиши, танглилик даврлари иқтисодий фаоллик ва кўтарилиш билан алмашади. Иқтисодий ўсишнинг даврийлик хусусияти фан – техника тараққиёти билан боғлиқ. Шу туфайли асосий фондларни сақлаш йўли билан янгиланиши юз беради , янги технологик жараёнлар татбиқ этилади, миллий даромад, истеъмол, жамғариш ва инвестициялар ўртасида ўзаро боғлиқлик ўзгаради. Иқтисодий ўсиш ҳолатида ишлаб чиқаришнинг ҳажмини вақти-вақти билан бўлиб турадиган бундай кенгайиши ёки қисқариши иқтисодий давр деб аталади. Иқтисодий даврлар давом этиш муддатига кўра қуйидагиларга бўлинади:

- қисқа (3- 4 йил) муддатли, товар – моддий захираларнинг ўзгариши билан асосланган;
- ўрта (7 – 8 йил) муддатли асосий фондлар асбоб – ускуналарни алмаштириш сифатидаги ўзгаришларидан келиб чиқади;
- Кўзнец даври (15 – 20 йил) қурилиш давр назариясининг асосчиси Америка иқтисодчиси Саймон Кўзнец номи билан аталган. Бу давр турар жойларни ва баъзи ишлаб чиқариш иншоотларни вақти - вақти билан оммавий равишда янгиланиши билан боғлиқ бўлган тебранишлардир ;
- узун тўлқинлар (50 – 60 йил), инфраструктурани янгиланиши ва тубдан янги технологик жараёнларни киритиш билан асосланади ва рус тадқиқотчиси Н. Кондратьев номи билан номланади;

- иқтисодий даврни ўрганиш давлат томонидан даврийликка қарши қаратилган чора – тадбирларни амалга ошириши ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарурдир.

Иқтисодий ўсиш жараёнини сони ва сифати ўзгариши. Жамиятда ҳамда иқтисодиётнинг сони ва сифати ўсиши билан иқтисодий ўсиш жараёни белгиланади.

1. Иқтисодий жараёнлардаги ўзгаришлар ўзи орқали бошқа катта ўзгаришларга сабаб бўлади, яъни, институтлардаги ижтимоий ўзгаришларни олиб келади. Гап модернизация ҳақида бормоқда, иқтисодий режа ижтимоий ва ҳуқуқий тенгликни таъминлаш. Фуқароларнинг ишлаб топган соф фойдаси институтцион реформалар, ер бўйича саводхонлиги, салмоқни сақлаш, давлатни юритиш, меҳнатсеварликни таъминлаш, ҳақиқийлик ўз-ўзига ишониш, ўзгаришларга тайёрлик.

2. Иқтисодий ўсish жараёни бир қанча факторлар орқали белгиланади:

а) тақлиф факторлари (ишчи кучининг сони ва сифатининг ўсиши, маблағ, табиий хом-ашё, технологияни яхшиланиши ва ишлаб чиқариш ни ташкиллаштириш, ишбилармонликка мослилик)

б) талаб ва тақсимлаш факторлари (бозорда монополияни даражаси тушиб кетиши, солиқ яхши ўйлга кўйилиши, талабнинг кўпайиши, инвестицион ва давлатнинг харажатлари кўпайиши).

Иқтисодий класификацион ўсиш факторлари 2 категорияга бўлинади:

а) ишлаб чиқариш нинг физик факторлари

б) меҳнатни ишлаб чиқариш факторларнинг ўсиши

в) қўйидаги факторлар иқтисодий ўсиш турини белгилаб беради.

Иқтисодчилар 2 та турни ажратишади: экстенсив қачонки иқтисодий ҳам олий сифатли кўринишда тортиқ этилсалар ва интенсив, лекин тўғридан-тўғри бу турлари биттаси ҳам алоҳида якка ҳолда учрамайди, ушанинг учун гап фақат бу турларнинг ваколатлари ҳақида бориши мумкин. Интенсив ўсиш ўзини алоҳида ваколатларига эга:

- а) бу жараён илмий техникавий ўсиш орқалинамоён бўлади, ўшанинг учун куп иш маҳоратли ишчини талаб этади.
- б) ҳом-ашё камайиб кетиш муаммоси олдини олади унинг учун бу турнинг асосий кўриниши ҳом-ашё сақлаш манби ҳисобланади.
- в) жамиятнинг яхши яшашига ёрдам беради.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва уларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолаб беринг.
2. Интенсив ва экстенсив ўсишни тушунтриб беринг ва нима учун улар соф якка ҳолда учрамайди?
3. Нима учун 1960 йиллар Ғарбий Европа иқтисодиётида олтин давр ҳисобланган. Унинг 1970 йиллардаги ўсишини сусайиши сабабини тушунтириб беринг.
4. Инсоннинг жамғармасига сарфланаётган маблағлар иқтисодий ўсиш омиллари ҳисобланадими?
5. Нима учун собиқ Иттифоқ даврида интенсив иқтисодий ўсиш муаммолари 1980 йилларда кўтарилди?
6. Россиядаги иқтисодий ўсишга йўналтирилган асосий иқтисодий омилларни айтиб ўтинг.
7. Иқтисодий ўсишда омилларнинг улуши қандай аниқланади?
8. Иқтисодий ўсишни таҳлил қилишда қанақа иқтисодий сифат кўрсаткичлардан фойдаланилади?
9. Базис ўсиш суръати, занжирли ўсиш суръатини таърифлаб улар ўртасидаги боғлиқлик ва фарқларини изоҳлаб беринг?
10. Иқтисодий даврларни изоҳлаб беринг.

3-БОБ: ИҚТИСОДИЙ ЎСИШДА КЕЙНСЧИЛАР МОДЕЛИ.

3.1 Иқтисодий ўсишда ижтимоий-иқтисодий моделлар.

Иқтисодий ўсишда шундай омиллар ҳам борки, уларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини аниқлаш қийиндир. Масалан, АҚШ нинг бой табиий захиралари давлатнинг иқтисодий ўсишга катта хисса қўшган. АҚШ да мўл ҳосил етиштириш учун табиий шароитлар, энергетик захиралар, минерал ва бошқа ресурслар кўп. Ушбу захираларни ҳажми жиҳатдан АҚШ га фақатгина Россия ёки Канадани тенглаштириш мумкин. Лекин табиий ресурсларнинг ўзигина иқтисодий ўсишни таъминлаб беролмайди. Иқтисодий табиий ресурслари кам бўлган давлатлар ҳам иқтисодий ўсиш тез суръатларда бўлиши мумкин масалан. Япония чекланган ресурсларга эга бўлиб 2 жаҳон урушидан кейин тез суръатларда ривожланган. Бундан ташқари шундай омиллар ҳам борки уларни баҳолашнинг умуман иложи йўқ масалан АҚШ нинг иқтисодий ўсишига давлатдаги умумий социал, маданий ва сиёсий муҳит ҳам муносиб роль ўйнаган.

1. АҚШ да бошқа давлатларга нисбатан ижтимоий, маънавий чеклашлар деярли йўқ ривожланиш учун барча шароитлар яратилган. Америкаликлар орасида бизнесмен, новатор, кашфиётчилар катта ҳурматга эга.
2. Америкаликлар орасида тадбиркорлик меҳнат ва таваккалчилик муносабат ўзгача.
3. Америкадаги бозор иқтисодиёти тизими иқтисодий ўсишга олиб келувчи ҳар қандай ҳаракатни рағбатлантиради.
4. АҚШ иқтисодиёти барқарор сиёсий тизимга асосланади, бундан ташқари демократик принциплар, хусусий мулк ҳуқуқи ва бошқалар давлат томонидан ҳимоя қилинади. Кўзатишлар шуни кўрсатдики. Эркинликлар кўроқ давлатда ўсиш ривожланиш юқорироқ бўлади. Ушбу барча омиллар биргаликда АҚШ да иқтисодий ўсиш учун замин яратмоқда

Денисон кўзатиши потенциал ва реал миллий даромадни тушунтириб беради. Хар йилги 2,9% иқтисодий ўсиш ва ЯИМ нинг ялпи талаб тебранишларни таъсирида ўзгариши тушунтирилади. Агарда Америка иқтисодиёти йил сайин бир меъёрга бўлганида хар йилги иқтисодий ўсиш тахминан 0,2-0,3% юқори бўларди.

Эслатиб ўтамиз, тахлилга кўра, иқтисодий фаолият натижалари потенциал ҳисоблардан анча паст бўлиши мумкин. Иқтисодий ўсишга энг катта салбий таъсир 30-йиллардаги Буюк депрессия даврида бўлган 1929-33 йиллар оралиғида АҚШ да ЯИМ 823 млрд доллардан 587 млрд дол. тушган ва 1929 йил кўрсаткичига қайтган. 1980-1982 йиллардаги иқтисодий тушкунлик АҚШда 600 млрд дол. маҳсулот ва даромадни йўқотишга олиб келди.

1-жадвал

ЯИМ ва аҳоли сонига нисбатан. ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши 1948-1994 йиллар (%)⁶

Давр	Ишлаб чиқариш йиллик ўсиш суръатлари	ЯИМ йиллик ўсиш суръати жон бошига
1948-1966	3,2	2,2
1966-1973	2,0	2,0
1973-1981	0,7	1,1
1981-1990	1,3	1,8
1990-1994	2,0	1,2

70-80 ва 90 йиллар бошида ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши кўзатилди буни жадвалдаги кўрсаткичлардан кўриш мумкин. Жадвалнинг 2 устунида кўрсатилганидек иккинчи жаҳон урушидан сўнг (1948-1966) ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши кўзатилган ва ўртача 3,2% 1 йилда бироқ 1966-73 й ушбу ўсиш пасайган. Ундан кейин пасайиши янада сезиларли бўлди. (1973-1981). Ишлаб чиқаришнинг пасайиши жаҳоннинг барча давлатларида

⁶ Сакс Дж.Д., Ларен Ф.Б. Макроэкономика. Глобальный подход: Пер. с англ. – М.: Дело, 1996-848 с.

кўзатилса ҳам АҚШ да унинг таъсири бошқа давлатларга нисбатан сезиларли бўлади. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши бир қатор сабаб оқибатларга сабаб бўлади.

1. Турмуш даражаси. Ишлаб чиқариш даражасининг ўсиши турмуш даражаси ва иш ҳақни кўтариш мумкин бўлган асосий омиллардан биридир. Бир иш соатида қанча кўп маҳсулот ишлаб чиқарилса бир соатлик реал даромад ҳам шунча ошади 3 жадвалида ҳаққини кўтариш мумкин бўлган асосий омиллардан биридир. Бир иш соатида қанча кўп кўрсатилганидек турмуш даражасини белгилловчи асосий кўрсаткич бу реал ЯИМ аўоли жон бошига нисбатан ўсиши ҳисобланади.

1. Инфляция. Ишлаб чиқариш суръатларининг ошиши инфляциянинг пасайиши ёки умуман бартараф этилишига олиб келади. Шунга кўра ишлаб чиқариш ўсишининг пасайиши инфляциянинг суръатини юқори бўлишига олиб келади. Кўпчилик иқтисодчиларнинг фикрига кўра айнан ишлаб чиқариш суръатининг пасайиши 70 йилларда инфляциянинг кескин кўтарилишига олиб келган.

2. Жаҳон бозори. АҚШ да ишлаб чиқариш суръатларининг бошқа давлатларникига нисбатан пасайиши маҳсулотларнинг нархининг ошишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида А+Ш товарларига жаҳон бозоридаги талаб тушиб кетишига сабаб бўлади. Америка товарлари бозордаги рақобатга дош беролмайдилар

Америкалик иқтисодчилар, мутахассислар орасида АҚШ нинг ишлаб чиқариш суръатлари ўсиши секинлашуви ва Япония, /арбий Европа мамлакатларидан ортда қолганлиги сабабларини тушунтиришда ягона бир фикр йўқ. Чунки ишлаб чиқаришга кўплаб омиллар таъсир этади, шу омиллардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

Ишчи кучи сифати. Ўсишнинг кескинлашуви сабабларидан бири бу ишчи кучи сифатининг секин ривожланиши. Бунга уч фактор таъсир этмоқда.

1. Иш кўникмалари йўқолиши. Етарли малака ва кўникмага эга бўлган ишчилар аста секин ишлаб чиқаришдан четлашмоқда уларнинг ўрнини босувчи

кадрлар эса етарли малака ва кўникмага эга эмас бу эса ишлаб чиқариш суръатларига таъсир этмоқда. Бундан ташқари ишлаб чиқаришда аёлларнинг сони ортиб бормоқда. Улар ҳам етарли малакага эга эмас ва иш савияси ҳам пастроқ.

2. Ишчи кучи савиясининг пасайиши. Америкада қатор йиллар давомида имтиҳон баҳоларини пасайтирилиши таълим олаётганларнинг савияси пасайганлигидан далолат беради.

3. Таълим савияси ўсишининг кескинлашганлиги. Агарда 1970 йилда ўрта таълим 12,1 йилни ташкил этган бўлса, 1993 йилда 12.7 йил бўлган ва деярли ўсмаган.

4. Техника тараққиёти. Ишлаб чиқаришга таъсир этувчи техника тараққиётининг бироз сусайиши. Техника тараққиёти илмий тадқиқотлар (НИОКР) билан бевосита боғлиқ. Илмий тадқиқотларга ажратиладиган маблағ АҚШ да чиқаришда ҳам тушкинлик кўзатилади. Бундай шароитда корхоналарнинг тўла қувват билан ишламаганлиги ҳам ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг пасайиши ва умуман ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишига олиб келди.

Ишлаб чиқаришдаги ўзаро муносабатлар. Яна бир нуқтаи назарга кўра ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши сабаби раҳбар ва ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар кескинлашуви деб ҳисоблашмоқда. А+Ш га хос хусусият бу ишчилар орасидаги кескин рақобат. Ишчилар орасида ижодий фикрлаш йўқ чунки, ташаббускорлик кўп корхоналарда рағбатлантирилмайди. Менеджерлар ҳам керакли ташаббускорликни кўрсатмайдилар, стратегик режалаштириш ҳам етарли рағбатлантирилмайди. Ишчиларнинг иш жойи кафолатланмаган. Масалан, Японияда аксинча кўпинча малакали ишчилар, менеджерлар иш ўрни кафолатланган ва улар ҳар қандай ҳолатда ҳам ишсиз қолмайдилар. Бу ишчиларни ижодий фикрлашга, ташаббускорлик кўрсатиб ўз корхонаси фаолияти учун жон куйдиришга рағбатлантиради. Яна бундай тизим ортиқча назоратчиларни сонини камайтиради ва шу тежалган маблағ 3% дан 1% га камайтирилди (ЯИМ га нисбатан). Лекин кўпчилик иқтисодчилар

НИОКР га ажратилаётган маблағ миқдори илмий тараққиётга таъсири кам деб ҳисоблашади.

Инвестициялар ЯИМ нинг жамғариладиган қисми билан ишлаб чиқариш ўсиши орасида боғлиқлик мавжуд. Бугунги кунда ЯИМнинг камроқ қисми бевосита инвестиция қилинмоқда бунга бир неча сабаб бор.

1. Омонат нормаси пастлиги.
2. Импорт товарлари рақобати.
3. Давлат бошқаруви.
4. Инфраструктурага қилинадиган харажатларнинг камайтирилиши.

Ёқилғи маҳсулотлари нархи. Ишлаб чиқариш пасайишига катта таъсир 1973-1975 ва 1975-1980 йилларда нефть маҳсулотлари нархининг 4 баробар ошиши. Бундай ҳолат бутун жаҳонда кўзатилади. Ушбу икки даврда нефть нархининг кескин ортиб кетиши стагнация-иктисодий тушкунлик ва инфляцияга сабаб бўлди. Давлатнинг инфляцияни пасайтиришга қаратилган микроиктисодий сиёсати аксинча иқтисодий тушкунликни авж олдирди. Бундай тушкунлик даврида ишлаб чиқаришда ишчиларни рағбатлантиришга ва ўринбосар кадрлар тайёрлашга йўналтирилди.

1981 йилдан сўнг ишлаб чиқариш динамикасида ўсиш кўзатилди. Буни 3 жадвалидан кўриш мумкин. Ишлаб чиқариш суръати 1973-1981 0,7% дан 1981-1990 й 1,3% га ўсган. 1991 йилда 1% лекин 1993 й 3% ни ташкил этди. Демак ўртача ўсиш 1990-1994 йиллар оралиғида 2% ни ташкил этган. Бу даврда ишлаб чиқариш суръатининг ўсишига салбий таъсир этувчи кўп омиллар бартараф этилди. Ёқилғи нархлар барқарорлашиб стагнация бартараф этилди. 1977 йилдан сўнг НИОКР га ажратмалар суммаси кўпайиб борди. Компьютер ва электрон технологияларда улкан ривожланиш сезилди. Олий маълумотли мутахассислар маоши оширилди ва уларни рағбатлантиришга катта эътибор берилди. Бу ўз навбатида олий маълумот олишга қизиқишни оширди. Ишчи кучининг малакаси ва савияси 60-70 йилларга нисбатан ошди. Ўзаро муносабатлар яхшиланиб ишчиларни қарор қабул қилишдаги, иштироки ошди

ва рағбатлантирилди. Лекин бундай ижобий ўзгаришлар вақтинчалик ёки доимийми аниқ эмас.

Ривожланган мамлакатларнинг ишлаб чиқариш суръати йиллик 2-7% ўсиши қачонгача давом этади деган савол туғилади. Лойиҳачилар худди шу саволга жавобан “охири замон” дебном олган моделларни ишлаб чиқишди. Унга кўра ер ресурслари кескин камайиб бормоқда аҳоли сони эса геометрик прогрессия бўйича кўпаймоқда. Нефть кўмир мис каби бир қатор ресурслар тугамоқда. Бундан ташқари ишлаб чиқариши ва истеъмол давомида ҳосил бўлган чиқиндилар жаҳон экологик ҳолатини издан чиқариши мумкин. Ушбу модель лойиҳачилари фикрига кўра ҳозирги ҳаёт бу модель тўғрилигини исботламоқда. 80 йилданкейинги ишлаб чиқариш ўсиши ресурсларни тез сарфланишига олиб келди. Жаҳон океанидан овланадиган балиқ ҳажми ошиб бу маҳсулотлар регенерацияси (қайта тўлиши) дан юқори бўлди

Жаҳон барқарор жамият барпо этиши учун кескин қарорлар қабул қилиши шарт. Барқарор жамият ўз ҳаётини таъминловчи моддий ва ижтимоий неъматлар системаси бўлиб уни асраб издан чиқишига йўл қўймаслиги керак. Бунинг учун куйидагилар таклиф этилади. 1) аҳоли ва ишлаб чиқариш суръатларини ўсишини пасайтириш.

2) қайта тўлмайдиган ресурслардан ишлаб чиқаришда фойдаланишни камайитириш.

3) қайта тўлувчи ресурслардан фойдаланишни уларнинг регенерация (қайта тўлиши) даврини ҳисобга олган ҳолда ишлатиш.

4) Чиқиндилар чиқаришни чегаралаш табиатни муҳофаза қилиш.

Танқид

“Охири замон” имитацион моделлари кўп баҳсларни ва норозиликларни келтириб чиқарди. Рақамлар уйини. Лойиҳачилар модельни ишлаб чиқаришда аҳоли ва ишлаб чиқариш ҳажми экспонента бўйича кўпайиб боради деб тахмин қилишган. Аслида эса бунда бир қатор ижобий омилларни ҳисобга олинганда рақамлар нисабатан ижобий суръат касб этади.

1. Технология ва ресурслар кўпайиши. Яна бир норозилик сабаби шуки техника тараққиёти ресурслар кўпайишига, ресурсларнинг янги турларини кашф этилишига ресурсларни қайта ишлашнинг янги янада самаралироқ усуллари қўлланилишига олиб келади. Масалан бугунги кунда нефть конларини очиш в нефтни қайта ишлаш бўйича технологиялар 1900 йилгига нисбатан бир неча ўн баробар ўсди. Бундан ташқари янги технологиялар тугаб бораётган ресурснинг ўринбосарини топишга ва ишлатишга ёрдам беради. Бу ресурсларнинг қайта тикланиши учун шароит яратади. Масалан, қуёш, шамол, сув энергетика саноатида нефть кўмир ва табиий газ ўрнини маълум даражада босиши мумкин. Умуман олганда техника тараққиёти чекли ресурсларнинг тежамига ёрдам беради. Имитацион моделда эса бунинг акси кўрсатилган.

2. Бозор белгилари. Бозор нархларининг ўзгариши кутилаётган фалокатнинг олдини олишга қодир бўлган белгиларидан ҳисобланади. Агарда нефть алюминий, мис захиралари ҳақиқатдан камайиб борса уларнинг нархи кескин ошиб боради. Бу ўз навбатида икки ҳодиага сабаб бўлади.

Биринчидан ушбу маҳсулот фойдаланувчилари маҳсулотларни тежашга ёки кўпроқ ўринбосар маҳсулотлардан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Масалан уй жой коммунал хўжалигида мис қувурлари ўрнига пластмассадан тайёрланган қувурлардан фойдаланишга ўтилади.

Иккинчидан-нархлар ошиши ресурсларни қайта ишлаш технологиясини такомиллаштиришни талаб этади. Хуллас нарх механизми ресурслар дефицитини бартараф этиши мумкин бўлган хусусиятга эга.

“Замоновий” лойиҳа қанчалик тўғри ёки нотўғрилигидан қатъий назар ўсиш чегараланганлиги бир қатор ҳулосаларни келтириб чиқарди. Агар биз бугун чекланган ресурсларни ишлатсак эртага ушбу ресурслар бўлмаслиги ҳам мумкин. Ресурсларни тақсимлашнинг оптимал усули қандай деган савол туғилади? Бу борадаги баҳсларда иқтисодий ўсиш унчалик ҳам катта ижобий ҳодиса эмаслиги ўсиш фойдалими?

Келажадаги иқтисодий ўсишни баҳолашда ишлаб чиқаришнинг атроф муҳитга ва инсон турмушига таъсирини ҳисобга олиш шарт. Иқтисодий ўсишга қарши чиқувчилар фикри. Иқтисодий ўсишга қарши чиқувчилар фикрига кўра индустриализация ва иқтисодий ўсиш атроф муҳит зарарланиш, ер хароратини глобал кўтарилиши, озон қатлами емирилиши экологик фалоатларга олиб келиши мумкин. Бунга сабаб тугаб бораётган ресурслар ишлаб чиқаришда фойдаланилиб атроф муҳитга чиқинди сифатида қайтади. Бундан ташқари иқтисодий ўсиш бу фаровонликни таъминлаб берувчи фактор дейишга ҳеч қандай асос йўқ. Иқтисодий ўсишнинг йўлдоши бўлган техника тараққиёти ишчиларда эртанги кунга ишончни сўндиради ва баъзида ишсизликни кўпайишига сабаб бўлади. Ривожланиш (ўсиш) суръати юқори бўлган иқтисодиёт катта иқтисодий стрессларга олиб келиши мумкин.

Ўсиш тарафдорлари фикри. Тарафдорлар фикрига кўра фақатгина иқтисодий ўсиш турмуш фаровонлигини таъминлаши мумкин. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши даромадни оширади: бу эса кўпроқ бўш вақт, таъминлай олиш имконияти, сифатли маҳсулотлар сотиб олиш имконияти ва шу каби кўплаб имкониятларни туғдиради. Иқтисодий ўсиш жамиятни тараққиётга етаклайди.

3.2 У.Ростоунинг иқтисодий ўсиш модели концепцияси.

Хорижий мамлакатлар ва Россияда ўсишнинг амалий муаммолари ва тарихий анализини кўриб чиққандан сўнг иқтисодий ўсиш назарияларига ўтамиз. Замонавий иқтисодий фанда ўсиш икки хил талқин этилади: тор ва кенг маънода. Тор маънода – пировард маҳсулот асосий кўрсаткичларининг ўсиши сифатида (ЯИМ, миллий даромад ёки истеъмол аҳоли жон бошига). Кенг маънода – социал институтларда ўзгаришлар жараёни сифатида (мулк ҳуқуқлари структурасида, ишлаб чиқариш ва тақсимотни ташкил этиш шаклларида ва ш.к.).

Бундай ёндашувга мувофиқ ўсиш назарияларида уч йўналиш ажратилади:

- неокейнсчилик;

- неоклассик;
- тарихий-социологик;

Биринчи 2 та йўналиш ўсишни тор маънода таҳлил этади. Тарихий социологик йўналиш учун ўсишни кенг маънода кўриб чиқиш характеридир.

Тарихий-социологик йўналишнинг етук намоёндаларидан бири бўлиб 1961 й. да “Ўсиш босқичлари” деб номланган китобни чиқарган америкалик иқтисодчи ва социологик У. Ростоу ҳисобланади. У томондан баён этилган концепцияда иқтисодий ўсиш ва жамиятнинг бир босқичидан икинчисига тарихий ўсиши асосида урта умумлаштирувчи характеристикаларнинг принципиал фарқлари ётади:

- техник ривожланиш даражаси;
- жамғармалар меъёри;
- истеъмол даражаси;

Бу характеристика (тавсифларнинг) ларнинг фарқланишларига мувофиқ ва шу билан бирга одамларнинг қизиқишларининг ўзгарувчанлигига мос равишда У. Ростоу ўсишнинг 5 та босқичини ажратиб кўрсатади:

1. (Анъанавий) синфий жамият босқичи. Бу босқич қуйидагилар билан характерланади: статик мувозанат н्यूтондан олдинги фан ва техника, аграр хўжалик, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг чегараланган имкониятлари, иқтисодий ўсишнинг паст суръатлари сабабли даромадларнинг тушиши суръати нинг юқорилиги, Р. Мальтуснинг аҳоли жойлашиш қонунининг мувофиқ аҳоли сони ва даромадларнинг кейинчалик барқарорлашуви, Бу босқичда миллий маҳсулотни кенг ишлаб чиқаришга деярли ҳеч қандай шароитлар йўқ.

2. Ўтиш жамияти. Жамият ривожланишидаги бу босқич унинг статик мувозанат ҳолатидан силжиши учун шарт шароит яратиш билан характерланади. Бундай силжиш миллий даромадда жамғармалар йиллик нормасининг - % га ўсишида амалга ошиши мумкин.

3. Индустириал ривожланишга ўтиш босқичи. Бу босқичда инвестицияларнинг миллий даромаддаги улуши 10% гача ошади. Ўсишдан

ташқари учунчи босқичяна икки хусусияти билан ажралади. Ҳеч бўлмаганда битта юқори ўсиш суръатларига эга бўлган саноат тармоғи мавжуд бўлиш, шу билан бирга бу тармоқни кенгайтиришга кўмаклашадиган сиёсий ва ижтимоий структура бўлиши лозим. У. Ростоу бу босқични саноат революцияси сифатида таърифлади. У нисбатан катта бўлмаган вақт оралиғини қамраб олади: 20-30 йил.

4. “Етукликка йўл” бу босқичнинг аналоги (ўхшаши) бўлиб индустриал жамият ҳисобланади, унинг ривожланиши жамғариш меъёрини миллий даромаднинг 20 % гача ошиши билан характерланади. Одатда бу босқич 60 йил давом этади. У. Ростоу бу давр бошланишини қуйидагилар учун ҳисоблаган: ҳолатидан силжиши учун шарт шароит яратиш билан характерланади. Бундай силжиш миллий даромадда жамғармалар Бу даврда урбанизация жараёни ривожланади: малакали меҳнат улуши ошади, саноатни бошқариш малакали бошқарувчилар – менеджерлар қўлида мужассамланади.

5. Оилавий истеъмол босқичи. Бу босқични иқтисодиётдаги шундай ҳолат характерлайди, унда миллатнинг ишлаб чиқариш салоҳияти истеъмолчилар учун ишлайди, иқтисодиётнинг етакчи сектори сифатида эса ўзоқ муддат фойдаланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар иштирок этади. Бу энг ўзоқ босқичдир. У. Ростоунинг ҳисоблашича АҚШ етуклик босқичидан оммавий истеъмол босқичига ўтиши учун 100 йил керак бўлди.

Ўзининг кенгроқ чиққан “Сиёсат ва ўсиш босқичлари” ишида У. Ростоунинг ўсишнинг олтинчи босқичи – ҳаёт сифатини ахтариш билан чиқди. Унда иқтисодиётнинг етакчи сектори хизмат кўрсатиш соҳаси бўлиб, ижтимоий прогресснинг биринчи поғонасига инсоннинг маънавий ривожланиши кўтарилади.

У. Ростоунинг ўсиш босқичлари назарияси ўз даврининг ижтимоий фанида сезиларли ҳодиса бўлди. У жамият тарихий эволюциясига янгича ёндашувни ифода этиб, у социал-иқтисодий формацияларнинг марлеистик коцепцияси ва XX аср 1-бошидаги техноратик ўсиш назарияларидан кўп жиҳатдан фарқ қилар эди.

У. Ростоу моддий ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ривожланишдаги етакчи ролини, унинг ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти билан шартлашганини тан олди. Шу билан бирга Ростоу ва истеъмолчиларнинг муносабати, жамғармаларнинг инвестицияга, инвестицияларнинг эса маҳсулотларга айланиши билан чекланмаслигини кўрсатишга ҳаракат қилган бўлса, бошқа томондан – иқтисодиёт ва жамият тарихий эволюциясининг умумий назариясини яратишга уринди.

Бунга қарамасдан У. Ростоу назарияси жуда ҳам умумий характерга эга бўлиб кўпроқ ўсиш тарихининг даврийлигига йўналтирилган ва иқтисодий ўсиш манбалари ва механизми ҳақида камроқ баён этади. Кўпгина ғарб муаллифлари учун тадқиқот предмети бўлиб кенг маънодаги эмас, балки тор маънодаги иқтисодий ўсиш хизмат қилади. У неокейнечилик ва неоклассик йўналиш вакиллари томонидан ишлаб чиқилган.

3.3 Е. Домарнинг иқтисодий ўсиш модели.

Бу модел макроиқтисодий мувозанатнинг кейнсчилик назариясини танқидий қайта ишлаш ва ривожлантириш сифатида вужудга келди. Маълум бўлганидек, Кейнснинг асосий мақсади ривожланган мамлакатларда оммавий ишсизлик ва ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаслик сабабларини аниқлаш эди. Бу ҳодиса 1929-1933 й.й. Буюк депрессия даврида котатрофик ўлчамларга эришиб, бу вақтда нафақат янги капитал қўйилмаларга балки асосий капитални янгилашга ҳам имконият йўқ эди. Шу сабабли Дж. Кейнс назариясини фанда депрессив ёки стагнацияланувчи иқтисодиёт назарияси деб аташади.

Урушдан кейинги даврда ғарб мамлактларидаги иқтисодий ҳолат ўзгарди – иқтисодий ўсиш масалаларига олимлар диққатини қаратган юқори конъюктура даври бошланди. Бироқ янги шароитларда кейнсчилик назарияси четга суриб қўйилмади, балки сифат жиҳатдан янги муаммоларни ҳал қилиш учун ижодий ўзгартирилди. Чунки бу назария бозор иқтисодиёти амал қилишининг бир қатор фундаментал саволларига жавоб бера олар эди. Миллий

даромад истеъмол, жамғарма ва инвестициялар каби иқтисодий катталикларга асосланиб, Дж. Кейнс иқтисодий фаолият даражасининг ўзгаришини тушунтира оладиган моделни ишлаб чиқди. У иқтисодий пасайиш ва ишсизликнинг ўсиши даврида истеъмол ва жамғармалар шу жумладан инвестициялар қисқаришини исботлади. Шунинг учун, ялпи талаб ўсишининг ҳақиқий дастаклари мавжуд бўлмаган тақдирда, Дж. Кейнснинг фикрича, ҳукумат талабни тартибга солиш чора-тадбирларидан фойдаланган ҳолда иқтисодиётга аралашини зарур. Талабни солиқларни пасайтириш орқали ёки давлат харажатларини кўпайтириш орқали ошириш мумкин, бу эса ўз навбатида иқтисодий фаолликни жонлантиради.

Иқтисодий ўсиш неокейнсчилик моделининг моҳияти нимада?

1. Уларнинг барчаси Дж. Кейнснинг асосий постулати – ялпи талабга асосланади. Моделларни куришда уларнинг муаллифлари мувозанатлашган иқтисодий ўсишнинг ҳал қувувчи шарти ялпи талабнинг ошиши эканлигидан келиб чиқишган.
2. Иқтисодий ўсишнинг асосий омили бўлиб капитал қўйилмалар (инвестициялар) ҳисобланади, улар мультипликаторлар орқали даромадни оширади ёки ўзи даромад ошишининг натижаси ҳисобланади (акселератор тасирида). қолган барча ишлаб чиқариш омиллари (бандликнинг ошиши, ускуналардан фойдаланиш даражаси, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг яхшиланиши) ҳисобга олинади ва моделдан чиқариб ташланади.

Бунда бу моделларнинг кейнсчилик табиати ва неоклассик назариялардан асосий фарқланиши мужассамлашган.

Шундай қилиб ўсишнинг неокейнсчилик модели икки ўзига хос хусусият билан характерланади:

- Иқтисодий ўсишга даромад даражаси билан белгиланадиган талаб нуқтаи назаридан ёндашиш;
- Инвестицияларнинг иқтисодий ўсишдаги муҳим роли билан негаки даромад капиталнинг тўпланишига боғлиқ (демак ялпи талаб ҳажми ҳам).

Иқтисодий ўсишнинг неокейсчилик моделини илк бор, келиб чиқиши полшалик бўлган, америкалик иқтисодчи Е. Домар ва инглиз иқтисодчиси Р. Харрод томонидан шакллантирилган. Улар томонидан олинган натижалар шунчалик бир-бирига яқин эдики, натижада фанда улар Харрод-Домар модели деб атала бошланди. Бироқ моделларда ўзига хослик борлиги туфайли, уларнинг ҳар бирини кўриб чиқамиз, хулоса қилишда эса уларни умумлаштирувчи омилларга эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Иқтисодий ўсишнинг Е. Домар модели. Е. Домарнинг модели кейнсчилик анъаналарига хослиги ва кейнсчилик фундаменти асосланганини аниқлигини тан олган, аммо шу билан бирга кейнсчилик моделининг инвестициялар ва иқтисодий динамикага тегишли қисмига ўз ҳиссасини қўшганлигини таъкидлаб ўтган. Бу ҳисса ўзи нимадан иборат эди?

Олдиндан ўрнатилганидек, Дж.Кейнс тизимида даромадларнинг шаклланиши инвестициялар функцияси ҳисобланиб, улар мультипликатор самараси орқали ялпи талаб ва бандликни оширади. Бошқача қилиб айтганда Дж.Кейнс давлат харажатларига, айниқса уларнинг жамоат ишларини амалга ошириш билан боғлиқ қисмига (йўл, кўприк ва ш.к. қуриш) алоҳида эътибор қаратган

Нега у оммавий бозор маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, масалан автомобиллар, кир ювиш машиналари ёки мебель ишлаб чиқаришга эътибор қаратмаган? Чунки қайта ишлаб чиқариш (самараси) талабни ҳосил қилиш бозорга ортиқча товар массасини чиқаришдан кўра муҳим эди, шунинг учун Дж. Кейнс инвестицияларнинг товар таклифига таъсирини ўз анализидан қолган ишлаб чиқариш қувватлари мавжудлигини таҳлил қилган ҳолда ҳам шундай қилди. (янги заводларга инвестиция қилишга мавжудлари турганда хожат йўқ).

Айнан шу пунктда Е. Домар, Дж. Кейнс назариясига аниқлик ва қўшимча киритди – унда инвестициялар нафақат даромадларни шакллантириш балки қувватларни яратиш, ишлаб чиқаришни ва товарлар таклифини ривожлантириш омили ҳамдир. Бу орқали Е. Домар инвестицион жараённинг икки хиллигига

эътибор қаратиб, унинг фикрича миллий даромаднинг мувозанатли ўсишмоделни моҳияти ҳам шундан иборат. Бошқача айтганда, у иқтисодиётнинг мувозанатлашган ҳолатидан келиб чиққан, (яъни умумий талабни ифодаловчи ишлаб чиқариш қувватларига тенг бўлганда).

Ундан кейин Е. Домар қуйидаги саволни қўйди: Агар инвестициялар ишлаб чиқариш қувватларини оширса, ва шу билан бирга қўшимча даромадларни шакллантирса, унда даромад ўсиши суръати ишлаб чиқариш қувватлари ўсиши суръатларига тенг бўлиши учун инвестициялар қандай ўсиши керак? Бу саволга жавоб бериш учун, Е. Домар учта тенгламалар системасини тузди:

- 1) таклиф тенгламаси;
- 2) талаб тенгламаси;
- 3) таклиф ва талаб тенглигини ифодаловчи тенглама.

1. Таклиф тенгламаси инвестициялар ҳосил қиладиган ишлаб чиқариш қувватлари ўсишини кўрсатади. Яратилган ишлаб чиқариш қувватлари ҳисобига олинадиган ишлаб чиқариш ўсишини (ўсимини) ΔQ ни, умумий капитал қўйилмаларини (I) уларнинг ўртача унумдолигига β кўпайтмаси орқали аниқлаш мумкин (3.3.1):

$$\Delta Q = I\beta \quad (3.3.1)$$

Инвестицияларнинг ишлаб чиқариш ривожланишига таъсирини характерловчи β белгиси капитал қайтими номини олди (ишчи кучи бандлигининг ошиши, фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришни ташкил этишни мукаммаллаштириш ва ш.к.). Бунда, агар 1 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун 4 млрд. сўм капитал керак бўлса, унда β унинг $\frac{1}{4}$ қисмини, ёки 25 % ини ҳосил қилади. Демак, $\beta = \frac{\Delta Q}{I}$ бўлиб бир бирлик инвестиция яратган янги маҳсулот катталигини ифодалайди.

2. Талаб тенгламаси қўшимча қувватларини банд қилиш учун талаб қанчагача ўсиши кераклигини кўрсатади. Мультипликатор назариясига кўра, жамғармага ихтиёрий чегаравий мойиллик λ да. Миллий даромад ўсиши- ΔY қўшимча инвестициялар – ΔI нинг мультипликатор таъсирининг натижаси ҳисоби.

$$\Delta Y = \Delta I \frac{1}{\alpha} \quad (3.3.2)$$

Бунда $\frac{1}{\alpha}$ - мультипликатор.

Агар $\Delta Q = I\beta$ таклиф тенгламасини $\Delta Y = \Delta I$ талаб тенгламаси билан солиштирсак, унда таклиф тенгламасида умумий инвестициялар иштирок этишини сезамиз, қачонки талаб тенгламасида – фақатгина олдинги даврга нисбатан инвестицияларнинг ўсиши иштирок этади. Бунинг сабаби шундаки, ишлаб чиқаришнинг ўсиши ΔQ умумий капиталнинг унумдорлиги билан таъминланади, даромаднинг ўсиши ΔY эса – фақатгина қўшимча апитал қўйилмаларининг мультипликатор таъсири билан таъминланади.

3. Даромадлар ва ишлаб чиқариш қувватлари ўсиши суръатларининг мувозанат тенгламасига $\Delta I \frac{1}{\alpha} = I\beta$ бўлганда эришилади.

Бу тенглама ечими орқали қуйидаги натижага эга бўламиз. $\frac{\Delta I}{I} = \alpha\beta$

Тенгламанинг чап қисмида инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати туради, у ишлаб чиқариш қувватларининг ўсиши ёрдамида тўлиқ бандликни таъминлаш учун $\alpha\beta$ йиллик суръат билан ўсиши лозим.

Шундай қилиб Домар модели инвестициялар доимий ўсиши лозим бўлган суръат (темп) ни аниқлаш имконини беради. Бу суръат (темп) миллий даромадда жағармалар улуши ва инвестицияларни ўрта самарадорлиги билан тўғри боғланган. Масалан, агар жамғариш мойиллик $\alpha = 20\%$ тенг бўлса, капитални унумдорлиги эса $\beta = 33\%$, капитални баланслашган ўсиш меёри $6,6\%$ ташкил этиш керак. $\frac{\Delta I}{I} = 0,2 \times 0,33 = 0,066$ ёки $6,6\%$

Бундан иқтисодий сиёсат учун муҳим хулоса келиб чиқади: фақатгина капиталнинг доимий ўсаётган аккумуляциясига жамият масштабида ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги динамик мувозанатни таъминлайди. Инвестицияларнинг мувозанатли ўсишини таъминлаб туриш учун давлат миллий даромаддаги жамғармалар улушига ёки техник тараққиёт суръатларига таъсир кўрсатиши мумкин.

3.4 Р. Харроднинг иқтисодий ўсиш модели.

Олдин таъкидлаганимиздек таркиби бўйича бу модель Е. Домар моделига ўхшайди, бироқ унинг ўзига хос хусусиятлари бор. Е. Домар модели инвестицияларнинг ялпи талабни кенгайтириш ва ишлаб чиқариш қувватларининг вақт оралиғида кўпайишдаги иккихил ролини тахлил қилади. Шунинг учун у бутунлигича мультипликатордан фойдаланишга асосланади ва миллий даромаднинг зарурий ўсишини таъминлайдиган инвестицияларнинг ўсиш меъёрини аниқлайди.

Р. Харрод моделининг мақсади эса иқтисодиёт ўсишининг траекториясини ўрганиш ҳисобланади. Шунинг учун унинг асосини акселератор назарияси ташкил этиб, у инвестициялар ўсишини бунга сабаб бўлган даромад ўсишига нисбатини аниқлаш имконини беради.

Бундай хусусиятлардан шу натижа келиб чиқадики, Е. Домар мос давлат сиёсати билан боғлиқ бўлган автоном инвестициялар билан иш олиб борган бўлса, Р.Харрод эса – миллий даромад ўсиши билан боғлиқ ишлаб чиқариш инвестициялари билан иш олиб борган.

Акселератор назариясини янада яққолроқ кўриб чиқамиз. Акселератор назарияси – инвестицияларнинг кутилаётган ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқлигини тавсифловчи назариядир. Акселератор тамойили дастлаб даврлар назарияси доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, инвестицияларнинг истеъмол талаби ҳаракатига реакцияси орқали иқтисодий инқирозларни тавсифлаган. Бундай боғлиқликда акселератор назариясини XX аср бошида франсуз иқтисодчиси А. Афтаъен ва америкалик иқтисодчи Дж. Кларк

ривожлантиришган. Бу назарияга мувофиқ талабнинг (ёки даромадларнинг) ўсиши инвестицияларнинг ўсиш даражасига тезлаштрувчи (акселератор) сифатида таъсир этади, (авваламбор асосий капитал соҳасида). Янги инвестициялар ишлаб чиқариш ҳажми (даромадлар) га нисбатан тезроқ ўсиши тахмин қилинади, чунки машинанинг қиймати унинг тайёр маҳсулот қийматидан одатда анча юқори бўлади, демак, ишлаб чиқариш қатнашчилари даромадларидан ҳам юқори бўлади. Шунинг учун ҳам инвестицияларга бўлган талаб истеъмол талабининг ўсишига нисбатан доимо юқори бўлади. Гап шундаки, ўсиб бораётган истеъмол талаби мавжуд бўлган ишлаб чиқариш қувватларига тасир кўрсатиб, нафақат мавжуд қувватлар модернизациясига балки янги саноат корхоналари ва ускуналарига капитал қўйилмаларини рағбатлантиради.

Фараз қиламизки, қандайдир корхона ўзининг маҳсулотига мавжуд талабни 10 та машинадан фойдаланиб қондиради, улардан биттаси ҳар йили янгиси билан алмаштирилади. Агар талаб 20% га ошса корхона бу талабни қондириш учун 2 та янги машина сотиб олиши керак бўлади. Шундай қилиб акселератор ишлаб чиқариш ўсиши билан инвестициялар ўсиши ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади: ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига жавоб равишда янги инвестициялар қанчага ўсади.

Ишлаб чиқариш ва инвестициялар даражаларида ўзгаришларнинг бундай тескари боғлиқлиги Дж. Кейнсда умуман йўқ эди. У инвестиция ва даромадлар ўртасида мультипликатор муносабати билан чекланди

$$\Delta Y = \Delta I \frac{1}{\alpha} \quad (3.4.1)$$

$\frac{1}{\alpha}$ - мультипликатор коэффиценти чунки у фойдаланилмаган қувватлар ва ишсизлик мавжудлигидан келиб чиққан. Унинг вазифаси бўш иқтисодий ресурслардан қандай фойдаланишни кўрсатиш бўлиб, бунинг учун у давлат харажатларини оширишни таклиф этган. Уларни 1 мультипликаторга $\frac{1}{\alpha}$

кўпайтириб бандлик, ишлаб чиқариш ва даромад/ ΔY) ўсишини таъминлайди, демакки, ялпи талабнинг ҳам таъминлайди.

Акселератор тамойили эса ошган даромад ва талаб ўз навбатида инвестицион жараёнларни тезлаштиришни кўрсатади. Бу янги капитал қўйилмалар – даромад ўсишини акселерация коэффициенти бўйича кўпайтмасининг функцияси эканлигини англатади:

$$\Delta I = \Delta Y \times \delta \quad (3.4.2)$$

Акселерация коэффициенти – техник тараққиёт турига боғлиқ техник катталиқ:

- Катта ҳажмдаги капитални талаб этадиган капиталли техник тараққиёт шаротида δ нинг қиймати ошади
 - Капитални тежайдиган техник тараққиётда δ нинг қиймати паст бўлади
- Иқтисодий ўсиш моделини яратиш жараёнидан Р. Харрод тахлилига учта тенгламани киритди:
- Амалдаги ўсиш суръатлари тенгламаси
 - Кафолатланган ўсиш суръатлари тенгламаси
 - Ҳақиқий ўсиш суръати тенгламаси

1. Амалдаги ўсиш суръатлари тенгламаси- Р. Харрод модели тенгламаси натижасидир. Y ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиладиган маҳсулотнинг ўсишидан бир қисмини жамланишини таъминлаш учун миллий даромадда жамғармалар улуши қандай бўлиши кераклигини кўрсатади:

$$Gc = s \quad (3.4.3)$$

Бу ерда: G – (growth) қандайдир давр бўйича умумий ишлаб чиқаришнинг амалдаги ўсиши (ўсгани), масалан йил бўйича: $G = \Delta Y / Y$, яъни амалдаги ўсиш суръати – бу даромад ўсишининг бизнес давр даромади катталигига нисбати:

$c = I / \Delta Y$ - капитал коэффициенти ёки бир бирлик даромад ёки маҳсулот ўсишининг “инвестицион қийматини” кўрсатувчи ишлаб чиқаришнинг капитал талаб коэффициенти. Y капиталнинг тескари унумдорлиги катталиги бўлиб ҳисобланади $\beta = 1/c$, S – миллий даромадда жамғармалар улуши ёки жамғаришга мойиллик: $s = S / Y$

Агар (1) тенгламани унинг элементлари мазмуни бўйича ёзадиган бўлсак, унда Дж. Кейнснинг – инвестициялар тенг жамғармалар, айниятига эга бўламиз:

$$s = S/Y \Leftrightarrow I/Y = S/Y \Leftrightarrow I = S \quad (3.4.4)$$

Бироқ Р Харроднинг ёндашуви Дж. Кейнс ёндашувидан анча фарқланган. Кейнсчилик моделида инвестициялар ва жамғармалар тенглиги статик шаклда, Р. Харрод моделида эса динамик шаклда ифодаланган: тенгламанинг чап қисми G_c с ишлаб чиқариш мақсадларига йўналтирилган маҳсулот ўсишининг капиталлаштириладиган қисмини ифодаляб, у жамғармаларнинг s маълум улуши билан таъминланиши шарт.

2. Кафолатланган ўсиш суръатлари тенгламаси. Тадбиркорлар кўзда тутадиган ва умуман қониқиш ҳосил қиладиган ривожланишнинг башорати шуни ифодаляйди:

$$G_w cr = s \quad (3.4.5)$$

Р. Харроднинг фикрича кафолатланган (narranted) ўсиш суръати G_w динамик мувозанатнинг чизиғи ҳисобланади. Шу билан барча cr (капитал талабликнинг зарурий коэффиценти) ҳам динамик мувозанатнинг коэффиценти ҳисобланади: у маҳсулот чиқариш ўсишига янги капиталга эҳтиёжни ифодаляйди, уни таъминлаш учун шу янги капитал талаб этилади. Бундан келиб чиқадики кафолатланган ўсиш суръати тенгламасида инвестициялар *ex-ante* ва жамғармалар *ex-post* тенглаштирилади.

Миллий даромадда жамғармалар s улуши – зарурий капиталталаблилик коэффиценти cr каби доимий катталиқ бўлгани сабабли Р. Харрод кафолатланган ўсиш суръати (G_w) нинг доимий даражаси ҳақида хулосага келди.

Агар амалдаги ўсиш суръати (1) башоратланаётган, кафолатланган суръати (2) билан мос тушса унда иқтисодиёт қатъий ўзлуксиз ривожланишга эга бўлади. Бироқ, Р. Харроднинг ёзишича бундай қатъийлик статистик даражада ҳам динамик даражада ҳам мавжуд эмас. Иккала тенгламани

солиштириб ($Gc = s$; $G_w cr = s$), Р. Харрод, амалиётда амалдаги ўсиш суръати доимо кафолатланганидан катта ёки кичик бўлади деб таъкидлади.

Агар амалдаги ўсиш суръати кафолатланганидан ошса, унда нисбий доимийлик туфайли S шунга мос равишда тез ошмайди. Бошқача айтганда, агар $G > G_w$ бўлса, унда $s = \text{const}$ $c < cr$,

Бундан Р. Харрод шундай хулосага келадики ишлаб чиқарувчилар амалдаги капитал талабликни жуда ҳам рост деб баҳолаб товар-моддий захираларини оширишга ҳаракат қиладилар бу эса амалдаги ўсиш суръатини кафолатланганлигидан янада ошишига олиб келади. Агар $G < G_w$, унда $s = \text{const}$ $c > cr$,

Бунга асосан ишлаб чиқарувчилар мавжуд хом ашё материал ва ускуналар захираси ортиқчалиги ҳақида қарорга келиб, харидни қисқартирадилар. Бу билан улар амалдаги ўсиш суръатини кафолатланганга нисбатан янада оширади.

Шундай қилиб, биз кўрамизки, амалдаги ўсиш суръати мувозанатлигига мослашиш ўрнида амалиётда тесқари тенденция мавжуд – ишлаб чиқаришнинг динамик мувозанат чизигидан кўтарилиши ёки пасайиши. Бу Р. Харродга бозор иқтисодиётига ички динамик барқарорлик хос эканлиги ҳақида қарор қилишга асос бўлди. Бундай хулоса натижада иқтисодий адабиётда “Хоррд продокси” номини олди. У иқтисодий коъюнктуранинг қисқа муддатли даврий тебранишларини ифодалайди. Нисбатан ўзоқроқ тебранишларнинг интерпретацияси учун Р. Харрод (3) чи тенгламани киритди – ҳақиқий ўсиш суръати тенгламаси.

3. Ҳақиқий ўсиш суръати тенгламаси Р. Харрод моделида қуйидаги кўринишга эга: $G_n cr = \text{ёки} \neq s$.

Бунда G_n – (natural-ҳақиқий) ресурслардан тўлиқ фойдаланиш шароитида иқтисодиёт ҳаракатининг максимал даражада мумкин бўлган суръати.

Бундай ўсиш суръатини таъминлаб туриш учун иқтисодиётда жамғармалар етмаслиги мумкин, шунинг учун ҳақиқий ўсиш суръатининг тенгламасида чап ва ўнг томонлар ўртасидагитенглик йўқлиги кўзда тутилади.

Хосил қилинган тенгламалар Р. Харродга 3 та катталиқ ўртасидаги муносабатни кўриб чиқиш имконини бери: ҳақиқий (G_w), кафолатланган (G_n) ва амалдаги (G) ўсиш суръати

1. $G_w > G_n$ деб фараз қиламиз. Бунда, ҳақиқий ўсиш суръати берилган ресурсларда мумкин бўлгани учун, амалдаги суръат ҳақиқийсидан паст бўлади, демакки, кафолатланган ўсиш суръатидан ҳам албатта паст бўлади. Унда капитал талабликнинг башоратланган коэффиценти амалдагисидан паст бўлиб ($cr < c$) юқорида кўрсатиб ўтилганидек ўзоқ депрессияга (тушкунликка) сабаб бўлади. Тушунарлироқ тилда айтадиган бўлсак, ортиқча кучланиш (иқтисодиётнинг қизиқ кетиши) ўзоқ муддатли тушкунликка олиб келади, бунга мисол қилиб нафақат бозор иқтисодиётини балки социал халқ хўжалик амалиётини келтириш мумкин.

2. Агар $G_w > G_n$ бўлса, унда иқтисодиёт ривожланишининг 2 сценарийси бўлиши мумкин. Биринчиси ($G_w > G$) юқорида кўриб чиқилган бўлиб, ўзоқ депрессияга олиб келади, иккинчиси ($G_w < G$ дан $cr > c$ келиб чиққани учун) ўзоқ “Бум” даври билан характерланиши мумкин.

Шундай қилиб, Р. Харрод иқтисодий динамикадаги икки муаммога эътиборни қаратди:

1. G_w ва G_n ўртасидаги фарқланиш:
2. G нинг G_n дан ўзоқлашиши бунда биринчи муаммо ишчи кучининг вақтинчалик (хроник) ортиқчалиги, иккинчи муаммо эса – вақтинчалик хроник етишмовчилиги эканлигини кўрсатилади.

Кейин у қуйидаги саволни қўяди: бозор иқтисодиётида кафолатланган G_n ва ҳақиқий G_n ўсиш суръатларини автоматик тенглаштирадиган кучлар борми? Бу саволга жавоб бериб Р. Харрод иқтисодий ўсишнинг асосий параметри – одамлар хохишига боғлиқ бўлган жамғармалар эканлигини кўрсатиб ўтган,

шунинг учун бу саволни тахлили жамғармалар динамикаси тахлили билан боғлиқдир. Жамғармаларга салбий муносабатда бўлиб, уларни депрессияни рағбатлантирувчи куч деб ҳисоблаган Дж. Кейнс дан фарқли равишда Р. Харрод жамғармаларни ижобий ва фойдали деб ҳисоблаган. Бироқ, шу билан бирга у қуйидаги саволни берган: бозор иқтисодиётида мувозанатлашган ўсиш талабларига жавоб берадиган жамғармалар хажмини рағбатлантирувчи инструментлар мавжудми? Р. Харрод унга инкор жавобини бериб Дж. Кейнс каби иқтисодиётга давлат аралашувини зарурлигини асослаган.

Р. Харрод дастури икки гуруҳ тадбирларини ўз ичига олган:

А) “Амалдаги ўсиш суръатини кафолатланганидан қочиши” га қарши қисқа муддатли антициклик сиёсат таклиф этилган:

Б) такрорланадиган (хроник) ишсизлик ва ўзоқ депрессияга қарши фоиз меъёрини пасайтириш сиёсатидан фойдаланишни таклиф этган (деярли унинг нолли нуқтасигача). Бу жамғармага инвестицион талабнинг кенгайишига олиб келади, демакки, миллий даромадда жамғармалар улушининг қандайдир қисқаришига ҳам. Сиёсатнинг мақсади Р. Харрод фикрича $G_w cr = s - d = G_n cr$ бўладиган фоиз ставкасининг прогрессив пасайишига эришиш керак.

Бу ифодани Р. Харрод тўлиқ бандлик маромидаги барқарор ўсиш формуласи сифатида белгилади. У иқтисодий тизимнинг динамик ривожланишига кафолатланган ва ҳақиқий ўсиш суръатининг тўлиқ бандлик шароитда тенг бўлгани ҳолатида эришилишини кўрсатади.

Шундай қилиб, таҳлил жараёнида Р. Харрод Е. Домар билан ўхшаш натижаларга эришди. Одатда уларнинг модели ягона Харрод- Домар моделига бирлаштирилади. Унинг мазмуни қуйидагича, ишлаб чиқаришнинг берилган техник шароитларида иқтисодий ўсиш жамғармага чегаравий мойиллик катталигига боғлиқ бўлади, иқтисодий тизимдаги динамик мувозанат ўз табиатига кўра беқарор ва уни тўлиқ бандлик шароитида таъминлаб туриш учун эса давлатнинг фаол ва мақсадли тадбирлари талаб этилади.

Хоррод-Домар моделининг чекланганлиги нафақат унинг тахлил натижалари билан балки тарихий шароитлари билан ҳам белгиланади. 1930 йил ва урушдан кейинги давр иқтисодий ўсиш жараёнларини ифодалаган бўлиб, унда ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича асосий уринишлар инвестицияларни ошириш ва янги ишлаб чиқариш қувватини яратишдан иборат эди. Кейинги даврда (50 й нинг иккинчи ярми – 70 й.й.) ишлаб чиқаришнинг ривожланишига кўпроқ сифат ўзгаришлари таъсир эта бошлади, бу эса иқтисодий ўсишнинг ноқлассик назарияларида ўз ифодасини топди.

Табиий ресурсларни ўзигина иқтисодий ўсишни таъминлаб беролмайди. Иқтисодий табиий ресурслари кам бўлган давлатларда ҳам иқтисодий ўсиш тез суръатларда ривожланиши мумкин. А+Шнинг иқтисодий ўсишига давлатдаги умумий социал, маданий ва сиёсий муҳит ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Келажакдаги иқтисодий ўсишни баҳолашда ишлаб чиқаришнинг атроф муҳитга ва инсон турмушига таъсирини ҳисобга олиш шарт. Иқтисодий ўсиш фаровонликни таъминлаб берувчи фактор дейишга ҳеч қандай асос йўқ. Иқтисодий ўсишнинг йўлдоши бўлган техника тараққиёти ишчиларда эртанги кунга ишончни сўндиради ва баъзида ишсизликни кўпайишига сабаб бўлади. Ривожланиш (ўсиш) суръати юқори бўлган иқтисодиёт катта иқтисодий таъсирларга олиб келиши мумкин. Иқтисодий ўсиш тарафдорлари фикрига кўра фақат иқтисодий ўсиш аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаши мумкин.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ўсиши даромадни оширади. У. Ростоуни ўсиш босқичлари назарияси ўз даврининг ижтимоий фанида сезиларли ҳодиса бўлди, у жамият тарихий эволюциясига янгича ёндошувни ифода этиб, у социал-иқтисодий формацияларни марлеистик концепцияси ва XX аср 1-бошидаги техноратик ўсиш назарияларидан кўп жиҳатдан фарқ қилар эди.

У.Ростоу моддий ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ривожланишдаги етакчи ролини, унинг ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти билан шартлашганини тан олди ҳамда иқтисодиёт ва жамият тарихий эволюциясининг умумий назариясини яратишга уринди.

Е Домар ва Р.Харроднинг кейнсчилар модели макроиқтисодий мувозанатнинг кейнсчилик назариясини танқидий қайта ишлаш ва ривожлантириш сифатида вужудга келди.

Иқтисодий ўсишнинг Е.Домар модели кейнсчилик анъаналарига хослиги ва кейнсчилик фундаментида асосланганини аниқлигини тан олган, аммо шу билан бирга кейнсчилик моделининг инвестициялар ва иқтисодий динамикага тегишли қисмига ўз хиссасини қўшганлигини таъкидлаб ўтган.

Р. Харрод моделининг мақсади иқтисодиёт ўсишининг траекториясини ўрганиш ҳисобланади. Шунинг учун унинг асосини акселератор назарияси ташкил этиб, у инвестициялар ўсишини бунга сабаб бўлган даромад ўсишига нисбатини аниқлаш имконини беради. Е. Домар мос давлат сиёсати билан боғлиқ бўлган автоном инвестициялар билан иш олиб борган бўлса Р. Харрод эса-миллий даромад ўсиши билан боғлиқ ишлаб чиқариш инвестициялари билан олиб борган.

Ишлаб чиқаришни берилган техник шароитларида иқтисодий ўсиш жамғармага чегаравий мойиллик катталигига боғлиқ бўлади, иқтисодий тизимдаги динамик мувозанат ўз табиатига кўра беқарор ва уни тўлиқ бандлик шароитида таъминлаб туриш учун давлатнинг фаол ва мақсадли тадбирлари талаб этилади.

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Аҳоли турмуш даражаси иқтисодий ўсишга қандай таъсир этади?
2. Инфляция даражасини иқтисодий ўсишга таъсирини изоҳланг.
3. Иқтисодий ўсишни секинлашуви сабабларни келтиринг.
4. Иқтисодий ўсишда “охирги замон модели”ни таърифланг.
5. Иқтисодий ўсишга қарши чиқувчилар фикри ҳақида тушунчаларингиз.
6. У.Ростоу назариясида иқтисодий ўсиш ҳақида қандай фикрлар билдирилади?
7. Иқтисодий ўсишда неокейнсчилик моделининг моҳияти нимада?

8. Иқтисодий ўсишни Е.Домар модели ҳақида фикрингиз.
9. Р.Харродни иқтисодий ўсиш моделини изоҳланг.
10. Харрод-Домар моделини чекланганлиги нима билан белгиланади?

4-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ НЕОКЛАССИК МОДЕЛЛАРИ.

4.1. Р. Солоуни неоклассик иқтисодий ўсиш модели

Ўсишнинг биринчи неоклассик моделлари 1950-йиллар охири 1960-йилларда пайдо бўла бошлади, бунда динамик мувозанат муаммоларига эътибор сусайиб, нафақат фойдаланилмаган қувватлар балки янги техникани жорий этиш, унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш ҳисобига ўсишнинг мумкин бўлган суръатига эришиш муаммоси биринчи поғонага чиқиб қолди.

Бу билан боғлиқ ҳолда нафақат назарий асослар балки иқтисодий ўсишнинг таҳлил қилиш услублари ҳам ўзгарди. Бу даврда ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида йирик корхоналарнинг роли ортиб, улар ўсишнинг неокейнсчилик моделига асосланган ҳолда ўз инвестицияларини стратегик режалаштириш тартибида макро даражада динамик ўсиш моделларини тўза бошладилар. Йирик фирмаларнинг мустақил иқтисодий сиёсат ўтказишлари, уларнинг ўз ўсиш сиёсатига бўлган қизиқишлари неоклассик йўналиш вакиллари ўсишнинг неокейнсчилик макро иқтисодий моделларига ўхшаш моделларини яратишга бўлган фаоллигини оширди.

Бу йўналиш вакиллари (америкалик иқтисодчи Р.Солоу, инглиз иқтисодчиси Дж. Мид ва бошқа муаллифлар) иқтисодиётга давлат аралашувига қарши чиқишди, чунки, уларнинг фикрича йирик фирмаларга бозор рақобатчилиги шаротида потенциал ўсишга эришиш учун мавжуд ресурслардан янада кўпроқ фойдаланиш учун эркинлик бериш керак эди.

Улар моделларининг методологик асоси бўлиб ишлаб чиқариш омилларининг назарияси ва чегаравий унумдорлик назарияси хизмат қилди.

Неоклассик мактаб назариётчилари ўсишнинг кейнсчилик назарияларини 3 та пункт бўйича танқид қилишди:

- Биринчидан, улар ўсишнинг асосий омили сифатида- капитал жамғарилишига эътиборни қаратганлар. Неоклассикларнинг фикрига кўра эса

ишлаб чиқаришнинг ўсишига янги ишчиларни жалб этиш ҳисобига ҳам эришиш мумкин.

- Иккинчидан, улар капитал коэффиценти с нинг ўзгармаслигидан келиб чиққан. Неоклассик моделлар эса 2 хил ишлаб чиқариш омиллари (капитал ва меҳнат) ни ҳисобга олиб ва уларнинг ўзаро алмашинувини инобатга олиб бу коэффицент ўзгариши мумкинлигини таъкидлайдилар.
- Учинчидан улар бозор механизмининг автоматик равишда мувозанатни тиклай олиш қобилиятини тўғри баҳолашмаган. Неокейнсчилардан фарқли равишда улар фақат рақобатли бозор иқтисодиёти иқтисодий ўсишнинг мувозанатлилигини таъминлай олади деб ҳисоблашган. Рақобат механизмидан ташқари бундай шартларидан бири бўлиб неоклассикларда қатъий пул тизими ҳисобланади.

Дастлаб бу модел Р.Солоу томонидан “Иқтисодий ўсиш назариясига қўшилган ҳисса” мақоласида баён этилган (1956 йил.), сўнг эса “Техника тараққиёти ва агрегатив ишлаб чиқариш функцияси” ишида ривожлантирилди (1957й). 1987 йилда уни ишлаб чиққанлиги учун муаллиф иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлди.

Модел ресурсларнинг тўлиқ бандлигини таъминловчи ишлаб чиқариш омиллари бозорларидан мутлақ рақобат устунлигининг неоклассик талқинига асосланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш- нафақат капитал балки меҳнатнинг фаолиятидир ва бу омиллар бўйича ишлаб чиқариш эластиклиги коэффицентларининг йиғиндиси 1 га тенг.

Р.Солоу иқтисодий тизим мувозанатлигининг муҳим шароити ялпи талаб ва ялпи талифнинг тенг бўлиши эканлигидан келиб чиқади. Бунда моделдаги ялпи таклиф Кобб-Дугласни ишлаб чиқариш функцияси асосида аниқланиб, бир томондан ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги функционал боғлиқлик муносабатини, иккинчи томондан эса- фойдаланиладиган омиллар ва уларнинг ўзаро комбинациясини ифодалайди. Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функцияси бўйича ҳар бир омилнинг улуши маҳсулот қийматида доимий, аммо абсолют жиҳатдан меҳнат ва капитал сарфи ўзгариши мумкин.

Энг умумий кўринишда миллий ишлаб чиқариш ҳажми Y ишлаб чиқаришнинг 3 омили функцияси ҳисобланади: меҳнат L , капитал K ва ер N :
 $Y = f(L, K, N)$

Бироқ ер омили иқтисодий тизимда кам маънога эга бўлганлиги туфайли Р. Солоу моделида келтирилмаган.

$$Y = f(L, K) \quad (4.1.1)$$

Ёилган кўринишда берилган функция қуйидагича бўлади:

$$Y = (\Delta Y / \Delta L)L + (\Delta Y / \Delta K)K \quad (4.1.2)$$

Бунда $\Delta Y / \Delta L$ – меҳнатнинг чегаравий маҳсулоти MPL

$\Delta Y / \Delta K$ – капиталнинг чегаравий маҳсулоти MPK .

Функцияни соддалаштириш учун белгилаш киритамиз:

$$y = Y/L$$

бунда y – бир ишчи ҳисобига чиқарилган маҳсулот ёки меҳнат унумдорлиги


$$k = K/L$$

бунда k - капитал билан қуролланганлик ёки меҳнатнинг фонд билан қуролланганлиги

Унда ишлаб чиқариш функциясини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$y = f(k) \quad (4.1.3)$$

Бу ерда $f(k) = F(k, l)$



4.1.1 – расм. Капиталга чекланган мойиллик ва капитал билан қулорлланиш.

Р. Солоу моделидаги ялпи талаб инвестицион ва истеъмол талаби билан аниқланади. бир ишчи ҳисобига ишлаб чиқариш тенгламаси қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$Y = c + i \quad (4.1.4)$$

Бу ерда c ва i – бир ишчи ҳисобига истеъмол ва инвестициялар.

Даромад жамғармага шаклланган мойиллик туфайли истеъмол ва жамғармага фойдаланганлиги сабабли истеъмол функциясини қуйидагича ифодалаш мумкин: $c = (1-s)y$

бу ерда s – жамғарма меъёри.

Унда $y = c + i = (1-s)y + i$,

бунда эса $i = sy$ эканлиги келиб чиқади.

Бошқача айтганда, мувозанат шароитида инвестициялар жамғармалар ва пропорционал даромадга тенг бўлади.

Шундай қилиб, Р. Солоу моделини ташкил этувчи – ишлаб чиқариш функцияси ва талаб функциясига эга бўлдиқ. Натижада талаб ва таклифнинг тенглик шarti қуйидагича бўлиши мумкин:

$$f(k) = c + i \text{ ёки } f(k) = i/s \quad (4.1.5)$$


Ишлаб чиқариш функцияси товарлар бозоридаги таклифни аниқлайди, капиталнинг жамғарилиши эса- ишлаб чиқариш маҳсулотига бўлган талабни.

Энди, капиталнинг жамғарилиши қандай қилиб иқтисодий ўсишни таъминланишини кўриб чиқамиз. Капиталнинг ҳажми инвестициялар ва чиқиб кетиш таъсирида ўзгаради: Инвестициялар капитал захирасини оширади, чиқиб кетиш эса камайтиради.

Бир ишчи ҳисобига инвестициялар бир ишчига туғри келадиган даромаднинг бир қисми ҳисобланади ($i = sy$) Шундай қилиб, (y) ни ишлаб чиқариш функцияси ифодаси билан ўзгартирсак, инвестициялар тенгламасининг капитал билан қуролланганлик функциясига эга бўламиз:

$$i = sf(k)$$

Тенгламадан келиб чиқадики капитал билан қуролланганлик даражаси (k) қанча юқори бўлса ишлаб чиқариш даражаси $f(k)$ ҳам шунчалик юқори бўлади, инвестициялар i ҳам кўп бўлади. Бу капиталнинг мавжуд заҳиралари (k) билан янги капитал жамғарилиши i ўртасида боғлиқлик мавжудлигидан далолат беради. Унда кўрсатилганидек жамғармалар меъёри (s) ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг истемоли (c) ва инвестицияларга (i) бўлинишини аниқлайди. Ихтиёрий капитал билан қуролланганлик даражаси (k) учун ишлаб чиқариш ҳажмини $f(k)$ инвестициялар ҳажмини $sf(k)$, истеъмол эса мос равишда $f(k) - sf(k)$ ни, ташкил этади.



4.1.2-расм. Бир ишчига тўғри келадиганишлаб чиқариш ва талаб ($c + i$)

Капитал амортизацияси ҳажмини аниқлаш учун ҳар йили унинг аниқланган маълум бир қисми d чиқиб кетади деб ҳисоблаймиз. Бу кўрсаткич *амортизация меъёри* деилади. Масалан, агар капитал ўн йил эксплуатация қилинса унда чиқиб кетиш меъёри йилига 10% ($d = 0.1$) ни ташкил этади. Шундай қилиб, ҳар йили чиқиб кетадиган капитал миқдори (dk) ни ташкил этади. Капиталнинг ҳар йили чиқиб кетадиган қисми капитал заҳиралари билан пропорционал. Шундай қилиб, инвестицияларда чиқиб кетишнинг ва капитал заҳираларига таъсирини қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин.


$$\Delta k = i - dk \quad (4.1.6)$$

бу ерда Δk - бир ишчига тўғри келадиган, капитал заҳираларининг ўзгариши.

Инвестициялар ва жамғармалар тенглигидан фойдаланиб, қуйидагига эга бўламиз.


$$\Delta k = sf(k) - dk \quad (4.1.7)$$

У капитал заҳираси (k) инвестициялар чиқиб кетиш ҳажми билан тенглашганга қадар ($(sf(k) = dk)$) ўз ишни ($\Delta k > 0$) кўрсатади. Бу ҳолатни E нуқта ифодаб унга меҳнатнинг капитал билан қуролланганликнинг барқарор даражаси k^* мувофиқ келади.



4.1.3.-расм. Капитални чиқиб кетиш графиги.

k^* га эришганда иқтисодиёт узоқ муддатли мувозанат ҳолатида бўлади. Капиталнинг бошланғич ҳажмига боғлиқ бўлмаган равишда, у кейинчалик барқарор ҳолатга эга бўлади. Агар капитал заҳиралари барқарорлик даражаси (k_1) дан паст бўлса инвестициялар чиқиб кетишдан ортиқ бўлади, капитал билан қуролланганлик ошади ва ўсиб боради.- (k^*) даражасига етмагунча. Агар капитал заҳиралари (k_2) нуқтага мос келса, унда инвестициялар эскиришдан кам бўлади. Демакки капитал заҳиралари қисқариб (k^*) даражасига яқинлашиб боради.



4.1.4-Расм. Инвестициялар, чиқиб кетиш ва капитал билан қуролланганликни барқарор даражаси.

Капитал билан қуролланганликнинг мувозанатли даражасига жамғарма меъёри таъсир кўрсатади. Унинг $(S1)$ дан $(S2)$ гача ўсиши $(S1f(R))$ дан $(S2f(R))$ га силжитади ва иқтисодиёт юқорироқ капитал билан қуролланганлик (R^*) ва юқорироқ меҳнат унумдорлигига эга янги мувозанатли ҳолатга ўтади.

Шундай қилиб Р. Солоу модели жамғарма меъёри барқарор капитал билан қуролланганликни белгиловчи асосий омил эканлигини кўрсатади. Жамғарманинг нисбатан юқорироқ меъёри капиталнинг кўпроқ захираси ва ишлаб чиқаришнинг нисбатан юқорироқ даражасини таъминлайди.

Шу билан бирга жамғариш жараёни иқтисодий ўсиш механизмини белгилаб бермайди, у фақат бир мувозанат ҳолатдан иккинчисига ўтилишини ифодалайди. Шунинг учун Р. Солоу моделининг кейинги ривожланиши аҳоли сонини ўзгариши ва техник тараққиётнинг тезлашишини кўзда тутаяди. Олдин аҳолининг ўсиши омилини кўзатамиз.

Аҳоли сони ўсгандаги капитал билан қуролланганликнинг мувозанатли даражаси. Аҳоли доимий (n) суръат билан ўсади деб тасаввур қиламиз. Ишчилар сонининг кўпайиши бошқа тенг шароитларда меҳнатнинг капитал билан қуролланишининг қисқаришига олиб келиши мумкин. Натижада, бир ишчига капитал захираси ўзгаришини кўрсатувчи тенглама қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\Delta R = i - dR - nR \Rightarrow \Delta R = i - (d+n)R \quad (4.1.8)$$

Меҳнатнинг капитал билан қуролланганлиги пасайиши туфайли уни олдинги даражада сақлаб туриш учун инвестицияларнинг капитал чиқиб кетишини қоплайдиган ҳажми зарур.

Математик жиҳатдан ўзгармас капитал билан қуролланганлик шароитидаги иқтисодиётда барқарор мувозанатни ифодаловчи бу талаб қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\Delta R = sf(R) - (d+n)R = 0 \quad \text{ёки} \quad sf(R) = (d+n)R \quad (4.1.9)$$

Тенгламадаги $(d+n)R$ инвестицияларнинг критик катталигини характерлайди. Яъни бир ишчига тўғри келадиган капитални доимий ўзгармас даражада сақлаб турадиган ҳажмини ифодалайди.

Аҳоли ўсишининг ҳисобга олган ҳолда Р. Солоу моделини график жиҳатдан ифодалаш учун меҳнатнинг капитал билан қуролланганлиги барқарор даражасини (R^*) деб белгилаймиз. Аниқлаганимиздек, агар бир ишчига туғри келадиган капитал ($R=\text{const}$) бўлса иқтисодиёт мувозанат ҳолатида бўлади. Агар $R_1 < R^*$ бўлса, унда амалдаги инвестициялар уларнинг критик катталигидан юқори ва (R_1) ўсади. Агар $R_2 > R^*$, унда инвестициялар уларнинг критик даражасидан паст ва R_2 га пасаяди.

Модел иқтисодиёт барқарор ҳолатда бўлиши учун инвестициялар $sf(R)$ капитал чиқиб кетиши ва аҳолининг ўсиши $(d+n)R$ оқибатларини қоплаши кераклигини кўрсатади. Б ҳолда капитал билан қуролланганлик (R) ва меҳнат унумдорлиги (Y) ўзгармас қолади. Лекин аҳоли ўсишида капиталнинг доимийлиги. Капитал ҳам аҳолига мос суръатда ўсиши кераклигини аниқлатади: яъни:

$$\Delta Y/Y = \Delta L/L = \Delta K/K = n \quad (4.1.10)$$

Бундан қуйидаги хулоса келиб чиқади: аҳолининг ўсиши – иқтисодиётнинг барқарорлик ҳолати шароитидаги ўзлуксиз иқтисодий ўсишнинг сабабларидан бири.

Бироқ агар аҳолининг ўсиши инвестициянинг ошиши билан бирга бормаса, унда бу бир ишчига туғри келадиган капитал захирасининг камайишига олиб келади. Аҳолининг n дан n_1 га ўсиши $(d+n)R$ чизигини юқорига $(d+n_1)R$ ҳолатига силжитади. Бу эса капитал билан қуролланганликни R^* дан R_1^* гача қисқартиради. Шундай қилиб, Р.Солоу модели аҳоли ўсишининг юқори суръатларга эга бўлган давлатларда капитал билан қуролланганлик паст – демакки, даромадлар ҳам паст бўлишини тушунтириб беради.

Р.Солоу моделида техник тараққиётнинг ўрни (ёки ҳисобга олиниши).

Иқтисодий ўсишнинг инвестициялар ва банклар сонининг ошишидан кейинги учинчи манбаси бўлиб, техник тараққиёт ҳисобланади. Неоклассик назарияда техник (технологик) тараққиёт деганда ишлаб чиқаришнинг

машиналаштирилиши эмас, балки, ишлаб чиқаришдаги сифат ўзгаришлари тушунилади.

Моделга техник тараққиётнинг киритилиши ишлаб чиқариш функциясини ўзгартириб, у қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y=f(K,L,E) \quad (4.1.11)$$

Бу ерда (E)-бир ишчи меҳнатининг самарадорлиги (ишчи кучининг саломатлиги, маълумоти ва малакасига боғлиқ): (Le)- ишчи кучининг самарали бирликларининг сони.

Техник тараққиёт самарадорлик (E) нинг доимий сурат (д)билан ўсишга олиб келади. Шунинг учун $dk2\%$ бўлганда, меҳнатнинг ҳар бир бирлигидан қайтим йилига 2% га ошади, бу эса ишлаб чиқариш ҳажмининг ишчи кучи йилига 2% ўсгандаги каби ўсишига олиб келади. Техник тараққётнинг бундай шакли меҳнатни тежайди дейилади, (d) – эса меҳнатнинг тежайдиган техник тараққиётнинг сурати.

Энди техник тараққиёт ҳолатидаги капитал билан қуролланганликнинг барқарор даражасини аниқлаш мумкин. Агар банкларнинг сони (L) (n) суръат билан ошаётган бўлса, самарадорлик (E) эса (g) суръат билан ўсаётган бўлса, унда (LE) (n-g) суръат билан ошиб боради.

Доимий самарадорлик билан бир бирлик меҳнатга тўғри келадиган капитал $R1+[K/(LE)]$ ни ташкил этади. Доимий самарадорлик билан бир-бирлик меҳнатга тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми эса $y1=Y/(LE)$ ни ташкил этади. Бунда барқарор мувозанатлилик ҳолатига қуйидаги шартда эришилади:

$$sf(R1)=(d+n+g)R1 \quad (4.1.12)$$

Тенглама ўзгармас самарадорлик билан бир-бирлик меҳнатга тўғри келадиган капитал ва ишлаб чиқариш доимий бўладиган капитал билан таъминланганликни (R^*) фақатгина битта даражаси мавжудлигини кўрсатади бу барқарор ҳолат иқтисодиётнинг ўзоқ муддатли мувозанатини ифодалайди.

($R1^*$) нинг барқарор (қатъий) ҳолатида техник тараққиёт мавжуд бўлган шароитда капитал ҳажми (K) ва ишлаб чиқариш (Y) ($n+g$) суръат билан ўсади.

Бир ишчи ҳисобига тўғри келадаган капитал билан қуролланганлик ($K|L$) ва ишлаб чиқариш ($Y|L$) (g)- суръат билан ўсиб боради. Бу Р.Солоу моделида техник тараққиёт-турмуш даражаси ўзлуксиз ўсишининг ягона шарти эканлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, Р.Солоу модели иқтисодий ўсишнинг 3 манбаси-инвестициялар, ишчи кучи сони ва техник тараққиёт ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ёритиш имконини беради. Давлат иқтисодий ўсишга жамғарма меъёри ва техник тараққиёт тезлиги орқали таъсир кўрсатиши мумкин.

Жамғарма меъёри қандай бўлиши керак? Аниқлаганимиздек мувозанатли иқтисодий ўсиш жамғарманинг турли меъёрлари билан мувофиқлашади. Шунинг учун максимал истеъмол даражаси билан иқтисодий ўсишни таъминлайдиган меъёр оптимал бўлади. Бундай меъёр “Олтин қоида” га мувофиқ келади. Жамғарманинг бу меъёрига мос келадиган капиал билан қуролланганлик даражасини (R^{**}) билан истеъмолни эса – (c^{**}) билан белгилаймиз. Олдин биз ишлаб чиқариладиган маҳсулот истеъмол ва инвестицияларга сарфланади деб белгилаган эдик: $y=c+i$ бундан $c=y-i$ келиб чиқади.

Берилган параметрларнинг ўрнига улар барқарор ҳолатидаги ифодасини қўйсак, қуйидагига эга бўламиз: $c^{*}=f(R^{*})-dR^{*}$, бу ерда c^{*} - барқарор ўсиш ҳолатидаги истеъмол.

Истеъмол ҳажми максимал бўладиган капитал билан қуролланганликнинг барқарор даражаси “Олтин қоида”га мувофиқ келади. “Олтин қоида” бўйича капитал билан қуролланганлик R^{**} билан истеъмол эса- c^{**} билан белгиланган.

“Олтин қоида” даражасига мос келадиган капитал билан қуролланганлик ҳолатида $f(R^{*})$ ишлаб чиқариш функцияси ва dR^{*} чизиғи бир хил оғмага эга ва истеъмол максимал даражага эришади.

R^{**} капитал билан қуролланганлик даражасида капитал захирасининг бир бирликка ошиши ишлаб чиқариш ўсишини келтириб чиқаради (капиталнинг чегаравий маҳсулотига тенг келадиган) ва капиталнинг d катталиikka чиқиб кетишини оширади. Шундай қилиб, “Олтин қоида”га мос келадиган R^{**} капитал

билан қуролланганлик даражасида $MPK=d$ шарт бажарилади. Аҳоли ўсиши ва техник тараққиётни ҳисобга олган ҳолда эса, $MPK=d+n+g$ шарт бажарилади.

Агар иқтисодиёт “Олтин қоида” бўйича эга бўлиши мумкин бўлган капитал захирасидан ортиқча капитал захираси билан ривожланаётган бўлса, унда бу ҳолатда жамғарма меъёрини пасайтиришга йўналтирилган сиёсатни амалга ошириш зарур. Жамғарма меъёрининг камайиши истеъмолнинг ошиши ва унга мувофиқ равишда инвестицияларнинг пасайишига олиб келади, демак капитал захирасининг барқарор даражасининг пасайишига ҳам олиб келади.

Агар иқтисодиёт барқарорлик ҳолатида “Олтин қоида” дагидан кам капитал билан қуролланганлик билан ривожланаётган бўлса, унда жамғарма меъёрини ошириш зарур. Бу инвестицияларни ошириб истеъмолни пасайтиради, лекин капиталнинг жамғарилиб бориши бўйича қандайдир вақтдан бошлаб яна ўса бошлайди. Натижада иқтисодиёт яна янги мувозанат ҳолатига эришади аммо олтин қоидага мувофиқ бўлган ҳолда, бунда истеъмол дастлабкига нисбатан юқорироқ даражага эга бўлади.

Техник тараққиётни рағбатлантириш Р.Солоу модели техник тараққиётни фаровонликни барқарор оширувчи ва ўсишнинг оптимал вариантыни топишга имкон яратувчи ягона асос сифатида кўрсатади. Бироқ у техник тараққиётни ташқи (Экзоген) омил сифатида кўриб чиқади, демакки уни тушунтирмайди. Айрим олимларнинг фикрича, техник тараққиётнинг детерминантлари бугунги кунда етарлича аниқ эмас. Бироқ давлат сиёсти турли хил инструментлардан шу жумладан илмий тадқиқот ва лойиҳа – конструкторлик ишларидан фойдаланиб техник тараққиётни рағбатлантириши мумкин. Масалан, патент қонунчилигини мукаммаллаштириб, айрим ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Япония, Германия) ўзоқ муддат давомида янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳуқуқига монополияни беришди. Солиқ тўғрисидаги қонунлар кўпгина мамлакатларда илмий тадқиқот ташкилотларига бир қанча имтиёзлар беради. Махсус ташкил этилган миллий илмий фондлар фундаментал илмий тадқиқотларга субсидиялар беради. Ҳозирги кунда маблағларни инсон капиталига

йўналтириш ҳам муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда, техник тараққиётида у асосий ролни ўйнайди.

4.2 Иқтисодий ўсишда Дж. Мид модели.

У ҳам неоклассик асосларга эга бўлиб, иқтисодий ўсишни маржиналистик ёндошувлар орқали тушунтиради. Ўз концепциясини Дж Мид “Иқтисодий ўсишнинг неоклассик назарияси” (1961 й.) китобида баён этди. Кобба Дуглас функциясининг замонавийлаштирилган (модернизациялашган) вариантыдан фойдаланиб, Дж Мид барқарор динамик мувозанат қобиллиги тенгламасини келтириб чиқарди.

$$Y=\alpha R+\beta L+r \quad (4.2.1)$$

бу ерда у-миллий даромаднинг ўртача йиллик ўсиш сурати:

R- капиталнинг ўртача йиллик ўсиш суръати;

L- меҳнатнинг ўртача йиллик ўсиш суръати;

α- миллий даромадда капиталнинг улуши;

β- миллий даромадда меҳнатнинг улуши;

r- техник тараққиёт суръати.

Тенглама, миллий даромаднинг ўсиш суръати миллий даромадда эга бўлган улуши бўйича меҳнат ва капитал ўсиш суръатларининг йиғиндисига тенг бўлиб унга яна техник тараққиёт суръати қўшилади. Меҳнат ва техник тараққиёт ўсиш суръатларини доимий деб тахмин қилиб Дж. Мид қуйидаги хулосага келди; иқтисодий ўсишнинг барқарор суръати капитал ўсишнинг барқарор суръатлари ва унинг миллий даромад ўсиш суръатлари билан тенглиги шароитида эришилади. Агар капитал ошишининг суръатлари миллий даромад ўсиши суръатларидан ошса, унда бу жамғариш суръатларининг ўз-ўзидан пасайишига олиб келади.

Меҳнат унумдорлиги ўсиш суръатларининг динамик мувозанатга таъсирини кўриб чиқиб Дж. Мид агар улар капитал жамланиши суръатидан ошса унда чегаравий меҳнат унумдорлигининг пасайиши натижасида меҳнатнинг капитал билан алмаштирилиши ҳосил бўлади деган хулосага

келди, ишлаб чиқариш жараёнида уларнинг янги мослиги эса меҳнат ҳам капиталнинг тўлиқ бандлигини таъминлайди. Шу билан бирга Дж. Мид реал ҳолатда меҳнат ва капитал жамғарилиши суръатлари ўртасида мувофиқликка амал қилиш зарурлигига эътибор қаратган. Акс ҳолда, агар меҳнатнинг ўсиши шунга мувофиқ капитал ошиши билан бирга бормаса ишлаб чиқаришнинг ўсиши рўй бермайди, чунки ишчи кучининг ўсиши ортиқча бўлиб ишсизлик вужудга келади. Агар капитал меҳнат унумдолигини ўсиш суръатларидан тезроқ ўсса, унда ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари ҳосил бўлади. Бироқ бу ҳолда ҳам динамик мувозанатга эришиш усуллари мавжуд. Дж. Мид бозорларнинг неоклассик назариясига асосланиб уларни кўрсатади.

Бунда, меҳнат бозорида ишсизликнинг вужудга келиши ҳолатида иш ҳақи ставкасининг пасайишига олиб келадиган рақобат кучаяди. Натижада ишчи кучининг ўсиш суръатлари билан тенглашадиган жамғариш суръатлари ошади. Дж. Мид моделида давлат фақатгина пул-кредит сиёсатидан фойдаланилган ҳолда барқарорлаштирадиган вазифани бажаради. Фақатгина шу ресурсларнинг зарур бандлиги ва барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминлайдиган даромад ва жамғармаларнинг самарали қайтатақсимлаш механизмини яратишга имкон беради.

4.3 Иқтисодий ўсишни А. Льюис модели

А. Льюис модели. У ишчи кучи захираси (резерв) ни иқтисодий ўсишнинг асоси сифатида кўриб чиқади. Шунинг учун унинг муаллиф фикрича, у “аҳоли зичлиги юқори, капитал танқис, ҳақиқий ресурслар эса чекланган” давлатлар учун қўл келади. Бундай мамлакатларга А. Льюис Ҳиндистон, Покистон, Миср ва бошқаларни киритади.

А. Льюис ўз концепциясида эркин бозор ғоясига асосланганлиги туфайли, таҳлил марказига у тадбиркор фигурасини қўяди. У бозорда мавжуд ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш хусусида қарорлар қабул қилади, яъни ер, капитал, ер хусусида. Модель иқтисодиётнинг икки секторини ҳисобга олган ҳолда қурилади: аграр ва саноат секторлари. Аграр секторда меҳнат

ресурсларининг таклифи чекланмаган, меҳнат унумдолиги жуда паст, чегаравий маҳсулот эса нолга тенг деб тахмин қилинади. Бу эса қишлоқ хўжалигидан ишчи кучининг олинishi ишлаб чиқариш қисқаришига олиб келмаслигини англатади. қишлоқ хўжалигида ишчиларнинг иш ҳақи яшаш минимуми даражасида бўлгани сабабли, бу ишчи кучидан саноатда фойдаланиш ҳеч қандай муаммо туғдирмайди. Бу сектордаги меҳнат унумдолиги аграр сектордагидан анча юқори.

Шундай қилиб, А. Льюис моделининг вазифаси меҳнат ресурсларининг бир қисмини қишлоқ хўжалигидан саноатга қайта тақсимлаш ва бу билан иқтисодий ўсиш суръатининг тезланишига эришиш ҳисобланади. Бу жараёнда асосий механизм бўлиб тармоқлараро бозор хизмат қилади.

Саноат ишлаб чиқариш масштабларини кенгайтириб, ўз ишчиларининг даромадлари ўсишини таъминлайди, бу эса ички талабни ошишига кўмаклашади. Бунда тадбиркорлар ўсиб бораётган даромадларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирадилар. Бу даромадлар кейинчалик иқтисодий ўсишга динамик таъсир кўрсатади.

Иқтисодий ўсишнинг ўзини А. Льюис икки турга ажратади: саноатда унинг манбаси бўлиб қўшимча ишчи кучидан фойдаланиш ҳисобланади (экстенсив тур), қишлоқ хўжалигида эса- чегаравий меҳнат унумдорлигининг ошиши (интенсив тур). Иқтисодий ўсишнинг бу икки тури инвестициялашнинг икки турли хил функцияларига мувофиқ келади. Саноатда гап асосан капитални кенгайтириш устида боради. Шунинг учун инвестицияларнинг берилган функцияси якуний саноат маҳсулотига таклифдан боғлиқ бўлади. Унинг ўсиши даромадлар ошиши ва инвестициялар кенгайишини рағбатлантиради. +ишлоқ хўжалигида, аксинча, инвестициялар даромадларнинг қисқаришига боғлиқ ҳолда кенгаяди: иш ҳақиға харажатларнинг кўпайиши фермерларни қўл меҳнатини машина меҳнати билан алмаштиришға мажбур қилади.

Ўз моделини ривожланаётган мамлакатлар учун ишлаб чиқиб А. Льюис уни индустриал босқични ўтган ғарбий мамлакатлар учун тўғри келмайди, деб ҳисоблаган. Бошқа муаллифлар аксинча уни ривожланган иқтисодиёт

шароитлари учун мақбул деб ҳисоблашади. Ш. Киндлбергер ўз таҳлилида кўрсатганидек иқтисодий ўсишнинг меҳнат ва капитал билан боғлиқлигининг энг яхши намунаси бўлиб ГФР, Италия, Швейцария, ва Голландия ҳисобланади. Буюк Британия, Бельгия, Швеция, Норвегия ва Дания каби мамлакатлар ҳам А. Льюис моделини тасдиқлашди, бироқ тескари боғлиқликда: бу мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг паст суръатлари меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш қувватларида чекланган фойдаланиш билан боғлиқ эди. Яна бир гуруҳни сезиларли ишчи кучи ортиқчалигини бошидан кечирган мамлакатлар ташкил этади (Испания, Португалия, Греция, Югославия, Турция). Уларнинг иқтисодий ўсиши ҳам Ш. Киндлбергер фикрича А. Льюис моделига тўғри келади. Бу мамлакатлар нафақат ўз саноатини балки бошқа европа давлатлари саноатини ҳам ишчи кучи билан таъминлар эди ва бутун континент учун ўзига хос заҳирадаги меҳнат фонди вазифасини бажарган эди.

Йирик фирмаларнинг мустақил иқтисодий сиёсат ўтказишлари, уларнинг ўз ўсиш сиёсатига бўлган қизиқишлари неоклассик йўналиши вакиллариини ўсишнинг неокейнсчилик макро иқтисодий моделларига ўхшаш моделларини яратишга бўлган фаоллигини оширди.

Р.Солоу иқтисодий тизим мувозанатлигининг муҳим шароити ялпи талаб ва ялпи таклифнинг тенг бўлиши эканлигидан келиб чиқади. Капиталнинг хажми инвестициялар ва чиқиб кетиш таъсирида ўзгаради. Инвестициялар капитал заҳирасини оширади, чиқиб кетишни эса камайтиради.

Р.Солоу модели жамғарма меъёри барқарор капитал билан қуролланганликни белгиловчи асосий омил эканлигини кўрасатади. Жамғарманинг нисбатан юқорироқ меъёри капиталнинг кўпроқ заҳираси ва ишлаб чиқаришнинг нисбатан юқорироқ даражасини таъминлайди. Р.Солоу моделининг кейинги ривожланиши аҳоли сонини ўзгариши ва техник тараққиётнинг тезлашишини кўзда тутди.

Агар иқтисодиёт “Олтин қоида” бўйича эга бўлиши мумкин бўлган капитал заҳирасидан ортиқча капитал заҳираси билан ривожланаётган бўлса, унда бу ҳолатда жамғарма меъёрини пасайтиришга йўналтирилган сиёсатни

амалга ошириш зарур. Жамғарма меъёрининг камайиши истеъмолнинг ошиши ва унга мувофиқ равишда инвестицияларнинг пасайишига олиб келади, демак капитал заҳирасининг барқарор даражасини пасайишига ҳам олиб келади.

Дж. Мид неоклассик асосларга эга бўлиб, иқтисодий ўсишни маржиналистик ёндашувлари орқали тушунтиради. Дж. Мид реал ҳолатда меҳнат ва капитал жамғарилиши суръатлари ўртасида мувофиқликка амал қилиш зарурлигига эътибор қаратган. Агар меҳнатнинг ўсиши шунга мувофиқ капитал ошиши билан бирга бормаса ишлаб чиқаришнинг ўсиши рўй бермайди, чунки ишчи кучининг ўсиши ортиқча бўлиб ишсизлик вужудга келади. Агар капитал меҳнат унумдорлигини ўсиш суръатларидан тезкор бўлса, унда ортиқча ишлаб чиқариш қуватлари ҳосил бўлади.

А.Льюис моделининг вазифаси меҳнат ресурсларининг бир қисмини қишлоқ хўжалигидан саноатга қайта тақсимлаш ва бу билан иқтисодий ўсиш суръатининг тезланишига эришиш ҳисобланади. Бу жараёнда механизм бўлиб тармоқлараро бозор хизмат қилади.

Саноат ишлаб чиқариш масштабларини кенгайтириб, ўз ишчиларининг даромадлари ўсишини таъминлайди, бу эса ички талабни ошишига кўмаклашади. Бунда тадбиркорлар ўсиб бораётган даромадларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирадилар. Бу даромадлар кейинчалик иқтисодий ўсишга динамик таъсир кўрсатади.

МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР.

1. Иқтисодий ўсишни 1-неоклассик моделлари қачон пайдо бўлган?
2. Нима сабабдан неоклассик йўналиш вакиллари иқтисодиётда давлат аралашувига қарши чиқишди?
3. Ишлаб чиқариш функцияси нимани аниқлайди?
4. Неоклассик назарияда техник тараққиёт нимани ифодалайди?
5. Иқтисодиётда “Олтин қоида”ни маъносини тушинтиринг.
6. Дж. Мид моделида давлатни роли қандай?
7. Дж. Мид моделини иқтисодий ўсишга таъсирини қандай изоҳлайсиз?
8. А.Льюис моделини иқтисодий ўсишга таъсирини изоҳланг.

9. А.Льюис ўз моделини нима сабабдан ғарбий мамлакатлар учун тўғри келмайди деб ҳисоблайди.?
10. А.Льюис модели бўйича Ш.Киндлбергер фикрини изоҳланг.

5-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ЯНГИЧА НАЗАРИЯСИ.

5.1. Иқтисодий ўсиш моделларида инсон капиталини инобатга олиниши

Сўнги йилларда инсон капиталига инвестиция қилиш узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсиш омили сифитида қаралмоқда. Инсон капитали ҳақидаги илк қарашлар иқтисод сиёсат ва статистика отаси инглиз олими Уильям Петти (1623-1687) ўз ишларида тўхталиб ўтган. Унинг 1676 йилда ёзилган “Сиёсий арифметика асарида” инсон капиталини умумий иқтисодиётдаги улушини ҳисоблашга ҳаракат қилган. Инглиз иқтисодчиси ўз асарида инсон капиталини барча моддий капиталдан устун қўйган. У Англия аҳолисини 417 млн. фунтга ва унинг қолган моддий бойлигини 250 млн. фунтга баҳолаган.

Петти ғояларини ривожлантирган иқтисодчи олим Адам Смит (1723-1790) бўлиб ҳисобланади. Адам Смит индивид қобилияти ғояси устида иш олиб борган. А. Смит фикрича индивидлар қобилияти билан бир биридан фарқ қилишади ва бу уларнинг камчилиги эмас балки устунлиги бўлиб ҳисобланади. Индивид ўз қобилитидан келиб чиқиб маълум фаолият тури билан шуғулланади. Таълим тарбия жараёни ҳам қобилитига қараб олиб борилиши керак. Натижада эса шахс ўз қобилияти билан маълум фаолият тури билан шуғулланиб ундан кўпроқ даромад олади деб фикр юритади.

Агарар жамиятда асосий эътибор ерларнинг жойлашуви унинг ҳажмига қаратилса, индустриал жамиятда капитал ҳажми, яъни ресурслар ҳажми уларнинг яқинлиги ва бир қатор омиллар эътиборга олинган. Ҳозирги информацион даврда асини ахборот ташкил этиб унда ахборотнинг сони, сифати ва тури мавжудлиги жамиятнинг устунлигини белгилаб бермоқда. Ахборот даврининг бошланишидан то ҳозиргача жамият ва информацион технологиялар ўртасидаги алоқа тобора жадалллашиб бормоқда, бу эса ўз навбатида инсон капиталига бўлган талабни ошишига олиб келмоқда. Умумийлаштириб айтиш мумкинки аграр жамиятда ер, индустриал жамиятда

табiiй ресурслар устунлик қилса инфор­мацион жамиятда илмiiй тадқиқот институтлар ва марказлар бўлиб ҳисобланади.

Демак, иқтисодиёт ривожланиши инсон капитали концепциясини шаклланишига ва уни жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлишига сабаб бўлган.

Замонавий инсон капитали назарияси Герри Беккер (1930) томонидан “Инсон капитал” (1964) номли асарида шакллантирилган. Унинг фикрича, инсон капитали қуйидаги элементлардан ташкил топган: индивид билими, ишлаб чиқаришдаги малакаси ва мотивация. Г. Беккер фикрича инсон капитали техника технологиялардан ҳам юқори капитал қайтими­га эга бўлиб, уни ривожлантириш учун келажакдаги мутахасисларни ўқитиш, ишлаётганларнинг малакасини оширишга инвестиция қилиш зарур деб ҳисоблайди.

Иқтисодчи олимлар олиб борган натижаларида кўра инсон капиталини икки аспектга бўлишади:

1. *Инсон капитали захира сифатида.*

Инсон капитали – инсонда мавжуд захира соғлиги, билими, тажрибаси, қобилияти, мотивациялар орқали меҳнат самарадорлигини ошиши ва натижада даромаднинг кўпайишига олиб келади. Одатда унинг таркибига қуйидагиларни ажратиб кўрсатишади:

- Туғма қобилияти;
- Маънавияти;
- Умумий ва махсус билимлари;
- Билимларини керакли жойда керакли пайтда фойдалана билиши.

2. *Инсон капитали даромад оқими сифатида.*

Инсон капиталига капитални йўналтириш асосий актив сифатида уни бутун умри давомида даромад келтириш манбаъсига айланади.

Инсон капитали ҳақидаги назарияни пайдо бўлиши, сўнги йилларда номоддий капитал йиғилиши инсон ривожланишига олиб келди. Инсон капитали деганда инсоннинг барча самарадорлик кўрсаткичлари тушунилади, яъни билим эгаллаш, малака ошириш, ҳамда мотивация ва энергияларни

иқтисодий самарадорликни оширишга ишлатилади. Одатда инсон капиталига киритилган инвестициялар деганда таълим, тарбия, соғлиқни сақлаш, ҳамда инсонни қайта таёрлаш ва малакасини ошириш учун қилинган харажатлар тушунилади.

Умуман олганда **инсон капитали** - юқорида айтилганидек меҳнат унумдорлиги ёки малакасининг ошиши фақатгина уларга киритилган инвестиция орқали купайтириш мумкин. Бу жараён таълим (билим) дея юритилади, аммо айтиб ўтганимиздай бу жараёни ишдан узлуксиз равишда ҳам олиш мумкин. Биз даромадни кискариб кетиш конуниятини рад этишимиз мумкин, агарда, биз бир вақтнинг ўзида инвестицияни инсон капиталига ҳамда физик капиталига киритсак. Бу модел доимий самарадорликни назарда тутганлиги учун (физик ва инсон капиталларининг йиғиндисидан олинadиган доимий даромад), унда агар физик ва инсон капиталини икки бароварга оширсак, у ҳолда бизда икки баробар даромад олиш имкониятлари булади.

Инсон капиталини ёки малакани оширишнинг асосий омили бўлиб узлуксиз равишда олиб бориладиган таълим тизими ҳисобланади. Инсонлар мактаб ва бошқа ўқув муассаларида таълим олиб иш ҳақларидан воз кечканлар деб ҳисоблаймиз. Чунки агарда улар таълим олиш ўрнига бирон бир корхонада ишлаб юрганларида маълум бир маош олишган бўлишар эдилар. Бундай жараёни иқтисодчилар инсон капиталига киритилган инвестиция деб юритадилар.

Умумлаштириб иқтисодий ўсишни қайси алтернатив йулини танлашимиз лозим? Биринчи вариантни биз элитизм деб атаган эдик: маълум бир гуруҳ инсонлар яхши маълумот оладилар, чунки иқтисодиёт ривожланиши уларнинг қай даражада давлатни бошқаришига боғлиқ. Бу назарияга кўра агар етакчилар яхши маълумотга эга бўлсалар у ҳолда мамлакат барқарор ривожланади деб юритилади.

Иккинчи вариантни биз универсализм деб атадик: ҳар бир инсон минимум билим олиши керак. Бу вариантнинг мазмуни шундан иборатки, ҳар бир ишчидан иқтисодий ўсиш янги технологияларни тез равишда киритилиши

керак эканлигидадир. Охирги 30 йиллар ичидаги Шарқий осиёдаги иқтисодий ўсиш аввал тикувчилик, кейин соатлар ва радиомохсулотлар ишлаб чиқаришдан бошланган. Сифат даражаси бу давлатларда аста-секинлик билан ошиб борди, ва ундан кейин эса бу давлатлар бошқа давлатларга молиявий ёрдам кўрсатишни бошладилар.

Бундай иқтисодий тизимда ҳар бир ишчи турли хил касбларни эгаллаши лозим. Шунинг учун бундай шароитларда, шундай таълим системаси тузилиши керакки, бу таълим тизими ишчилар учун турли хил касбларни эгаллашига кўмаклашиши керак. Охирги 30 йиллар ичида инсон капиталини тўплаш модели уневерсализмга асосланган бўлиб, у элитизмга асосланган моделидан кўра афзаллироқдир.

5.2 Инсон капиталини иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганиш ва моделлаштириш назариялари.

Инсон капитални назариясини ривожланиши инсон капиталини иқтисодий ўсишдаги роли, улуши ва ўсишдаги ҳиссасини ўрганиш 80-90 йилларда кўплаб иқтисодчи олимларнинг ўрганиш объекти бўлиб қолди.

Биринчилардан бўлиб **Р. Лукас** 1988 йилда инсон капиталини захираси ва унинг оқибатларини инобатга олишга ҳаракат қилган. У қуйидаги ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланган:

$$Y(t) = K(t)^{1-\alpha} [uh(t)L(t)]^{1-\alpha} (h_{\alpha}(t))^{\psi} \quad (5.2.1)$$

Бу ерда, **u** - инсон капиталини яратишда меҳнатнинг улуши

h(t) – инсон капитални захираси

h_α(t) – t вақт ичида инсон капиталининг ўртача даражаси

Шу билан бир қаторда йиғилишининг 2 шарти мавжуд:

- 1) Инсон капитал учун: $h^* = \Delta h(1-u)$
- 2) Физик капитал учун: $k^* = \alpha k^{\alpha} h(1-\alpha+\psi)$

Фараз қилайлик иқтисодиёт динамик мувозанат ҳолатда бўлса, бу ерда $k^*/k (= \gamma_k)$ ва $h^*/h (= \gamma_h)$ яъни доимий физик капитал (γ_k) ва инсон капитал (γ_h) ўсади.

Динамик мувозанат ҳолатда капитал билан куролланиш даражасини ўсиш суръати $(\alpha-1)k^*/k+(1-\alpha+\psi)h^*/h=0$ га тенг бўлади.

$(\alpha-1)$ шартда динамик мувозанат

$$\gamma_h = \Delta(1-u)$$

$$\gamma_k = [(1-\alpha+\psi)\Delta(1-u)]/(1-\alpha)$$

Экстрал мавжуд эмас ҳолда ($\psi=0$)

$$\gamma_h = \gamma_k = \Delta(1-u)$$

Бу ҳолда ўсиш суръати бутунлай инсон капитали ўсиш сурати билан ўлчанади.

Изоҳ. Экстренал бу – ички самара бўлиб, тармоқ ичида самара мавжудлигида бошқа тармоқда ҳаражатларнинг кўпайишига олиб келади.

$\psi > 0$, $\gamma_h > \gamma_k$ ҳолатда инсон капитали физик капиталга нисбаттан кўпроқ ўсади.

Инсон капиталини экстреналлиги сабабли “Лукас иқтисодиёти” самараси паст бўлиб ҳисобланади.

Инсон капиталини иқтисодий ўсишга таъсирини моделини тузган олимлар Г. Менкью, Д. Ромер ва Д. Уэломлар бўлиб ҳисобланади. Улар ўзларининг ўсиш моделларга физик капиталдан инсонкапиталини ажратиб олганлар. Моделда Кобба-Дугласнинг ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланишган. У қуйидаги қўринишга эга:

$$Y(t) = K(t)^\alpha H(t)^\beta [A(t)L(t)]^{1-\alpha-\beta} \quad (5.2.2)$$

Бу ерда, $Y(t)$ – t вақтда ялпи ички маҳсулот ҳажми, $K(t)$ – t вақтдаги капитал ҳажми, $H(t)$ – t вақтда инсон капитал ҳажми, $A(t)$ – t вақтда техника тараққиёт, $L(t)$ – t вақтда меҳнат ҳажми.


Агар,

$$y = \frac{Y}{AL}, k = \frac{K}{AL} \text{ ва } h = \frac{H}{AL} \quad (5.2.3)$$

бўлса, бунда қуйидаги тенгламага эга бўламиз: $y = k^\alpha h^\beta$

Модел муаллифлари физик капитал, инсон капитал ва истемол учун битта функциядан фойдаланилган. Шунинг учун, истемолнинг бирлик шартдан фойдаланилмайди ёки бирлик физик капитал, ёки инсон капитални бирлик деб олинади. Улар инсон капитали чиқимини физик капиталиникидек деб


ҳисоблашади. Бундай қарорга капитал қайтимини камаювчилик хоссасидан келиб чиқишади (яъни $\alpha + \beta < 0$) $\dot{k}(t) = s_k y(t) - (n+g+\delta)k(t)$, $\dot{k}(t) = 0$, $s_k y(t) = (n+g+\delta)k(t)$.



5.2.1-расм. Физик капитал динамикаси (самарадорликнинг бир ишчига тўғри келиши).

$$k^{1-\alpha} = \left(\frac{s_k}{n+g+\delta} \right) h^\beta \quad \text{ёки} \quad k = \left[\frac{s_k}{n+g+\delta} \right]^{\frac{1}{1-\alpha}} h^{\frac{\beta}{1-\alpha}} \quad (5.2.4)$$

Демак h ва k комбинацияси шартини бажаради (п-расм). $\beta < 1-\alpha$ бўлса, k нинг h бўйича иккинчи даражали ҳосиласи унинг траекториясига нисбаттан эгри чизикдан манфий масофада жойлашган. Бу билан $\dot{k}(t)$ h бўйича ўсувчидир. Шу билан бир қаторда $\dot{k}(t) = 0$ бўлганда, $\dot{k} > 0$ эгри чизикнинг ўнгида, $\dot{k} < 0$ эгри чизикнинг чапида жойлашган.



5.2.2-расм. Инсон капитали динамикаси (самарадорликнинг бир ишчига тўғри келиши).


Инсон капитали самарадорлиги бир ишчига тўғри келиши қуйидагича:

$$\dot{h}(t) = s_h y(t) - (n+g+\delta)h(t), \quad \dot{h}(t) = 0, \quad s_h y(t) = (n+g+\delta)h(t) \quad (5-9)$$

бу шартда $k = \left[\frac{s_h h}{(n+g+\delta)} \right]^{1/\alpha} h^{(1-\beta)/\alpha}$ га тенг (5.2.2-расм). $1-\beta > \alpha$ шартидан келиб чиқиб, k нинг h бўйича иккинчи даражали ҳосиласи унинг траекториясига нисбаттан эгри чизикдан мусбат масофада жойлашган. Бу билан $\dot{h}(t) = 0$ бўлганда, $\dot{h} > 0$ эгри чизикнинг юқорисида, $\dot{h} < 0$ эгри чизикнинг пастида жойлашган.

Барқарорлик шартидан келиб чиқиб қуйидагиларни аниқлаймиз:

$$k^* = \left(\frac{s_h h^*}{(n+g+\delta)} \right)^{1/\alpha} h^{(1-\beta)/\alpha}, \quad h^* = \left(\frac{s_h k^*}{(n+g+\delta)} \right)^{\alpha/(1-\beta)} \quad (5.2.5)$$



5.2.3-расм. Физик ва инсон капитали мувозанати динамикаси.

5.2.3-расмдан кўриниб турибдики физик ва инсон капитали динамикаси биргаликда E мувозанат ҳолатида турибди.

$$y^* = (k^*)^\alpha (h^*)^{1-\beta} \quad (5.2.6)$$

Агар тенгликни логарифмлаб олинган натижаларни коэффицентлар ўрнига қўсак қуйидаги ифода ҳосил бўлади:

$$\frac{Y(t)}{\ln L(t)} = \ln A(0) + g t - \frac{\alpha + \beta}{1 - \alpha - \beta} \ln(n+g+\delta) + \frac{\alpha}{1 - \alpha - \beta} \ln[(s)_k] + \frac{\beta}{1 - \alpha - \beta} \ln[(s)_h] \quad (5.2.7)$$

5.2.7 – тенгламадан кўриниб турибдики, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад аҳолининг ўсиш суръати ва физик ва инсон капитали йиғилишига боғлиқ. Тенгликнинг коэффицентлари омилларнинг улушини кўрсатиб турибди.

5.3 Давлатнинг иқтисодий сиёсатини иқтисодий ўсишга таъсири.

Кўпчилик иқтисодчилар кандай қилиб ҳукумат иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир киладилар деб савол берадилар. Маълумки ҳукумат иқтисодиётда жуда катта имкониятга ва кучга эга булган иқтисодий воситаларадан ҳисобланади, шунинг учун уни ҳаракатлари катта аҳамиятга эга. Ҳукумат иқтисодиётга турли хил йўллар билан таъсир килиши мумкин ва бунга қуйидагилар бўлиши мумкин:

- ҳукумат қонуний ҳужжатларни белгилашда қумаклашади ва бу нарса ўз навбатда маҳсулот яратувчиларга катта имконият тугдиради. Агарда ҳукумат бундай шароитларни яратиб бераолмаса у ҳолда шу мамлакат иқтисодий ўсиши деярли юкори бўлмаслиги мумкин.
- ҳукумат макроиқтисодий шароитларга таъсир килиш мумкин, чунки фирмалар инфляция юкори булган давлатда маҳсулот ишлаб чиқаришлари қийинчилик тугдиради.
- ҳукумат иқтисодий ўсишнинг суръатларига таъсир килиши мумкин, яъни турли хил воситалардан фойдаланган ҳолда (монетар сиёсат, фискал сиёсат ва ҳ.к.з.). Давлат ҳаражатлари структураси ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Иқтисодий ўсишга қаратилган қўпчилик ишларда юкоридаги аспектлар таҳлили берилган бўлиб унда қайси аспектларнинг бири қўпроқ иқтисодий ўсишга таъсир қўрсатилиши қўрсатилган.

IV. Иқтисодий ўсиш манбаълари: эмпирик таҳлилларнинг натижалари А. Иқтисодий ўсиш омилларини инобатга олинии.

A1 ҳамда A6 жадвалларида (Босворт ва Коллинзлар ишларидан (Bosworth and Collins, 1998)) 88 давлатларда туртта даврдаги иқтисодий ўсиш омиллара қўрсатилган: 1960-70, 1970-80, 1980-86 ва 1986-90 йилларда. Масалан

А1 жадвалнинг биринчи каторида, хитойдаги уртача ўсиш суръатлари 1960йил 1970йиллар даври ичида 1,7 фоизни ташкил килган. Капитал иктисодий ўсиш омили сифатида - Ak/k тенгламасининг кисми (4) – нолга тенг булган - (1 - а) Ae /e худди шу тенгламанинг кисми - 0,4 фоизга тенг булган. Иктисодий ўсиш суръатларининг бокша кисмлари - 1,3 фозни ташкил килган – ва бу технология ривожланишига боглик булганлигидандир.

Элвин Янг (Alwyn Young, 1994)) Шаркий Осие давлатлардаги юкоро иктисодий ўсиши омилларнинг туплангалги деб айтган биринчи иктисодчилардан хисобланади. Масалан Сингапурдаги 1960чидан 1970йилга ахоли жон бошига тугри келган 5,6 фоизни ташкил килди ва бу физик капиталнинг тупланиши, 0,3 фоизи эса инсон капиталига тугри келган. Агар биз физик ҳамда инсон капиталини инобатга оладиган булсак, Сингапурдаги иктисодий ўсиш суръатлари нолга тенг булган. Худди шундай натижалар 1970йилдан 1980йилгача ва 1980йилдан 1986йилгача булган даврда кўзатилган. Шу маълумотларга асосланган холда Янг Сингапурдаги иктисодий ўсишнинг асосий омили факат харакат ва каттик меҳнат деган хулосага келган.


Бу килинган хулоса, бундан олдинги килинган хулосага мутлок фарк килади, чунки олдинги хулосаларга караганда Шаркий Осиедаги иктисодий ўсиш факатгина технологияни яхшилаш оркалигина эришилган деб айтилган. Аслида эса мана шу давлатлардаги иктисодий ўсишнинг пайдо булиши факатгина физик капиталнинг туплангалигиданлир. Шунини айтиб утиш жоизки, агарда юкоридаги давлатларда технологияларни такомиллаштирилмаганда, у холда камайиб бораётган даромад конуни иктисодий ўсишни йукка чиқарар эди. 1994 йилда Янгнинг башоратига кура шаркий осиеда руй берган ута юкори ривожланишни пасайиб кетишини айтган. Сингапурнинг бахтига, ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари 1986 йилдан 1992 йилгача ошиб келди, ва уртача йилига 7,4 фоизни ташкил этди. Бу курсаткичдан факат 2,6 фоизи капитал йигилмаси билан белгиланади ва 0,6 фоизи - таълим. Шундай килиб технология бир йилда 4 – фоизга ошган.

Иқтисодий бир бирликлардан катъий назар конвергенция иқтисодий назарияда асосий ва тортишувларга хос бир масалалардан ҳисобланади. Юқорида айтиб утилганидек неоклассик модел бой ва кашо давлатлр уртасидаги тахминий конвергенцияни курсатиб утади.

Худди шу саволлар макроиктисодий назарияси ва иқтисодий ўсиш тарафдорларини ҳам кизиктириб келмокда. Аммо улар учун тахлил объектлари булиб уй хужаликлари эмас балки бутун бир давлатлр кизиктиради. Масалан улар кашо давлатлар кашолигигача коладими еки йукми, бой давлатлар эса ун йиллардан кейин ҳам бой булиб коладими еки йукми шуни билишни истайдилар. Бу асосий саволлар конвергенция хакидаги асосий тортишувларга айланган. Аслида бу масалар олдиндан кизикиш уйготган булсада, лекин макроиктисодиетчилар ва экономитристларни 80-йилларга келиб катта кизикиш пайдо булди.

Конвергенциянинг икки асосий концепциялари классик ишларда намоён этилган. Уларни р-конвергенция ва конвергенция деб аташади. Бизнингча, агар конвергенция руй берса у холда кашо давлатлар бой давлатларга нисбатан юқори иқтисодий ўсиш тенденцияга мойиллиги борлигини атамаиз.

Р-конвергенциясига мисол килиб, уй хужаликлари еки мамлакатдаги ўсиш суръатлари рецессия коэффиценти, бошлангич даромадларга нисбий таъсирини утказади. Масалан, 1(а) чизмада, маълум бир давлатлар гуруҳида Р-конвергенцияси 1960дан 1997 йилгача олинган. Бу чизмадан шуни кўзатиш мумкинки, 1960 йилда Р-конвергенцияси кўзатилган ривожланган давлатларда, йилдан-йилга иқтисодий ўсиш сураътлари, ривожланаётган давлатларга нисбатан юқори булган 1 (б) – чизма.



5.3.1- расм. Иқтисодий ўсиш суръатларининг конвергенцияси, 1960-97 йй. Манба: Барро ва Сала-и-Мартин, 1995.

Иқтисодиётда а-конвергенциясини, аҳоли жон бошига тугри келадиган реал ЯММ аста-секин ошиб борилишида кўзатилади. Демак, агар биз таркалиш коэффицентини йилига 0, кейин йилига 5та, кейин эса йилига 10та деб олсак, у холда маълум вақт ичида таркалиш даражаси камайиб боришини кўзаташимиз мумкин, ва бу ҳолатда Φ – конвергенция булди дейишимиз мумкин.

Иқтисодий назария масалаларида конвергенция барча иқтисодий бирликлардаги асосий саволларидан булиб қолмоқда. Юқорида айтиб утилганидек неоклассик модели бой ва кашок давлатлардаги тахминий конвергенцияни башорат қилиди. Ишчи кучи, давлат молияси ва иқтисодий ўсиш аспектларини урганиб келган иқтисодчилар учун, ҳозирда кашок оилалар еки бой давлатлар яқин бир юз йиллардан кейин ҳам ўзгариши еки ўзгармаслиги кизиктириб келади. Улар вақт давомида тенгсизликни ўзариш еки ўзгармаслигини билишни истайдилар.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Инсон капиталини иқтисодий ўсишга таъсири бўйича Й. Шумпетер қандай изоҳлаган.
2. Инсон капиталини капитал захираси сифатида қаралиши деганда нимани тушинаси?
3. Инсон капиталини даромад оқими сифатида қаралиши деганда нимани тушинаси?
4. Иқтисодий ўсишга инсон капиталини таъсири аввал қайси иқтисодий индикаторга ўз аксини топади?
5. Р. Лукас иқтисодий ўсиш модели афзалликлари ва камчиликларини ифодалаб беринг.
6. Г. Менкью, Д. Ромер ва Д. Уэломлар иқтисодий ўсиш моделини қайси ўсиш модели асосида тузган?
7. Г. Менкью, Д. Ромер ва Д. Уэлом ўсиш моделида инсон капитали эскириши қандай ифодаланган?

8. Г. Менкью, Д. Ромер ва Д. Уэлом ўсиш моделида α , β коэффициентлари қандай аниқланади?
9. Иқтисодий ўсиш сураётларининг конвергенцияси деганда нимани тушунаси?
10. Давлат истеъмоли ошиши иқтисодий ўсишга қандай таъсир кўрсатади?

6-БОБ: ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ.

6.1. Инвестициянинг иқтисодиётни ривожланишидаги моҳияти ва унинг турлари

Иқтисодиётни модернизациялашнинг асосий иқтисодий тушунчалари сифатида инвестициялар тушунчасининг бугунги ҳаётимизга кенг ва тез кириб келишининг ўзи унинг моҳияти ва аҳамияти, зарурлигини кўрсатиб, уни очиб беришга бўлган заруриятни келтириб чиқаради. Бу тушунча ўзи билан бирга инвестиция лойиҳалари тушунчаси, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва молиялаштириш, уларнинг техник иқтисодий асосланиши ва экспертизаси, лойиҳавий таҳлил, лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш ва мониторинги каби бир қатор янги кўплаб тушунча ва иқтисодий билимларни кашф этиши уларнинг бугунги иқтисодий ҳаётимизда нақадар муҳимлигини англаб олишимизга сабаб бўлмоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг, шу жумладан Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳам келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда ҳар бир билим соҳиби англаб етганлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан чет эл инвестицияларини кенгрок жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш кийин эмас.³

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қулай инвестиция иқлими шаклланмасдан ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муваффақиятли интеграциялаша олмайди.

³ Жўраев А.С, Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б. «Инвестиция лойиҳалари таҳлили» Тошкент «Шарк»2007-526

Иқтисодий адабиётларда ва амалиётда "инвестиция" нисбатан аниқ ва кенг қўлланилаётган атама ҳисобланса-да, иккинчи томондан, унинг кўп қирралиги ва зиддиятлилиги нафақат мамлакатимиз, балки хорижий иқтисодий адабиётларига ҳам хос.

"Инвестиция" атамасининг моҳиятини аниқлашни иқтисодий адабиётларда кенг қўлланиладиган таърифларни таҳлил этишдан бошлаш мақсадга мувофиқ.

"Инвестиция" тушунчаси бир қатор маъноларга эга бўлиб, бу қисқача қуйилма деган маънони билдиради. Ёки буни фойда олиш мақсвдида акция, облигация сотиб олиш, товар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган реал активларни сотиб олиш ва ишлаб чиқариш ҳамда интеллектуал ва бошқа моддий бойликлар учун сарфланиши тушунилади, яъни инвестициялар ҳар қандай восита бўлиб, пулнинг қийматини сақлайди, унинг қийматини кўпайтиради, ва ижобий даромад олишни таъминлайди.

Демак, инвестиция сўзи кенгроқ маънони англатиб, бунга қўшимча равишда ўзлаштирмоқ деган маънони ҳам берар экан"⁷.

Инвестиция ҳукуқи соҳасида илмий изланишлар олиб борган рус олими А.Г.Богатирев ҳам юқоридаги нуқтаи назарга яқин позицияни эгаллайди.⁸ Айнан харажатларнинг ишлаб чиқаришга хослиги ва узоқ муддатлилиги кўп ҳолларда муаллифлар томонидан инвестициялар ва капитал қўйилмалар ўртасида тенглик ишорасини қўйилишига сабаб бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Европача услуб "инвестиция" атамасини қимматли қоғозларга киртилган узоқ муддатли қўйилмаларга нисбатан ҳам қўлланилишига йўл қўяди. Аммо "фақат корпорацияни бошқариш имкониятини ўзида акс эттирган ҳолатдагина бундай капитал қўйиш инвестиция бўлиши мумкин".⁹

⁷ Каримов Н.Ғ., Хожиматов Р.Х. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш" Дарслик. - ТДИУ, 2011-Б. 31

⁸ Богатирев А.Г. Инвестиционное право. М.: Российское право, 2008.-272 с.

⁹ Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. - М.ИНФРА-М, 2007. - с.28.

Американча услуб ҳам "инвестиция" ва "капитал қўйилмалар" атамалари ўртасида тенглик ишорасини қўяди ва унинг иқтисодий мазмунида кўчмас мулкка қилинган қўйилмаларга устуворлик беради.

Инвестиция атамаси тўғрисида сўз юритганда МДХ мамлакатлари иқтисодий адабиётларида кенг қўлланиладиган бир катор таърифларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Масалан, рус иқтисодчи-олими Ковалев В.В. - фикрига кўра, "инвестициялар — халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги корхоналарга узоқ муддатли капитал қўйишдир (мамлакат ичида ёки хорижда)"¹⁰. Кўриниб турибдики, ушбу таърифда инвестицияларнинг мақсади ва соҳалари ўз аксини топмаган. Шу билан бирга ушбу таърифда инвестициялар узоқ муддатли капитал қўйилмаларга тенглаштирилмоқда.

Инвестициялар — асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенггайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўринишидир. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилади.

Лукинов В.А. юқоридаги таърифга нисбатан бир мунча тўлароқ ва аниқроқ таърифни келтиради: "инвестициялар — фойда олиш мақсадида мамлакат ичкарисида ёки хорижда халқ хўжалигининг турли тармоқларига давлат ва хусусий капиталининг узоқ муддатли молиявий қўйилмаларидир"¹¹.

Мазкур таърифда инвестицияларнинг мақсади кўрсатилган бўлсада, унинг ижтимоий самарани таъминлашдаги роли кўрсатилмаган. Шунингдек, инвестициялар фақат молиявий қўйилмалар сифатида тавсифланган, холос. Ваҳоланки, машиналар, технологиялар, лицензиялар ҳам инвестициялар бўлиши мумкин.

Россиялик иқтисодчилар А.Ю.Андрианов, С.В. Валдайцев ҳам инвестицияларга шунга яқин таъриф келтирадилар: "Инвестициялар – давлат

¹⁰ Ковалев В.В. Методн оценки инвестиционных проектов.-- М.: Финанс и статистика, 2008. — 144с.

¹¹ Лукинов В.А. Проблемн стабилизации и развития инвестиционно-строительной сферн.-- М.: 1998. — 228с.

капитали ва хусусий капиталнинг фойда олиш мақсадида мамлакат ичкарасида ёки хорижий мамлакат иқтисодиётига узоқ муддатли молиявий қўйилмаларидир"¹². Кўриниб турибдики, ушбу таърифда инвестицияларнинг таркиби келтирилмаган ва бу ерда ҳам инвестицияларни молиявий қўйилмалар сифатида таърифлаш устувор ўринга эга.

"Инвестициялар фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий ёхуд иқтисодий самарага эришиш мақсадида турли хил ишлаб чиқариш, тижорат, ижтимоий, илмий, маданий ва бошқа соҳа дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишга киритиладиган пул, мулк ва интеллектуал бойликлармажмуасидан иборат"¹³, - деб таъриф беради инвестициялар таҳлили соҳасида илмий изланишлар олиб борган россиялик иқтисодчи О.Синицин.

Мазкур таъриф гарчи кенг қамровли бўлса-да, инвестицияларнинг моҳиятини тўлиқ ва аниқ очиб бера олмайди. Бунда инвестициялар турли хил дастурларни ва лойиҳаларни амалга ошириш учун сарфланадиган пул, мулк ва интеллектуал бойликлар мажмуасидан иборатлиги таъкидланади. Қимматли қоғозларга қилинадиган узоқ муддатли қўйилмалар, технологиялар сотиб олиш учун сарфланадиган маблағлар ва бошқа муҳим инвестиция турлари эътибордан четда қолган.

Қуйидаги таърифда инвестициялар ва капитал қўйилмалар ўртасига тенглик ишораси қўйилган: "Инвестициялар (капитал қўйилмалар) — халқ хўжалигининг барча тармоқларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашга йўналтирилган моддий, меҳнат ва пул ресурслари харажатлари йиғиндисидан иборат"¹⁴.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида" ги қонунида келтирилган таъриф инвестицияларнинг

¹² Инвестиции: учеб. /А.Ю. Андрианов, СВ. Валдайцев, П.В. Воробьев и др.— 2-е изд., перераб. и доп. —

М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. — с58.

¹³ Синицин О. Инвестиционный анализ. Теория выбора // Инвестиции в России. № 1-2, 2007

¹⁴ Шапиро В.Д. и др. Управление проектами. — СПб.: "Два Три", 2006. - 17 с.

иқтисодий-ҳуқуқий табиатини тўлиқ очиб беради: "инвестициялар - иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва (номоддий) неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар; инвестиция фаолияти - инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи"¹⁵.

Ушбу таъриф инвестицияларнинг ҳам реал ҳам молиявий турлари мазмунини қамраб олади.

Инвестициялар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин (1-чизма).



6.1.1-расм. Инвестициялар таснифланиши.

Маблағларни киритиш объектига кўра инвестицияларни икки турга ажратиш мумкин: молиявий инвестициялар ва реал инвестициялар. Молиявий инвестициялар - маблағларни молиявий активларга киритишдир. Молиявий инвестициялар акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар шаклида қатнашиши мумкин.

¹⁵ "Ўзбекистон Республикаси Қонуни "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги. 1998 й.24 декабрь, 2-модда /NORMA.

Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар шаклидаги инвестициялар деганда давлат қимматли қоғозларига (облигациялар ва бошқа қарз мажбуриятлари), бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозлари ва Низом капиталига киритилган маблағлар, шунингдек, мамлакат ичкарасида ва хорижда корхоналарга тақдим этилган қарз маблағлари тушунилади.

Реал инвестициялар деганда барча турдаги (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш) номолиявий активларни сотиб олиш мақсадида киритилган маблағлар тушунилади.

Инвестицияларнинг реал ва молиявий турларга ажратилиши уларни таснифлаштиришдаги асосий белгилардан ҳисобланади. Инвестициялаш жараёнига иштирок этиш характериға кўра инвестициялар бевосита ва билвосита инвестицияларға бўлинади.

Бевосита инвестицияларда инвестор инвестициялаш объектини танлаш ва маблағлар киритишға бевосита иштирок этади. Бевосита инвестицияларни одатда инвестиция объекти тўғрисида аниқ маълумотға эға, инвестициялаш механизми билан яқиндан таниш, шунингдек бу соҳада катта тажрибаға эға бўлган махсус тайёргарликка эға инвесторлар амалға оширадилар.

Билвосита инвестициялар инвестицион ёки бошқа молиявий воитачилар орқали амалға оширилади. Инвестициялаш муддатиға кўра инвестициялар қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестицияларға бўлинади.

Қисқа муддатли инвестициялар бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатға капитал киритишдир. Масалан, қисқа муддатли депозит қўйилмалари, қисқа муддатли жамғарма сертификатларини сотиб олиш ва ҳ.к.. Узоқ муддатли инвестициялар ишлаб чиқариш учун мўлжалланмаган узоқ муддатли фойдаланиш кўзда тутилган активларни барпо этиш, уларни кенгайтириш ва сотиб олишға сарфланган капитал маблағлардир.

Мулк шаклиға кўра инвестициялар қуйидаги турларға бўлинади: хусусий, давлат, хорижий ва қўшма инвестициялар. Хусусий инвестициялар фуқаролар ҳамда мулкчиликнинг нодавлат хўжалик юритиш субъектлари томонидан маблағлар киритишдир.

Давлат инвестициялари - марказий, минтақавий ҳамда маҳаллий ҳукумат ва бошқарув органлари томонидан бюджет, бюджетдан ташқари фондлар ҳамда қарз маблағлари ҳисобига, шунингдек, давлат корхоналари томонидан уларнинг ўз ва қарз маблағлари ҳисобига амалга оширадиган қўйилмаларидир. Хорижий инвестициялар даромад олиш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа фаолият турларига хорижий инвесторлар томонидан киритиладиган барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал бойликлар мажмуасидир. Хорижий инвесторлар сифатида хорижий юридик ва жисмоний шахслар, давлатлар ва халқаро ташкилотлар қатнашиши мумкин. Хорижий инвестицияларнинг бевосита, портфель ва бошқа турлари мавжуд.

Бевосита хорижий инвестициялар халқаро инвестиция фаолиятининг муҳим тоифаси бўлиб, бир мамлакат хўжалик юритиш бирлигининг бошқа мамлакатдаги корхонага барқарор таъсир ўтказишга интилишини ўзида акс эттиради. Барқарор таъсир ўтказиш деганда бевосита инвестор ва кўрсатилган корхона ўртасида узок муддатли муносабатлар ўрнатиш, шунингдек, ушбу корхонани бошқаришда инвесторнинг сезиларли роли тушунилади.

Бевосита хорижий инвестициялар Низом капиталига бадал, кредитлар ва бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкин. Бевосита инвестициялаш корхонаси корпоратив ва нокорпоратив бирлик сифатида аниқланади. Унда инвесторга камида 10 фоиз оддий акция ёки акционерлар овози (корпоратив корхоналар учун) ёки шундай иштирокнинг эквиваленти (нокорпоратив корхоналар учун) тегишли бўлади.

Шундай қилиб, бевосита инвестициялаш корхонасига инвестор- резидент 50 фоиздан кўпроқ акция ёки овозга эга бўлган шўъба-корхона ёки компания, бевосита хорижий инвестор улуши 50 фоиз ва ундан кам бўлган асоциациалашган корхона, тўлиқ ёки қисман инвестор тасарруфида бўлган ва бевосита инвесторга тегишли бўлган нокорпоратив корхона киради.

Портфель хорижий инвестициялар деганда инвестицияларнинг акцияларга, бошқа қимматли қўғозларга киритилиши тушунилади. Қимматли

қоғозлар жумласига акциялардан ташқари облигациялар, бонлар, векселлар, депозит сертификатлари, банк акцептлари ва қарз ёзилмалари киради.

Бевосита ва портфель инвестицияларни бир-биридан ажратиш учун амалиётда қуйидаги мезондан фойдаланилади: агар инвестор 10 ва ундан ортиқ фоиз оддий акцияларга эга бўлса, бундай инвестициялар бевосита инвестициялар ҳисобланади.

Бошқа хорижий инвестицияларга бевосита ва портфель инвестициялар жумласига кирмайдиган инвестиция турлари киради. Масалан, савдо кредитлари, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотлардан олинadиган кредитлар, банк қўйилмалари ва бошқалар.

Минтақавий белгисига кўра инвестициялар мамлакат ичкарасидаги ва хориждаги инвестицияларга бўлинади.

"Мамлакат ичкарасидаги (ички) инвестициялар деганда мамлакат ҳудудида жойлашган объектларга инвестиция маблағларининг киритилиши тушунилса, хориждаги инвестициялар (ташқи) мамлакат ҳудудидан ташқарисида жойлашган объектларга инвестицияларни жойлаштириш тушунилади"¹⁶.

Юқорида келтирилган таснифлаштириш инвестицияларнинг энг муҳим белгиларини ўзида акс эттириб, зарурият туғилганда янада аниқлаштирилиши ва илмий, тадиқот, тадбиркорлик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда янада кенгайтирилиши мумкин.

Инвестициялар даражаси ялпи ички маҳсулот ҳажмига сезиларли даражада таъсир кўрсатади, миллий иқтисодиётдаги кўплаб мутаносибликлар унинг ўсиш суръатларига боғлиқ. Инвестициялар мамлакат миқёсида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашни яхшилайдди.

Инвестиция жараёни ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилишда инвестиция мультипликатори муҳим аҳамиятга эга. Уни

¹⁶ Имомов Н.Н. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш.(Ўқув қўлланма) —Т-ТДИУ, 2011.,44-6.

умумий даромадларнинг ўсиши ва қўшимча капитал қўйилмалар ўртасидаги нисбат сифатида ифодалаш мумкин.

Инвестиция мультипликатори инвестицияларнинг даромадларнинг ўсишига таъсирини ифодалайди. Ушбу услуб дастлаб Р.Ф. Кан томонидан маблағлардан фойдаланиш мультипликатори ¹⁷ сифатида таклиф қилинган бўлиб, бу ғоя ушбу олим томонидан амалга оширилган кузатишга асосланган. Ушбу кузатиш натижаларига кўра, маблағлардан бирламчи қўшимча фойдаланишнинг муайян ҳажми тақсимланган даромадлар ва улар билан боғлиқ харажатларнинг аста-секинлик билан ўсиши натижасида улардан фойдаланишнинг иккиламчи шакллари келтириб чиқаради. Мазкур ғоя кейинчалик Кейнс томонидан бир тизимга келтирилиб, коэффициент - инвестиция мультипликатори кўринишида тақдим этилди ¹⁸.

Унинг моҳияти қуйидагича: капитал қўйилмаларга қўшимча харажатлар даромадлар тўлқинини вужудга келтиради. Бу даромадлар ҳажми уларни олувчининг истеъмолга мойиллик даражаси билан белгиланади.

Инвестиция мультипликаторининг қўлланилиши муҳим тенденцияни ажратиш кўрсатишга имкон беради: капиталнинг бирламчи қўйилмаси умумий даромаднинг ўсиши тенденциясини келтириб чиқаради. Даромад ҳажми истеъмолга сарфланган харажатлар билан боғлиқ тақсимлаш ҳажмидан юқори бўлади.

Жадаллашув тамойили мультипликатор тушунчаси билан биргаликда иқтисодий цикллари атрофлича таҳлил қилишга, капитал қўйилмаларнинг иқтисодиётнинг нотекис ҳаракатидаги ролини очиқ беришга ёрдам беради. Бунда мультипликатор инвестиция жараёнларининг фаолият схемасини ёритиб берса, жадаллашув тамойили унинг асосий шарт-шароитларини аниқлаб беради.

Ушбу назарий қарашларнинг Ўзбекистоннинг инвестиция соҳасидаги

¹⁷ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег: Избранное., М.: Эксмо, 2007 г. с.173.

¹⁸ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег: Избранное., М.: Эксмо, 2007 г. с.171.

ҳозирги ҳолатини тавсифлашдаги долзарб жиҳатларини алоҳида таъкидлаш лозим. ҳақиқатдан ҳам, иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки даврида Ўзбекистондаги инвестиция тақчиллигининг муҳим сабабларидан бири бир томондан, давлат инвестициялари ҳажмининг қисқариши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, хусусий инвестициялар оқими учун зарурий шарт-шароитларни таъминлашга салбий таъсир кўрсатган пировард маҳсулотга бўлган ички талабнинг кескин қисқариши билан боғлиқ.

Шундай қилиб, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар тизимида инвестиция жараёнлари асосий ўринни эгаллайди. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишни тартибга солиш соҳасидаги асосий фаолият йўналишларини белгилаб беради.

6.2. Инвестиция бозори ва уни шакллантириш муаммолари

Бозор муносабатлари шароитида инвестициялар бозори, ссуда капиталлар бозори ва қимматли қоғозлар бозори билан биргаликда ягона молия бозорини ҳам ташкил этади. Инвестиция бозори фаолиятига ўзоқ муддатли, ҳамда қисқа муддатли омиллар ўзтаъсирини кўрсатади. Инвестиция бозори ривожланишидаги асосий омиллар ишлаб чиқариш кўлами, унинг даврий тебранишлари, мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражаси ва интеграция жараёнларининг чуқурлашиши билан боғлиқдир.

Инвестиция бозори бу - бозор иқтисодиётида маблағлар айланишини ташкил этишнинг ўзига хос шакли бўлиб, у қимматли қоғозлар, пул ва инвестиция кўйиш каби қурунмаларда амалиётда қўлланилади.

Инвестиция бозори бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми бўлиб, у кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш жараёнини ва жамият аъзоларининг истеъмол талабларини таъминлайди. Унинг вазифаси бир жойга жамланадиган ва қайта тақсимланадиган молиявий-иқтисодий ресурслар ҳажми, улар тушумининг барқарорлиги, ривожланган институционал

тўзилманинг мавжудлиги ҳамда мамлакат иқтисодий аҳволининг барқарорлигига боғлиқ бўлади.

Инвестиция бозори мамлакат ичкарисида ва ташқи муҳитда ресурсларнинг мамлакатлараро қайта тақсимланишида ички, халқаро ҳамда воситачилик вазифаларини бажаради. Унинг механизми орқали вақтинча бўш турган пул маблағлари сафарбар қилинади, улар ссуда капиталига айлантирилади ва халқ хўжалиги тармоқлари орасида қайта тақсимланади. Инвестиция бозори бир тармоқдаги ортиқча инвестициянинг ёки кўпроқ, даромад олипш йўлининг тармоққа оқиб ўтишини таъминлайди ҳамда у айрим тармоқлар ривожланишини яхшилаш учунгина эмас, балки иқтисодий ўсишни таъминлаш манфаатлари йўлида ишлаб чиқариш нисбатларини бошқариш учун ҳам хизмат қилади.

Пул бозори ва инвестиция бозори ўртасида муайян иқтисодий фарқлар мавжуд бўлиб, пул бозори муомала соҳасига хизмат кўрсатишга мўлжалланган, инвестиция бозори эса кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатади. Амалиётда пул бозори билан инвестиция бозори доимо ўзаро ўзвий боғлиқ бўлиб

бири иккинчисини тақоза этиб туради. Ушбу боғлиқлик қисқа муддатли ресурсларни ўзоқ муддатли заёмлар ва инвестиция маблағларига айлантириб туришда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасида олиб бораётган молиявий ислохотнинг асосий мақсади ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш очиқ ташқи сиёсат барқарор бўлган кучли ҳуқуқий-демократик ва фуқаролар жамиятини қуриш ҳисобланади. Буларнинг барчаси иқтисодий ислохотлар асосида амалга оширилади. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши жараёнида иқтисодий ислохотнинг ўзига хос модели яратилган бўлиб, униинг муҳим таркибий қисмларини алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин. Бизнинг фикримизча, булар қуйидагилардан иборат:

- кишиларнинг фаровонлиги ошишини таъминлайдиган муносиб натижага эришишга ижтимоий йўналганлик;

- иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш бандлиги билан макроиқтисодий ўсиш ўртасидаги нисбатнинг тенг бўлиши;

- ишлаб чиқаришни туғридан-туғри давлат томонидан боқаришдан воз кечиш, иқтисодий мақсадга мувофиқлиги, фаолият турлари, ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг ҳажми ва рўйхати, ишлаб чиқариш хўжалик алоқаларининг кўлаmidан келиб чиқиб, товар ишлаб чиқарувчиларнинг ўзларига иқтисодий эркинликлар бериш;

-инвестиция сиёсатидаги устувор йўналишларни танлашда ва хорижий капитални жалб этишда зарур шароитларни жорий этиш орқали иқтисодиётни тартибга солиш. Иқтисодий бошқарувга манфаатлардан фойдаланиш, ишончли ижтимоий кафолатни таъминлашда давлатнинг фаол вазифасини таъминлаш;

- бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг барча босқичларида биринчи навбатда аҳолининг кам таъминланган қисмини ҳимоя қилиш бўйича кучли ижтимоий сиёсат юритиш;

- бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқ давлат иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг бош тартибга солиш омили бўлиб қолиши керак. Банк ва молия тизимининг ривожланиши натижасида банк ишлари ва банкка оид бўлмаган молия хизмати турларини бир-биридан ажратиш муаммоси келиб чиқмоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун ягона инвестиция бозорида банкка тааллуқли бўлмаган хизматларнинг ўрни ва ролини аниқлаш лозим бўлади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, бозор шароитларида тижорат банклари билан бир қаторда муддатли маблағ билан таъминлайдиган ва суғурталайдиган, шунингдек, фонд биржасида операциялар олиб борадиган ихтисослаштирилган муассасалар тўзиш мақсадга мувофиқдир. Молия тизимининг ривожланиши инвестиция хизматларининг ўзаро такомиллашувига олиб келади.

Ривожланган бозор хўжалигининг инвестиция бозорида банк муассасалари билан бир қаторда молиявий маҳсулотлар билан таъминловчи бошқа молия муассасалари ҳам мавжуд бўлиши лозим.

Бизнинг назаримизда, ривожланаётган молия тизимида қимматли қоғозлар бозори муҳим рол ўйнайди. Ҳиссадорлик мулкани хусусийлаштиришга, давлат бюджетини пул массасини оширмасдан тўлдиришни таъминлашга бўлган интилишлар унинг аҳамиятини янада оширади. Бу ҳақда Республика Президенти И.А.Каримов: "Бунинг учун қимматли қоғозларни очиқ савдосини ўтказиш, фонд биржаси фаолиятини кенгайтириш, инвестиция компаниялари, инвестиция фондлари, клиринг ва агентлик тармоқларини ташкил этиш йўли билан қимматли қоғозлар бозори инфраструктурасини вужудга келтириш зарур" деб бир неча бор таъкидлаб ўтди.

Умумийлаштириб, инвестиция бозорининг ривожланиши ихтиёрий тусдаги жамғармалар, хусусан, кишилар ҳаёти ва мулкни суғурта қилиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг кўплаб тўзилишига зарур шарт-шароитларни яратиб беради. Молия муассасалари иқтисодий битимларга доир тўлов усулларини яратди, молиявий воситалар эса ликвидлик ва жамғариш имкониятларини яратиб беради. Инвестиция бозорининг ривожланиши омонатчилар маблағларининг сармоядорларга эркин тарзда оқиб келиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди.

Ҳозирги даврда иқтисодиётнинг ривожланиши суръати ва самарадорлиги молия тизимининг самарали ривожланишига ўзвий боғлиқ Ривожланган молия тизими, операциялар ҳаражатларини қискартириш, таваккалчиликни бошқариш, тўлов қобилияти ва инвестициялар истиқболи бўйича ихтисослашган маслаҳат хизматини чуқурлаштириш имконини беради. Инвестиция бозори ва молия муассасалари омонатчилар эҳтиёжларини яқка тартибда ҳавфсиз равишда қондиришни сармоядорларнинг муддатли маблағга бўлган эҳтиёжларини қондириш билан айна бир вақтда амалга оширадилар. Шу билан бирга, аҳоли ва корхоналарнинг омонатларини жалб этиш, уларни самарали жойлаштириш ҳам лозим.

Маълумки, молия тизими ўз-ўзидан ривожланмайди, балки бунинг учун ҳукумат томонидан молия тизими ва сармоя бозорининг ривожланишига ёрдам кўрсатилиши, қулай ҳуқуқий-иқтисодий муҳит яратилиши зарур. Инвестиция

бозорини ривожлантириш ва барқарорлаштириш сиёсати ишлаб чиқарувчиларнинг ўз молия ресурсларини назорат қилишларида муаммолар мавжудлигини аниқлаб беради ва уларнинг ечимини топиш йўлларини таклиф этади.

Молия тизими ва инвестиция бозорининг барқарор ривожланишига биринчидан инфляция катта таъсир ўтказди. Шунинг учун молия тизимида бораётган ислохот натижаларини баҳолаш ижобий макроиқтисодий муҳитни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Ресурслардан фойдаланишда нархлар муҳим рол ўйнаши керак ва иқтисодий агентлар ўз активларини ўстиришдан манфаатдор бўлганликларидагина инвестицияларини сарфлашга ҳаракат қиладилар. Иккинчидан, омонатчиларнинг ички молиявий активларни жалб этишни талабга нисбатан паст даражада фойдаланишига сабаб, фоиз ставкаси ва валюта курси бўйича нарх-навонинг ўсишидир. Бу албатта, молиявий активларнинг ўсишига ҳам салбий таъсир этмокда.

Бизнинг, фикримизча, молия тизимининг барқарорлиги ислохотнинг муваффақиятли бориши, қайта молиялаш жараёнининг қандай амалга оширилаётганига боғлиқ. Бу ўз навбатида бюджет ҳаражатларини камайтириш ёки ҳукуматнинг молия бозорини шакллантириш жараёнини қўллаб-қувватлашга бўлган эҳтиёжини камайтиради.

Молия тизимини ислоҳ қилиш кўп жиҳатдан мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига таъсир этувчи фоиз ставкалари миқдориغا ҳам боғлиқ. Фоиз ставкалари ўз навбатида молия бозорининг ривожланишига боғлиқ. Инвестиция бозоридаги рақобат бозорнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланган молиявий ресурсларга бўлган талаб ва таклифларнинг ўзгаришига муносабат билдиришга мажбурловчи механизм ёки восита бўлиб ҳисобланади. Фоиз ставкаси даражаси ва таркиби молия соҳасининг ривожланишига ва молия ресурсларининг жойлашувига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Агар фоиз ставкалари бозорниқидан паст бўлса, бу миллий валютадаги жамғармага салбий таъсир кўрсатади. Натижада у талаблар мажмуини бошқариб туришга ҳам таъсир этиб, молиявий воситачилик самарадорлигига салбий таъсир этади.

Аксинча, агар фоиз ставкалари бозордагидан юқори бўлса, у ҳолда улар макроиқтисодий бекарорлик даражасининг юқорилигини акс эттиради ёки молиявий тартибсизликка олиб келади. Шундай қилиб, фоиз ставкалари таҳлили, шунингдек, шаклланаётган инвестиция бозорининг реал шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда уларни ўзгартириш дастури инвестиция бозорининг асосий таркибий қисмидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт билан боғлиқ ҳолда банк фаолиятини такомиллаштириб бориш учун маркетинг тадқиқотларини мунтазам равишда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Фақат шундай усул билан инвестиция бозорида самарадорликни ошириш ва барқарорликка эришиш мумкин.

Бозор иқтисодиётида инвестиция бозори ривожланишининг асосларидан бири бўлган маркетинг дастури ва унинг асосий йўналишлари режаларини ишлаб чиқиш ва унга риоя қилиш зарур. Маркетинг тадбирларини ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичида банкнинг олдида турган вазифалар аниқланиши ва уларнинг туғри ифодаланиши асосий йўналишларга доир ҳаракат режасини ишлаб чиқишнинг асосини ташкил қилиши керак. Вазифа фаолият йўналишини белгилайди ва шундан келиб чиқиб банк муассасасининг ташкилий таркиби аниқланади. Бизнинг назаримизда, бу режалар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- инвестиция бозорининг асосий йўналишини белгиловчи омилларни аниқлаш. Ушбу таркибий қисм жуда муҳим бўлиб режани ишлаб чиқиш учун асос бўлиб ҳизмат қилади. Шунингдек улар ёрдамида банк хизматининг рақобатбардошлигига баҳоланади. Бу баҳо банк хизматлари бозори имкониятларини таҳлил қилишга хизмат қилади. Режада молия бозори, шунингдек, банкни кўрсатаётган хизматининг даражаси нуқтаи-назаридан туриб унинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш мумкин;
- инвестиция бозорида шарт-шароитларнинг ўзгаришини аниқлаш. Инвестиция бозорида шарт-шароитларнинг тез-тез ўзгариб туриши туфайли асосий йўналишларга доир ҳаракатлар режасида барча нарсаларни олдиндан

аниқлашнинг имкони йўқ. Шунинг учун режада ижро этиш жараёнида вазиятга қараб тўзатишлар киритиб бориш мумкин бўлган ўзгарувчан омиллар тўпламини кўзда тутиш керак.

Шундай қилиб, инвестиция бозорини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида шундай фикрга келдикки, демак у бир қатор иқтисодий вазифаларни амалга ошириш натижасида юзага келар экан.

Юқорида баён этилганларни амалиётда қўллаган ҳолда инвестиция бозорининг ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириб бориш сиёсатини изчиллик билан юритиш лозимдир. Шунингдек, мазкур параграфда қўйилган масалани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларни чиқаришга муваффақ бўлдик:

- инвестиция бозорининг ривожланиши ва самарали фаолият юритиши молия муассасаларининг ривожланиш даражасига бевосита боғлиқ. Инвестиция бозорини бошқаришнинг барча усуллари мажмуи мамлакат банк тизимига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Буларнинг барчаси бошқарувни такомиллаштириш, фоиз ставкаларини тартибга солиш ва таваккалчиликни бошқариш орқалигина амалга оширилиши мумкин;
- инвестиция бозорини бошқаришнинг айрим иқтисодий воситалари ҳозирги вақтда етарли даражада ишламаётган бўлсада, Республикада бозор иқтисодиёти жараёнида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаёт жабҳаларида юз бераётган барча нотўзилмавий қайта тўзишлар бутун молия тизимининг ривожланишига таъсир кўрсатмоқда ва инвестиция бозорининг шаклланишига ёрдам бермоқда. Шу туфайли Ўзбекистонда инвестиция компаниялари ва инвестиция фондлари ташкил этилди;
- ихтисослаштирилган тижорат банклари турли-туман миқозларга тор доирадаги хизматларни кўрсатишдан ҳар хил хизмат турларини кўрсатадиган универсал банкларга айлантирилиши мамлакат инвестиция бозорини бошқариш тизимининг тубдан яхшиланишига олиб келади.

6.3. Инвестицияларни иқтисодий ўсишга таъсири.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш босқичларини кўзатиш натижасида шу нарсага амин бўлиш мумкинки, инвестициялар ҳар қандай жамият (режали, бозор иқтисодиёти ёки ушбу иккиликнинг уйғунлашгани) миллий иқтисодиётининг ривожланишида асосий пойдевор бўлиб ҳисобланади. Аммо, шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Инвестицияларнинг ҳаракат кўлами режали иқтисодиёт даврида қисман чекланган бўлиб, уларнинг иқтисодий самарадорлигига нисбатан, ижтимоий самарадорлиги устувор бўлади. Аксарият ҳолларда эса улар молия категорияси билан ҳамоҳанг бўлади. Қисман режали иқтисодиёт ва қисман бозор муносабатларини уйғунлаштирган иқтисодиётни бошидан кечираётган давлатларда инвестициялар ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий самара олишда тенг имкониятларга эгадирлар.

Аммо, бозор муносабатлари асосида ўз иқтисодиётини тартибга соладиган давлатларда инвестициянинг иқтисодий имконияти мисли кўрилмаган даражада кенг ва аҳамиятли бўлади. Бунинг исботи улароқ биргина мамлакатда яратилаётган ялпи ичк маҳсулот(ЯИМ)нинг ўсишига назар соладиган бўлсак, инвестиция фаолиятининг самарали ташкил этилишигина ЯИМнинг ўсишига бевосита таъсир кўрсатади. Агар ЯИМнинг ўтган йилга нисбатан ўсиши паст бўлса, бундай ҳолат инвестицион фаолиятнинг суст ташкил қилганидан далолат беради. Бу эса ўз навбатида, инвестицион фаолиятни илмий асосда ташкил этишни тақозо этади. Инвестиция сўзи немисча «Investition», лотинча «Investtio» сўзларидан олинган бўлиб, у капитални ўзоқ муддатли қўйилмалар: тариқасида саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқларга сарф этиладиган харажатлари йиғиндисидир. Хорижий инвестициялар эса, хорижий инвесторлар томонидан йўналтириладиган инвестициялар бўлиб, хорижий мулкдорларнинг бошқа мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларига даромад олиш мақсадида муайян муддатга қўйилган капиталидир. Хорижий инвестициялар бошқа

иқтисодиётдан миллий иқтисодиётга жалб қилинган капитал бўлиб, уларнинг ички инвестицияларидан тубдан фарқланиши хатар билан боғлиқдир.

Инвестициялар иқтисодий ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбилармонликнинг давлат томонидан таъкидланмаган фаолиятларига жалб қилинадиган (сарфланадиган) барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал бойликларига айтилади. Самара келтирадиган мулкӣ ва интеллектуал бойликлар, яъни инвестициялар қуйидаги шаклларда булиши мумкин:

- пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар;
- ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар, иншоотлар, асМавзу-ускуналар);
- муаллифлик ҳуқуқи, ихтиролардан фойдаланиш ҳуқуқларидан («ноу-хау») ташкил топган мулкдорлик ҳуқуқлари, бошқа интеллектуал бойликлар;
- ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда мулкчилик ҳуқуқлари;
- бошқа бойликлар

Инвестицияларни шартли равишда молиявий ва реал инвестицияларга ажратиш мумкин.

Молиявий инвестициялар шахсий компаниялар ва давлат идоралари томонидан муомалага чиқарилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозларга ҳамда банк депозитларига ўзоқ муддатга жалб қилинган қўйилмалардир. Молиявий инвестициялар қимматли қоғозлар бозорида сарфланиши ва шу бозорда қатнашишини англатади. Молиявий инвестициялар эркин бозор инфратўзилмаси ривожланган мамлакатларда, қимматбаҳо қоғозлар бозори капиталининг сохалар бўйича тақсимланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган давлатларда кўпроқ тарқалган. Молиявий инвестициялар ўз навбатида, мулкӣ шакли жиҳатидан давлат ва хусусий инвестицияларга бўлинади.

Хусусий инвестициялар тадбиркорлар, хусусий фирмалар, компаниялар, концернлар, акциядорлик жамиятлари ёки бошқа шаклдаги мулк эгаларининг фойда (даромад), самара олиш мақсадида давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларига сарфлайдиган моддий ва интеллектуал бойликларини билдиради.

Реал инвестициялар эса молиявий инвестициялардан фарқ қилиб, улар асосий капитал ва моддий бойликларни ўстиришга сарфланадиган қўйилмаларда намоён бўлади. Реал инвестициялар сарфи асосий фондларнинг ўсишига, янгиланишига, моддия бойликларнинг қўпайишига олиб келади.


Фан-техника тараққиётининг кучайиши билан интеллектуал потенциал - ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун сарфланадиган қўйилмалар ҳам ўсиб боради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда реал инвестициялар таркибида илмий изланишлар, фан, таълим, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун сарфланадиган харажатлар миқдори ўсиб бормоқда. Ўз навбатида реал инвестициялар ҳам давлат ва хусусий инвестицияларига бўлинади. Ривожланган мамлакатларда реал инвестицияларнинг асосий қисмини хусусий инвестициялар ташкил этади.

Давлат секторида ҳам реал инвестициялар сарфи муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий мувофиқлаштириш сиёсати асосида кредитлар, субсидиялар ажратилади ҳамда давлат томонидан капитал қўйилмалар мувозанатлаштирилади ва реал инвестициялар ўзлаштирилади. Давлат томонидан ўзлаштириладиган инвестициялар, аввало, бозор инфратўзимасини ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантиришга сарфланади. Инвестициялар самарадорлигини ошириш кўпроқ, асосий капиталнинг актив элементларини вужудга келтириш ва ўстириш ҳисобига амалг оширилади.

Инвестицияларнинг таркиби ҳақида тулиқ таассуротга эга бўлиш учун қуйидаги 1-чизмага мурожаат қилиш мумкин (6.2.1-расмга қаранг).

Бизнингча, инвестиция муҳити кенг тушунча бўлиб, инвесторнинг у ёки бу давлат иқтисодиётига маблағ сарфлаш учун шарт-шароитларнинг қулайлигини, яъни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий шароитларнинг

яратилганлигини баҳолашдаги барча ҳисоб-китоблар мажмуасини ўз ичига олади.



6.3.1-расм. Бозор иқтисодиётида инвестиция турлари

Мамлакатимизда бугунги кунда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳити барпо этилмоқда. Бу қулайликлар улар учун яратилган турли ҳукумат кафолатлари ва имтиёзларда ўз аксини топмоқда. Ҳар бир мамлакатнинг инвестиция муҳити, биринчи навбатда, унинг сиёсий барқарорлигидадир. Худди ана шу омил чет эллик инвесторларнинг бошқа мамлакатга ўзоқ муддатли шартномалар асосида ресурсларни жалб қилиш имкониятини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси қулай инвестиция муҳитини яратиш буйича изчил чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Уларнинг негизида иккита асосий омил ётади:

- иқтисодий барқарорлик;
- инфляция жараёнларини тартибга солиш ва миллий валюта-сумнинг тўлов қобилиятини оширишга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсат.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция молиявий муносабатларининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан зарурлиги миллий иқтисодиётда янги турдаги

мулкчилик шаклига асосланган ишлаб чиқариш жараёнининг шаклланишини кўрсатади. Режали иқтисодиёт даврида инвестициялар режалаштиришга бўйсундирилган бўлиб, улар режалаштиришнинг таркибий қисми ҳисобланган. Шунинг учун ҳам бу тизимда давлат бюджетига маблағ ажратиш билан инвестиция маблағларини ажратиш ўртасида деярли фарқ бўлмаган. Чунки собиқ тизимда инвестиция тизими ва ундан фойдаланиш режали равишда белгиланганлиги туфайли уни молия ресурслари билан тенглаштириб, бюджет маблағлари ўз навбатида узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестицияларга хизмат қилади, - деб ҳисоблайди иқтисодчи олим Г. Козлов.

Бизнинг фикримизча, бюджет маблағлари билан инвестиция маблағларини тенглаштириш тўғрисидаги фикрлар ўзига хос аҳамият касб этмайди. Инвестиция маблағлари бюджет маблағлари билан биргаликда бозор иқтисодиётида инвестиция-бюджет тизимини ташкил этади. Аммо бозор иқтисодиёти амалиёти шуни кўрсатадики, бюджет ва инвестиция тизимларининг фаолият кўрсатиш услубиятида, уларнинг ташкилий жараёнлари ва иқтисодий фаолиятларида маълум ўзига хос хусусиятлар ҳам мавжуд бўлади.

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиш даврида инвестиция ўзининг шаклланиши ва мазмуни жиҳатидан собиқ маъмурий тизимдаги инвестициялардан тубдан фарқ қилади. Инвестицияларнинг шаклланиш жараёнида турли мулкчилик шаклларига асосланган юридик ва жисмоний шахслар қатнашади. Натижада инвестициянинг турли шакллари ранг-баранг юридик ва жисмоний шахслар маблағлари асосида вужудга келади. Инвестиция турли мулкчиликка асосланган юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобига шакллансада, у иқтисодий моҳияти жиҳатидан республика иқтисодиёти тармоқларини ривожлантириш ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилашга қаратилади.

Одатда инвестиция кўпроқ аҳолининг зарурий миқдордаги истеъмол қийматидан ортиқча маблағи ҳисобига жамғарилади. Тадбиркорлар олдида доимо маблағ ишлаб чиқаришни олиб бориш, уни кенгайтиришлари учун

такрорий кенгайтирилган ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарурияти тугилади. Зеро инвестицияларга бўлган зарурият эса талаб ва таклифга боғлиқдир.

Инвестицияларни жалб этиш қисқа ва ўзоқ муддатда амалга оширилади. Аммо тадбиркор учун ўзоқ муддатга инвестиция олиш иқтисодий жиҳатдан аҳамиятлироқдир.

Бизнинг фикримизча, бунинг асосий сабаблари, қуйидагилардан иборат:

- қисқа муддатли инвестиция вакиллари бўлган жисмоний шахслар томонидан омонат кассаларига қўйилган пуллар тез даромад келтириши зарур;
- қисқа муддатли инвестициянинг моддий манфаатдорлиги уни тезлик билан қопланишида намоён бўлади;
- жамғарилган инвестицияни талаб ва таклиф асосида келишилган тақсимлаш тизимини ишлаб чиқарилишига боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция жараёни ишлаб чиқариш тармоқларининг таркибий ўзгаришларига ва молия ресурсларига бўлган талаб ва таклифга боғлиқ бўлади.

Айрим иқтисодчилар эса, инвестицияни "...бу ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот сифатини ошириш учун сарф этилган харажат", - деб ҳисоблайдилар.

Инвестиция миллий ишлаб чиқариш ҳажмига, иш билан бандликка, фондларга ва иқтисодий ўсишга таъсир этади. Ю.В.Богатин ва В.А.Шендерлар: "Инвестиция ҳар қандай тадбиркор лойиҳасини амалга ошириш шартидир, у пул шаклида бўлиб, янги ишни ташкил этиш учун зарур бўлган ресурсларни сотиб олади", -деб фикр билдирадилар.

"Инвестиция — бу пул, қимматли қоғозлар ва айланма фондларга, мулкларга, кенгайтирилган ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун, уни кенгайтириш учун сарфланган, аҳолининг ўсиб бораётган истеъмолини қондириш ва уларнинг иқтисодий шароитларини яхшилаш учун сарфланаётган пул маблағларни ўзида ифода этган иқтисодиётнинг ривожланиш омили ҳисобланади".

Бизнинг фикримизча, ўзаро инвестиция ва молия маблағларидан фойдаланиш фондларининг ташкил топиши кичик ва хусусий ишлаб чиқаришларда инвестициялардан самарали фойдаланишни таъминлайди. Ўзаро фондлардан фойдаланиш одатда тижорат ёки инвестиция банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар орқали тартибга солинади ва бошқарилади.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларида эркинлаштиришга катта эрк берилиши инвестиция фаолиятининг жонланишига, барқарор фаолият кўрсатувчи бозор муносабатларини барпо этиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига ва тадбиркорликнинг ривожланишига қулай замин яратади, Бу эса ўз навбатида уларни эски усулларда , яъни давлат маблағлари ҳисобига амалга ошириш эса эндиликда мумкин эмаслигини кўрсатади.

Мазкур инвестиция тизимини акс эттирувчи бирор-бир тизимни махсус адабиётлар ёки меъёрий ҳужжатлард учратмаганимиз боис, биз буни ўзаро боғланганлигини қўйидаги фикрлар орқали асослаб беришга ҳаракат қиламиз.

- ички инвестициялар дейилганда, асосан муайян бир мамлакат ичкарисидаги инвесторлар ихтиёрида бўлган барча инвестиция ресурслари назарда тутилади. Умуман олганда, ҳар бир алоҳида давлатнинг инвестиция фаолиятида ички инвестициялар асосий ўринни эгаллайдиган молиявий ресурслар ҳисобланади;

- ташки инвестициялар(хорижий инвесторлар)нинг иқтисодий мазмун моҳияти шундан иборатки, улар асосан, алоҳида мамлакатга бевосита алоқадор бўлмаган инвесторларнинг ихтиёрида бўлган инвестиция ресурслари ҳисобланади. Хорижий инвестициялар муайян бир мамлакатдаги инвестицион фаолиятни жадаллаштиришга, тезлаштиришга қаратилган бўлади. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ривожланаётган давлатларда хорижий инвестицияларга бўлган эҳтиёж ривожланган давлатларга нисбатан бир неча баробар юқори бўлишлиги босиб ўтган иқтисодий ва амалий тажрибалар натижасида намоён бўлмоқда;

- давлат инвестициялари асосан давлат корхоналари ва давлат молиясини ташкил этувчи марказлашган фондлари ихтиёридаги инвестиция ресурслари

бўлиб, уларнинг аксарият қисми давлат ва жамият аҳамиятига молик бўлган чора-тадбирларга инвестиция ресурсларини йўллашда ишлатилади;

- хўжалик субъектлари, яъни корхона, ташкилот ва муассасалар ихтиёридаги инвестициялар мамлакатда олиб борилаётган инвестиция фаолиятининг ядроси бўлиб ҳисобланади. Хўжалик субъектлари инвестициялари ялпи ички маҳсулотнинг ўсишида салмоқли ўринни эгаллайди. Уларнинг тармоқлар иқтисодиёти барча соҳаларида мавжудлиги аҳолининг аксарият қисмини иш уринлари билан таъминлашга ҳам қулай замин яратади;



6.3.2-расм. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция тизими

-жисмоний шахслар ихтиёридаги инвестициялар инвестиция тизимининг таркибий элементларидан бири бўлиб, ривожланаётган Давлатларда уларнинг улуши нисбатан сезиларли даражада кўзга ташланади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда жисмоний шахсларнинг ихтиёридаги

инвестициялар улуши юқори ҳисобланади, айрим давлатларда улар ҳаттоки давлат инвестицияларидан ҳам юқори даражада бўлади.

Инвестиция ресурсларига келадиган бўлсак, улар шартли равишда тўрт гуруҳга бўлинади. Аммо миллий иқтисодиётда фойдаланиш бўйича уларнинг ўзига хос ўрни бор, албатта. Хусусан, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда материал (реал-моддий) инвестицияларга эътибор қаратиш устувор аҳамият касб этса, ривожланган мамлакатларда молиявий инвестицияларга эътибор кучли бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бозор муносабатларига ўтаётган давлатлар миллий иқтисодиётини ташкил этиш ва ривожлантиришда ташқи инвестицияларнинг ўрни беқиёс даражада бўлади. Шуни эътиборга олиб, биз илмий ишимизнинг мазкур параграфида хорижий инвестицияларга асосий эътиборни қаратиб, илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари туғрисидаги" 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Қонунда республика ҳудудида чет эл инвестициялари амалга оширилишининг ҳуқуқий асослари ва тартиблари белгилаб берилган. Чет эллик инвесторлар фойда олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган, бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари, деб белгиланган.

Хорижий инвестицияларни мамлакатимиз миллий иқтисодиётига жалб этиш борасида юқорида зикр этилган қонунларнинг ижобий таъсирида ер юзининг юзлаб мамлакатларидан инвесторлар кела бошлади .

Энг кўп инвесторлар ва уларнинг маблағи бўйича ҳалқаро молия ташкилотларининг улуши етакчи бўлиб, у умумий инвестицияларнинг 33% ни ташкил этмоқда. Кейинги ўринда Германия Федератив Республикаси бўлиб у

17% ни ташкил этмоқда. Буюк Британия, Исроил, Япония ва Чехия давлатлари мос равишда 9%; 9%; 7%; ва 4% ни эгаллаб турибди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, инвестор мамлакатлар ичида МДХ давлатлари салмоқли ўринни эгаллай олмаяпти. Шу боис, хорижий инвесторларни жалб қилишда МДХ давлатларига эътиборни қаратиш ва қулай шарт-шароит яратиш мақсадга мувофиқдир.

Чет эллик инвесторларнинг инвестициялари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан хўжалик жамиятлари, ширкатлари, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг устав жамғармаларига ва бошқа мол-мулкига улуш қўшиб шаклланиши;
- тўлиқ, чет эл инвесторлари инвестициялари асосида хўжалик жамиятлари, ширкатлар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналар қуриш;
- Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини чет эл инвесторлари томонидан сотиб олиниши;
- интеллектуал мулкка, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хауга, ишчанлик нуфўзига ҳуқуқлар киритиш;
- концессиялар, шу жумладан, табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессиялар олиш;
- савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини, турар жой биноларини, ер участкаларини, табиий ресурсларни сотиб олиш.

Демак, ушбу қонунга асосан чет эллик инвесторлар ўз инвестицияларини Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун доирасида инвестициялаштиришни амалга оширадилар ва уларга берилган ҳуқуқий режим республиканинг маҳаллий инвесторларига берилган ҳуқуқ билан тенгдир. Улар инвестициялашни амалга оширишнинг ҳажм ва йўналишларини ўзлари мустақил белгилайдилар, юридик ва жисмоний шахслар билан мустақил битим тўзадилар, инвестиция фаолияти натижасида олинган

даромадни мустакил ва эркин тасарруф этадилар. Шунингдек, улар Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларига ва қонун ҳужжатларига амал қиладилар.

Қайд қилинган қонунда "чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабига риоя этган ҳолда экспорт-импорт операцияларини мустақил равишда амалга оширадилар, ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни экспорт қилганларида бундай маҳсулот лицензияланмайди ва квоталанмайди" дейилган.

Президент Ислом Каримов 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири иқтисодиётга инвестицияларни янада кўпроқ жалб қилишга қаратилганлиги хусусида тўхталар экан, «...хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас»лигини алоҳида таъкидлаган эди. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида хорижий компаниялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёни такомиллаштирилмоқда.

Корхоналарнинг минтақалар бўйлаб жойлашуви, вилоятларда бозор иқтисодиётининг ривожланишидан дарак беради 3-жадвал маълумотларидан маълум бўлаяптики, 1 январь 2004 молия йили бошлангунга қадар республика миллий иқтисодиётида, 3539 та хорижий инвестицияга асосланган қўшма корхоналар рўйхатдан ўтган.

Шундан 2209 та ёки 62,4% и фаолият" юритмоқда. Қўшма корхоналарнинг минтақалар бўйича жойлашувига назар соладиган бўлсак, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Самарканд вилояти етакчилик қиляпти. Хоразм, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақолпоғистон Республикаси қуйи поғонани эгаллаб турибди.

Ушбу жадвалда келтирилган маълумотларга умумий баҳо бериладиган бўлса, инвестицияларнинг жойлашуви нобарқарор тақсимланган. Бу ўз

навбатида республика миқёсида нотекис ривожланишни келтириб чиқариши билан бирга, аҳолининг миграция жараёни кучайиб кетишига ҳам олиб келиши мумкин. Бу эса инвестицияларни жойлаштирувчи минтақавий дастур ишлаб чиқиш заруратини тақозо этади. Айнан шу дастур асосидагина инвестицияларни (хорижий ва маҳаллий) мақсадга мувофиқ жойлаштириб, бутун республика миқёсида бир хилда ривожлантиришга эришиш мумкин.

Бизнинг назаримизда, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг пойтахтда ва пойтахт вилоятида тўпланиши, нафақат бу ҳудудда иқтисодий ва ижтимоий инфраструктуранинг нисбатан ривожланганлиги, балки хорижий инвестицияларни жалб этиш учун минтақавий сиёсатнинг мавжуд эмаслиги билан ҳам изоҳланади.

Валютани эркин айрибошлаш билан боғлиқ бўлган вақтинчалик муаммолар ҳам инвестиция бозорининг ривожланишига таъсир қилади. Тажриба ва амалий маълумотлар шуни кўрсатдики, эркин айрибошлаш ҳуқуқини олиш бўйича аввалги тартиблар.

МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР.

1. Инвестиция бозорини қандай шакллантириш мумкин?
2. Молиявий ислохотнинг асосий мақсади ҳақида фикрингиз?
3. Пул бозори ва инвестиция бозори ўртасида қандай фарқлар мавжуд?
4. Хорижий инвестициялар деганда нимани тушунасиш?
5. Молиявий ва реал инвестицияларни қандай тушунасиш?
6. Ўзбекистонда қулай инвестиция муҳитини яратиш учун қандай чора-тадбирлар амалга оширилаяпти?
7. Қисқа ва ўзоқ муддатли инвестицияларни тушунтиринг.
8. Чет эллик инвесторларни инвестициялари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жалб қилиш қандай йўللار билан амалга оширилади?
9. Инвестициялар жойлашувини барқарорлаштиришни қандай амалга оширилади.
10. Барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?

7-БОБ. ИННОВАЦИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ.

7.1 Инновацион жараёни иқтисодий ўсишга таъсири.

Технология ёки билимларнинг иқтисодий аспекти шахсий истеъмол маҳсулотларнинг иқтисодий аспектидан деярли фарқ қилмайди. Билим рақобатга эга бўлмаган маҳсулот ҳисобланади, чунки бир вақтнинг ўзида бу маҳсулот тури билан фойдаланиш мумкин. Билимнинг рақобатга эга бўлмаган томонининг асосий аҳамияти, бу маҳсулотни бир марта ишлаб чиқаришдек бўлилади. Сиз истеъмол қилаётган маҳсулотингизни бошқа бир инсон истеъмол қилмайди, шунинг учун шу маҳсулотни ишлаб чиқарган фирмалар уша инсон учун ва сиз учун ишлаб чиқаладилар. Аммо маҳсулотни керак бўлган рецептни бир марта яратиш мумкин, ва бундан кейин бу рецептдан купчилик фойдаланиши имкониятига эга. Бу шунинг билдирадики технология ривожланиши белгиланган харажатларни белгилаб беради, ва бир мартагина фойдаланилади.

Масалан Microsoft Excel программасини яратиш учун, купчилик одамларга кечю кундуз ишлашларига тугри келар эди. Аммо бу программаларни яратилиши биланок, уни компакт-дисклар ёрдамида купайтириш мумкин бўлади. Худди шундай қилиб, Блэк ва Шоулзлар (Black and Scholes) бир неча йиллар давомида формулани яратиш билан шугулландилар ва бу формулани яратгандан кейингина бошқа одамлар томонидан калькуляция қилиш осонлашди. Буни яратишдаги бошлангич харажатлар юқори бўлган, кейин эса улардан нусха олишдаги кетган харажатлар камайиб борган.

Билим қурилишидаги яратилган маҳсулотлар қиймати қиммат бўлади, чунки фирмалар рақобатга эга бўлмаган маҳсулотларни яратишда кўпроқ эътибор берадилар. Янги назариянинг ва неокласик назариясининг фарқлари шундан иборат: дунёдаги реал вазият тубдан фарқ қилади, чунки баъзи бир фирмалар рақобатчилик шароитида амал қилмайдилар.

Микроиктисодиёт назариясига кўра биз шуни биламизки, белгиланган харажатлар борлигида, ўсиб бораётган харажатлардан кўра юқори бўлади. Рақобатчилик шароитида одатда нарх ўсиб бораётган харажатларга тенг бўлиб қолади. Демак ҳар қандай фирма билим кўринишида яратиб бораётган маҳсулот нархи қиммат бўлади ва ўз навбатда зарар кўриб борадилар. Шунинг учун фирмалар маҳсулот ишлаб чиқаришларидан олдин уни бошланғич харажатларни қоплашга ёрдам берувчи қонуний ҳужжатларни пайдо бўлишига кўпроқ эътибор берадилар. Бу шароитда билимнинг иккинчи томони келиб чиқади, яъни билим олишнинг қийинлигидир. Шунинг учун ҳукумат шундай бир меъерий ҳужжат тузишлари керакки бирон бир маҳсулот яратувчи шахс ёки фирма шу маҳсулотга тўлиқ эгалик қилиши имконини беришлари керак. Шундай қилиб бирон бир маҳсулотни бирон бир шахс томонидан яратилиши қонуний асосга эга бўлиши лозим: Microsoft Excel программаларини пиратлар томонидан нусха кўчириб уларни сотишлари мумкин, агарда Microsoft компаниясининг муаллифлик ҳуқуқи химоя қилинмаса. Аммо бошқа маҳсулотларга эга бўлишни чеклаш имконияти бўлмаса (масалан билим олиш), у ҳолда давлат томонидан шу институтларга субсидиялар ажратишлари керак.

Баъзи бир иқтисодчилар техник революциясининг келиб чиқиши кўпроқ давлатларга боғлиқ бўлган, чунки улар маҳсулот яратувчилар учун қатъий қонуний-меъерий ҳужжатлар яратиб бердилар. Шунинг учун билимнинг ва ўзоқ муддатли иқтисодий ўсишга эришиши учун давлат томонидан муаллифлик ҳуқуқини химоя қилувчи ҳужжатларни қабул қилишларидир. Агарда бу ҳуқуқлар вақтида белгиланмаганда эди купчилик яратилган янгиликлар булмаган булар эди. Муаллиф ҳуқуқини химоя қилиш идораларини тўзишда, ҳукумат икки омилни инобатга олиши лозим. Маҳсулот ишлаб чиқарилгандан кейин уни монопол ишлаб чиқаришга имкон бермасолик.

Глобал шароитида иқтисодий ўсишга эришиш учун муаллифлик ҳуқуқини химоя қилишни нафакат бир давлатда балки бутун дунеда амалга ошишлиги бунга кафолат беради. Бошқа сўз билан айтганда Ўзбекистон ишлаб чиқарилган маҳсулот бутун дунеда сотилиш имкониятига эга бўлиши керак

аммо худди шу махсулотни бирон бир давлат томонидан яратилиши қонун билан химоя килиниши керак. Бу таъриф ҳамда савдо келишувидаги мақсадларидан бири ҳисобланади.

Илмий техника тараққиётини иқтисодий ўсишдаги улушини ва таъсирини ҳисоблаш кўплаб иқтисодчи олимлар изланиш объекти бўлиб келган. Солоу иқтисодий ўсиш моделида техника тараққиёт ва жамғарма каби омиллар экзоген бўлиб кўрсатилган ва ўз ўзидан ривожланиш тенденциясига эга деб кўрсатилган. Юқорида кўрилган Р. Лукас иқтисодий ўсиш моделида ва Менкю ва бошқалар иқтисодий ўсиш моделларида илмий техника тараққиёти эндогенлаштирила бошлаган. Иқтисодий ўсишга илмий техника тараққиётини таъсирини кўриб чиққан ва моделлаштирган иқтисодчи олимлардан ромер бўлиб ҳисобланади. У ўсиш моделида, физик капитал ва инновацияга жалб этилган инвестицияларнинг натижаларини киритган. Инновация натижалари бўлиб янги товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ёки мавжуд технологик жараёни самарали ташкил этиш бўлиб ҳисобланади. Бу ғоялар бошланғич этапда фирмалар учун тескари самара бўлиб ҳисобланади. Чунки фирма янги технологияда ишловчи ишчиларни қайта тайёрлаш каби бир қатор ҳаражатларга дуч келади ва ишлаб чиқариш жараёнида ўргатилади бу самара “ишлаб чиқаришда ўқитиш” деб ном олди. Ромер моделида Кобба-Дугласнинг ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланиб, у бир фирма доирисида акс эттирилиб қуйидаги кўринишга эга:

$$\tilde{Y}_t = \tilde{K}_t^\alpha \tilde{L}_t^{(1-\alpha)} A_t^\beta, \quad 0 < \alpha < 1, \quad \beta > 0 \quad (7.1.1)$$

Бу ерда $\tilde{Y}$, $\tilde{K}$, $\tilde{L}$, мос равишда t вақтда фирманинг ялпи махсулоти, капитал ва меҳнат ҳажми.

A_t - иқтисодиётдаги технология даражаси.

A_t кўрсаткичи умумий билимлар даражаси ўсиши билан ўсади. Умуман

K_t

A_t кўрсаткичи кўрсаткичи билан бир қаторда ўсади чунки капитал

ўсиши билан амалиётда ўқитиш ўсади. Шунинг учун бу моделда капитал захираси билимлар даражасига тенг бўлиб ҳисобланади. $A_t = K_t$, бу ерда

K_t

- t вақтдаги ялпи капитал захираси.

Фараз қилайлик бу тоифадаги фирмалар иқтисодиётда N та. Бунда $K_t = N\tilde{K}_t$, ишчи кучи $L_t = N\tilde{L}_t$ ва ялпи ишлаб чиқариш қуйидаги ишлаб чиқариш функцияси орқали ифодаланилади:

$$Y_t = K_t^\alpha L_t^{(1-\alpha)} K_t^\beta \quad 0 < \alpha < 1, \quad \beta > 0 \quad (7.1.2)$$

Жамғарма нормаси s ва амортизация нормаси δ Солоу моделидек экзоген бўлиб ҳисобланади. Аҳолининг ўсиш суръати n га тенг. Иқтисодиётда юқори ўсиш қайтими кузатилади $\alpha + (1-\alpha) + \beta = (1+\beta) > 1$. Капитал ўзгариши қуйидагича ифодаланилади:

$$\dot{K} = sY - \delta K \quad (7.1.3)$$

Агар тенгликни K га бўлсак у ҳолда $\frac{\dot{K}}{K} = s \frac{Y}{K} - \delta$, тенгликдан келиб чиқиб барқарор ҳолатда Y ва K бир хил ўсиш суръатлар билан ўсади. Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати:

$$\frac{\dot{Y}}{Y} = \frac{(\alpha + \beta)K^{(\alpha+\beta-1)}KL^{(1-\alpha)} + (1 - \alpha)K^{(\alpha+\beta)}L^{-\alpha}L}{K^{(\alpha+\beta)}L^{(1-\alpha)}} = (\alpha + \beta)\frac{\dot{K}}{K} + (1 - \alpha)n \quad (7.1.4)$$

Барқарор ҳолатда $\frac{\dot{Y}}{Y} = \frac{\dot{K}}{K}$

$$\frac{\dot{K}}{K} = (\alpha + \beta)\frac{\dot{K}}{K} + (1 - \alpha)n \quad \frac{\dot{K}}{K} = \frac{(1 - \alpha)n}{1 - \alpha - \beta} \quad (7.1.5)$$

7.1.1 тенгликнинг ўнг томони нолга тенг эмас деб ҳисобласак, у ҳолда ўсиш аҳоли ўсиши натижасига эришилади. Агар $n > 0$ ва $\beta = 1 - \alpha$ бўлса, ўсиш суръати чексизликга интилади. $\beta + \alpha > 0$ бўлган ҳолатда ҳам ўсиш суръати чексизликга интилади:

$$\lim_{K \rightarrow \infty} \frac{\dot{K}}{K} = s \lim_{K \rightarrow \infty} \frac{Y}{K} - \delta = s \lim_{K \rightarrow \infty} Y_K - \delta =$$

$$\lim_{K \rightarrow \infty} (\alpha + \beta) K^{(\alpha + \beta - 1)} L^{1-\alpha} - \delta = +\infty \quad (7.1.6)$$

Ҳар бир ҳолатда ўсиш экзоген омили оқибатида эришилади, чунки иқтисодий ўсиш аҳоли ўсиш суръати ҳисобига эришилади, у эса моделда экзоген омил сифатида берилган. Фақатгина $n=0$ ва $\beta=1-\alpha$ ҳолда эндоген ўсиш ҳисобига эришилади.

$$\frac{\dot{K}}{K} = \frac{sK^{\alpha}L^{1-\alpha} - \delta K}{K} = sL^{1-\alpha} - \delta \quad (7.1.7)$$

Фараз қилайлик, агар фирма янги товар ишлаб чиқариши учун белгиланган ҳажмда харажат қилса, лекин кейинчалик бу товарга монополияга эга бўлади. Аввалгидек ишлаб чиқариш маҳсулотнинг бир қисми инвестиция қилинади деб ҳисобланса, инвестициялар янги товар ишлаб чиқариш ва уларнинг амалиётга қўллаш учун ишлатилади. Бу ҳолда ишлаб чиқариш

$$Y_t = A \left[\int_0^{m_t} [(x_t^i)^{\alpha} di] L^{-\alpha} \right] = w$$

функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$0 < \alpha < 1,$$

Бу ерда x_t^i – t вақт ичида i оралиқ товарга харажатлар; m_t – t вақтда ишлаб чиқариш учун сарфланадиган оралиқ маҳсулотлар; A – технология даражаси

Ишлаб чиқариш функциясидан кўриниб турибдики, у меҳнат ва орлик маҳсулот бўйича ўсувчи. Меҳнат ресурслари ва иш ҳаққи ўзгармас. Шунинг учун даромадни максималлаштириш мақсад функцияси қуйидагича:

$$A \left[\int_0^{m_t} [(x_t^i)^{\alpha} di] L^{1-\alpha} - \int_0^{m_t} p_t^i x_t^i di - wL \right] \rightarrow \max \quad (7.1.8)$$

Бу ерда p_t^i – оралиқ i маҳсулотнинг реал нархи; w – иш ҳаққи реал ставкаси;

зарурий шарт: $\alpha A (x_t^i)^{-(1-\alpha)} L^{1-\alpha} = p_t^i$ ҳар бир i учун

$$(1-\alpha) = w \quad (7.1.9)$$

7.1.9 тенгликдан кўриниб турибдики i товарга бўлган талабни ифодалайди. Фараз қилайлик, i товарни ишлаб чиқаришда унинг монополияси орқали ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни γ га тенг десак, бу ҳолда

монополистнинг даромадини максималлаштиришни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\max_{p_t^i} x_t^i (p_t^i x_t^i - \gamma x_t^i) \quad (7.1.10)$$

Монополистнинг харажатлари қуйидагича ҳисобланади:

$$p_t^i = p = \frac{\gamma}{\alpha} \quad (7.1.11)$$

Барча ишлаб чиқарувчилар учун харажатлар бир хил бўлгани учун, нарх ҳам бир хил бўлади. Мувозанат ҳолатдаги таклифни аниқлаш учун 7.1.11 ни 7.1.9 тенгликга қўйиб топамиз:

$$\alpha = \frac{\gamma}{\alpha} \quad (7.1.12)$$

7.1.12 тенгликни 7.1.1 тенгликга қўйса ишлаб чиқариш функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\bar{A} = A^{\frac{\alpha}{1-\alpha}} \left(\frac{\alpha^2}{\gamma} \right)^{\frac{\alpha}{1-\alpha}}$$

$Y_t = \bar{A}_t L$ бу ерда

$$(7.1.13)$$

Янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун φ ҳажмда харажат қилиш керак деб тахмин қилинса, шу билан, даромаднинг s улуши орқали маҳсулот ишлаб чиқариш учун инвестиция қилинса, бунда

$$I_t = sY_t. \quad (7.1.14)$$

$$I_t = (m_{t+1} - m_t)\varphi + \gamma x m_t \quad (7.1.15)$$

7.1.15 тенгламадан кўриниб турибдики, янги ва мавжуд товарни ишлаб чиқариш харажатлари инвестициялар орқали қопланади. 7.1.13 тенглик эса иқтисодий ўсиш суръатини ифодалаб беради ёки:

$$\frac{Y_{t+1}}{Y_t} = \frac{\bar{A}_{t+1} L}{\bar{A}_t L} = \frac{m_{t+1}}{m_t} \quad (7.1.16)$$

Оралиқ маҳсулот ўсиш суръати билан мос 7.1.14 ва 7.1.15 тенгликдан $sY = (m_{t+1} - m_t)\varphi + \gamma x m_t$ бунда $s\bar{A}_t m_t L = \varphi m_{t+1} - (\varphi - \gamma x)m_t$ ва 7.1.16 тенглик орқали 7.1.11

ифодаланса иқтисодий ўсиш суръатини ифодалаш мумкин: $\frac{\bar{AL}}{\varphi(s - \alpha^2)} \quad s > \alpha^2$ ҳолатда иқтисодий ўсиш кузатилади. Моделдан кўриниб турибдики қанча ўсиш суръати юқори бўлса шунча жамғарма нормаси юқорибўлади. Лекин қанча ўсиш суръати юқори бўлса, шунча ишлаб чиқариш харажатлари φ кам бўлади, шу билан бир қаторда янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун бўлган харажатлар γ ҳам шунча кам бўлади. Демак, модел янги маҳсулот ишлаб чиқариш ва мавжуд товарни такомиллаштиришни ўзида ифода этади. Шу билан иқтисодий ўсиш суръатлари уни амалга ошиши харажатлари билан ўзаро боғлиқ.

Ҳозирги кунда иқтисодий ўсиш назарияси олдида илмий-техника тараққиётини мамлакат иқтисодиётига таъсири, илмий-техника тараққиётига таъсир этувчи омиллар ва истеъмолчиларнинг бу жараёндаги ҳолати ва уларнинг иқтисодий ўсишга таъсири каби бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Илмий-техник тараққиётни иқтисодий ўсишга таъсирини бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган, жумладан Солоу, Касса-Кумпас, даймонд ва бошқа иқтисодий ўсиш моделлари. Лекин улар илмий-техника тараққиётини ўз моделларига экзоген омил сифатида қарашган, унга таъсир этувчи омиллар ўрганиб чиқилмаган. Ҳозирда иқтисодчи олимлар ушбу муаммо тадқиқ қилишга қаратилган.

Бир қанча моделларда илмий-техник тараққиёт иқтисодий ўсишга таъсирига умумий ёндашганлар. Бундай моделларга ишлаб чиқаришда таълим модели (АК модели), лекин бу моделда илмий-техник тараққиётни тараққиётни тадбиқ этиш жараёни кўриб чиқилмаган. Барро моделида эса илмий-техника тарққиётга давлат томонидан рағбатлантирилиши тадқиқ қилинган. Лекин, илмий-техника тарққиётини ривожланиши фақат давлат томонидан рағбатлантиришигина кифоя қилмай унга таъсир этувчи омиллар кўп бўлиб ҳисобланади.

Юқоридаги камчиликлар устида иш олиб борган Пол Ромер иқтисодий ўсиш моделини кўриб чиқамиз. Ушбу модел илмий-техник тараққиётни ишлаб

чиқариш жараёнига доимий тадбиқ этиш барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаши исбот қилинган. Ўсиш суръати қуйидаги параметрларга боғлиқ бўлади: субектив дискон ставка (маълум вақт оралиғида истеъмолчиларнинг танлови ютуғи). Ушбу модел техник-тараққиётни ишлаб чиқариш маҳсулот турларини (оралиқ ишлаб чиқаришда) кўпайиши билан ифодалаган. Илмий-техник тараққиётга қилинган харажатлар, корхонанинг ушбу маҳсулот тури бўйича бозорда монополлиги билан ифодаланган.

Пол Ромер моделида оралиқ маҳсулот тури кўпайишини ифода этувчи Спенс, Диксет ва Стиглиц ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланган:

$$Y = AL^{1-\alpha} \sum_{j=1}^{N_t} x_j^\alpha \Rightarrow \text{дискрет товарлар учун}$$

$$Y = AL^{1-\alpha} \int_0^{N_t} x_j^\alpha dj \Rightarrow \text{узлуксиз кўплаб товарлар учун}$$

Бу ерда, α – оралиқ маҳсулот ишлаб чиқариш $0 < \alpha < 1$, const; L – ишчи кучи ҳажми, const; x_j – j турдаги товарларга саноат маҳсулотларининг ишлатилиши; N_t – t вақтда саноат маҳсулотларидан фойдаланиш имконияти (технология); A – якуний маҳсулот ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги.

Физик капиталларнинг суммаси оралиқ маҳсулотлар йиғиндисига тенг. Буларнинг барчаси битта ишлаб чиқариш циклида фойдаланиб маълум технология бўйича ишлаб чиқариш:

$$K = \int_0^N x_j dj \quad (7.1.17)$$

Оралиқ маҳсулотлар барчаси бир хил нархга эга эканлиги шарт қўйсак, қуйидаги тенгликка эга бўламиз:

$$x_j = x, \quad p_{xj} = p_x \quad (7.1.18)$$

Бу ерда, p_x - оралиқ маҳсулот нархи

Физик капиталлар тенглиги ҳолатида, у қуйидаги тенгликка эга бўлади:

$$K = N * X \quad (7.1.19)$$

Симметрия шарти асосида якуний маҳсулот техник тараққиёт харод моделидек нейтрал бўлган ҳолда Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функциясидан фойдалансак қуйидаги кўринишга эга бўлади.

$$Y = AL^{1-\alpha} N\alpha^{\alpha} = K^{\alpha} AL^{1-\alpha} N^{1-\alpha} \quad (7.1.20)$$

Миллий ҳисоблар тизимидан келиб чиқиб инвестиция қуйидагича ифодаланилади :

$$\dot{K} = Y - C \quad (7.1.21)$$

Моделни соддалаштириш мақсадида бир дона ишлаб чиқарилган маҳсулот нархи Y -р бирга тенг деб оламиз.

Якуний ишлаб чиқариш секторида соғлом рақобат муҳити ҳолатида. Якуний маҳсулот фойдаси умумий даромад ва харажатлар фарқи билан топилади:

$$\pi_y = Y - wL - p_x N\alpha \quad (7.1.22)$$

Бу ерда, w – иш ҳаққи

Рақобат шароитида фирманинг фойдасини максималлаштириш учун, якуний маҳсулот ишлаб чиқариш секторида иш ҳаққи ва оралиқ маҳсулот нархи қуйидагича ифодаланилади:

$$w = (1 - \alpha) \frac{Y}{L} \quad (7.1.23)$$

$$p_x = \alpha \frac{Y}{K} \quad (7.1.24)$$

7.1.9 тенгликдан келиб чиқиб, иш ҳаққи ва якуний маҳсулот ўсиши $g_w = g_y$ орқали ифодаланилади. 6-6 тенглик ёрдамида 7.1.10 тенг қуйидаги кўринишга келтирамиз:

$$\frac{\partial Y}{\partial x_j} = A\alpha L^{1-\alpha} x_j^{\alpha-1} = p_x \quad (7.1.25)$$

7.1.9 тенгликдан келиб чиқиб j оралиқ маҳсулотга бўлган талаб ҳажмини топамиз:

$$x_j = L \left(A^* \frac{\alpha}{P_{xj}} \right)^{\frac{1}{1-\alpha}} \quad (7.1.26)$$

Оралик маҳсулот – якуний маҳсулотнинг бир қисми бўлиб, ишлаб чиқаришга инвестицион истеъмоли характериға эға. оралик маҳсулот ишлаб чиқариш ушбу моделда монопол бўлиб ҳисобланади; у илмий-тадқиқот секторидан патент сотиб олиш йўли билан монопол бўлади. Оралик маҳсулот ишлаб чиқариш фойдаси қуйидагича ифодаланади:

$$\pi_{xj} = (p_{xj} - 1)x_j \quad (7.1.27)$$

Оралик маҳсулот ишлаб чиқарувчисининг фойдасини максималлаштириш учун, у монопол нархни ўрнатади $p_x = \frac{1}{\alpha} > 1$. Барча оралик маҳсулотлар нархи тенгликдан сумметрия шартининг бажарилганлигидан, оралик маҳсулотга бўлган талаб ўзгармас сонға тенг деб оламиз ($x = LA^{\frac{1}{1-\alpha}} \alpha^{\frac{2}{1-\alpha}} = const$). Бу ҳолда якуний маҳсулот ҳажми қуйидагича аниқланади:

$$Y = A^{\frac{1}{1-\alpha}} \alpha^{\frac{2}{1-\alpha}} LN \quad (7.1.28)$$

Тенгликдан кўриниб турибдики якуний маҳсулот ҳажми ўсиши технологик тараққиёт ўсишиға тенг: $g_Y = g_N$.

Оралик маҳсулот ишлаб чиқарувчиси фойдаси эса қуйидаги тенглик билан ифодаланади.

$$\pi_x = (1 - \alpha) LA^{\frac{1}{1-\alpha}} \alpha^{\frac{1+\alpha}{1-\alpha}} = const \quad (7.2.29)$$

Инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ушбу маҳсулотға эғалик қилиш ҳуқуқини берувчи патентға эға бўлади. Патент нархи келажакда патент эғасиға келтирадиган даромад қиймати билан белгиланади. Вақт ўтиши билан патент нархининг ўзғариши қуйидагича ифодаланилади:

$$q = \pi_x \int_0^\infty e^{-\int_t^s r_v dv} ds; \quad (7.1.30)$$

ёки

$$\dot{q} = -\pi_x + r_t \pi_x \int_t^\infty e^{-\int_t^s r_v dv} ds = -\pi_x + r_t q \quad (7.1.32)$$

7.1.15 тенгликдан симметрик ифодалаш мумкин $r = \frac{\pi}{q} + \frac{q}{q}$. Илмий-техник

тараққиётнинг ишлаб чиқариш функцияси, секторда мавжуд ишчи кучи ва мавжуд ишланмалар билан ифодаланилади:

$$\dot{N} = bL_{R\&D}N \quad (7.1.33)$$

Бу ерда, b – $R\&D$ ¹⁹ сектори самарадорлиги; L – $R\&D$ секторида ишловчи ходимлар сони; N – мавжуд технологиялар ташқи самараси. $R\&D$ сектори фойдаси қуйидагича ифодаланилади:

$$\pi_{R\&D} = \dot{N} \cdot q - wL_{R\&D} = bL_{R\&D} - wL_{R\&D} \quad (7.1.34)$$

Рақобат муҳиtida илмий-тадқиқот секторлари патент нархи ҳаражатга чекланган мойиллигига тенг.

$$q = \frac{w}{bN} = \text{const} = \eta \quad (7.1.35)$$

Оптималлаштириш моделига уй ҳўжаликлари жамғарма ва истеъмолини киритамиз. Оптималлаштириш масаласига истеъмол нафлилигини оптималлаштириш динамикасидан келиб чиқиб қуйидаги кўринишга келтирамиз:

$$U = \int_0^{\infty} e^{-\rho t} \frac{c^{1-\theta}}{1-\theta} dt \quad (7.1.36)$$

Бу ерда θ - истеъмолга чекланган мойиллик эластиклиги. Нафлиликни максималлаштириш барқарор ўсишни таъминлаш учун $\frac{c}{c} = \frac{1}{\theta}(r - \rho)$ шарт бажарилиши керак. Моделнинг асосий ўзгарувлари доимий ўзгармас (монопол фойдаси ва патент нархи):

$$g_c = g_y = g_k = \frac{1}{\theta} \left(\frac{\pi}{q} - \rho \right) = \text{const} \quad (7.1.37)$$

Шу билан, илмий-техник тараққиёт иқтисодий ўсиш моделига эндоген таъсри ўрганиб чиқилди. Монопол фойдаси, иш ҳаққи ставкаси ва патент нархини қўйиб монопол фойдасини патент нархига нисбатини топиш мумкин:

¹⁹ R&D (research and development) илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишланмалар сектори

$$\frac{\pi}{a} = \frac{(1-\alpha)\alpha Y/N}{w/bN} = \frac{(1-\alpha)\alpha Y/N}{\frac{(1-\alpha)Y/N}{bN}} = \alpha bL \quad (7.1.38)$$

Олинган натижани 7.1.17 тенгликга қўйсак қуйидаги тенгликни келтириб чиқариш мумкин:

$$g_C = g_Y = g_K = \frac{1}{\theta}(\alpha bL - p) = \text{const} \quad (7.1.39)$$

Барқарор иқтисодий ўсиш моделидаги капитал қайтимига боғлиқ бўлади патент, монопол фойдаси ва субъектив дискон ставка. Патентдан тушум билан бирга барқарор ўсиш сураъти α коэффицентига боғлиқ, у монопол фойдасини ялпи ишлаб чиқаришдаги улушини ифодалайди.

$$p_x K = \alpha Y \quad (7.1.40)$$

Шу билан бир каторда монополнинг фойдасининг юқорилиги иқтисодий ўсиш сураътларининг юқорилиги билан ифодаланилади. Бу боғлиқлик монопол барча даромадини илмий-техника тараққиётига йўналтиради ва бу барқарор ўсишни таъминлайди. Патентдан фойда олиш илмий-техник тараққиётнинг юқори самарадорлигига боғлиқ бўлади, бу эса техник тараққиёти ривожланиш сураътига ва у билан биргаликда барқарор ўсишга ўз аксини топади.

7.2 Товар турларини кўпайишининг иқтисодий ўсишга таъсири.

Вертикал инновациянинг иқтисодий ўсишга таъсири қуйидагича ифодалаш мумкин: янги кашфиётлар олдинги технология ва маҳсулотларнинг эскиришига ёки умуман истеъмолдан чиқиб кетишигача олиб келади. Ушбу ҳолатлар натижасида ижобий ва норматив оқибатларга олиб келади.

Ижобий оқибатлар деганда ҳозирги ва келажакдаги тадқиқотлар ўртасидаги боғлиқлиги, бунинг натижасида келажакда мувофиқлашган барқарор ва цикли ўсишга олиб келиши назарда тутилади.

Ҳозирги инновация келажакда тадқиқот ва ишланмалар учун ижобий таъсир кўрсатгани билан, улар айна пайтдаги ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатади. Бизнеснинг қисқариш самарасини яратиб, натижада эркин бозор шароитида ўсиш ортиқчалиги шароитини яратади.

Ушбу ҳолатларни моделлаштиришда Пол Ромер иқтисодий ўсиш моделидан фойдаланамиз. Моделда капитал йиғилиши мутлоқ деб олинади. Аҳоли (L) доимий ва у меҳнат таклифига тенг. Ҳар бир индивид маълум вақт оралиғидаги танлови қуйидагича ифодаланилади:

$$u(y) = \int y_{\tau} e^{-r\tau} d\tau \quad (7.2.1)$$

Бу ерда, r – истеъмолчининг маълум вақт оралиғида танлови нормаси (субъектив дискон ставка), бу эса фоиз ставкага тенг.

Истеъмолчи ютуғи оралиқ ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган (x) маҳсулотларга боғлиқ ва у қуйидагича ифодаланилади:

$$y = Ax^{\alpha} \quad \text{бу ерда, } 0 < \alpha < 1 \quad (7.2.2)$$

Оралиқ маҳсулотлар яратилиши эскиларни ишлатмасликка ва A параметрнинг доимий $\gamma > 1$ мартага ошишига олиб келади.

$$A_t = A_0 \gamma^t, \quad t = 0, 1, 2, 3, \dots, \quad (7.2.3)$$

Бу ерда A_0 бошланғич даража. Оралиқ маҳсулот чизиқли технология асосида ишлаб чиқарилади $x = L_F$. Меҳнат ишлаб чиқариш ёки тадқиқот (n) олиб бориш учун фойдаланилади:

$$L = L_F + n = x + n \quad (7.2.4)$$

Инновация, тадқиқотда меҳнат миқдори Пуассон тақсимоти ҳолати юзага келади λn , бу ерда, λ - тадқиқот технологиясининг самарадорлиги, $\lambda > 0$. Инновацияда мувофақият қозонган фирма бошқа инновация яратилмагунга қадар оралиқ маҳсулот ишлаб чиқаришда монопол бўлиб қолади. Бу ерда тадқиқот фаолиятининг A параметрга ижобий тасири намоён бўлади. Яъни: бозордаги монополлиги, маҳсулотларни омборда қолмаслиги, энг асосийси кейинги янгилик яратиш учун даромадларнинг йўналтирилганлиги сабабли. Лекин инновациянинг салбий оқибатлари ҳам мавжуд, бу эса “бизнес қисқариш эффекти”, бу ҳолда монополист эскирган оралиқ маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни йўқ қилади.

Тадқиқот секторида меҳнат ҳажми $w_t = \lambda V_{t+1}$ тенглик асосида аниқланади (t – инновация тартиб рақами (ёки инновация оралиғи), w_t - иш ҳаққи, V_{t+1} - $t+1$ инновациядан кутилаётган даромад). Тенгликнинг чап томони бир соат қиймати, ўнг томони тадқиқотга кетадиган вақт қиймати ифодаланган. Кутилаётган инновациядан даромад қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\left(1 + \frac{r}{\lambda n_{t+1}}\right) V_{t+1} = \frac{1}{\lambda n_{t+1}} \pi_{t+1} \Rightarrow r V_{t+1} = \pi_{t+1} - \lambda n_{t+1} V_{t+1} \quad (7.2.5)$$

Бу ерда, $\frac{1}{\lambda n_{t+1}}$ - янгиликдан олинadиган даромаднинг олинish муддати эҳтимоли. Тенгликдан кўриниб турибдики, $t+1$ лицензиядан бир бирлик вақт интервалида монополистнинг $(t+1)$ чи вақтда π_{t+1} даромадидан капиталнинг қийматисизланишини айирмасига тенг. Қадрсизланиш λn_{t+1} катталик катталашган сари ошиб боради. V_{t+1} бу активларнинг π_{t+1} даромад келтирадиган соф қиймати. Эски активларнинг қадрсизланиши эҳтимолиги λn_{t+1} га тенг.

юқоридагилардан келиб чиқиб инновациянинг қиймати қуйидагича аниқланади:

$$V_{t+1} = \frac{\pi_{t+1}}{r + \lambda n_{t+1}} \quad (7.2.6)$$

Моделда даромад оқими (π_t) ва ишчи кучига бўлган талаб (x_t) дан ташқари барча омилларни модел ўзида қамраб олади. Иккаласи ҳам t инновацияни ишлаб чиқиш учун оралиқ маҳсулот даромадини максималлаштиришга хизмат қилади. Бу ҳолда, даромад инноватор, воситачи ёки инновация учун патент сотиб олган ишлаб чиқарувчини бўлиши мумкин. Исталган ҳолда инноватор барча монопол даромадларни ўзининг инновацияси орқали унинг умр давомида (V_t) ўзида мужассамлаштириш имкони мавжуд бўлади.

Инноватор ўз фойдасини максималлаштиришга интилади ва бу инновацияни яратиш учун кетадиган меҳнат ҳажми ва инновациянинг якуний маҳсулотга бўлган талабни максималлаштиришга интилади. Ушбу жараёнда

инноватор (t) даромади ва меҳнатга бўлган талаби қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\pi_t = \max_x [p_t(x)x - w_t x] \quad (7.2.7)$$

Бу ерда w – иш ҳаққи, $p(x)$ – x оралиқ маҳсулотни якуний маҳсулот ишлаб чиқарувчисига инноваторнинг сотиш нархи. Бу ерда якуний маҳсулот сектори тўлиқ рақобат муҳити шароити деб олинади. Шунинг учун секторнинг маҳсулот нархи оралиқ маҳсулотга чекланган мойиллигига тенг деб олинади:

$$p_t(x) = A_t \alpha x^{\alpha-1} \quad (7.2.8)$$

Талаб ва даромаднинг максималлаштириш шарти қуйидаги тенглик кўринишга келтирилади:

$$x_t = \arg \max_x \{A_t \alpha x^{\alpha} - w_t x\} = \left(\frac{\alpha^2}{w_t / A_t} \right)^{\frac{1}{1-\alpha}} \quad (7.2.9)$$

$$\pi_t = \{A_t \alpha x^{\alpha} - w_t x\} = \left(\frac{1}{\alpha} - 1 \right) w_t x_t \quad (7.2.10)$$

Модел қуйидаги шартлар асосида тузилган:

- Секторлар ўртасида меҳнат тақсимооти эркин амалга оширилади:

$$w_t = \lambda \frac{\gamma \tilde{\pi}(\omega_{t+1})}{r + \lambda n_{t+1}} \quad (7.2.11)$$

- Меҳнат бозори мувозанат ҳолатда:

$$L = n_t + \tilde{x}(\omega_t) \quad (7.2.12)$$

Бу ерда $x = \tilde{x}(\omega_t)$ ишлаб чиқаришда меҳнатга бўлган талаб, иш ҳаққи камаювчи функцияси.

7.3 Маҳсулот сифатининг иқтисодий ўсишга таъсири.

Олдинги бўлимда иқтисодий ўсишга илмий-техник тараққиётнинг горизонтал турини ва вертикал турини таъсирини кўриб чиқдик. Ушбу ҳолатни якуний маҳсулотга ҳам кўриб чиқиш мумкин. Бу ҳолда илмий техник тараққиёт горизонтал таъсири маҳсулот турини (ассортимент) кўпайишига, вертикал таъсири маҳсулот сифатини ўзгариши олиб келади. Ушбу жараёни ўрганишда Гросман ва Хелпман моделидан фойдаланиш мумкин. Гросман ва Хелпман

ушбу жараёни “Жаҳон иқтисодиётида инновация ва ўсиш” (1991) номли китобида кенг ёритилган.

Моделнинг асосий жиҳати шундаки, унга истеъмолчи нафлилиги функцияси киритилган. Ушбу жиҳат моделдан хулоса чиқаришга ёрдам беради. Истеъмолчи нафлилиги нафақат ҳажмидан, балки унинг таркибидаги маҳсулот тури, сифатини ўзгаришини ўз ичига олади. Шунинг учун моделга истеъмол товарлари ҳажмини ўрнига, маҳсулот турини инобатга олувчи истеъмол индекси киритилган.

Моделнинг асосий ғояси шундаки, истеъмолчи истеъмол товарлари турини кўпайтириш орқали нафлилигини оширади. Натижада истеъмолчи истеъмол товарлари турини ошириши билан истеъмол индекси билан бир қаторда истеъмолчи нафлилиги ошишига олиб келади.

Ушбу ҳолат истеъмолчи ўзини танловига асосланади, яъни: янгилик ҳоҳиши, алоҳида белгиларга эътибор бериши, оригиналлик ва бошқалар. Бу эса маҳсулот турини кўпайишига олиб келади. Ҳаттоки маҳсулот сифатини яхшиланишини инобатга олмаган ҳолда товар ва хизматларнинг тури иқтисодий ўсишга кучли таъсир кўрсатади. Бу ҳолда, истеъмол ҳажми 2-3 хил навдаги товар ва хизматлар билан чегараланиб қолмай, 50-10 хил навли товар хизматлар бўлиши назарда тутилади.

Оддий истеъмолчининг маълум вақт оралиғидаги нафлилик функцияси σ доимий ўзгарувчан эластиклик билан ифодаланилади, у эса N_t турдаги ҳар кунлик истеъмол товарлари турига боғлиқ бўлади.

$$\int_0^{+\infty} e^{-pt} V(t) dt \rightarrow U(v) = \frac{\sigma}{\sigma-1} v^{\frac{\sigma}{1-\sigma}} \rightarrow V_t = \left[\int_0^{N_t} x_t(i) di \right]^{\frac{\gamma}{\gamma-1}} \quad \gamma > 1 \quad (7.3.1)$$

Бу ерда p – истеъмолчининг вақт оралиғидаги танлови субъектив дисконт ставкаси; V – маҳсулот турини инобатга олган ҳолда истеъмол индекси; γ – маҳсулотларнинг истеъмол қилиниши эластиклиги; t – товар миқдори, вақт ўтиши билан кўпайиб боровчи 0 дан N гача; $N - t$ вақтда мавжуд товарлар тури.

Бу ҳолда истеъмол индекси товар турига боғлиқлиги узлуксиз деб олинади. Бу шарт товарлар турининг катта миқдорда деб олингандан келиб

чиқган ва ҳар бир товар умумий миқдорда кичик улушга эга деб олинади. Моделга истеъмол индексини товар миқдори билан таъкиқ қилинса ҳато бўлмайди. Бу ҳолда истеъмол индексини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\tilde{C} = \left[\sum_{i=0}^N (c_i)^\varepsilon \right]^{\frac{1}{\varepsilon}} \Rightarrow \tilde{C} = \sum_{i=0}^N c_i, \quad \varepsilon = 1 \quad (7.3.2)$$

Истеъмолчи олдида икки муаммо юзага келиши мумкин: биринчидан, истеъмолчи N_t теъмолни максималлаштириш керак, статистик максималлаштириш: нафтилиги энг юқори маҳсулотни танлаши керак; иккинчидан, шу вақтда нафтиликни максималлаштириш учун оптимал ҳажмда маҳсулот сотиб олиши керак, динамик максималлаштириш. Бу ҳолда истеъмолчи бюджет чегараси қуйидагича ифодаланилади:

$$\dot{B} = R_t B_t - \int_0^{N_t} p_t(i) x_t(i) di + w_t L \quad (7.3.3)$$

Бу ерда, B_t - истеъмолчи номинал активлари, R_t - номинал фоиз ставкаси, $p_t(i)$ - бир бирлик маҳсулот нархи, w_t - номинал иш ҳаққи, L - меҳнат ҳажми. Истеъмолни статистик оптималлаштириш учун маълум вақт оралиғида ўзгарувчилар белгилаб олинади ва ушбу вақтдаги z даромаднинг бюджет чегараси қуйидагича ифодаланилади:

$$\int_0^{N_t} p(i) x(i) di \leq z \quad (7.3.4)$$

Оний нафтилик функцияси ушбу бюджет чегарасига қараб қуйидагича максималлаштириш мумкин:

$$\max v_t = \left[\int_0^{N_t} x_t(i)^{\frac{\gamma}{1-\gamma}} di \right]^{\frac{1-\gamma}{\gamma}}, \quad \gamma > 1 \quad (7.3.5)$$

Натижада Лагранж усули орқали қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\left(1 - \frac{1}{\gamma} \right) x(i)^{\frac{1}{\gamma}} = \lambda p(i) \quad (7.3.6)$$

i – товарга бўлган истемолчи нафтилигига оптимизацион шартини қўйсак, у ҳолда қуйидаги натижага эришамиз:

$$x(i) = p(i)^{-\gamma} \left[\left(1 - \frac{1}{\gamma} \right) \lambda \right]^{-\gamma} \quad (7.3.9)$$

Бу ерда, γ - i товарга бўлган талабнинг нарх бўйича эластиклиги.

Моделга илмий тадқиқот секторини киритишда Гроссман ва Хелпман ишлаб чиқариш функцияларига Пол Ромер моделидаги янги ишланмаларнинг оқимни ташқи самарасидан фойдаланган. Тадқиқот сектори моделда қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\dot{N} = b_2 N_t L_{2t} \quad (7.3.10)$$

Бу ерда, b_2 - тадқиқот секторининг самарадорлик кўрсаткичи, N_t - мавжуд товарларнинг кўпайган қисми, L_{2t} - тадқиқот секторидаги меҳнат ҳажми. Жумладан L_{1t} якуний сектордаги меҳнат ҳажми.

Иқтисодиётдаги умумий меҳнат ҳажми доимий бўлиб, у қуйидагича ифодаланилади:

$$L = L_{1t} + L_{2t} = \text{const} \quad (7.3.11)$$

Моделда меҳнат ягона ўзгарувчи ишлаб чиқариш омили сифатида олинган. Мавжуд маҳсулот ҳажмининг ошиши тадқиқот сектори самарадорлик кўрсаткичига ижобий таъсир кўрсатади. Моделда олдинги илмий техник ишланмалар янги жараёнга таъсир кўрсатиши инобатга олинган. Рақобат муҳитида патентдан фойда олиш чегараланганлиги деб фараз қилинган.

НАЗОРAT ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Модернизация ва инновация ўртасидаги фарқни ифодалаб беринг.
2. Инновациянинг иқтисодий ўсиш моделига эндоген омил сифатида қабул қилинишининг зарурияти нимада?
3. Дискрет товарлар деганда нимани тушунасиш?
4. Узлуксиз товарлар деганда нимани тушунасиш?
5. Ишлаб чиқариш жараёнида оралиқ маҳсулотларнинг технологиясини ўзгариши иқтисодий ўсишга қандай таъсир кўрсатади?
6. Ишлаб чиқаришда якуний маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясининг ўзгариши иқтисодий ўсишга қандай таъсир кўрсатади?

7. Вертикал инновация деганда нимани тушунаси?
8. Вертикал инновациянинг иқтисодий ўсишга таъсирини ким тадқиқ қилган?
9. Гросман ва Хелпманларнинг “Жаҳон иқтисодиётида инновация ва ўсиш” китобида инновациянинг қандай турига кўпроқ урғу берган?
10. Маҳсулот сифати ўзгариши иқтисодий ўсишга қандай таъсир кўрсатади?

8-БОБ. ИҚТИСОДИЙ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАР ВА УЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

8.1 Иқтисодий математик моделларнинг моҳияти ва унинг амалий аҳамияти.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётни, келажакни баҳоламасдан унинг ривожланиш истиқболини прогнозлашсиз тасаввур қилиш қийин. Режали ижтимоий ҳўжалик юритиш шароитида иқтисодий прогнозлар жамият ривожланишининг мумкин бўлган мақсадларни уларга эришишни таъминловчи иқтисодий ресурсларни, ўзоқ муддатли, ўрта муддатли ва жорий режаларнинг эҳтимол бўлиши мумкин бўлган ва иқтисодий жиҳатдан самарали вариантларни аниқлаш учун, иқтисодий ва техник сиёсатининг асосий йўналишларини асослаш, қабул қилинаётган қарорларнинг натижаларини прогнозлаш ва ҳар бир муайян вақтда аниқ тадбирларни, фаолиятни амалга ошириш учун зарур ҳисобланади. Бозор ислоҳотлари ва илмий-техник тараққиётни такомиллаштириш шароитида прогнозлаш ижтимоий ривожланишининг стратегия ва тактикани шакллантиришнинг ҳал қилувчи илмий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Инсоннинг ақлий фаолияти мобайнидаги энг асосий ва муҳим жиҳатлардан бири – бу келажакни олдиндан башорат қилишдир.

Бугунги кунда олдиндан башорат қилишнинг икки хилдаги кўриниши мавжуд – илмий башоратлаш ҳамда илмий асосланмаган башоратлаш. Илмий асосланмаган башоратлаш – инсоннинг топқирлиги, сезгирлиги билан боғлиқ бўлган башоратлашларни ўз ичига олади.

Илмий башоратлашнинг оддий башоратлашдан принципиал фарқи шундаки, илмий башоратлаш орқали келажакда содир бўлиши мумкин бўлган воқеа-ҳодиса тўғрисида ишончлироқ ва аниқроқ маълумотга эга бўлиш мумкин. Бу орқали эса амалиётда энг муҳим ва мақсадга мувофиқ қарорларни қабул қилиш имкониятига эга бўламиз. Илмий башоратлашнинг хилма-хил шакллари

орасида энг кўп тарқалган турларидан биттаси *прогнозлаштириш* ҳисобланади.

Прогноз шу пайтгача ҳеч бир тил тизимида ҳали кўзатилмаган эҳтимолли воқеани атамалар орқали қайд этишга, бирор бир объект, жараён, ҳодисанинг ҳолатини ўзоқ ёки яқин келажак учун қайд этишга ёрдам беради.

Прогнозни ишлаб чиқишда текширилган, аниқ ва зиддиятга учрамайдиган прогнозлаштириш методидан фойдаланиш лозим. Ана шундагина, прогнозни шахсий интуитив тарзда эмас, балки илмий асосланган тарзда ишлаб чиқилганлигини этироф этиш мумкин. Қолаверса, прогнозлаштирилган воқеа-ҳодисанинг реализациясини келажакда текшириш усуллари ҳам аниқ бўлиши шарт.

Шундай қилиб, **прогноз** – бу келажакда, маълум бир муддат оралиғида объект, ҳодиса ёки жараёнларнинг ривожини самараси ҳамда уларнинг эҳтимолли йўналишлари тўғрисидаги илмий-услубий асосланган мулоҳаза ҳисобланади.

Прогнозлаштириш соҳаси кенг қамровли ва хилма-хилдир. Бугунги кунда географик, геологик, экологик, тиббий прогнозлаштириш, илм-фан ва техника прогнози, иқтисодий, социологик, ҳарбий прогнозлаштириш, ташқи-сиёсий, юридик, маданий-эстетик ва бошқа турдаги прогнозлаштириш соҳаларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий прогнозлаштириш ўз ичига тўлиқ иқтисодиёт тараққиётини ўз қамровига олган ҳолда, унинг тармоқлари, ҳудудлари, илмий-техникавий тараққиёти, аҳоли ва турмуш даражаси, ресурслари ва истеъмоли, ташқи-иқтисодий конъюктураси ҳамда экологияси ва шу каби қисмларини ҳам ўз ичига олади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг самарали ва рационал вариантлари ҳақидаги прогноз ахборотлари мақсадли-дастурий методларга таянувчи комплекс дастурлар ишлаб чиқарилиши асосига қурилади. Прогнозлар каби дастурлар ҳам аниқ мақсадлар ва ресурсларни солиштиришни ҳисобга олиш орқали, уларни сўнгги ишлаб чиқариш комплексларига етиб боришигача бўлган асосли режалар ишлаб чиқишни таъминлайди.

Келтирилган схема мустақил мазмунни англатмайдиган, режа олди материали сингари прогноз ҳақида мулоҳаза юритишга олиб келиши мумкин. Бежиз бизнинг барча иқтисодий адабиётларимизда олтмишинчи йилларгача “прогнозлаштириш” атамасидан, уни планлаштиришдан ажратмаслик мақсадида, йироқ бўлишган. Албатта, прогнозлаштириш – иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида бутун бошли режали бошқарув тизимининг таркибий қисмига айланган, аммо унинг ўзига хос хусусияти, ўз методлари ва тўлиқ мустақил мазмуни ҳам мавжуд. Прогноз ҳамда режа ўртасидаги муҳим фарқларни кўриб чиқишнинг ўзи кифоя.

Режа – бу бажарилиши шарт бўлган, бир маъноли директив ҳужжат. **Прогноз** – бу одатда кўп вариантли, мажбурий бўлмаган, эҳтимолли мулоҳаза. Режани аниқ ифодаланган мақсад, қатъий чегараланган ресурслар ажратиб туради. Прогноз учун хос бўлган хусусиятлар: мақсадлар – назарий жиҳатдан эришиладиганлари, йўл ва воситалар – эҳтимоллилари, ресурслар – мавжудлари. Шу ўринда баъзи бир бошқа фарқлари ҳам юзага келади. Режа мажбурий ҳужжат сифатида фақатгина бошқариладиган жараёнларга тегишли бўлиши шарт. Прогноз эса бошқариладиган жараёнларни ҳам, бошқарилмайдиган жараёнларни ҳам, ёки қисман қисман бошқариладиган жараёнларни ҳам қамраб олиши мумкин. Айтайлик, ишлаб чиқариш – бу шундай тизимки, уни прогнозлаштириш ҳам, режалаштириш ҳам мумкин. Қисман бошқариладиган жараёнлар ҳам оз эмас. Уларга демографик, илмий-техник, ташқи иқтисодий жараёнлар, аҳолининг талаби ва таклифи ва бошқалар. Уларга маълум миқдорда таъсир этиш мумкин, демакки, қисман режалаштириш ҳам мумкин, бироқ тўлиқ ҳолда уларни фақатгина прогноз қилиш мумкин холос.

Бошқа фарқларига келсак, улар олдини олиш (огоҳлантириш) вақтига тааллуқли. Режанинг директивлик хусусияти режалаштириш муддатини қоида бўйича беш йилга чеклайди. Вақт бўйича прогноз имкониятлари доираси чегараланмаган, аммо амалий жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, илмий асосланган прогнозлар (илмий фантастикадан фарқли ўлароқ) юзлаб йиллар давом этмайди албатта.

Ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёни схемасида прогнозлар ва режалар орасида дастурлар жойлаштирилган бўлиб, ўз моҳиятига кўра ҳам улар оралик характерга эга. Директивлик нуктаи назардан улар режаларга яқин, аммо вақт бўйича олислик ҳамда чексизлик бўйича прогнозларга яқиндирлар. Ахир одатда режалар тармоқлар, ҳудудлар ва беш йиллик муддатлар орқали аниқлаштирилган бўлади. Дастурлар кўпинча тармоқлараро, ҳудудлараро ҳамда кўпйиллик бўлишади.

Ишлаб чиқаришни бошқариш фақатгина оптимал қарорларни танлаш ва амалга оширишни таъминлаши лозим, чунки жамият учун бугун асоссиз қарор қабул қилинганлиги оқибатида потенциал зарарнинг қиймати келажакда кўп қаррали миқдорда ошади.

Хўжалик юритишнинг ҳозирги шароитлари прогнозлашнинг миқёсини максимал даражада кенгайтириш, прогнозларни ишлаб чиқиш методологиясини ва услубиятини янада такомиллаштиришни талаб этади. Ижтимоий ривожланиш жараёнларини прогнозлаш даражаси қанчалик юқори бўлса, жамиятда ушбу жараёнларни режалаштириш ва бошқариш шунчалик самарали кечади.

Прогноз деб келажакда объектнинг эҳтимол ҳолатлари, муқобил йўллари ва уларни амалга ошириш муддатлари тўғрисида илмий асосланган фикр-мулоҳазаларнинг миқдори тушунилади. Прогнозларни ишлаб чиқиш жараёни прогнозлаш деб аталади.

Прогнозлаш ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида уларнинг назария ва амалиётини боғловчи муҳим занжири ҳисобланади. У иккита турли кўринишдаги аниқлаштириш ҳолатларига эга: башорат қилиш (тавсифлаш) ва бошқа у билан боғлиқ бўлган, яъни бошқариш тоифасига кирадиган олдиндан белгилаш (кўрсатма бериш). Прогнозлаш эҳтимол ва исталган истиқболни, ҳолатларни, келажакдаги муаммоларнинг ечилишини тавсифлашни назарда тутди. Кўрсатма бериш эса ушбу муаммолар ечимининг ўзи бўлиб, мақсадга мувофиқ фаолиятида келажак тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланишни назарда тутди. Прогнозлаш муаммоларида иккита жиҳатлар: назарий-билимга

оид жиҳатни ҳамда олинган билимлар асосида бошқарув қарорларни қабул қилиш имкониятлари билан боғлиқ бўлган бошқарув жиҳатини алоҳида ажратиш лозим бўлади.

Ижтимоий ривожланишни прогнозлашнинг энг муҳим йўналишларидан бири иқтисодий прогнозлаш ҳисобланиб, у илмий иқтисодий фан бўлиб, унинг объекти муайян кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёни, предмети эса истикболда фаолият кўрсатаётган иқтисодий объектларнинг эҳтимол ҳолатларини билиш, иқтисодий прогнозларни ишлаб чиқиш қонуниятларини ва услубларини тадқиқ этишдан иборат.

Макроиқтисодий прогнозлаш бозор ислохотлари шароитида жамият ривожланишининг қонуниятларини билиш, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник тараққиёт тенденцияларини аниқлаш соҳаларидаги ютуқларига асосланади. Иқтисодий прогнозлашни такомиллаштириш, ишлаб чиқилаётган прогнозларнинг ҳаққонийлигини оширишда ҳар қандай табиатига мансуб объектларни ривожлантириш прогнозларни ишлаб чиқиш қонуниятлари ва услубларини ўрганадиган илмий-амалий фан, яъни прогностика, шунингдек, унинг муҳим соҳаси ҳисобланган иқтисодий прогностика муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридан келиб чиққан ҳолда макроиқтисодий прогнозлашга қуйидаги тарифни бериш мумкин. *Гипотеза* умумий назария даирасидаги илмий башоратни тавсифлайди. Бу шуни англатадики, гипотезани тўзиш дастлабки базавий назария ва у асосида тадқиқ этилаётган объектларнинг фаолият кўрсатиши ва ривожлантиришнинг очилган қонуниятлари ҳамда сабаб-оқибат алоқаларини ташкил этади. Гипотеза даражасида ҳаракатларнинг умумий қонуниятларини ифодаловчи ушбу объектларнинг сифат жиҳатидан тафсилоти берилади.

Прогноз гипотезадан фарқли улароқ янада юқори аниқликка эга, чунки нафақат сифат ўлчамларига, балки миқдорий ўлчамларга асосланади, шу боис объектнинг келажакдаги ҳолатини миқдорий жиҳатдан ҳам тавсифлашга имкон беради. Прогноз аниқ амалий назария даражасида башоратлашни назарда

тутади. Шундай қилиб, прогноз гипотезадан ноаниқлик даражаси паст ҳамда юқори даражали ҳаққонийлиги билан фарқ қилади. Шу билан бирга прогнознинг тадқиқот қилинаётган объекти, ҳодиса билан бўлган тўғридан-тўғри алоқаси мавжуд эмас: прогноз эҳтимоллик тавсифига эга.

Режа аниқ муайян мақсадларни қўйиш ва тадқиқ этилаётган объектнинг аниқ ҳодисаларини башоратлашни кўзда тутати. Унда белгиланган вазифаларга мувофиқ тарзда ривожланишнинг йўллари ва воситалари қайд этилади, қабул қилинган бошқарув қарорлари асосланади. Унинг энг асосий фарқ қилувчи жиҳати - топшириқнинг аниқлиги ва кўрсатмали эканлигидадир. Шундай қилиб, режада башоратлаш янада аниқ ҳолда намоён бўлади. Прогноз каби режа ҳам аниқ амалий назария натижа ва ютуқларга асосланади.

Прогнозлаш шакллари ўз моҳиятига кўра бошқариш ва режалаштириш тизимида бир-бири билан ва тадқиқ этилаётган объекти билан ўзвий боғлиқликда бўлиб, объектнинг ўзининг аниқлиги билан истиқболдаги ҳаракатларини билиш босқичларининг кетма-кетлигини ифодалайди. Ушбу жараённинг дастлабки қадами – объектни у учун янги белгиланган ҳолатига ўтказиш режасини тўзиш ҳисобланади. Бунинг учун энг муҳим воситаси умумилмий башоратлаш ва режа ўртасида боғловчи занжир сифатида иштирок этувчи прогноз хизмат қилади.

Гипотеза умумий тавсилотига эга бўлса ҳам, усиз ҳеч қандай илмий бошқариш ва режалаштиришни амалга ошириб бўлмайди. Гипотеза ушбу жараёнга таъсир этиб, уни тўзиш учун муҳим ахборот манбаси ҳисобланади. Кўп ҳолатларда гипотеза бевосита режаларни ишлаб чиқишда ҳам ҳудди шу вазифани бажаради.

Режалаштириш билан прогнозлаш бир бири билан чамбарчас боғлиқ. Режа ва прогноз ўз моҳиятига кўра режанинг ижтимоий ишлаб чиқаришини бошқаришда етакчи буғин сифатида ҳал қилувчи рол уйнаётган шароитда бир-бирини ўзаро тўлдирувчи режалаштириш босқичларини ифодалайди. Бунда прогноз мавжуд амалиётнинг истиқболда ривожланиш имкониятларига қаратилган омил сифатида хизмат қиладиган бўлса, прогнозлаш - режаларни

ишлаб чиқиш дастаги сифатида намоён бўлади. Прогноз ва режанинг мувофиқлик шакллари турли хил бўлиши мумкин: прогноз режани ишлаб чиқишдан олдин (одатда шундай), ундан кейин (қабул қилинган қарорнинг оқибатларини прогнозлаш), шунингдек режани ишлаб чиқиш жараёнида амалга ошириш мумкин.

Шунга қарамай прогноз ва режа ўртасида фарқлар ҳам мавжуд. Уларнинг энг асосийси шундан иборатки, режа кўрсатмали, прогноз эса эҳтимолли тавсифга эга. Режа – бу қатъий қарор, шу жумладан у вариант асосида ишлаб чиқилади, прогноз эса ўз моҳиятига кўра муқобил, вариантли мазмунга эга. Шу маънода прогнозлаш режалаштиришнинг тадқиқот базаси ҳисобланиб, у режалаштиришдан фарқли равишда алоҳида ўзининг методологик ва услубий асосларига эга. Прогнозларни ишлаб чиқиш прогнозлаш усулларига асосланади, режалаштириш эса янада қатъий ва аниқ баланс ва бошқа ҳисоб-китоб усулларига таянади.

Прогнозлашнинг режалаштиришдан фарқли жиҳатларидан бири у режалаштиришнинг таркибий қисми бўлибгина қолмай у мустақил равишда мавжуд. Бу хусусан, шундай ҳолатда ўз ифодасини топади: ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида шундай иқтисодий жараёнлар борки, уларни ҳар доим ҳам режалаштириб бўлмайди, аммо улар прогнозлаш объекти ҳисобланиши мумкин. Булар қаторига, масалан, демографик жараёнлар, аҳолининг истеъмол товарларга бўлган жорий талаби, шахсий томорқа хўжаликларининг ривожланиш даражаси, оиланинг таркиби ва аҳолининг жинси ва ёши бўйича таркиби ва ҳ.к. Прогнозлаш ва режалаштириш бир-биридан яна шу билан фарқланадики, улар тадқиқ этилаётган объектни билишнинг турли поғоналарини тавсифлайди, ушбу объектларнинг истиқболдаги ҳолатини ўзаро боғлиқ бўлса ҳам, аммо ҳар хил башоратлаш шаклларига эга.

Объектларнинг мос келмаслиги ҳамда прогнозлашнинг режалаштиришга нисбатан бошқа фарқли жиҳатлари улардаги турли хил функцияларни шакллантиради. Режалаштириш бевосита бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалиётга татбиқ этишга қаратилган бўлса, прогнозлашнинг мақсади эса

уларни қабул қилиш учун илмий асосларни яратишдан иборат. Ушбу асослар қуйидагиларни ўз ичига олади: ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш тенденцияларининг *илмий таҳлили*; шаклланган тенденция ва кўзланган мақсадларни ҳисобга оладиган ижтимоий ишлаб чиқаришнинг кутилаётган ривожланишини *вариантли баҳоратлаш*; қабул қилинаётган қарорларнинг *мумкин бўлган оқибатларнинг таҳлили*, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник ривожланиш йўналишларини асослаш. Шундай қилиб, иқтисодий прогнозлашнинг вазифаси, бир томондан борлиқнинг ҳақиқий жараёнларга амал қилган ҳолда тадқиқот соҳасида яқин ёки ўзоқ келажаги истиқболни аниқлаш, иккинчи томондан, тўзилган прогноз ва прогноз даврида қабул қилинган қарорларнинг оқибатлари нуқтаи назаридан уларни баҳолашга таянадиган оптимал жорий ва истиқболли режаларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Иқтисодий прогнозлаш кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жараёнларнинг энг муҳим қонуниятларини тадқиқ этишга асосланган. Унинг назарий асоси ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг объектив қонуни тўғрисидаги фан сифатида сиёсий иқтисодидан иборат.

Прогнозлаштириш жараёнида, прогноз учун керакли бўлган топшириқларни ишлаб чиқиш, ҳар томонлама прогнозлаштириш объекти таҳлилини амалга ошириш шарт. Ушбу анализ объектнинг аниқланиши ва тадқиқот предметини, унинг прогнозлаштириш мақсади ва вазифасини, ташқи манбаларга боғлиқлигини, тўзилишини, ишлаш механизми ҳамда улар устидан бошқарув кабиларни ўзида мужассам этади. Расмий нуқтаи назардан қараганда, объектни изчил тадқиқ қилиш – оптимал алтернатив танловни амалга оширишга ҳамда объектни бошқарувчи алтернатив таъсирларнинг намоён бўлишига, шунингдек, унинг келгуси коррективланган моделларининг тўзилишига олиб келади.

Биз ижтимоий-иқтисодий тизимларни кўриб чиқамиз, уларнинг таҳлили эса прогнозлаштириш объекти сифатида қаралганда анча мураккаб, чунки улар

мураккаб тизимлар тоифасига киради. Мураккаб объектларни таҳлил қилиш учун сўнгги ўн йиллар давомида пухта ишлаб чиқилган назариялар тизимидан, тизимли таҳлилдан фойдаланиш лозим.

Тизим бир-бирига ўзаро таъсир этувчи элементлари, уларнинг хоссалари ва алоқалари мавжуд бўлган бутун бир комплекс сифатида қаралиши мумкин.

Умуман олганда тизим – бу моддий дунёда элементлари мавжуд бўлган, бутун бир комплекснинг объектив мавжудлигига асосланган илмий абстракция. Тизимнинг мураккаблигига оид фараз фақатгина унинг элеменларига эмас, балки улар ўртасидаги кўп тармоқли ҳамда кўп қиррали алоқаларга, тизимнинг бутунлигига доир махсус хусусиятларнинг намоён бўлишига ва унинг кутилаётган ҳолатига боғлиқ. Бу орқали мураккаб тизимни ҳам элементларнинг катта миқдори, ҳам уларнинг хилма-хил алоқалари аниқлайди.

Мураккаб тизимнинг хусусиятларини таърифлашда, аввало, унинг яхлитлик хусусиятидан бошлаймиз. Мураккаб тизим таркибидаги бирор бир элемент (қисм)ларда мавжуд бўлмаган хусусиятларни намоён қилади. Демак, мураккаб тизим унинг таркибини ташкил этувчи қисмлар ва уларнинг хусусиятлари миқдорига қараганда кўпроқ жиҳатларни намоён этади. Мураккаблик ва яхлитликнинг ўзи тизимнинг янгича хусусиятларини вужудга келтиради.

Мураккаб тизимлар мақсадли йўналтирилган бўлишади. Мақсадли йўналтирилган тизим учун у қандай ҳолатда эканлиги, у ёки бу ҳолатда мақсадга эришиш йўли, энг маъқул бўлган ҳолатга эришиш кабилар аҳамиятсиз эмас. Мавжудлилик мақсадларини, тизимнинг ривожланишини тадқиқ қилиш – илмий-асосланган прогнозлаштиришнинг энг асосий нуқтаи назарларидан биридир. Тизимни тадқиқ қилиш методологиясининг асосий хусусиятларидан бири уларнинг таҳлилига функционал жиҳатдан ёндашишдир. Тизимнинг функцияси ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш йўлида унинг ҳолати ва унинг барча элементларининг ўзаро, ўзлуксиз таъсирида намоён бўлади. Тизим ташқи муҳит билан ўзининг кириш ва чиқишлари билан боғланган. Фараз

қилайлик, бизга маълум бир t вақтдаги ҳолатни тавсифловчи учта вектор маълум:

кириш ҳолати вектори $x_t = (x_1, x_2, \dots, x_m)_t$;

чиқиш ҳолати вектори $y_t = (y_1, y_2, \dots, y_n)_t$;

тизимнинг ички ҳолати вектори $s_t = (s_1, s_2, \dots, s_k)_t$.

Тизимнинг функцияси, унинг табиати чиқиш ҳолати вектори y_t орқали характерланади. Агар чиқиш ҳолати векторлари t тизимнинг кириш ҳолати векторлари ва унинг ички ҳолатлари ёрдамида аниқланаётган бўлса, у ҳолда $y_t = f(x_t, s_t)$ кўринишидаги боғланишга эга бўламиз. Бундай функцияларнинг келтирилиб чиқарилиши мураккаб тизимни прогнозлаштиришда жуда қўл келади, чунки одатда кутилаётган ёки эришиш мумкин бўлган тизимнинг кириш ҳолати ва ички ҳолатига боғлиқ ҳолда чиқиш ҳолати прогноз қилинади. Жумладан, бундай ёндашувга прогнозлаштиришнинг эконометрик модели асосланади.

Функционал ёндашувнинг муҳимлигига қарамай, у мураккаб тизимни тадқиқ қилиш имкониятларини батамом ниҳоясига етказмайди. Тизимли таҳлилда ушбу тамойил тизимларнинг функцияларини тадқиқ қилишдан уларнинг тўзилмаларини ўрганишга ўтиш орқали аниқлаштирилади. Тўзилмавий таҳлил тадқиқ қилиш имкониятларини сезиларли тарзда кенгайтиради. Ушбу таҳлил – тизимнинг ишлаш механизмини, унинг кўплаб ички ҳолатларига боғлиқ табиатини чуқур англаб етишга имкон яратади. Қолаверса, унинг тўзилмасини билиш орқали тизимнинг қандай ички ва кириш ҳолатларида мақсадга мувофиқ чиқиш ҳолатларига эришиш мумкинлиги тўғрисида баҳо бериш, шунингдек, тизимнинг мақсадли функцияси амалга оширилади.

Биз юқорида тизимни бир-бирига ўзаро таъсир этувчи элементлари, уларнинг хоссалари ва алоқалари мавжуд бўлган бутун бир комплекс сифатида қаралиши мумкин дея эътироф этдик.

Ҳар қандай мураккаб тизимни баъзи бир тизимости қисмларга ажратиш мумкин. Худди шундай, халқ хўжалигининг тизимости қисмларига саноат

корхоналари тармоқларининг тизимости қисмлари – цехлар ва ҳоказолар киради. Тизимни бўлақларга ажратиш турли хил деталлаштириш даражаларида амалга оширилади. Тизим элементи деганда шундай элемент тушуниладики, бунда тадқиқот натижасида уни бошқа ҳеч қандай ташкил этувчи бўлақларга ажратиш имкони бўлмаган, бўлинмас тизимости қисмга айтилади.

Тўзилмавий таҳлил энг аввало, тизимни ташкил этувчи элементлар ва тизимости қисмларни намоён этишга кўмак беради. Мураккаб тизим элементлари бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлиб, бу боғлиқликларнинг ҳам белгиланиши, ҳам тадқиқ этилиши тизим таҳлилининг аҳамиятга молик жиҳатлари сирасига киради.

Тизимнинг тўзилмавий таҳлили уларнинг иерархик тушунчасига олиб келади. Ҳар бир мураккаб тизимда кўплаб кирувчи қисмларни ажратиш мумкин бўлиб, унинг ўзи, ўз навбатида янада кенгроқ супер тизимнинг тизимости бўлаги ҳисобланади. Айтайлик, саноатнинг бирор бир тармоғини тадқиқ этиш давомида шуни унутмаслик керакки, унинг тизимостида кўплаб бирлашмалар ва корхоналар хизмат кўрсатишади. Тармоқнинг ўзи эса бутун бир халқ хўжалигини ёки саноатни қамраб олувчи супер тизим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам объектни тизимли прогнозлаштириш учун, аввало, у яхлит ва мақсадли йўналтирилган комплекс сифатида, икинчидан, супер тизимнинг янада кенгроқ бўлаги сифатида, учинчидан эса кўплаб элементлар ва тизимости қисмлардан ташкил топган, мураккаб тўзилишга эга бўлган тизим сифатида кўриб чиқилмоғи лозим. Бу объектни уч даражали, балки ундан ҳам кўпроқ даражали тавсифлаш ҳисобланади.

Тизимлар детерминлланган ва кутилаётган (эҳтимолли) бўлишади. Детерминлашган тизим сўзсиз маълум бир ташқи куч натижасида таъсирланади. Тизимда битта таъсирнинг эҳтимоллилиги турли хилдаги, ҳар бири бошқа бир эҳтимоллилиқдан сўнг келувчи натижаларга олиб келиши мумкин. Мураккаб тизимлар, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий тизимлар – бу аксар ҳолларда эҳтимолли тизимлардир.

Ушбу тизимларни одатда тўлиқ тавсифлаб бўлмайди. Буни назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам бажариб бўлмайди. Айтайлик, замонавий корхонанинг бир кунлик иш кунини барча технологик, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, психологик ва бошқа амалдаги факторлардан фойдаланган ҳолда тўлиқ тавсифлаш – бу ишончли тўплам яратиш билан баробардир; ундан фойдаланмасдан туриб, уни ёзишнинг иложи бўлмаган бўларди.

Мураккаб тизимлар – эҳтимолли бўлишади ва уларни тўлиқ таърифлаб бўлмайди. Шунинг учун уларни бошқаришда, шу жумладан, прогнозлаштиришда тўлиқ бўлмаган, қисман аниқ, ишончли бўлмаган маълумотлардан фойдаланишга тўғри келади.

Хуллас, **мураккаб тизим** – бу мақсадли йўналтирилган, иерархик (ўз навбатида яхлит), эҳтимолли, одатда тўлиқ ва ишончли бўлмаган маълумотлар асосида бошқариладиган тизим. Шу ердан прогнозлаштириш усуллари ривожлантириш муаммоларига тизимли ёндашишнинг муҳим хусусиятлари келиб чиқади.

Иқтисодий прогнозлашнинг энг муҳим назарий муаммоларидан бири прогноз типологиясини тўзиш ҳисобланади. У турли мезон ва белгилар (прогнозлашни ташкил этиш мақсади, вазифалари, объекти, усуллари ва х.к.) ёрдамида тўзилиши мумкин. Уларнинг энг муҳими қуйидагилар ҳисобланади: прогнозлашнинг миқёси, олдини олиш вақти, объектнинг тафсилоти, прогнознинг функцияси.

Прогнозлашнинг миқёси бўйича прогнозлар қуйидагиларга бўлинади: макроиқтисодий ва таркибий (тармоқлараро ва ҳудудлараро) прогнозлар, иқтисодий мажмуалари (ёқилғи-энергетика, агросаноат, инвестицион, ишлаб чиқариш инфратўзилма, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси)ни ривожлантириш прогнозлари, тармоқ ва ҳудудий прогнозлари, иқтисодиёт тизимининг бирламчи буғинлари (корхона. ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда алоҳида ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар) прогнози.

Прогнозлар вақт даврийлиги бўйича тезкор, қисқа муддатли, ўрта муддатли, ўзоқ муддатли ва олис муддали прогнозларга бўлинади. Тезкор

прогноз бир ойгача, қисқа муддатли бир ойдан бир йилгача, ўрта муддатли бир йилдан беш йилгача, ўзоқ муддатли беш йилдан ўн беш то йигирма йилгача, олис муддатли эса ушбу муддатдан ортиқ бўлган даврга тўзилади.

Санаб ўтилган прогноз турлари шунингдек тадқиқ этилаётган жараёнларни баҳолаш моҳияти ва тавсилоти билан бир-биридан фарқ қилади. Тезкор прогнозлар прогноз даврида тадқиқ этилаётган объектда миқдор ва сифат жиҳатдан ҳеч қандай сезиларли ўзгаришлар содир бўлмайди деган тахминларга асосланади. Уларда кутилаётган воқеаларнинг аниқ миқдорий баҳолаш устун туради. Қисқа муддатли прогнозлар фақатгина миқдорий ўзгаришларни назарда тутати. Унга мувофиқ ҳолда воқеаларнинг баҳоланиши ҳам миқдорий тарзда амалга оширилади. Ўрта муддатли ва ўзоқ муддатли прогнозлар тадқиқ этилаётган объектда миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгаришларга таянади, шунда ўрта муддатли миқдорий ўзгаришлар сифатли ўзгаришлардан устун туради. Ўрта муддатли прогнозларда воқеаларнинг миқдорий-сифат, ўзоқ муддатли прогнозларда эса сифат-миқдорий баҳолаш амалга оширилади. Ўзоқ муддатли прогнозлар фақатгина сифатли ўзгаришларга таянади, бу ерда фақатгина тадқиқ этилаётган объект ривожланишининг умумий қонуниятлари тўғрисида гап боради. Бунда прогноз қилинаётган воқеаларни баҳолаш шакли сифатли ҳисобланади.

Тадқиқ этилаётган объектнинг тафсилотига қараб прогнозларнинг бўлиниши такрор ишлаб чиқариш жараёнининг турли жиҳатлари билан боғлиқ. Ушбу белги бўйича қуйидаги иқтисодиёт прогнозлари ажралиб туради: ишлаб чиқариш муносабатларнинг ривожланиши; ижтимоий-иқтисодий асослари ва илмий-техник тараққиётининг оқибатлари; ўсиш динамикаси (унинг суръати, омиллари ва тўзилмалари); меҳнат ресурсларнинг такрор ишлаб чиқариши, бандлилиги ва кадрларни тайёрлаш; табиий ресурслардан иқтисодий фойдаланиш; асосий фондлар ва сармоя қўйилмаларининг такрор ишлаб чиқариши; аҳолининг ҳаёт тарзи; молиявий муносабатлар, даромад ва нархлари; ташқи иқтисодий алоқалар ва бошқалар.

Ушбу санаб ўтилган йўналишлардан ҳар бири алоҳида аҳамиятга эга ва мустақил тарзда ишлаб чиқилиши мумкин. Шу билан бирга улар ўртасида халқ хўжалигини прогнозлашнинг илмий тавсилотини таъминловчи методологик ҳамжиҳатлилиги мавжуд. Иқтисодий прогнозлаш ҳамжиҳатликда бошқа прогнозлашнинг турлари (ижтимоий, сиёсий, демографик, илмий-техник, табиий ресурсларни прогнозлаш ва шу каби) билан бирга амалга оширилади. Ушбу прогноزلарнинг натижалари халқ хўжалиги ва иқтисодий прогнозлашнинг бошқа турларида инобатга олинади. Ўз навбатида иқтисодий прогноزلар бошқа барча ижтимоий жараёнларнинг прогнозлаш ва режалаштиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Турли хил прогноزلарнинг алоқаси уларни ишлаб чиқиш кетма-кетлигида ҳам ўз ифодасини топади. Хусусан, иқтисодий прогноزلар илмий-техник тараққиёти, табиий ресурслар, демографик жараёнлар ва ҳ.к. нинг прогнозларидан кейин ишлаб чиқилади.

Прогнознинг функцияси (прогнозлаш йўналишлари) бўйича прогноزلар иккита турга бўлинади: қидирув ва меъёрий прогноزلар.

Қидирув прогнози тадқиқ этилаётган объектнинг ўтган ва ҳозирги ривожланиш тенденцияларининг келажакда шартли равишда давом этишига асосланган ҳамда ушбу тенденция (режа, дастур)ларни ўзгартира оладиган шароитлардан четланади. Унинг вазифаси - тадқиқ этилаётган объектнинг мавжуд тенденцияларини сақлаган ҳолда қай тарзда ривожланишини аниқлашдан иборат. Меъёрий прогноз қидирув прогнозидан фарқли улароқ олдиндан белгиланган мақсадлар базасида ишлаб чиқилади. Унинг вазифаси – прогнозлаш объектининг истиқболда мумкин бўлган ҳолатларига эришиш йўллари ва муддатларини аниқлашдан иборат. Қидирув прогнози объектнинг келгуси ҳолатларини аниқлашда унинг ўтган ва ҳозирги ҳолатлардан четланса, меъёрий прогноз эса тескри тартибда амалга оширилади: келажакда белгиланган ҳолатдан тортиб то ҳозирги тенденция ва қўйилган мақсадлар доирасида уларни ўзгартиришгача.

Прогнознинг иккала тури амалиётда прогнозлашнинг бир йўла йўналиш ва ёндошувлари сифатида номён бўлади ва биргаликда фойдаланилади. Уларнинг уйғунлиги қўйилган мақсадларга эришиш учун режалаштиришнинг дастаги сифатида прогнозлашнинг ундайдиган роли яққол намоён бўлади. Прогнозлашнинг ундайдиган функцияси прогнознинг, у башоратлашнинг дастлабки сабабларига таъсир этиш самарасини юзага келтиради. Таъсир этиш самараси ҳам ижобий (прогноزلарни амалга оширишни тезлаштиришга кўмаклашади), ҳам салбий (уни амалга оширишга тўсқинлик қилади, айрим ҳолларда эса прогнознинг барбод бўлишига сабаб бўлади). Бу шу билан изоҳланадики, прогнознинг мақсадларга эришиш уни олиб боришнинг объектив шароитларига тўғридан-тўғри боғлиқлик билан амалга оширилади. Агар прогноз объектининг ривожланиши етилган шароитларга жавоб берса, у амалиётда самарали амалга оширилади. Акс ҳолда прогнознинг ушбу шароитларга мос келмаслиги унинг амалга оширилишига салбий таъсир кўрсатади. Прогноزلарни амалга ошириш учун шароитларнинг ўзаро боғлиқлигига қарор қабул қилиш билан боғлиқ прогнозлашнинг ўзаро алоқаси ҳам таъсир кўрсатади. Қарорлар одатда прогнозлашнинг маълумотлари асосида қабул қилинади. Ўз навбатида қабул қилинган қарорлар прогноزلарнинг амалга ошириш натижаларига таъсир кўрсатади. Шу боис прогнозлаш ва қабул қилинган қарорларнинг ўртасида номувофиқликни олдини олиш учун прогнозни тизимли тўғрилаш, шу жумладан прогнозлаш объектининг ривожланиш мақсадини уни бажарилиши билан таққослаш йўли билан амалга ошириш лозим.

Прогнозлар типологияси, шунингдек, келажак тўғрисидаги ахборотнинг манбалари ва прогнозлашнинг услублари каби масалалар билан ўзвий боғланган. Прогноз ахборотларнинг манбалари уч турга бўлинади: тўпланган тажриба (тадқиқ этилаётган ҳодиса, жараён, воқеаларнинг кечиши ва ривожланишининг қонуниятларини билишга асосланган); мавжуд тенденцияларнинг экстраполяцияси (ривожланиш қонуни ўтган ва ҳозирги пайтда маълум); прогноз қилинаётган объектлар бўйича моделларни

кутилаётган ёки белгиланган шароитлар учун тўзиш. Ушбу ахборот манбалари доирасида бир-бирини ўзаро тўлдирувчи прогнозлашнинг учта услуби мавжуд: экспертли (дастлаб ахборотларни –сўровнома, интервью, саволнома –йиғиш ва уни қайта ишлашга ҳамда прогноз учун қўйилган вазифаларга нисбатан эксперт(лар) фикрларига асосланган), экстраполяция –объектнинг кутилаётган ривожланишини ўрганиш ва ушбу ривожланишнинг қонуниятларини ўтган ва ҳозирги даврдан келажакка ўтказилиши; моделлаштириш – прогноз қилинаётган объектнинг кутилаётган ва белгиланган ўзгариши доирасида унинг қидирув ва меъёрий моделларини тадқиқ этиш. Прогнозлаш амалиётида санаб ўтилган барча ахборот манбаларидан ва прогнозларнинг барча услубларидан биргаликда фойдаланилади.

Прогнозларнинг таснифи мақсадлар, вазифалар, прогнозлаштириш объектлари, огоҳлантириш вақтлари, илмий-услубий асослар ва прогнозлаштириш ташкилотлари ҳамда унинг якуний натижалари шакллари каби бир қанча белгиларга боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Келинг, иқтисодий-ижтимоий мезонларнинг асосий типологиясини кўриб чиқамиз.

Прогнозлаштириш тизимининг кўламига кўра жаҳон хўжалигидан тортиб, то корхоналар ва алоҳида ишлаб чиқарувчи хўжаликларгача дифференциация (табақаланиш) суръати анча юқори. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйидаги прогноз гуруҳларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

- халқаро иқтисодиёт прогнози, шу жумладан, ташқи савдо ва жаҳон бозори конъюктураси;
- мамлакат иқтисодиётининг яхлит, ягона маҳсулот тарзида ҳамда тармоқлараро тарзда прогноз қилиниши;
- ёқилғи-энергетика мажмуаси, агросаноат мажмуаси ва бошқа халқ хўжалиги мажмуаларининг прогнози;
- бир маҳсулотли ёки кўп маҳсулотли халқ хўжалиги тармоқларининг прогнози;
- имконияти даражасида бутун минтақавий ижтимоий-иқтисодий тизимни қамраб олувчи ҳудудлар прогнози;

– ташкилотлар, алоҳида ишлаб чиқаришларни бирлаштиришни кўзда тутувчи халқ хўжалигининг биринчи даражали бўғинлари прогнози.

Прогнозларнинг бундай таснифланиши 8.1.2-рasm (чап томони)да ёритиб ўтилган бўлиб, шу ер (ўнг томон)да прогнозлаштириш объектлари бўйича прогнозлар типологияси келтириб ўтилган. Шундай прогнозларининг тўлиқ ёки қисман тўлиқ (демографик, экологик каби) ижтимоий-иқтисодий прогнозлаштиришга тегишли бўлган 10 та гуруҳи ажратиб кўрсатилган. Ушбу гуруҳлардан ҳар бирининг мазмунига тўхталиб ўтамиз.

Демографик прогнозлар аҳолининг жинсий жиҳатдан ёшига боғлиқ бўлган тўзулишидан, туғилиш ва ўлим тўғрисидаги маълумотлардан ҳамда умр кўриш давомийлигидан иборат бўлган аҳоли динамикасини ўз ичига олади. Бандлик ва меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш, оилалар сони ва катталиги ҳамда аҳоли миграцион оқимларининг йўналишлари ва ҳажми тадқиқ этилмоқда. Бошқа иқтисодий ва ижтимоий ҳисоб-китоблар учун асосий мазмун бўлиб меҳнатга лаёқатли аҳолини жойлаштириш, уларнинг сони ва таркиби ҳисобланади.

Ресурслар прогнози энг аввало табиий ресурслар: ёқилғи-энергетика, минерал-ҳомашё, сув, ўрмон ресурслари ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Кўпгина ҳолларда ресурсларнинг мавжудлиги орқали халқ хўжалигининг тўзилиши аниқланади. Заҳираларнинг камайиши, сифатнинг пасайиши, турли хилдаги ресурсларни қазиб олиш шароитларининг оғирлашуви келажақдаги ана шу каби муаммолар ҳолати тўғрисида асосли маълумотларни тақозо этади. Ишлаб чиқариш прогнозлари кўп томонлама ҳар хил ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатларини ўз ичига олади. Бу – иқтисодий ўсиш суръати, халқ хўжалигининг якуний маҳсулот ҳажми ва тўзилиши, тармоқлараро алоқалар, ишлаб чиқаришни ҳудудий жойлаштириш, асосий ишлаб чиқарилувчи маҳсулотларнинг ҳажми, таркиби ва сифатининг соф ҳисоби.

Капитал қўйилмалар ва капитал қурилиш прогнозларига капитал қўйилмалар ҳажми ва тўзилиши, амалга оширилаётган қурилиш баҳоси, асосий фондларнинг амалга тадбиқ этилиши, бино, иншоотларнинг қурилиши,

уларнинг яроқлилиқ муддати, ишдан чиқиши ва алмаштирилиши кабилар киради.



8.1.1-Расм. Иқтисодий прогнозлар таснифи схемаси

Молия, даромад, нархларнинг прогнозлари пул-молия тизимининг – давлат бюджети, аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари баланси, молиявий ресурслар баланси, ижтимоий суғурта бюджети каби муҳим балансларини ўз ичига қамраб олади. Бундан ташқари ишлаб чиқариш

харажатлари, фойда ҳамда умумимконий нархни шакллантирувчи омиллар ҳам ушбу рўйхатга киритилади.

Илм-фаннинг бевосита жамият ишлаб чиқариш кучига айланиши йўқолиб бораётганлиги туфайли, фан ва техниканинг прогнози аҳамияти ошиб бормоқда. Илмий-техник прогнозлар муҳим ва амалий тадқиқотларни, илмий-техника ютуқларининг ривожланиши ва уларни турли хилдаги ишлаб чиқаришларга жорий этиш прогнозларини, иқтисодиёт тармоқларини, жамият ҳаётига илмий-техник жараённинг ижтимоий таъсири прогнози кабиларни ўз ичига олади.

Истеъмол прогнозларига икки хил шаклга – шахсий ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига олиб келувчи умумий эҳтиёжни тадқиқ қилиш тўғри келади. Истеъмолни прогнозлаштиришдаги муҳим жиҳат этиёжларнинг катталиги ва тўзилиши келажакда ниҳоятда эҳтимолли тус олади ҳамда кўплаб омилларга боғлиқ бўлади. Эҳтиёжлар тўғрисида етарли билимга эга бўлмасдан туриб, ишлаб чиқаришни тўғри режалаштириб бўлмайди.

Ижтимоий прогнозлар сифатида ҳаёт тарзи, қолаверса, одамларнинг, жамоаларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг, меҳнат шароити нуқтаи назардан жамиятнинг, турмуш ва дам олишнинг ҳаёт кечириш усуллари, умумимконий моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш даражалари, ижтимоий инфратўзилманинг шаклланиши, маданият доирасидаги тенденциялар, таълим, соғлиқни сақлаш ва ҳоказолар каби мураккаб умумийлик тадқиқ қилинади. Бу ердаги сезиларли улушни аҳолининг барча турдаги товар ва хизматларга бўлган талаби прогнозлари эгаллайди.

Ташқи иқтисодий прогнозлар – жаҳон иқтисодиёти, мамлакатимизнинг капитал ва ривожланаётган мамлакатлар билан ўзаро иқтисодий алоқалари, ташқи савдо ва халқаро бозор конъюктураси шаклланишининг умумий тенденцияларини қамраб олади.

Экологик прогнозлар – атроф-муҳитдан фойдаланиш ҳолатини, табиий муҳитнинг ифлосланиш муаммоларини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ривожланиш истиқболларини, қишлоқ хўжалиги ҳосилларининг

унумдорлигини, салбий экологик оқибатларни минималлаштириш мақсадида ишлаб чиқаришни амалга ошириш имкониятларини тадқиқ этади.

Ушбу ажратиб кўрсатилган 10 та гуруҳларнинг барчаси жамият ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий жараёнларини таҳлил қилиш ва бошқариш учун жуда зарур. Маълум бир мустақил прогнозларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам аниқлаштирилади, масалан, режалар билан таққосланганда. Ахир, юқорида кўрсатиб ўтилган 10 та гуруҳлардан (2-расм) фақатгина учтасида тўлиқ, умумқамрабловчи прогнозлаштиришни амалга ошириш мумкин. Булар: “Ишлаб чиқариш”, “Капитал қўйилмалар ва капитал қурилиш”, “Молиялар, даромадлар, нархлар” гуруҳларидир. Қолган еттита гуруҳ тўлиқсиз бошқариладиган жараёнлар ва ҳодисаларга тегишлидир; ушбу гуруҳлар бўйича қисман прогнозлаштиришни амалга ошириш мумкин. Яхлит тарзда эса уларни фақатгина прогнозлар қамраб олади.

Прогнозлаштириш муддати (огоҳлантириш даври) бўйича оператив, қисқа муддатли, ўрта муддатли, ўзоқ муддатли, ўта ўзоқ муддатли прогнозларга ажратилади. Улардан ҳар бирининг турли хилдаги типи ва гуруҳи прогнозида вақт оралиқлари доимий бўлмайди, аммо ижтимоий-иқтисодий прогнозлаштириш учун ушбу интерваллар режалаштиришнинг умумбелгиланган муддатларига яқин ҳисобланади. Муддати 1 ойгача бўлган прогнозлар оператив прогнозлар ҳисобланади. Қисқа муддатли прогнозларнинг огоҳлантириш муддати 1 ойдан 1 йилгача бўлади. Ўрта муддатли прогнозларда имконият даражаси 1 йилдан 5 йилгача бўлади. 5 йилдан 15 йилгача бўлган прогнозлар ўзоқ муддатли прогнозлар ҳисобланади. 15 йилдан юқори бўлган прогнозлар эса – ўта ўзоқ муддатли прогнозлар сирасига киради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган прогнозлар фақатгина ой ва йиллар жиҳатидан эмас, балки бошқа яна кўплаб ўзининг маъноли хусусиятлари орқали ҳам фарқланади. Қисқа муддатли ва оператив прогнозлар асосан бошқарилмайдиган жараёнларни, шунингдек, бошқариладиган жараёнлар бўйича режанинг бажарилишига баҳо беришни қамраб олади. Ўрта муддатли прогнозлар комплекс тарзда тенденцияларни, суръатларни, нисбатларни,

иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг сабаб-оқибат омилларини, капитал қурилиш ҳамда инвестицион қарорларнинг истиқболларини, пул-молия тизимидаги ўзгаришларни намоён этади. Ўзоқ ва ўта ўзоқ муддатли прогнозлар ёрдамида илмий-техника тараққиёти, демографик жараёнлар, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларнинг ҳолатидан келиб чиқувчи халқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларнинг стратегик жиҳатлари тадқиқ қилинади. Прогнозларнинг намоён бўлиш шакллари ҳам фарқланади: оператив прогнозлар миқдорий деталлаштирилган, қисқа, ўрта ва ўзоқ муддатли прогнозлар эса – миқдорий-сифатли, ўта ўзоқ муддатлилари эса – асосан сифатли бўлади.

Илмий-услубий асосларининг хусусиятига кўра прогнозлар қидирадиган (тадқиқий) ва норматив кабиларга бўлинади. Тадқиқий прогнозларда келажакка ўтмишда ва ҳозирги кунда юзага келадиган тенденцияларни, қонуниятларни, боғлиқликларни кўчириш усуллари қўлланилади. Ушбу боғлиқликлар, тенденциялар кўп йиллик статистик маълумотлар асосида аниқ ва равшан намоён бўлади ҳамда уларнинг ривожланиш умумий хусусиятлари огоҳлантириш даврида кескин ўзгармаган ҳолда келажакка тахминий тадбиқ этилади.

Норматив прогноз прогнозлаштирилаётган объектнинг келажак учун шакллантирилган ривожланиш мақсадларидан келиб чиқади ва ўзига хос йўлларни, ресурсларни, муддатларни ҳамда бу мақсадларга эришиш йўлида энг маъқул альтернативларни ўрнатади. Шу йўл орқали, мақсадли-норматив муносабат амалга ошади. Қисқача айтганда, фарқи шундаки, тадқиқий прогнозда ўтмиш ва бугундан келажакка ўтиш амалга ошади, норматив прогнозда эса – келажакдан бугунги кунга қайтиш юз беради. Тадқиқий прогноз одатда битта вариант билан чекланиб қолади. Норматив прогноз эса бир нечта вариантларнинг ишлаб чиқилиши ва тадқиқ этилиши орқали тўзилади.

Юқоридаги бўлинишдан келиб чиққан ҳолда, яна бир прогнозларнинг бўлинишини келтириб ўтиш мумкин. Булар актив ва пассив прогнозлардир.

Пассив прогнозларда жараён шахсий ривожланиш тенденциялари, унда юзага келувчи ички ва ташқи омиллар таъсирида “ўз-ўзидан” амалга ошаверади. Актив прогнозда эса ҳар хил эҳтимолли омилларга мақсадли йўналтирилган, бошқарувчи кучларнинг таъсири инобатга олинади. Асосан тадқиқий прогнозлар – пассив прогнозлар бўлиши аниқ, лекин унда бемалол активлик жиҳатлар ҳам кўзатилиши мумкин. Норматив (мақсадли-норматив) прогнозлар ҳам ўз ташкилий жиҳатига кўра актив бўлишлари шарт.

Исталган объектнинг, жараённинг прогнози, хаттоки у дастлаб тадқиқий ва пассив шаклда ишлаб чиқилган бўлсада, якунда актив прогноз шаклида тугаши лозим. Бундай ҳолат, мос ҳолда, фақатгина бошқариладиган жараёнларга нисбатан қўлланилса адолатдан бўлади. Бошқарилмайдиган ёки тўлиқсиз бошқариладиган жараёнлар учун эса пассив тадқиқий прогнозлар билан чекланишга тўғри келади.

8.2 Иқтисодий математик моделлар таснифи.

Илмий фан сифатида иқтисодий прогнозлашнинг ривожланишида унинг усули, яъни мазкур соҳада мавжуд ҳодисаларни ўрганиш ва умумлаштиришнинг турли восита ва услублар тизимини ишлаб чиқишда муҳим рол уйнайди. Иқтисодий прогнозлашнинг усули бошқа билим соҳасидаги каби тадқиқ этилаётган объектга таъаллуқли бўлган ўрганилаётган ҳодиса ва далилларнинг моҳиятини тушунишга имкон берадиган диалектик усуллар ҳисобланади.

У нафақат умумий тадқиқот илмий усуллари ва ёндошувлардан, балки иқтисодий ҳодисани илмий прогнозлашга хос бўлган махсус усуллардан фойдаланиш асосида амалга оширилади. Умумий ёндошувлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Тарихий ёндошув ҳар бир ҳодисани унинг тарихий шакллари билан боғланган ҳолда кўриб чиқишни назарда тутди. Ўтган, ҳозирги ва келгуси даврларнинг ўзаро боғлиқлигидан келажак ҳозирги даврда имконият сифатида мавжуд деб хулоса келиб чиқади. Шу боис прогнозлаш ҳозирги даврда мавжуд

бўлган қонун, тенденцияларни уларнинг асосида келажакда ҳали мавжуд бўлмаган моделини яратиш мақсадида унинг чегаралардан ташқари олиб ўтиш билан боғлиқ. Битта ҳодисанинг турли тарихий шакллари алоқаси шуни англатадики, тадқиқ этилаётган объектнинг ҳозирги ҳолати унинг олдинги ривожланишининг қонуният натижаси, келгуси ҳолати эса ўтган ва ҳозирги даврдаги ривожланишининг қонуният натижаси ҳисобланади. Бундай ёндошувда мантикий тадқиқот ижтимоий ривожланиш тарихининг акси ҳисобланади.

Прогнозлашга нисбатан тарихий ёндошувнинг муҳим томонларидан бири унинг амалиёти билан алоқаси ҳисобланади. Ижтимоий амалиёти иқтисодий прогнозлашнинг ҳамда бошқа ижтимоий прогнозлаш турларининг асосини ташкил этади. Шу билан бирга амалиётни унинг тарихий ривожланишини ташқи томондан кўриб чиқаолиш имконияти йўқ. Ҳозирги шароитларда илмий иқтисодий прогнозлашнинг вазифалари ва йўналишларини белгилайдиган база сифатида ривожланган жамият амалиёти ҳисобланади. Бунда прогнознинг вазифаси тадқиқ этилаётган объектни тушиниш билан чегараламайди. Унинг вазифаси, шунингдек, белгиланган йўналишда ижтимоий амалиётни янада такомиллаштириш, қўйилган мақсадларга мувофиқ ҳолда келажакни ўзгартириш мақсадида олинган билимларни борлиққа таъсир этиш воситасига айлантиришдан иборат.

Мажмуавий ёндошув ҳодисаларни нафақат мазкур фан, балки ушбу ҳодисаларни ўрганилаётган бошқа фаннинг тадқиқот усуллари билан фойдаланиб, уларни алоқадорлик ва боғлиқликда кўриб чиқишга имкон беради. Ижтимоий-иқтисодий объектларнинг келгусида ривожланиши тўғрисидаги илмий тасаввурни ишлаб чиқишнинг назарий асоси сиёсий иқтисод ҳисобланади. Башоратлашнинг методологик тамойиллари билим фаолиятининг муҳим жиҳати сифатида илмий фалсафасининг бутун тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Демак, фалсафанинг илмий дастаксиз ҳеч қандай прогнозлаш, шу жумладан иқтисодий прогнозлашни амалга ошириш мумкин эмас. Ҳудди шу мақсадларда иқтисодий прогнозлашнинг назарияси ва амалиётида бошқа

ижтимоий фаннинг илмий дастакларидан кенг фойдаланилади. Аниқ объектларни тадқиқ этишда иқтисодий прогнозлаш ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқариш фаннинг ютуқлари ва илмий дастакларига, режалаштириш назариясига ҳамда бошқа аниқ иқтисодий фанларга асосланади. У шунингдек, бир қатор табиий ва техник фанлар билан ўзвий боғлиқ.

Тизимли ёндошув мураккаб иқтисодий тизимларда эҳтимолли жараёнлар содир этилишининг миқдорий ва сифатли қонуниятларини тадқиқ этишни назарда тутди. Ушбу ёндошув иқтисодий прогнозлашда муҳим рол уйнайди. Борлиқнинг ҳар бир ҳодисаси тизим сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Бу шуни англатадики, мазкур ёндошув муайян ҳосса, функция ҳамда ҳаракатни таъминлаб берувчи ўзаро боғланган бир қатор қисм, унсурлардан иборат. Ушбу ҳосса ва функцияларни билган ҳолда тадқиқ этилаётган объектнинг ҳаракатини башоратлаш мумкин.

Тизимли ёндошув фикрлашнинг мантиқий тавсифини ифодалайди, яъни унга кўра ҳар қандай қарорни ишлаб чиқиш ва асослаш жараёни тизимнинг умумий мақсадларини аниқлашдан ҳамда ривожланиш режаси ва ушбу фаолиятнинг бошқа барча ўлчамларини инобатга олган ҳолда барча тизимчалар фаолиятининг мақсадларга эришишга бўйсунмайди. Бунда мазкур тизим янада йирик тизимнинг бир қисми сифатида кўриб чиқилади, унинг ривожланишининг умумий мақсади эса ушбу йирик тизимнинг ривожланиш мақсадлари билан мувофиқлашади.

Мураккаб объектлар ва у билан боғлиқ жараёнларни моделлаштириш усулларининг ривожланиши натижасида қўйилган мақсад ва қарорларни аниқлаш, ишлаб чиқиш, текшириш ва амалга ошириш учун математик дастурлаш ва ахборот технологияларидан фойдаланиш тизимли ёндошувнинг муҳим унсурларидан бирига айланди. Улар туфайли тадқиқотларда нафақат ҳодиса ва жараёнларнинг сифатли баҳолашни қўллаш, балки таҳлилнинг ҳаққонийлиги ва объективлигини таъминловчи миқдорий ўлчамлардан фойдаланиш имкониятлари пайдо бўлмоқда. Билимларнинг ҳозирги даражаси тадқиқотларда чизиқли ва динамик дастурлаш, иқтисодий-математик моделлар,

оммавий хизмат кўрсатиш назарияси, ўйинлар назариясидан кенг фойдаланиш кўп сонли корреляция, дисперсион таҳлил усуллариининг статистик маълумотларини қайта ишлаш пайтида фойдаланишга имконият яратиб беради. Тизимли ёндошув илмий асосда ривожланиш мақсадларини унга эришиш учун зарур ресурслар билан мослаштириш ва шу билан субъектив қарор қабул қилишни олдини олишга имкон беради.

Тизимли ёндошув муайян иерархия ва кетма-кетлик билан тавсифловчи усул ва моделлар тизими асосида прогнозларни тўзишни назарда тутди. Иқтисодий ривожланишни прогнозлашнинг усул ва моделлар тизимлилиги деб шаклланган жорий ва келгуси даврдаги иқтисодий ривожланиш тенденция ва қонуниятларини ўрганиш, халқ хўжалиги эҳтиёжлари ва унинг динамикаси билан аниқланадиган мавжуд ресурсларни белгиланган мақсадли талабларга асосланган иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир йўналиши бўйича мувофиқ ва зиддиятсизлик прогнозларни ишлаб чиқишга имкон берадиган бир бутунликка айтилади. Прогнозлаш тизимлилиги мамлакатнинг иқтисодий ривожланишнинг мажмуавий прогнозлашни шакллантириш учун моделлардан фойдаланишда муайян кетма-кетликни кўзда тутди. Бироқ мазкур босқичда иқтисодий прогнозлаш моделларнинг яхлит тизимини тўзиш деярли мумкин эмас, чунки бу бир қатор методологик тафсилотига оид қийинчиликлар билан боғлиқ. Ушбу масалани ечиш блокли моделларни, ечимнинг ҳисоблаш услубларини унификация қилиш (бир хиллаштириш), маълумотларнинг информацион банкини яратиш асосида эришилиши мумкин. Алоҳида иқтисодий объектларнинг хусусиятлари фақатгина прогнозлашнинг алоҳида блокларнинг ички хусусиятларига максимал даражада яқинлашиш пайтида яққол ифодасини топади. Шу боис мамлакатнинг иқтисодий ривожлантиришнинг мажмуавий прогнозларни шакллантиришда “блокли” тамойилидан фойдаланиш энг самарали ҳисобланади.

Илмий асосланганлик тамойили иқтисодий прогнозларнинг барча поғоналарида жамият ривожланишининг объектив қонунлар талабларини ҳар томонлама ҳисобга олиш прогнозларни шакллантириш бўйича мамлакатимиз ва

хорижий тажрибаларнинг ютуқларини чуқур ўрганилишига таяниши лозим. Иқтисодий прогнозлашнинг илмий асосланганлиги ҳақиқий шароитларни ва прогнозлаш тажрибаларни инкор этиш ҳолатига мос келмайди.

Иқтисодий объектнинг ривожланишини прогнозлаш мажмуа тизимининг алоҳида блоклар прогнозларини илмий жиҳатдан шакллантириш шароитлари сифатида хизмат қиладиган услуб ва моделлардан кенг фойдаланиш, уларнинг асосланганлиги, ҳаракатчанлиги ва ўз вақтида таъсир этилганлиги асосида тўзилиши лозим. Иқтисодий прогнозлар тизими ишлаб чиқариш кучи ва ишлаб чиқариш муносабатларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган прогнозларнинг зиддиятсизлигини таъминлаш ва ўзаро тўғрилашни таъминлаши лозим.

Прогнознинг мувофиқлик тамойили иқтисодиётни ривожланишида нафақат барқарор тенденцияларни ва ўзаро алоқаларини аниқлаш, балки уларни баҳолаш ҳамда реал иқтисодий жараёнларнинг назарий ўхшаш жиҳатларини яратиш жараёни билан тавсифланади. Бунда иқтисодиёт ривожланишининг таҳлил ва прогнозининг назарий модели деб реал борлиқни илмий акс эттириш шакли бўлиб ҳисобланган амалда жорий этиладиган модел деб тушунилади. Мувофиқлик тамойилини амалга ошириш ҳақиқий жараёнларнинг эҳтимолли, стохастик тафсилотини ҳисобга олишини назарда тутаяди, бу эса аниқланган оғишларни баҳолаш ва устун турувчи тенденциялар уларнинг тафовути мумкин бўлган жойини аниқлаш, яъни аниқланган тенденцияни амалга ошириш эҳтимолини баҳолаш зарурлигини англатади.

Ушбу ҳолатда иқтисодий прогнозларни шакллантириш прогнозлаш усул ва моделларни татбиқ этишни назарда тутаяди. Башоратлаш дастаги бўлишидан аввал прогнозларни ишлаб чиқишда фойдаланиладиган усул ва моделлари билим олиш дастагига айланиши лозим. Шу боис ушбу талабни бажариш учун фойдаланилаётган назарий ҳолатларнинг домий равишда мувофиқлигини таъминлаб берувчи кўп сонли синов тарзидаги ҳисоб-китоблари, кўрсаткичлар, математик моделлар, бошланғич ахборотлар тизими, таҳлил этилаётган жараёнларнинг мазмунига ҳисоблаш усуллари зарур бўлади.

Прогнозлашнинг муқобиллик тамойили иқтисодиётнинг ва унинг алоҳида бўғинларнинг турли йўналишлар, турли ўзаро боғлиқликда ва таркибий ўзаро муносабатларда ривожланиш имкониятлари билан боғлиқ. Шаклланган ўхшаш жараён ва тенденциялардан уларнинг келгусида ривожланишини башоратлашга ўтиш пайтида муқобил вариантларни тўзиш, яъни иқтисодиётни ривожлантириш мумкин бўлган йўللарни аниқлаш зарурияти пайдо бўлади. Прогнозлашнинг эҳтимоллик тавсифли сифатли бир хилликни сақлаган ҳолда тасодифий жараён ва оғишларнинг, прогност қилинаётган тенденцияларнинг барқарорлигининг мавжудлигини акс эттиради. Муқобиллик эса иқтисодиёт ривожланишининг турли сифатли вариантларнинг мавжудлигини фарз қилишдан келиб чиқади.

Прогнознинг ривожланишининг муқобил вариантларини ҳаққонийлигини баҳолаш иқтисодиёт ривожланишининг мувозанатлашган муқобил вариантлар ишлаб чиқилиши лозим бўлган доирасидаги ресурслар, таркиби ва самарадорлик кўрсаткичлар бўйича реал чекловларни ҳисобга олган ҳолда барча асосий йўналишларда мувозанатлашган усули билан амалга оширилиши мумкин.

Иқтисодий ривожланишнинг муқобил вариантларини пайдо бўлиш манбалари сифатида биринчи навбатда такрор ишлаб чиқариш шароитида экстенсив усулидан интенсив усулига ўтиш пайтида мумкин бўлган сифатли силжишлар хизмат қилади. Муқобил вариантларнинг шаклланишига ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг аниқ мақсадлари таъсир кўрсатади.

Ушбу мақсадлар ижтимоий эҳтиёжларнинг ривожланишида шаклланган қонуниятлари, аниқ иқтисодий муаммоларни ечиш зарурати билан белгиланади. Шу билан бирга муқобиллик тамойили прогнозлашнинг мақсадга мувофиқлик тамойили билан ўзаро муносабатга тушади.

Шаклланган тенденцияларнинг узоқ муддатли ривожланиш мақсадларига мос келадиган тенденцияларга ўтиш иқтисодиётнинг ривожланишини прогнозлашнинг фаол эканлигини билдиради.

Таркибий ёндошув ҳам прогнозлаш объектини тадқиқ этишда муҳим рол ўйнайди. Унинг аҳамияти янада ошади, чунки унинг тадқиқот мақсади сабабий тушунтириш, яъни тадқиқ этилаётган ҳодисанинг сабабини аниқлашдан иборат. Билимнинг ҳозирги воситалари янада илгарилаб кетиш, яъни ҳодиса таркибини тушунтириш, ўрганилаётган ҳодиса тўғрисида тасаввурни кенгайтиришга имкон беради.

Тизимли-таркибий ёндошув бир тарафдан динамик ривожланаётган яхлит сифатида тизимни (иқтисодий тизимни) кўриб чиқиш, иккинчи тарафдан ушбу тизимларнинг ўзаро боғлиқлигида уларни таркибий элементларга бўлишни назарда тутди. Чунки реал шароитларда ҳар бир таркибий элемент ҳам бошқа барча элементларга ҳам бутун тизимга таъсир этади. Бу билан тизим элементларининг алоқасидаги қонуниятларни очиб бериш имконияти пайдо бўлади.

Иқтисодий ривожланиш прогнозини тизимли-таркибий ёндошув нуқтаи назардан ишлаб чиқиш мураккаб иерархик тизими сифатида мамлакатнинг иқтисодиётини, унинг барча тармоқлари ва унсурлари билан биргаликда ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқишни назарда тутди.

Иқтисодий прогнозлашнинг ўзига хос ёндошув ва усуллари қисман ва бутунлича иқтисодий прогностика билан боғлиқ. Ушбу фаннинг таркиби унинг асосий муаммолари билан белгиланади: прогноз объектини таҳлил ва синтез қилиш; прогнозлаш усулининг прогноз объектига мослаштириш; прогнозларни ишлаб чиқиш жараёнларини алгоритмлаштириш. Иқтисодий прогностиканинг дастаклари орасида прогностик ахборотларни қайта ишлаш бўйича миқдорий усуллар–иқтисодий-математик усуллар, иқтисодий-математик моделлаштириш, статистик экстраполяцияси ва ҳ.к. муҳим рол ўйнайди.

Илмий прогнозлаш муаммоси тегишлича қонунлар функцияси ва фан назарияси сифатида прогнозларни тадқиқ этиш билан боғлиқ назарий-ўрганиш жиҳатини ҳам, прогнозлашнинг режалаштириш ва бошқариш билан бевосита алоқада бўлишида ифодаловчи амалий жиҳатини ҳам қамраб олади.

Прогнозлашнинг объектив асосини диалектика қонунлари ташкил этади. Прогностик функциялари қуйидагиларни бажаради: бирдамлилик ва қарама-қаршиликка кураш қонуни, миқдорий ва сифатли ўзгаришларнинг ўзаро ўтиш қонуни, инкорни инкор этиш қонуни. Шу билан бирга бу материалистик диалектика прогнозлаш тўғрисида ягона фан деб ҳисобланиши нотўғри фикр. Барча фанлар прогностик функцияни бажаради, уларнинг ҳар бирида ушбу функция тадқиқот предмети ва у ёрдамида ўрганилаётган қонуниятлар доираси билан аниқланадиган ўзига хос хусусиятга эга.

Башоратлашнинг олдиндан айтиб бериш функцияси табиат ва жамиятнинг объектив қонунларининг амал қилиши билан боғлиқ. Ушбу ҳаракатлар ҳодисалар ва уларнинг ҳоссалари ўртасидаги у ёки бу зарур, сезиларли ва такрор ишлаб чиқадиган алоқаларнинг акси сифатида қонунинг моҳияти ўзидан келиб чиқади. Зарурлик ва такрор ишлаб чиқилганлиги ҳодисаларнинг қонун билан аниқланадиган алоқаси қонуннинг амал қилиш шароитларини сақлаган ҳолда келажакда ҳам ҳодиса ва жараёнлар такрорланишини билдиради. Демак, қонун(лар) ҳаракатини экстраполяцияси асосида келажакни кўра билишнинг қатъий имкониятлари келиб чиқади.

Ҳар қандай ҳодисаларнинг пайдо бўлиши ўзининг ҳал қилувчи асосларига эга. Ушбу асослар сабаблар деб юритилади, улар туфайли бўладиган ўзгаришлар эса оқибатлар деб юритилади. Демак, сабаб - оқибатдан олдин келадиган ва зарурият туғилмаган ҳолда уни вужудга келтирадиган ҳодиса ҳисобланади. Жаҳондаги барча ҳодисалар сабабият тамойилига бўйсунди, тафаккур эса ҳодисанинг сабабини аниқлаш билан боғлиқ. Сабабни билган ҳолда уларнинг оқибатларини ҳам башоратлаб бериш мумкин. Агар ушбу оқибатлар жамият учун зарарли бўлса, жамият сабабларни ўзгартириш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Демак, сабабият тамойили, бир томондан, илмий башоратлашнинг асоси, иккинчи томондан, амалий фаолиятнинг, шу жумладан прогнозлаш мақсадига эришиш учун базаси ҳисобланади. Сабабият тамойили келажакда ҳодисаларни прогнозлаш учун муҳим аҳамият касб этувчи детерменизм билан ўзвий боғлиқ. Детерменизм эса

барча ҳодисаларнинг сабаби нуқтаи назардан шартлилик тўғрисидаги материалистик таълимот.

Детерменизм хусусиятлари келажак ҳозирги ҳолат билан тўлиқ аниқланмаслигини билдиради, шунинг учун прогноз қилинаётган воқеаларга нисбатан маълум номаълумлиги мавжуд. Бундан келиб чиқадики, ривожланишнинг ҳар бир пайтида келгуси ҳолатга эришиш учун турли муқобил вариантлар мавжуд. Шу билан бир қаторда келгуси ҳолатнинг эҳтимолли тавсилоти - уни прогнозлаш ва режалаштириш учун тўсик бўлмаслигида ўз ифодасини топади. Аксинча, келажакни аниқлашга бўлган стохастик ёндошуви замонавий илмий прогнозлашнинг муҳим асосини ташкил этади. Иқтисодий ҳодисаларни прогнозлашда шуни эътиборга олиш лозимки, битта ҳодисага битта эмас, балки ўзининг белгилари бўйича бир-биридан фарқ қилувчи кўплаб қонунлар ва қонуниятлар таъсир этиши мумкин.

8.3. Иқтисодий ўсишни прогнознинг объекти, предмети ва амалий аҳамияти

Амалда қонунлар умумийлик даражаси – уларнинг ҳаракатларини қамраб олувчи ҳодисалар доираси билан фарқланади. Ушбу белги бўйича улар қуйидагиларга бўлинади: оммавий - борлиқнинг барча ҳодисалардаги фаолияти; умумий –фундаментал фаолият соҳа (табиат, жамият, фикрлаш) қонунлари; махсус – борлиқнинг нисбатан тор соҳаларида амал қилади (иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг бошқа қонунлари). Ушбу таснифий белгилари иқтисодий прогнозлашнинг методологик тамойилига мансуб умумий, ягона ва алоҳида диалектик ўзаро боғлиқлилик тамойили билан ўзвий боғланган. Макродаражада прогнозлашнинг ишончли натижани олиш учун прогнозни амалга ошириш вақти чегараларида ўзгармайдиган прогноз қилинаётган ҳодисанинг шароитлари ва ўлчамларини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Ушбу ўлчамларни аниқлашда оммавий ва умумий қонунларнинг амал қилишига таянади. Махсус қонунларга келадиган бўлсак, улар прогноз

қилинаётган жараёнларнинг алоҳида томонларининг мумкин бўлган сифатли ўзгаришлар тўғрисидаги хулосалар учун асос яратиб беради.

Иқтисодий прогнозлашда ҳодисанинг ривожланиши, фаолияти ва таркиби (ички тўзилиши) муҳим аҳамият касб этади. Ушбу гуруҳ қонунлари прогнозлашнинг деярли барча иқтисодий ҳодисалари билан боғлиқ. Ушбу қонунлар, бошқа объектнинг қонунлари каби, нафақат методологик моҳиятга эга, балки прогностларни тўзишнинг бевосита дастаги сифатида хизмат қилади. Уларнинг ўзаро алоқаларини таҳлил қилмай туриб, тизим сифатида прогноз қилинаётган объекти, ҳодисанинг келгуси ҳолатини тўғри аниқлашга имкон бермайди. Бу шу билан шартланадики, улар биргаликда тадқиқ этилаётган объектнинг турли тарафларини тавсифлайди. Ҳар қандай тизим ривожланишнинг юргизиб турувчи омилларидан унинг таркибий унсурлари ва фаолият алоқалари ўртасидаги зиддиятлар ҳисобланади, бу ўз навбатида, тўзилма ва фаолият қонунларида ўз ифодасини топган талаблар ўртасида зиддиятларнинг натижаси деб юритилади. Тизимнинг ривожланиш қонунининг амал қилиш натижаси сифатида таркибий унсурлар ўзгаришига мос равишда таркибий алоқаларни қайта қуриш асосида ушбу зиддиятларнинг амал қилишга рухсат этилади. Иқтисодий прогнозлашни ушбу жараёнлардан четлатиш мумкин эмас, акс ҳолда у ўзининг ҳақиқатлилигини йўқотади.

Прогнозлаш жараёнида тадқиқ этилаётган ҳодисаларда объектнинг қонунлари амал қилишдаги фарқларини ҳисобга олиш лозим. Биринчи қонуннинг ўзига хос хусусияти улар ҳар доим қатъий тарзда амал қилинади. Мутлақ қонунларнинг амал қилиши улар асосидаги ҳодиса ва жараёнларни прогнозлашни осонлаштиради. Тенденция қонунларига келадиган бўлсак, улар асосидаги башоратлаш тадқиқ этилаётган объектга таъсир этувчи барча омилларни дастлаб аниқлашни талаб қилади, бу эса прогнозлаш жараёнини бир мунча мураккаблаштиради.

Прогнозлаш учун объектив қонунларнинг динамик ва статистик турларига бўлиниши катта аҳамият касб этади. Динамик қонунлар аниқ тарзда амал қилади, шунинг учун уларни кўпинча қаттиқ детерминация қонуни деб

аталади. Статистик қонунлар мутлақ доимийлиги билан ажралиб туради, яъни уларнинг амал қилиниши бир хиллик эмас, вариантли ҳисобланади. Демак, статистик қонунлар эҳтимол туридаги қонунларга киради. Иқтисодий прогнозлаш объектларнинг аксарияти статистик ва тенденция қонунлари билан ўзвий боғлиқ.

Қонунлар ҳам миқдорий ҳам сифатли жиҳатларга эга. Ушбу жиҳатларнинг аҳамияти турлича. Айрим қонунлари учун миқдорий, математик ифодаси ёки эриша бўлмайдиган, ёки унчалик муҳим эмас, чунки мазкур ҳодисанинг моҳиятини ифодаламайди. Бошқа қонунлар учун миқдорий жиҳати муҳим ҳисобланади, чунки миқдорий, математик ифодасиз улар ўзининг аниқлилигини йўқотади ва фақатгина тенденция сифатида иштирок этади, яъни жараённинг йўналишини кўрсатиб беради.

Прогнозлаш учун унинг ҳақиқий эканлиги тўғрисида масала муҳим аҳамият касб этади. Прогнозлашнинг ҳақиқатлиги деб келажакда амалга оширилиши ва ушбу келажакнинг ниҳол кўринишида ҳозирги пайтда мавжуд бўлган объектив имкониятлар, тенденцияларни башоратлаш шаклларининг мувофиқлиги тушунилади. Келажакни башоратлаш ҳақиқатлиги умумий кўринишда тадқиқ этилаётган соҳада назариянинг ҳолати, у тўғрисида билимнинг тавсилотиға боғлиқ.

Ушбу масала прогнозлаш ҳақиқатлигининг мезонлар муаммоси билан ҳам боғлиқ. Улар икки синфга бўлинади: амалий мезоналар ва мантикий (бевосита) мезонлар. Бош мезони сифатида амалиёт ҳисобланади. Иқтисодий прогнозларнинг ишлаб чиқиш жараёнида амалиёт прогнозлашнинг барча босқичларида: тадқиқ этилаётган объектга мос бўлган прогнозлаш усулларини танлашда; прогноз қилинаётган объектни тавсифловчи дастлабки ахборотларни танлашда; прогнозни тўзишда ва уни кейинчалик амалга тадбиқ қилишда ва ҳ.к.да ҳақиқатлик мезони сифатида иштирок этади.

Мантикий мезонлар тўғрисида гап юритганда улар амалий мезонининг алоҳида ҳолатлари сифатида кўриб чиқилади. Прогнозлаш амалиётида мезонларнинг иккала гуруҳи ҳамжиҳатликда иштирок этади. Бу шу билан

шартланадики, амалиёт ўзи ҳақиқат мезони сифатида мутлақ эмас, балки нисбийдир ва шу боис қўшимча мезонларни талаб этади.

Шундай қилиб, амалиёт фан қонунлари асосида прогнознинг илмий ҳаққонийлиги орқали прогностик таффаурида ҳақиқатлик мезонининг ўзига хос ўрнини эгаллайди. Прогнозларнинг ҳақиқийлигини текширишнинг ушбу услуби билан барча билим турларини мантиқий асосланганлиги, сезиб бўладиган ҳаққонийлиги, синов ва интуитив баҳолаш каби текшириш шакллари чамбарчас боғлиқ. Уларнинг орасидан иқтисодий прогнозлаш учун мантиқий асосланганлиги ва синов айнан муҳим ҳисобланади.

Мантиқий таҳлил қилиш усули келажак тўғрисида билимни амалиёт билан тасдиқланган объектнинг ҳозирги ва ўтган ҳолати тўғрисидаги билимдан чиқарилишига асосланган. Ундан самарали фойдаланишнинг асосий шарти дастлабки маълумотларнинг объективлиги ҳисобланади. Прогноз қилинаётган ҳодисанинг ўтган ва ҳозирги ҳолати бўйича тўпланган билимларнинг тўлиқлиги ва чуқурлиги ҳисобланади.

Иқтисодий синов илгари сурилган гипотеза, концепцияларни ҳам шартли иқтисодий-математик моделлари, ҳам махсус ажратилган иқтисодий объектларда (цех, корхона, ишлаб чиқариш бирлашма, тармоқ ва бошқалар) бевосита текширишдан иборат. Прогнозлаш ҳақиқатлигининг бошқа томони уларни олиш учун муайян талаб ва шароитларни аниқлаш ва уларга амал қилиш ҳисобланади. Буларга қуйидагилар киради: тарихий ва мантиқий ёндошувларнинг ҳамжиҳатлиги, прогнозлашнинг ҳар томонлиги ва мажмуавийлиги ва ҳ.к. Прогнозлашнинг ҳақиқатлигини бир вақтнинг ўзида таъминланиши нафақат умумий методологик талаблар билан, балки прогнозлаш учун махсус бўлган тадқиқот воситаларидан фойдаланиш каби ҳолатлар билан боғлиқ. Шу билан бирга ушбу прогностик воситалар прогнозлашнинг иккиламчи, қўшимча умумий методологик усули ва воситаси ҳисобланади, уларсиз ҳақиқий прогнозларни олиш мумкин эмас. Макроиқтисодийпрогнозлашнинг максимал самарадорлиги фақатгина унинг махсус усулларининг диалектик ва тарихий материализмнинг умумий

методологик усул ва талаблари билан уйғунлашганлиги асосида таъминланиши мумкин.

Иқтисодий прогнозларнинг қийматлиги нафақат прогноз қилинаётган ҳодисаларнинг ижтимоий аҳамияти билан, балки уларнинг аниқлиги ва тўлаллиги билан тавсифланади. Аниқлик ва тўлалик кўрсаткичлари прогноз қилинаётган объектнинг сифатли ва миқдорий аниқлилик даражасини ифодалашни назарда тутди. Уларнинг моҳияти прогноз қилинаётган объектнинг хусусиятлари билан боғлиқ. Айрим ҳолларда бунинг учун фақатгина келажак ривожланишининг умумий тенденциясини билиш кифоя қилинади, бошқа ҳолларда эса унинг миқдорий ўлчамларини кенгайтирилган баҳолаш талаб этилади. Умумий талаблар прогнознинг аниқлиги ва тўлаллиги прогнозлаш мақсадларига мувофиқлиги ҳисобланади.

Ривожланаётган давлатларда прогнозлашнинг илмий тавсифи табиат ва жамият қонунларини билишга асосланган. Ривожланган мамлакатлардаги жамиятшунослар объектив қонунлар мавжуд эмас деб эътироф этади. Шу нуқтаи назардан ижтимоий прогнозлаш фан қонунларидан четланади ва биринчи қаторда амалий прогностика усуллари ва у ёки бу ҳодисанинг миқдорий ва сифатли баҳолаш кабилари жой олади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялар универсал тавсифга эга эмас, иқтисодий ва ижтимоий ҳодисаларнинг алоҳида томонларига мансуб бўлади, прогнозлаш ўзи эса алоҳида якка масалалар кўпинча оммавий ҳодисалар соҳасидаги масалаларни ечишга қодир бўлган амалий фан сифатида иштирок этади.

Иқтисодий прогнозлаш синфий тавсилотга эга. У тарихан белгиланган ишлаб чиқариш услублари, мавжуд бўлган ва ривожланаётган ишлаб чиқариш муносабатлари, жамиятнинг ижтимоий-синфий таркибидан йироқ равишда кўриб чиқилиши мумкин. Шундан келиб чиқадики, ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларнинг тизимлари ўртасидаги фарқлар иқтисодий прогнозлашнинг мақсади, усуллари ва моҳиятида эканлигидадир. Ўзбекистонда иқтисодий прогнозлаш мамлакатнинг барқарор ривожланиши, халқ

фаровонлигини ошириш ва ҳукумат стратегиясини тўлиқ бажаришга учун хизмат қилади. Ривожланган мамалкатларда эса иқтисодий прогнозлар монополиялар, устун турувчи синфлар манфаатларида амалга оширилади, ҳаттоки миллий манфаатларига зид бўлган ҳолатларда ҳам энг юқори даромад олиш учун шароитларни яратишга дастак ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда ривожланган мамлакатларда иқтисодий прогнозлашнинг камчиликлари мавжудлигига қарамасдан иқтисодий прогнозлашни ишлаб чиқиш техника ва услубияти муайян қизиқишни уйғотади ва ушбу тажрибани танқидий равишда таҳлил қилиш шарти билан уларни мамлакатимиз иқтисодий прогнозлаш амалиётига татбиқ этиш мумкин.

Фаннинг вазифаси мамлакат иқтисодиёти янада ривожлантириш бўйича ҳукумат қарорларидан келиб чиқади. Ушбу вазифалар ҳозирги босқичда мамлакатнинг иқтисодий стратегияси билан белгиланади. Ҳар қандай стратегия каби мамлакатнинг иқтисодий стратегияси вазифаларни, фундаментал ва ўзоқ муддатли мақсадларни қўйиш билан бошланади. Улардан энг муҳими аҳолининг яшаш тарзини моддий ва маънавий юксалиши ҳисобланади. Иқтисодий стратегия қўйилган мақсадларга эришиш учун йўлларни ва воситаларни аниқ белгилаш кабиларни ўз ичига олади. Бунда иқтисодий прогнозлаш муҳим ўрин эгаллайди.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Иқтисодий ўсишни баҳолашда қанақа математик инструментлардан фойдаланилади?
2. Прогнозлаштиришга таъриф беринг.
3. Прогнозлаштиришнинг қанақа турлари мавжуд?
4. Прогнознинг нечта тури мавжуд?
5. Экстрополяция деганда нима тушунилади?
6. Интрополяция деганда нима тушунилади?
7. Иқтисодий прогноз тизимини таснифлаб беринг?
8. Оптималлаштирувчи иқтисодий математик моделлар деганда нима тушунилади.

9. Иммитацион моделларнинг асосий вазифаси нима?

10. Иқтисодий ўсишни прогнозлашнинг амалий аҳамияти нималардан иборат?

9-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ПРОГНОЗЛАШНИНГ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАРИ

9.1. Иқтисодий кўрсаткичлар ўртасида боғланишларни аниқлаш усуллари

Умумлашган катта сонни таҳлил қилиш ва конкрет кузатишда у ёки бу қонуниятларни аниқлаш заруриятлиги кўпгина иқтисодий тадқиқотларнинг ҳарактерли хусусияти ҳисобланади. Реал борликда ҳеч бир иқтисодий зарурият бевосита соф ҳолда намоён бўлмайди.


Бир қийматни ўзгартириш бошқасининг ўртача қийматининг ўзгаришига олиб келадиган ҳолларда боғланишни ўрганиш катта қизиқиш уйғотади. Мана шундай боғланишга *корреляцион боғланиш* дейилади. Корреляцияни таҳлил қилишдан мақсад, ҳодисалар ўртасидаги боғланишнинг зичлигини ўрганишдир. Боғланишлар ўз моҳиятига кўра содда ва мураккаб бўлиши мумкин. Ижтимоий ҳодисалар, шу жумладан, иқтисодий ҳодисалар одатда мураккаб боғланишга эга бўлади.

Корреляцион таҳлил ҳодисалар ўртасидаги боғланишни аниқлайдиган усуллардан бири ҳисобланади. Лекин фақат корреляцион таҳлил боғланишнинг зичлиги ҳақида оддий баҳо бера олади. Бу ҳолат иқтисодий тадқиқотларда корреляцион таҳлил кенг қўллаш имкониятини беради. Корреляцион таҳлил ҳақида гапирганда регрессион таҳлил унутмаслик керак. Регрессион таҳлил ҳодисалар ўртасидаги боғланишнинг статистик таҳлил усули бўлиб, боғланиш шакллари таҳлил қилади. Регрессион таҳлил натижалари регрессия тенгламалари ва коэффицентларида сифат ифодасига эга бўлади.

Корреляцион ва регрессион таҳлилнинг самарадорлиги кўпгина иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди. Корреляцион ва регрессион таҳлил қилишдан олдин ўрганилаётган ҳодисалар ўртасида боғланиш ҳар томонлама синчиклаб таҳлил қилиниши лозим. Ҳақиқатан ҳам боғланиш мавжуд бўлса, корреляцион ва регрессион таҳлил усулидан фойдаланиш ҳамда реал аҳамиятга эга бўлган натижаларни олиш мумкин бўлади.

Корреляцион таҳлилнинг биринчи вазифаси, корреляцион боғланиш шакллари, яъни регрессия функцияси кўринишларини (чизикли, даражали,

логарифмик ва бошқалар) аниқлашдан иборат. Боғланиш шакллари танлаш регрессион таҳлил ва танланаётган функция ҳақидаги маълум гипотезаларни ишлаб чиқиш ҳамда таҳлил қилишдан бошланади. Регрессияларни тенглаштириш корреляцион моделларнинг таркибий қисми бўлиб, уни тўғри танлай билиш, моделлаштиришнинг энг масъулиятли босқичи ҳисобланади. Корреляцион боғланишлар таснифи қуйидаги 9.1.1-расм келтирилган.



9.1.1-расм. Корреляцион боғланиш таснифи

Таҳлил вақтида гарчи баъзи бир танланган шаклларнинг тўғрилигини баҳолашнинг баъзи бир усуллари ишлаб чиқилган бўлса ҳам, боғланиш шаклини танлай олиш жуда муҳим ҳисобланади.

Иқтисодий ҳодисалар ўртасидаги боғланишларнинг мураккаблиги кўпинча мавжуд ҳодисалар бутун комплексини таҳлили билан қамраб олиш мумкин бўлмаган ҳолатни келтириб чиқаради. Регрессияларни конкрет тенглаштириш ҳар доим маълум даражада абстрактлаш асосида курилади. Регрессия тенгламаларини куриш ҳодисалар ўртасидаги боғланиш конкрет шаклини аниқлашда гипотетик эксперимент ҳисобланади.

Икки ўзгарувчи ўртасидаги корреляция *оддий корреляция* дейилади. Оддий корреляция йўли билан таҳлил қилишдан мақсад, икки ҳодиса ўртасидаги боғланишнинг мавжудлиги ва зичлигини аниқлашдан иборатдир.

Икки ўзгарувчи ўртасидаги боғланиш зичлигининг умумлаштирилган баҳоси *корреляция индекси* ҳисобланади ва у қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$R = \sqrt{\frac{\sigma_y^2 - \sigma_{\hat{y}_x}^2}{\sigma_y^2}} = \sqrt{1 - \frac{\sigma_{\hat{y}_x}^2}{\sigma_y^2}}, \quad (9.1.1)$$

бу ерда, σ_y^2 - натижа кўрсаткич дисперсияси; $\sigma_{\hat{y}_x}^2$ - амалий қиймат натижалари кўрсаткичидан регрессия тенгламаси асосида назарий ҳисобланган кўрсаткичдан четланиш ўртача квадрати.

Корреляция индекси $0 \leq |R| \leq 1$ оралиғида бўлади. Агар $R=1$ бўлса, омиллар ўртасида функционал боғланиш мавжуд бўлади. Агар $R=0$ бўлса, у ҳолда ўрганилаётган омиллар ўзаро боғланмаган бўлади.

Боғланиш зичлиги баҳоланаётган вақтда қуйидаги таснифлаш қўлланилади:

0,2 гача - кучсиз боғланиш;

0,2 ÷ 0,4 - ўртача зичликдан кучсизроқ боғланиш;

0,4 ÷ 0,6 - ўртача боғланиш;

0,6 ÷ 0,8 - ўртачадан зичроқ боғланиш;

0,8 ÷ 0,99 - зич боғланиш.

Мазкур таснифлаш шартли ҳисобланади. Корреляция индекси жуфт боғланиш ҳар қандай шаклининг боғланиш зичлигини баҳолаш учун тўғри келади. Агар боғланиш чизикли бўлса, у ҳолда боғланиш зичлигини баҳолашда корреляция коэффицентидан фойдаланиш мумкин:

$$r = \frac{\overline{x \cdot y} - \bar{x} \cdot \bar{y}}{\sigma_x \cdot \sigma_y}, \quad (9.1.2)$$

бу ерда, σ_x ва σ_y мос равишда x ва y ўзгарувчиларнинг ўртача квадратик четланишидир ва улар қуйидаги формулалар ёрдамида ҳисобланади:

$$\sigma_x = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2}{n}}, \quad \sigma_y = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (y_i - \bar{y})^2}{n}} \quad (9.1.3)$$

Шунингдек, корреляция коэффицентини ҳисоблашнинг қуйидаги модификацияланган формулаларидан ҳам фойдаланиш мумкин:

$$r = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{n \cdot \sigma_x \cdot \sigma_y}, \quad (9.1.4)$$

$$r = \frac{n \sum_{i=1}^n xy - \sum_{i=1}^n x \sum_{i=1}^n y}{\sqrt{\left[n \sum_{i=1}^n x^2 - \left(\sum_{i=1}^n x \right)^2 \right] \cdot \left[n \sum_{i=1}^n y^2 - \left(\sum_{i=1}^n y \right)^2 \right]}}. \quad (9.1.5)$$

Корреляция коэффициенти $-1 \leq r \leq 1$ оралиғидаги қийматга эга бўлади. Корреляция коэффициентининг манфий қиймати ҳодисалар ўртасида тескари боғланиш мавжуд эканлигидан далолат беради. Айрим ҳолларда корреляциянинг индекси ёки коэффициенти билан бир қаторда, детерминация коэффициенти $d = r^2$ деб аталувчи кўрсаткич ҳам аниқланади. Детерминация коэффициенти натижа кўрсаткичи ва вариациясининг қайси қисми омил кўрсаткичлари вариацияси билан боғланганлигини кўрсатади. Агар таҳлил таъсир қилаётган омил қийматининг ўзгаришига мувофиқ ҳодисалар қиймати тахминан бир текисда ўзгаришини кўрсатса, у ҳолда тўғри чизиқли боғланиш мавжудлигини кўрсатади. Мабодо бу ўзгариш бир текисда бўлмаса, унда эгри чизиқли боғланиш бўлади.

Иқтисодий тадқиқотларда қўлланилаётган корреляцион формулалар турли шаклга эга. Иқтисодий қаторлар динамикаси ўртасидаги боғланишлар чизиғи шаклини аниқлаётганда, кўпчилик ҳолларда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

Чизиқли - $y = a_0 + a_1x$

Иккинчи даражали парабола - $y = a_0 + a_1x + a_2x^2$

Учинчи даражали парабола - $y = a_0 + a_1x + a_2x^2 + a_3x^3$

n - даражали парабола - $y = a_0 + a_1x + a_2x^2 + \dots + a_nx^n$

Иккинчи даражали гипербола - $y = a_0 + \frac{a_1}{x}$

b - Иккинчи даражали гипербола - $y = a_0 + \frac{a_1}{x^b}$

Логарифмик - $\log y = a_0 + a_1x$

Ярим логарифмик - $y = a_0 + a_1 \ln x$

Кўрсаткичли функция - $y = a_0 a_1^x$

Даражали функция - $y = a_0 x_1^{a_1}$

Логистик функция - $y = \frac{a_0}{1 + a_1 e^{-bx}}$

Функциялар параметри одатда энг кичик квадратлар усули билан аниқланади. Нормал тенгламалар тизими (7) тизимга ўхшаш бўлади. Логистик функцияда y ни қиймати олдин x нинг текис ўзгаришда тезлатилган суръатда ортиб боради.

Регрессия тенгламасининг шаклини танлашда қуйидагиларга риоя қилиш лозим:

1. Боғланишнинг умумий шакли, боғланишнинг табиати ва ҳарактерига нисбатан профессионал тушунча мос келиши керак.
2. Имкони борича интерпретация ва амалий қўллашда осон бўлган тенгламаларнинг энг содда шаклларида фойдаланиш лозим. Бошланғич маълумотларнинг график тасвири - тарқоқ диаграмма ва регрессияларнинг эмпирик чизиқлари регрессияларни тенглама шаклларида танлашда ёрдам кўрсатади.

Жараёнлар қаторининг битта натижали таъсирини тўпلامли корреляцион таҳлил ўрганади. Тўпلامли корреляцион таҳлилнинг шарт-шароити худди корреляцион таҳлил сингари бўлади. Одатда тўпلامли корреляция бевосита тўпلامли регрессион таҳлил билан бевосита алоқада таҳлил қилинади. Тўпلامли регрессия тенгламаси оддий масштаб, яъни регрессия тенгламаларига кирувчи ўзгарувчи бир маромдаги нормал ва нормаллашган масштабда ёки қиёслаш бирлигида ифодаланган ўзгарувчилар шаклида тузилиши мумкин.

Регрессия тенгламаси сифатида кўпинча чизиқли:

$$\hat{y} = a_0 + a_1 x_1 + a_2 x_2 + \dots + a_n x_n \quad (9.1.6)$$

ва даражали функциялардан фойдаланилади:

$$\hat{y} = a_0 x_1^{a_1} x_2^{a_2} \dots x_n^{a_n} . \quad (9.1.7)$$

Ушбу тенглама параметрлари одатда энг кичик квадратлар усули билан аниқланади. Умумий ҳолда нормал тенгламалар тизими қуйидагича ифодаланади:

$$\begin{cases} na_0 + a_1 \sum x_1 + a_2 \sum x_2 + \dots + a_n \sum x_n = \sum y \\ a_0 \sum x_1 + a_1 \sum x_1^2 + a_2 \sum x_1 x_2 + \dots + a_n \sum x_1 x_n = \sum x_1 y \\ \dots \dots \dots \\ a_0 \sum x_n + a_1 \sum x_1 x_n + a_2 \sum x_2 x_n + \dots + a_n \sum x_n^2 = \sum x_n y \end{cases} \quad (9.1.8)$$

Модел даражалари параметрларини аниқлаш учун олдин (9.1.8) моделни логарифмик-чизиқли кўринишга қайта ўзгартириш лозим:

$$\ln \hat{y} = \ln a_0 + a_1 \ln x_1 + a_2 \ln x_2 + \dots + a_n \ln x_n \quad (9.1.10)$$

Шундан сўнг нормал тенгламалар тизимини тузишда логарифмлардан фойдаланамиз.

$$\begin{cases} n \ln a_0 + a_1 \sum \ln x_1 + a_2 \sum \ln x_2 + \dots + a_n \sum \ln x_n = \sum \ln y \\ a_0 \sum \ln x_1 + a_1 \sum \ln x_1^2 + a_2 \sum \ln x_1 \ln x_2 + \dots + a_n \sum \ln x_1 \ln x_n = \sum \ln x_1 \ln y \\ \dots \dots \dots \\ a_0 \sum \ln x_n + a_1 \sum \ln x_1 \ln x_n + a_2 \sum \ln x_2 \ln x_n + \dots + a_n \sum \ln x_n^2 = \sum \ln x_n \ln y \end{cases} \quad (9.1.11)$$

Боғланишнинг зичлиги корреляциялар индексига ўхшаш бўлиб, тўпلامли корреляция коэффиценти ёрдамида баҳоланади:

$$R_{yx_j} = \sqrt{1 - \frac{\sum (y - \hat{y})^2}{\sum (y - \bar{y})^2}}, \quad (9.1.12)$$

бу ерда, $\hat{y}$ - регрессия тенгламаси ёрдамида аниқланган натижавий кўрсаткичнинг назарий қиймати; $\bar{y}$ - натижавий кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати.

Тўпلامли регрессиялар чизигидан натижавий кўрсаткич қиймати қанчалик кам даражада четланса, маълум интервалда абсолют қиймат бўйича аҳамиятга эга бўлган корреляция коэффиценти катта қийматга эга бўлишига боғлиқ бўлади. Тўпلامли корреляция коэффиценти қуйидаги ораликда ўзгаради:

$$0 \leq |R| \leq 1.$$

$$R_{yx_j} = \sqrt{\frac{r_{yx_1}^2 + r_{yx_2}^2 - 2r_{yx_1} \cdot r_{yx_2} \cdot r_{x_1x_2}}{1 - r_{x_1x_2}^2}}. \quad (9.1.13)$$
$$R_{yx_j} = \sqrt{\frac{a_1s_1 + a_2s_2 + a_3s_3 + \dots + a_ns_n}{s_v}}, \quad (9.1.14)$$

Нормалланган масштабда умумий кўринишда тўпلامли регрессия тенгламасини қуйидагича тузиш мумкин: $\beta_j \ (j = \overline{1, n})$ параметрлари корреляциянинг жуфт коэффиценти ёрдамида аниқланади. Коэффициентларни аниқлаш учун n та тенгламалар тизимини тузамиз:

$$\left\{ \begin{array}{l} \beta_1 + \beta_2 r_{x_2 x_1} + \beta_3 r_{x_3 x_1} + \dots + \beta_n r_{x_n x_1} = r_{y x_1} \\ \beta_1 r_{x_1 x_2} + \beta_2 + \beta_3 r_{x_3 x_2} + \dots + \beta_n r_{x_n x_2} = r_{y x_2} \\ \beta_1 r_{x_1 x_3} + \beta_2 r_{x_2 x_3} + \beta_3 + \dots + \beta_n r_{x_n x_3} = r_{y x_3} \\ \dots \\ \beta_1 r_{x_1 x_n} + \beta_2 r_{x_2 x_n} + \beta_3 r_{x_3 x_n} + \dots + \beta_n = r_{y x_n} \end{array} \right. \quad (9.15)$$

$$y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + \dots + a_nx_n \quad (9.1.16)$$
$$a_1 = \beta_1 \frac{\sigma_y}{\sigma_{x_1}}, \quad a_2 = \beta_2 \frac{\sigma_y}{\sigma_{x_2}}, \dots, \quad a_n = \beta_n \frac{\sigma_y}{\sigma_{x_n}}, \quad a_0 = \bar{y} - a_1 \bar{x}_1 - a_2 \bar{x}_2 - \dots - a_n \bar{x}_n \quad \text{ўрнига қўйиш}$$

195

У ёки бу жуфт омиллар ўртасидаги боғланиш даражасининг ишончилиги, ишончилик коэффициенти ёрдамида аниқланади: $\mu_{ij} = \frac{|r_{ij}|\sqrt{n}}{1-r_{ij}^2}$,

агар $\mu \geq 2,6$ бўлса, боғланиш ишончли деб аталади.

Тўпламли корреляция коэффициентини қуйидаги формула бўйича ҳам аниқлаш мумкин:

$$R = \sqrt{\beta_1 r_{yx_1} + \beta_2 r_{yx_2} + \dots + \beta_n r_{yx_n}}, \quad (9.1.17)$$

β_j ($j = \overline{1, n}$) регрессия коэффициенти ҳар бир омилнинг салмоғи, таъсир даражасини, яъни $\frac{\beta_i}{\beta_j}$ муносабати i -омилнинг таъсири неча маротаба j -омилнинг таъсиридан катта эканлигини кўрсатади. Тўпламли корреляцион муносабатнинг ўртача квадратик хатолари қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\sigma_R = \frac{1-R^2}{\sqrt{n-k-1}}, \quad (9.1.18)$$

бу ерда, n - кузатувлар сони; k - аниқланаётган боғланишнинг техник-иктисодий параметрлари сони.

Тўпламли корреляция коэффициентининг ўртача квадратик хатоларга муносабати t мезони қиймати билан аниқланади. Омилларнинг хусусий эластиклик коэффициентларини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\varepsilon_i = a_i \frac{\overline{x_i}}{y}. \quad (9.1.19)$$

Хусусий эластиклик коэффициенти бошқа аргументлар ўзгармаган ҳолда аргументнинг бир фоизга ўзгартириш билан функция неча фоизга ўзгаришини кўрсатади. Корреляцион-регрессион таҳлилнинг асосий кўрсаткичлари маълум бўлгандан сўнг, башорат қилувчи кўрсаткичлар аниқланади:

$$\hat{y} = a_0 + b_0 t; \quad \hat{x}_1 = a_1 + b_1 t; \dots; \quad \hat{x}_n = a_n + b_n t \quad (9.1.20)$$

$a_0, b_0, a_1, b_1, \dots, a_n, b_n$ коэффициентларни ҳисоблашда энг кичик квадратлар усулидан фойдаланилади. Қиймат маълум бўлганидан кейин, тегишли

бошланғич қийматлардан амалдаги ўзгарувчан қийматлар четланиши ҳисоблаб чиқилади:

$$\varepsilon_{y_t} = y_t - \hat{y}_t; \quad \varepsilon_{x_{1t}} = x_{1t} - \hat{x}_{1t}; \dots; \quad \varepsilon_{x_{nt}} = x_{nt} - \hat{x}_{nt} \quad (9.1.21)$$

ва шундан сўнг қийматнинг регрессион таҳлилига ўтилади, $\varepsilon_y, \varepsilon_{x_1}, \dots, \varepsilon_{x_n}$.

Шундай қилиб, боғланган ва боғланмаган ўзгарувчилардан бир вақтда чизиқли тенденцияни чиқариш учун t вақт фондида тўпلامли регрессия тенгламасини киритиш лозим. Бунда тенглама қуйидагича ифодаланади:

$$\hat{y} = a_0 + \sum_{i=1}^k a_i x_i + a_{k+1} t. \quad (9.1.22)$$

Агар ҳодисалар ривожланиш тенденцияси чизиқсиз характерга эга бўлса, бундай ҳолларда энг юқори тартиблар фарқи аниқланади ёки энг мураккаб

тренд шакли чиқариб ташланади: $\varepsilon = \frac{1}{l} \sum_{i=1}^n \left| \frac{y_i - \hat{y}}{y_i} \right| \cdot 100\%$ формуласида

ҳисобланадиган башоратлашнинг ўртача хатоси башоратлашда муҳим масала - ҳисоб-китоблар аниқлигини оширишда аниқлик мезони бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу ерда y - башоратланаётган вақтли қаторлар даражасининг вақтли қаторлар амалдаги даражаси; l - башоратланаётган давр. Даврнинг аниқлиги бўлиб, ўтган воқеа ва башоратланаётган даврнинг давомийлигига боғлиқ бўлади.

Автокорреляция - вақтли қаторларнинг кейинги ва олдинги ҳадлари ўртасидаги корреляцион боғланиш ҳисобланади. Автокорреляциянинг мавжудлиги қаторлар динамикаси даражаларининг ўзаро боғлиқлигидан, кейинги ҳадларнинг олдинги ҳадларга кучли даражада боғлиқлигидан далолат беради. Чунки корреляцион таҳлил усулини ўзаро боғланган ҳар бир қатор даражаси статистик эркин, ўрганилаётган қаторлар динамикасида автокорреляция мавжудлигини аниқлаш лозим бўлган ҳолларда татбиқ этиш мумкин.

Автокорреляция мавжудлигини текшириш жараёни қуйидагича амалга оширилади. r_α (ҳисобланган) қиймати ҳисобланади:

$$r_{\alpha} \text{ (хисобланган)} = \frac{\sum z_t - z_{t+1}}{\sum z_t^2}, \quad (9.1.23)$$

бу ерда, $z_t = y - \hat{y}$ - қолдиқ миқдор; z_{t+1} - вақт билан аралашган қолдиқ миқдор.

Агар ҳисоблар топилган r_{α} (хисобланган) миқдор берилган бир фоизли хатолар эҳтимоллиги ва эркинлик даражаси сонлари $n-k-1$ бўлганда r_{α} (жадвал) $(r_{\alpha} \text{ (жадвал)} < r_{\alpha} \text{ (хисобланган)})$ қийматидан катта бўлса, автокорреляция мавжуд эмас дейилади. Сўнгра ишончлилик интерваллари аниқланади. У коэффициентлар вариацияси ёрдамида қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$V = \sqrt{\frac{\sum \left(\frac{y - \hat{y}}{y} \cdot 100 \right)^2}{n}} \quad (9.1.24)$$

Шундан сўнг қуйи интервали $y_i \left(1 - \frac{V}{100} \right)$, юқори интервали бўйича $y_i \left(1 + \frac{V}{100} \right)$ ишончлилик интерваллари ҳисоблаб чиқилади.

Қуйидаги ҳолатлар корреляцион таҳлил усулини прогнозлашда қўллашда хатоликларга олиб келиши мумкин:

- а) башоратланаётган ҳодиса кўрсаткичлари динамикасини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллар имконини ҳисобга ола билмаслик;
- б) корреляцион тенгламалар коэффициентлари уларнинг қийматини аниқлайдиган шароитлар ўзгариши билан қийматининг ўзгарувчанлиги;
- в) бир қиймат ўзгаришининг башорати бошқа бир қанча қийматлар ўзгариш қиймати билан алмаштирилади.

9.2. Прогноз, гипотеза ва режа ҳақида тушунчалар

Гипотеза умумий назария даирасидаги илмий башоратни тавсифлайди. Бу шуни англатадики, гипотезани тузиш дастлабки базавий назария ва у асосида тадқиқ этилаётган объектларнинг фаолият кўрсатиши ва ривожлантиришнинг очилган қонуниятлари ҳамда сабаб-оқибат алоқаларини

ташкил этади. Гипотеза даражасида ҳаракатларнинг умумий қонуниятларини ифодаловчи ушбу объектларнинг сифат жиҳатидан тафсилоти берилади.

Прогноз гипотезадан фарқли улароқ янада юқори аниқликка эга, чунки нафақат сифат ўлчамларига, балки миқдорий ўлчамларга асосланади, шу боис объектнинг келажақдаги ҳолатини миқдорий жиҳатдан ҳам тавсифлашга имкон беради. Прогноз аниқ амалий назария даражасида башоратлашни назарда тутди. Шундай қилиб, прогноз гипотезадан ноаниқлик даражаси паст ҳамда юқори даражали ҳаққонийлиги билан фарқ қилади. Шу билан бирга прогнознинг тадқиқот қилинаётган объекти, ҳодиса билан бўлган тўғридан-тўғри алоқаси мавжуд эмас: прогноз эҳтимоллик тавсифига эга.

Режа аниқ муайян мақсадларни қўйиш ва тадқиқ этилаётган объектнинг аниқ ҳодисаларини башоратлашни кўзда тутди. Унда белгиланган вазифаларга мувофиқ тарзда ривожланишнинг йўллари ва воситалари қайд этилади, қабул қилинган бошқарув қарорлари асосланади. Унинг энг асосий фарқ қилувчи жиҳати - топшириқнинг аниқлиги ва кўрсатмали эканлигидадир. Шундай қилиб, режада башоратлаш янада аниқ ҳолда намоён бўлади. Прогноз каби режа ҳам аниқ амалий назария натижа ва ютуқларга асосланади.

Прогнозлаш шакллари ўз моҳиятига кўра бошқариш ва режалаштириш тизимида бир-бири билан ва тадқиқ этилаётган объекти билан узвий боғлиқликда бўлиб, объектнинг ўзининг аниқлилиги билан истиқболдаги ҳаракатларини билиш босқичларининг кетма-кетлигини ифодалайди. Ушбу жараённинг дастлабки қадами – объектни у учун янги белгиланган ҳолатига ўтказиш режасини тузиш ҳисобланади. Бунинг учун энг муҳим воситаси умумилмий башоратлаш ва режа ўртасида боғловчи занжир сифатида иштирок этувчи прогноз хизмат қилади.

Гипотеза умумий тавсилотига эга бўлса ҳам, усиз ҳеч қандай илмий бошқариш ва режалаштиришни амалга ошириб бўлмайди. Гипотеза ушбу жараёнга таъсир этиб, уни тузиш учун муҳим ахборот манбаси ҳисобланади. Кўп ҳолатларда гипотеза бевосита режаларни ишлаб чиқишда ҳам ҳудди шу вазифани бажаради.

Режалаштириш билан прогнозлаш бир бири билан чамбарчас боғлиқ. Режа ва прогноз ўз моҳиятига кўра режанинг ижтимоий ишлаб чиқаришини бошқаришда етакчи буғин сифатида ҳал қилувчи рол уйнаётган шароитда бир-бирини ўзаро тўлдирувчи режалаштириш босқичларини ифодалайди. Бунда прогноз мавжуд амалиётнинг истикболда ривожланиш имкониятларига қаратилган омил сифатида хизмат қиладиган бўлса, прогнозлаш - режаларни ишлаб чиқиш дастаги сифатида намоён бўлади. Прогноз ва режанинг мувофиқлик шакллари турли хил бўлиши мумкин: прогноз режани ишлаб чиқишдан олдин (одатда шундай), ундан кейин (қабул қилинган қарорнинг оқибатларини прогнозлаш), шунингдек режани ишлаб чиқиш жараёнида амалга ошириш мумкин.

Шунга қарамай прогноз ва режа ўртасида фарқлар ҳам мавжуд. Уларнинг энг асосийси шундан иборатки, режа кўрсатмали, прогноз эса эҳтимолли тавсифга эга. Режа – бу қатъий қарор, шу жумладан у вариант асосида ишлаб чиқилади, прогноз эса ўз моҳиятига кўра муқобил, вариантли мазмунга эга. Шу маънода прогнозлаш режалаштиришнинг тадқиқот базаси ҳисобланиб, у режалаштиришдан фарқли равишда алоҳида ўзининг методологик ва услубий асосларига эга. Прогнозларни ишлаб чиқиш прогнозлаш усулларига асосланади, режалаштириш эса янада қатъий ва аниқ баланс ва бошқа ҳисоб-китоб усулларига таянади.

Прогнозлашнинг режалаштиришдан фарқли жиҳатларидан бири у режалаштиришнинг таркибий қисми бўлибгина қолмай у мустақил равишда мавжуд. Бу хусусан, шундай ҳолатда ўз ифодасини топади: ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида шундай иқтисодий жараёнлар борки, уларни ҳар доим ҳам режалаштириб бўлмайди, аммо улар прогнозлаш объекти ҳисобланиши мумкин. Булар қаторига, масалан, демографик жараёнлар, аҳолининг истеъмол товарларга бўлган жорий талаби, шахсий томорқа хўжаликларининг ривожланиш даражаси, оиланинг таркиби ва аҳолининг жинси ва ёши бўйича таркиби ва ҳ.к.. Прогнозлаш ва режалаштириш бир-биридан яна шу билан фарқланадики, улар тадқиқ этилаётган объектни билишнинг турли

поғоналарини тавсифлайди, ушбу объектларнинг истиқболдаги ҳолатини ўзаро боғлиқ бўлса ҳам, аммо ҳар хил башоратлаш шаклларига эга.

Объектларнинг мос келмаслиги ҳамда прогнозлашнинг режалаштиришга нисбатан бошқа фарқли жиҳатлари улардаги турли хил функцияларни шакллантиради. Режалаштириш бевосита бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалиётга татбиқ этишга қаратилган бўлса, прогнозлашнинг мақсади эса уларни қабул қилиш учун илмий асосларни яратишдан иборат. Ушбу асослар қуйидагиларни ўз ичига олади: ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш тенденцияларининг *илмий таҳлили*; шаклланган тенденция ва кўзланган мақсадларни ҳисобга оладиган ижтимоий ишлаб чиқаришнинг кутилаётган ривожланишини *вариантли башоратлаш*; қабул қилинаётган қарорларнинг *мумкин бўлган оқибатларнинг таҳлили*, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник ривожланиш йўналишларини асослаш. Шундай қилиб, иқтисодий прогнозлашнинг вазифаси, бир томондан борлиқнинг ҳақиқий жараёнларга амал қилган ҳолда тадқиқот соҳасида яқин ёки узоқ келажаги истиқболни аниқлаш, иккинчи томондан, тузилган прогноз ва прогноз даврида қабул қилинган қарорларнинг оқибатлари нуқтаи назаридан уларни баҳолашга таянадиган оптимал жорий ва истиқболли режаларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Иқтисодий прогнозлаш кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жараёнларнинг энг муҳим қонуниятларини тадқиқ этишга асосланган. Унинг назарий асоси ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг объектив қонуни тўғрисидаги фан сифатида сиёсий иқтисодидан иборат.

9.3. Иқтисодий ўсишни таҳлил қилиш моделлари тушунчаси, унинг моҳияти ва функцияси

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётни, келажакни баҳоламасдан унинг ривожланиш истиқболини прогнозлашсиз тасаввур қилиш қийин. Режали ижтимоий ҳўжалик юритиш шароитида иқтисодий прогнозлар жамият

ривожланишининг мумкин бўлган мақсадларни уларга эришишни таъминловчи иқтисодий ресурсларни, узоқ муддатли, ўрта муддатли ва жорий режаларнинг эҳтимол бўлиши мумкин бўлган ва иқтисодий жиҳатдан самарали вариантларни аниқлаш учун, иқтисодий ва техник сиёсатининг асосий йўналишларини асослаш, қабул қилинаётган қарорларнинг натижаларини прогнозлаш ва ҳар бир муайян вақтда аниқ тадбирларни, фаолиятни амалга ошириш учун зарур ҳисобланади. Бозор ислохотлари ва илмий-техник тараққиётни такомиллаштириш шароитида прогнозлаш ижтимоий ривожланишининг стратегия ва тактикани шакллантиришнинг ҳал қилувчи илмий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Инсоннинг ақлий фаолияти мобайнидаги энг асосий ва муҳим жиҳатлардан бири – бу келажакни олдиндан башорат қилишдир.

Бугунги кунда олдиндан башорат қилишнинг икки хилдаги кўриниши мавжуд – илмий башоратлаш ҳамда илмий асосланмаган башоратлаш. Илмий асосланмаган башоратлаш – инсоннинг топқирлиги, сезгирлиги билан боғлиқ бўлган башоратлашларни ўз ичига олади.

Илмий башоратлашнинг оддий башоратлашдан принципиал фарқи шундаки, илмий башоратлаш орқали келажакда содир бўлиши мумкин бўлган воқеа-ҳодиса тўғрисида ишончлироқ ва аниқроқ маълумотга эга бўлиш мумкин. Бу орқали эса амалиётда энг муҳим ва мақсадга мувофиқ қарорларни қабул қилиш имкониятига эга бўламиз. Илмий башоратлашнинг хилма-хил шакллари орасида энг кўп тарқалган турларидан биттаси ***прогнозлаштириш*** ҳисобланади.

Прогноз шу пайтгача ҳеч бир тил тизимида ҳали кузатилмаган эҳтимолли воқеани атамалар орқали қайд этишга, бирор бир объект, жараён, ҳодисанинг ҳолатини узоқ ёки яқин келажак учун қайд этишга ёрдам беради.

Прогнозни ишлаб чиқишда текширилган, аниқ ва зиддиятга учрамайдиган прогнозлаштириш методидан фойдаланиш лозим. Ана шундагина, прогнозни шахсий интуитив тарзда эмас, балки илмий асосланган тарзда ишлаб чиқилганлигини этироф этиш мумкин. Қолаверса,


прогнозлаштирилган воқеа-ҳодисанинг реализациясини келажакда текшириш усуллари ҳам аниқ бўлиши шарт.

Шундай қилиб, **прогноз** – бу келажакда, маълум бир муддат оралиғида объект, ҳодиса ёки жараёнларнинг ривожини самараси ҳамда уларнинг эҳтимолли йўналишлари тўғрисидаги илмий-услубий асосланган мулоҳаза ҳисобланади.

Прогнозлаштириш соҳаси кенг қамровли ва хилма-хилдир. Бугунги кунда географик, геологик, экологик, тиббий прогнозлаштириш, илм-фан ва техника прогнози, иқтисодий, социологик, ҳарбий прогнозлаштириш, ташқи-сиёсий, юридик, маданий-эстетик ва бошқа турдаги прогнозлаштириш соҳаларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий прогнозлаштириш ўз ичига тўлиқ иқтисодиёт тараққиётини ўз қамровига олган ҳолда, унинг тармоқлари, ҳудудлари, илмий-техникавий тараққиёти, аҳоли ва турмуш даражаси, ресурслари ва истеъмоли, ташқи-иқтисодий конъюктураси ҳамда экологияси ва шу каби қисмларини ҳам ўз ичига олади. Шунга ўхшаш прогнозлаштириш классификациялари тўғрисида кейинчалик батафсил тўхталиб ўтамиз. Ҳозирча эса, ишлаб чиқаришни бошқариш тизимида прогнозлаштиришнинг функционал хусусиятлари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтсак. 1-расмда ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнини амалга оширишда мақсад ва ресурслар ўртасидаги таққослаш ҳисобга олинган функционал схема келтириб ўтилган.

Изоҳланаётган жараёнда 1-босқич бўлиб прогнозлаштириш ҳисобланади. Прогноз – мақсадли дастурлар орқали жамиятнинг эҳтиёжларини қондириш, уни кенгайтириш ва халқ ҳўжалигининг ресурслар базасидан фойдаланишга таяниб, иқтисодиётни ривожлантириш йўлларини очиб беради. Прогнозлаштириш функциясининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради: иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник жараёнлар ва тенденциялардан ташкил топган илмий анализ; муаммоларни, вазиятларни, келажакдаи ривожланиш тенденцияларини эҳтимолли ва кўп вариантли башорат қилиш; ушбу жараёнларга фаол таъсир этувчи имконият ва натижалар баҳоси ва танлови.



9.3.1-расм. Ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнининг динамик схемаси

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг самарали ва рационал вариантлари ҳақидаги прогноз ахборотлари мақсадли-дастурий методларга таянувчи комплекс дастурлар ишлаб чиқарилиши асосига қурилади. Прогнозлар каби дастурлар ҳам аниқ мақсадлар ва ресурсларни солиштиришни ҳисобга олиш орқали, уларни сўнгги ишлаб чиқариш комплексларига етиб боришигача бўлган асосли режалар ишлаб чиқишни таъминлайди.

Келтирилган схема мустақил мазмунни англатмайдиган, режа олди материали сингари прогноз ҳақида мулоҳаза юритишга олиб келиши мумкин. Бежиз бизнинг барча иқтисодий адабиётларимизда олтмишинчи йилларгача “прогнозлаштириш” атамасидан, уни планлаштиришдан ажратмаслик мақсадида, йироқ бўлишган. Албатта, прогнозлаштириш – иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида бутун бошли режали бошқарув тизимининг таркибий қисмига айланган, аммо унинг ўзига хос хусусияти, ўз методлари ва тўлиқ мустақил мазмуни ҳам мавжуд. Прогноз ҳамда режа ўртасидаги муҳим фарқларни кўриб чиқишнинг ўзи кифоя.

Режа – бу бажарилиши шарт бўлган, бир маъноли директив ҳужжат. **Прогноз** – бу одатда кўп вариантли, мажбурий бўлмаган, эҳтимолли мулоҳаза. Режани аниқ ифодаланган мақсад, қатъий чегараланган ресурслар ажратиб туради. Прогноз учун хос бўлган хусусиятлар: мақсадлар – назарий жиҳатдан эришиладиганлари, йўл ва воситалар – эҳтимоллилари, ресурслар – мавжудлари.

Шу ўринда баъзи бир бошқа фарқлари ҳам юзага келади. Режа мажбурий ҳужжат сифатида фақатгина бошқариладиган жараёнларга тегишли бўлиши шарт. Прогноз эса бошқариладиган жараёнларни ҳам, бошқарилмайдиган жараёнларни ҳам, ёки қисман қисман бошқариладиган жараёнларни ҳам қамраб олиши мумкин. Айтайлик, ишлаб чиқариш – бу шундай тизимки, уни прогнозлаштириш ҳам, режалаштириш ҳам мумкин. Қисман бошқариладиган жараёнлар ҳам оз эмас. Уларга демографик, илмий-техник, ташқи иқтисодий жараёнлар, аҳолининг талаби ва таклифи ва бошқалар. Уларга маълум миқдорда таъсир этиш мумкин, демакки, қисман режалаштириш ҳам мумкин, бироқ тўлиқ ҳолда уларни фақатгина прогноз қилиш мумкин ҳолос.

Бошқа фарқларига келсак, улар олдини олиш (огоҳлантириш) вақтига тааллуқли. Режанинг директивлик хусусияти режалаштириш муддатини қоида бўйича беш йилга чеклайди. Вақт бўйича прогноз имкониятлари доираси чегараланмаган, аммо амалий жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, илмий асосланган прогнозлар (илмий фантастикадан фарқли ўлароқ) юзлаб йиллар давом этмайди албатта.

Ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёни схемасида прогнозлар ва режалар орасида дастурлар жойлаштирилган бўлиб, ўз моҳиятига кўра ҳам улар оралик характерга эга. Директивлик нуктаи назардан улар режаларга яқин, аммо вақт бўйича олислик ҳамда чексизлик бўйича прогнозларга яқиндирлар. Ахир одатда режалар тармоқлар, ҳудудлар ва беш йиллик муддатлар орқали аниқлаштирилган бўлади. Дастурлар кўпинча тармоқлараро, ҳудудлараро ҳамда кўпйиллик бўлишади.

Ишлаб чиқаришни бошқариш фақатгина оптимал қарорларни танлаш ва амалга оширишни таъминлаши лозим, чунки жамият учун бугун асоссиз қарор

қабул қилинганлиги оқибатида потенциал зарарнинг қиймати келажакда кўп қарралади миқдорда ошади.

Хўжалик юрителининг ҳозирги шароитлари прогнозлашнинг миқёсини максимал даражада кенгайтириш, прогнозларни ишлаб чиқиш методологиясини ва услубиятини янада такомиллаштиришни талаб этади. Ижтимоий ривожланиш жараёнларини прогнозлаш даражаси қанчалик юқори бўлса, жамиятда ушбу жараёнларни режалаштириш ва бошқариш шунчалик самарали кечади.

Прогноз деб келажакда объектнинг эҳтимол ҳолатлари, муқобил йўллари ва уларни амалга ошириш муддатлари тўғрисида илмий асосланган фикр-мулоҳазаларнинг миқдори тушунилади. Прогнозларни ишлаб чиқиш жараёни прогнозлаш деб аталади.

Прогнозлаш ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида уларнинг назария ва амалиётини боғловчи муҳим занжири ҳисобланади. У иккита турли кўринишдаги аниқлаштириш ҳолатларига эга: башорат қилиш (тавсифлаш) ва бошқа у билан боғлиқ бўлган, яъни бошқариш тоифасига кирадиган олдиндан белгилаш (кўрсатма бериш). Прогнозлаш эҳтимол ва исталган истиқболни, ҳолатларни, келажакдаги муаммоларнинг ечилишини тавсифлашни назарда тутди. Кўрсатма бериш эса ушбу муаммолар ечимининг ўзи бўлиб, мақсадга мувофиқ фаолиятида келажак тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланишни назарда тутди. Прогнозлаш муаммоларида иккита жиҳатлар: назарий-билимга оид жиҳатни ҳамда олинган билимлар асосида бошқарув қарорларни қабул қилиш имкониятлари билан боғлиқ бўлган бошқарув жиҳатини алоҳида ажратиш лозим бўлади.

Ижтимоий ривожланишни прогнозлашнинг энг муҳим йўналишларидан бири иқтисодий прогнозлаш ҳисобланиб, у илмий иқтисодий фан бўлиб, унинг объекти муайян кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёни, предмети эса истиқболда фаолият кўрсатаётган иқтисодий объектларнинг эҳтимол ҳолатларини билиш, иқтисодий прогнозларни ишлаб чиқиш қонуниятларини ва услубларини тадқиқ этишдан иборат.

Макроиктисодий прогнозлаш бозор ислохотлари шароитида жамият ривожланишининг қонуниятларини билиш, ижтимоий-иктисодий ва илмий-техник тараққиёт тенденцияларини аниқлаш соҳаларидаги ютуқларига асосланади. Иқтисодий прогнозлашни такомиллаштириш, ишлаб чиқиладиган прогнозларнинг ҳаққонийлигини оширишда ҳар қандай табиатига мансуб объектларни ривожлантириш прогнозларни ишлаб чиқиш қонуниятлари ва услубларини ўрганадиган илмий-амалий фан, яъни прогностика, шунингдек, унинг муҳим соҳаси ҳисобланган иқтисодий прогностика муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридан келиб чиққан ҳолда макроиктисодий прогнозлашга қуйидаги тарифни бериш мумкин.

Макроиктисодий прогнозлаш иқтисодий ҳодисаларни билишнинг илмий усуллари ва иқтисодий прогностиканинг усуллари, воситалари ва услублари йиғиндисидан фойдаланишга асосланган макроиктисодий прогнозларни ишлаб чиқиш жараёни ҳисобланади.

Прогнозлаш, шу жумладан иқтисодий прогнозлаш, янада кенроқ тушунчага эга, яъни табиат, жамият ва фикрлаш қонуниятларини билишга асосланган борлиқни башоратлаш билан боғлиқ. Аниқлилик даражаси ва тадқиқ этиладиган жараёнларни амалга оширишга таъсир этиш ҳарактерига қараб унга башоратлаш шакли ажратиб қўйилади: гипотеза (умумилмий башорат), прогноз ва режа.

9.4. Прогнозлаштириш объектининг тизимли таҳлили

Прогнозлаштириш жараёнида, прогноз учун керакли бўлган топшириқларни ишлаб чиқиш, ҳар томонлама прогнозлаштириш объекти таҳлилини амалга ошириш шарт. Ушбу анализ объектнинг аниқланиши ва тадқиқот предметини, унинг прогнозлаштириш мақсади ва вазифасини, ташқи манбаларга боғлиқлигини, тузилишини, ишлаш механизми ҳамда улар устидан бошқарув кабиларни ўзида мужассам этади. Расмий нуқтаи назардан қараганда, объектни изчил тадқиқ қилиш – оптимал альтернатив танловни

амалга оширишга ҳамда объектни бошқарувчи алтернатив таъсирларнинг намоён бўлишига, шунингдек, унинг келгуси коррективкаланган моделларининг тузилишига олиб келади.

Биз ижтимоий-иқтисодий тизимларни кўриб чиқамиз, уларнинг таҳлили эса прогнозлаштириш объекти сифатида қаралганда анча мураккаб, чунки улар мураккаб тизимлар тоифасига киради. Мураккаб объектларни таҳлил қилиш учун сўнгги ўн йиллар давомида пухта ишлаб чиқилган назариялар тизимидан, тизимли таҳлилдан фойдаланиш лозим.

Тизим бир-бирига ўзаро таъсир этувчи элементлари, уларнинг хоссалари ва алоқалари мавжуд бўлган бутун бир комплекс сифатида қаралиши мумкин.

Умуман олганда тизим – бу моддий дунёда элементлари мавжуд бўлган, бутун бир комплекснинг объектив мавжудлигига асосланган илмий абстракция. Тизимнинг мураккаблигига оид фараз фақатгина унинг элеменларига эмас, балки улар ўртасидаги кўп тармоқли ҳамда кўп қиррали алоқаларга, тизимнинг бутунлигига доир махсус хусусиятларнинг намоён бўлишига ва унинг кутилаётган ҳолатига боғлиқ. Бу орқали мураккаб тизимни ҳам элементларнинг катта миқдори, ҳам уларнинг хилма-хил алоқалари аниқлайди.

Мураккаб тизимнинг хусусиятларини таърифлашда, аввало, унинг яхлитлик хусусиятидан бошлаймиз. Мураккаб тизим таркибидаги бирор бир элемент (қисм)ларда мавжуд бўлмаган хусусиятларни намоён қилади. Демак, мураккаб тизим унинг таркибини ташкил этувчи қисмлар ва уларнинг хусусиятлари миқдорига қараганда кўпроқ жиҳатларни намоён этади. Мураккаблик ва яхлитликнинг ўзи тизимнинг янгича хусусиятларини вужудга келтиради.

Мураккаб тизимлар мақсадли йўналтирилган бўлишади. Мақсадли йўналтирилган тизим учун у қандай ҳолатда эканлиги, у ёки бу ҳолатда мақсадга эришиш йўли, энг маъқул бўлган ҳолатга эришиш кабилар аҳамиятсиз эмас. Мавжудлилик мақсадларини, тизимнинг ривожланишини тадқиқ қилиш – илмий-асосланган прогнозлаштиришнинг энг асосий нуқтаъи назарларидан биридир. Тизимни тадқиқ қилиш методологиясининг асосий хусусиятларидан

бири уларнинг таҳлиliga функционал жихатдан ёндашишдир. Тизимнинг функцияси ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш йўлида унинг ҳолати ва унинг барча элементларининг ўзаро, узлуксиз таъсирида намоён бўлади. Тизим ташқи муҳит билан ўзининг кириш ва чиқишлари билан боғланган. Фараз қилайлик, бизга маълум бир t вақтдаги ҳолатни тавсифловчи учта вектор маълум:

кириш ҳолати вектори $X_t = (x_1, x_2, \dots, x_m)_t$;

чиқиш ҳолати вектори $Y_t = (y_1, y_2, \dots, y_n)_t$;

тизимнинг ички ҳолати вектори $S_t = (s_1, s_2, \dots, s_k)_t$.

Тизимнинг функцияси, унинг табиати чиқиш ҳолати вектори Y_t орқали характерланади. Агар чиқиш ҳолати векторлари t тизимнинг кириш ҳолати векторлари ва унинг ички ҳолатлари ёрдамида аниқланаётган бўлса, у ҳолда $Y_t = f(X_t, S_t)$ кўринишидаги боғланишга эга бўламиз. Бундай функцияларнинг келтирилиб чиқарилиши мураккаб тизимни прогнозлаштиришда жуда қўл келади, чунки одатда кутилаётган ёки эришиш мумкин бўлган тизимнинг кириш ҳолати ва ички ҳолатига боғлиқ ҳолда чиқиш ҳолати прогноз қилинади. Жумладан, бундай ёндашувга прогнозлаштиришнинг эконометрик модели асосланади (5-бўлимга қаранг).

Функционал ёндашувнинг муҳимлигига қарамай, у мураккаб тизимни тадқиқ қилиш имкониятларини батамом ниҳоясига етказмайди. Тизимли таҳлилда ушбу тамойил тизимларнинг функцияларини тадқиқ қилишдан уларнинг тузилмаларини ўрганишга ўтиш орқали аниқлаштирилади. Тузилмавий таҳлил тадқиқ қилиш имкониятларини сезиларли тарзда кенгайтиради. Ушбу таҳлил – тизимнинг ишлаш механизмини, унинг кўплаб ички ҳолатларига боғлиқ табиатини чуқур англаб етишга имкон яратади. Қолаверса, унинг тузилмасини билиш орқали тизимнинг қандай ички ва кириш ҳолатларида мақсадга мувофиқ чиқиш ҳолатларига эришиш мумкинлиги тўғрисида баҳо бериш, шунингдек, тизимнинг мақсадли функцияси амалга оширилади.

Биз юқорида тизимни бир-бирига ўзаро таъсир этувчи элементлари, уларнинг хоссалари ва алоқалари мавжуд бўлган бутун бир комплекс сифатида қаралиши мумкин дея эътироф этдик.

Ҳар қандай мураккаб тизимни баъзи бир тизимости қисмларга ажратиш мумкин. Худди шундай, халқ хўжалигининг тизимости қисмларига саноат корхоналари тармоқларининг тизимости қисмлари – цехлар ва ҳоказолар киради. Тизимни бўлакларга ажратиш турли хил деталлаштириш даражаларида амалга оширилади. Тизим элементи деганда шундай элемент тушуниладики, бунда тадқиқот натижасида уни бошқа ҳеч қандай ташкил этувчи бўлакларга ажратиш имкони бўлмаган, бўлинмас тизимости қисмга айтилади.

Тузилмавий таҳлил энг аввало, тизимни ташкил этувчи элементлар ва тизимости қисмларни намоён этишга кўмак беради. Мураккаб тизим элементлари бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлиб, бу боғлиқликларнинг ҳам белгиланиши, ҳам тадқиқ этилиши тизим таҳлилининг аҳамиятга молик жиҳатлари сирасига киради.

Тизимнинг тузилмавий таҳлили уларнинг иерархик тушунчасига олиб келади. Ҳар бир мураккаб тизимда кўплаб кирувчи қисмларни ажратиш мумкин бўлиб, унинг ўзи, ўз навбатида янада кенгроқ супер тизимнинг тизимости бўлаги ҳисобланади. Айтайлик, саноатнинг бирор бир тармоғини тадқиқ этиш давомида шуни унутмаслик керакки, унинг тизимостида кўплаб бирлашмалар ва корхоналар хизмат кўрсатишади. Тармоқнинг ўзи эса бутун бир халқ хўжалигини ёки саноатни қамраб олувчи супер тизим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам объектни тизимли прогнозлаштириш учун, аввало, у яхлит ва мақсадли йўналтирилган комплекс сифатида, икинчидан, супер тизимнинг янада кенгроқ бўлаги сифатида, учинчидан эса кўплаб элементлар ва тизимости қисмлардан ташкил топган, мураккаб тузилишга эга бўлган тизим сифатида кўриб чиқилмоғи лозим. Бу объектни уч даражали, балки ундан ҳам кўпроқ даражали тавсифлаш ҳисобланади.

Тизимлар детерминлланган ва кутилаётган (эҳтимолли) бўлишади. Детерминлашган тизим сўзсиз маълум бир ташқи куч натижасида

таъсирланади. Тизимда битта таъсирнинг эҳтимоллилиги турли хилдаги, ҳар бири бошқа бир эҳтимоллиликтан сўнг келувчи натижаларга олиб келиши мумкин. Мураккаб тизимлар, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий тизимлар – бу аксар ҳолларда эҳтимолли тизимлардир.

Ушбу тизимларни одатда тўлиқ тавсифлаб бўлмайди. Буни назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам бажариб бўлмайди. Айтайлик, замонавий корхонанинг бир кунлик иш кунини барча технологик, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, психологик ва бошқа амалдаги факторлардан фойдаланган ҳолда тўлиқ тавсифлаш – бу ишончли тўплам яратиш билан баробардир; ундан фойдаланмасдан туриб, уни ёзишнинг иложи бўлмаган бўларди.

Мураккаб тизимлар – эҳтимолли бўлишади ва уларни тўлиқ таърифлаб бўлмайди. Шунинг учун уларни бошқаришда, шу жумладан, прогнозлаштиришда тўлиқ бўлмаган, қисман аниқ, ишончли бўлмаган маълумотлардан фойдаланишга тўғри келади.

Хуллас, **мураккаб тизим** – бу мақсадли йўналтирилган, иерархик (ўз навбатида яхлит), эҳтимолли, одатда тўлиқ ва ишончли бўлмаган маълумотлар асосида бошқариладиган тизим. Шу ердан прогнозлаштириш усулларини ривожлантириш муаммоларига тизимли ёндашишнинг муҳим хусусиятлари келиб чиқади.

9.5. Прогноз турларининг классификацияси

Иқтисодий прогнозлашнинг энг муҳим назарий муаммоларидан бири прогноз типологиясини тузиш ҳисобланади. У турли мезон ва белгилар (прогнозлашни ташкил этиш мақсади, вазифалари, объекти, усуллари ва х.к.) ёрдамида тузилиши мумкин. Уларнинг энг муҳими қуйидагилар ҳисобланади: прогнозлашнинг миқёси, олдини олиш вақти, объектнинг тафсилоти, прогнознинг функцияси.

Прогнозлашнинг миқёси бўйича прогнозлар қуйидагиларга бўлинади: макроиқтисодий ва таркибий (тармоқлараро ва ҳудудлараро) прогнозлар, иқтисодий мажмуалари (ёқилғи-энергетика, агросаноат,

инвестицион, ишлаб чиқариш инфратузилма, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси)ни ривожлантириш прогнозлари, тармоқ ва ҳудудий прогнозлари, иқтисодиёт тизимининг бирламчи бўғинлари (корхона. ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда алоҳида ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар) прогнози.

Прогнозлар вақт даврийлиги бўйича тезкор, қисқа муддатли, ўрта муддатли, узоқ муддатли ва олис муддали прогнозларга бўлинади. Тезкор прогноз бир ойгача, қисқа муддатли бир ойдан бир йилгача, ўрта муддатли бир йилдан беш йилгача, узоқ муддатли беш йилдан ўн беш то йигирма йилгача, олис муддатли эса ушбу муддатдан ортиқ бўлган даврга тузилади.

Санаб ўтилган прогноз турлари шунингдек тадқиқ этилаётган жараёнларни баҳолаш моҳияти ва тавсилоти билан бир-биридан фарқ қилади. Тезкор прогнозлар прогноз даврида тадқиқ этилаётган объектда миқдор ва сифат жиҳатдан ҳеч қандай сезиларли ўзгаришлар содир бўлмайди деган тахминларга асосланади. Уларда кутилаётган воқеаларнинг аниқ миқдорий баҳолаш устун туради. Қисқа муддатли прогнозлар фақатгина миқдорий ўзгаришларни назарда тутди. Унга мувофиқ ҳолда воқеаларнинг баҳоланиши ҳам миқдорий тарзда амалга оширилади. Ўрта муддатли ва узоқ муддатли прогнозлар тадқиқ этилаётган объектда миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгаришларга таянади, шунда ўрта муддатли миқдорий ўзгаришлар сифатли ўзгаришлардан устун туради. Ўрта муддатли прогнозларда воқеаларнинг миқдорий-сифат, узоқ муддатли прогнозларда эса сифат-миқдорий баҳолаш амалга оширилади. Узоқ муддатли прогнозлар фақатгина сифатли ўзгаришларга таянади, бу ерда фақатгина тадқиқ этилаётган объект ривожланишининг умумий қонуниятлари тўғрисида гап боради. Бунда прогноз қилинаётган воқеаларни баҳолаш шакли сифатли ҳисобланади.

Тадқиқ этилаётган объектнинг тафсилотига қараб прогнозларнинг бўлиниши такрор ишлаб чиқариш жараёнининг турли жиҳатлари билан боғлиқ. Ушбу белги бўйича қуйидаги иқтисодиёт прогнозлари ажралиб туради: ишлаб чиқариш муносабатларнинг ривожланиши; ижтимоий-иқтисодий асослари ва илмий-техник тараққиётининг оқибатлари; ўсиш

динамикаси (унинг суръати, омиллари ва тузилмалари); меҳнат ресурсларнинг такрор ишлаб чиқариши, бандлилиги ва кадрларни тайёрлаш; табиий ресурслардан иқтисодий фойдаланиш; асосий фондлар ва сармоя қўйилмаларининг такрор ишлаб чиқариши; аҳолининг ҳаёт тарзи; молиявий муносабатлар, даромад ва нархлари; ташқи иқтисодий алоқалар ва бошқалар.

Ушбу санаб ўтилган йўналишлардан ҳар бири алоҳида аҳамиятга эга ва мустақил тарзда ишлаб чиқилиши мумкин. Шу билан бирга улар ўртасида халқ хўжалигини прогнозлашнинг илмий тавсилотини таъминловчи методологик ҳамжиҳатлилиги мавжуд. Иқтисодий прогнозлаш ҳамжиҳатликда бошқа прогнозлашнинг турлари (ижтимоий, сиёсий, демографик, илмий-техник, табиий ресурсларни прогнозлаш ва шу каби) билан бирга амалга оширилади. Ушбу прогноزلарнинг натижалари халқ хўжалиги ва иқтисодий прогнозлашнинг бошқа турларида инобатга олинади. Ўз навбатида иқтисодий прогнозлар бошқа барча ижтимоий жараёнларнинг прогнозлаш ва режалаштиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Турли хил прогнозларнинг алоқаси уларни ишлаб чиқиш кетма-кетлигида ҳам ўз ифодасини топади. Хусусан, иқтисодий прогнозлар илмий-техник тараққиёти, табиий ресурслар, демографик жараёнлар ва ҳ.к. нинг прогнозларидан кейин ишлаб чиқилади.

Прогнознинг функцияси (прогнозлаш йўналишлари) бўйича прогнозлар иккита турга бўлинади: қидирув ва меъёрий прогнозлар.

Қидирув прогнози тадқиқ этилаётган объектнинг ўтган ва ҳозирги ривожланиш тенденцияларининг келажакда шартли равишда давом этишига асосланган ҳамда ушбу тенденция (режа, дастур)ларни ўзгартира оладиган шароитлардан четланади. Унинг вазифаси - тадқиқ этилаётган объектнинг мавжуд тенденцияларини сақлаган ҳолда қай тарзда ривожланишини аниқлашдан иборат. Меъёрий прогноз қидирув прогнозидан фарқли уларок олдиндан белгиланган мақсадлар базасида ишлаб чиқилади. Унинг вазифаси – прогнозлаш объектининг истиқболда мумкин бўлган ҳолатларига эришиш йўллари ва муддатларини аниқлашдан иборат. Қидирув прогнози объектнинг

келгуси ҳолатларини аниқлашда унинг ўтган ва ҳозирги ҳолатлардан четланса, меъёрий прогноз эса тескри тартибда амалга оширилади: келажакда белгиланган ҳолатдан тортиб то ҳозирги тенденция ва қўйилган мақсадлар доирасида уларни ўзгартиришгача.

Прогнознинг иккала тури амалиётда прогнозлашнинг бир йўла йўналиш ва ёндошувлари сифатида номён бўлади ва биргаликда фойдаланилади. Уларнинг уйғунлиги қўйилган мақсадларга эришиш учун режалаштиришнинг дастаги сифатида прогнозлашнинг ундайдиган роли яққол намоён бўлади. Прогнозлашнинг ундайдиган функцияси прогнознинг, у башоратлашнинг дастлабки сабабларига таъсир этиш самарасини юзага келтиради. Таъсир этиш самараси ҳам ижобий (прогноزلарни амалга оширишни тезлаштиришга кўмаклашади), ҳам салбий (уни амалга оширишга тўсқинлик қилади, айрим ҳолларда эса прогнознинг барбод бўлишига сабаб бўлади). Бу шу билан изоҳланадики, прогнознинг мақсадларга эришиш уни олиб боришнинг объектив шароитларига тўғридан-тўғри боғлиқлик билан амалга оширилади. Агар прогноз объектининг ривожланиши етилган шароитларга жавоб берса, у амалиётда самарали амалга оширилади. Акс ҳолда прогнознинг ушбу шароитларга мос келмаслиги унинг амалга оширилишига салбий таъсир кўрсатади. Прогноزلарни амалга ошириш учун шароитларнинг ўзаро боғлиқлигига қарор қабул қилиш билан боғлиқ прогнозлашнинг ўзаро алоқаси ҳам таъсир кўрсатади. Қарорлар одатда прогнозлашнинг маълумотлари асосида қабул қилинади. Ўз навбатида қабул қилинган қарорлар прогнозларнинг амалга ошириш натижаларига таъсир кўрсатади. Шу боис прогнозлаш ва қабул қилинган қарорларнинг ўртасида номувофиқликни олдини олиш учун прогнозни тизимли тўғрилаш, шу жумладан прогнозлаш объектининг ривожланиш мақсадини уни бажарилиши билан таққослаш йўли билан амалга ошириш лозим.

Прогнозлар типологияси, шунингдек, келажак тўғрисидаги ахборотнинг манбалари ва прогнозлашнинг услублари каби масалалар билан узвий боғланган. Прогноз ахборотларнинг манбалари уч турга бўлинади: тўпланган

тажриба (тадқиқ этилаётган ҳодиса, жараён, воқеаларнинг кечиши ва ривожланишининг қонуниятларини билишга асосланган); мавжуд тенденцияларнинг экстраполяцияси (ривожланиш қонуни ўтган ва ҳозирги пайтда маълум); прогноз қилинаётган объектлар бўйича моделларни кутилаётган ёки белгиланган шароитлар учун тузиш. Ушбу ахборот манбалари доирасида бир-бирини ўзаро тўлдирувчи прогнозлашнинг учта услуби мавжуд: экспертли (дастлаб ахборотларни –сўровнома, интервью, саволнома –йиғиш ва уни қайта ишлашга ҳамда прогноз учун қўйилган вазифаларга нисбатан эксперт(лар) фикрларига асосланган), экстраполяция –объектнинг кутилаётган ривожланишини ўрганиш ва ушбу ривожланишнинг қонуниятларини ўтган ва ҳозирги даврдан келажакка ўтказилиши; моделлаштириш – прогноз қилинаётган объектнинг кутилаётган ва белгиланган ўзгариши доирасида унинг қидирув ва меъёрий моделларини тадқиқ этиш. Прогнозлаш амалиётида санаб ўтилган барча ахборот манбаларидан ва прогнозларнинг барча услубларидан биргаликда фойдаланилади.

9.6 Иқтисодий прогнозлаш моделларининг турлари

Иқтисодий ва ижтимоий прогнозлашда турли моделлардан кенг фойдаланилади. “Модель” сўзи латинча “modulus” сўзидан келиб чиқиб, ўлчам, намуна деб англатади. “Модель” фанда тадқиқот объектининг қандайдир шартли шакли, прогнозлашда эса иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни билдиради.

Модель иқтисодий прогнозлашнинг, тадқиқот қилинаётган жараёнларни илмий жиҳатдан билиш дастаклардан бири ҳисобланади. Моделлаштириш жараёнининг мазмунига объект ёки жараённи дастлаб ўрганиб олиш, унинг муҳим тавсилотларини ёки белгиларини аниқлаш асосида моделларни тузиш, моделларни назарий ва синовли таҳлил қилиш, моделлаштириш натижаларни объект ёки жараён тўғрисидаги ҳақиқий маълумотлар билан таққослаш, моделни тўғрилаш ва аниқлаштириш кабилар киради.

Прогнозлашнинг алоҳида моделлари ва моделлар тизимига қўйиладиган талаблари моделлар ишлаб чиқиши мумкин ва лозим бўлган усуллари танлаш ва улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш усул ва воситалар натижасида вужудга келади. Ушбу талаблар асосан қуйидаги ҳолатларни назарда тутди:

-услугият мазкур прогноз учун муайян тузилмага эга бўлган кириш маълумотининг тавсифи ва кўрсаткичлари тўғрисида етарли даражада кенг тахминларда алоҳида прогнозларни тузишга имкон берадиган қоида (алгоритм)ларнинг кетма-кетлигини аниқ изоҳлаб бериши лозим;

-услугият одатда прогноз вариантлар бўйича ўзгарадиган, бир хил бўлмаган ва катта ҳажмдаги маълумотлардан келиб чиқиб ўз вақтида ва кўп маротаба ҳисоб-китобларни олиб боришга имкон берадиган усул ва техник воситаларини қўллаши лозим;

-ўхшаш услубиятларда прогноз қилинаётган жараён ва кўрсаткичларнинг мураккаб, кўп омилли алоқалар ҳисобга олиниши лозим. Ушбу шароитларда муҳим ва турғун қонуният ва тенденцияларнинг аниқланиши таъминланиши лозим. Ушбу аниқлаш жараёни бошланғич материалларда ҳам, услубият маълумотлари бўйича олинадиган натижаларни ва у билан боғлиқ бўлган моделлар мажмуаси бўйича уларнинг ҳисоб-китобларини таҳлил қилиш жараёнида ҳам зурур ҳисобланади;

-тизимдаги алоҳида прогнозларнинг мувофиқлигитаъминланиши лозим. Прогнозлар тизими зиддиятсизлик бўлиши лозим. Математик усуллардан фойдаланиш илмий-техник тараққиёти прогнозининг асосланганлиги, амалиётлилиги ва ўз вақтлилигига нисбатан юқори талабларга жавоб берадиган прогнозлаш усуллари ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш учун зарур шароитлар ҳисобланади.

Иқтисодий, ижтимоий жараёнлар ривожланишининг қонуниятларини ўрганиш воситаси иқтисодий-математик модели ҳисобланади. Иқтисодий-математик модели ўз моҳиятига кўра иқтисодий тизимни ҳосил қилувчи

элементларининг асосий ўзаро алоқасини изоҳлаб берувчи расмийлашган нисбатлар тизимини ифодалайди.

Эконометрик турдаги иқтисодий-математик моделлар тизими иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг нисбатан мураккаб жараёнларини изоҳлаш учун хизмат қилади. Эконометрик моделлаштириш ретроспективга оид статистик ахборотларни қайта ишлаш, алоҳида ўзгарувчан кўрсаткичларнинг миқдорларини ва уларнинг ўлчамларини баҳолашга асосланган.

Иқтисодий-математик модели масалан қуйидагича ифодаланилиши мумкин $Z = aX$. Бу модел мисол тариқасида у ёки бу буюмни тайёрлаш учун талаб қилинадиган материалларга бўлган прогноз талабларини аниқлашда қўлланилиши мумкин. Бу ҳолатда X – буюмлар сони, a – битта буюм учун материал сарфланиш меъёри, Z – материалларга бўлган умумий эҳтиёжи.

Иқтисодий-математик модели, агар бир нечта тур буюмларни тайёрлаш учун материалларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш керак бўлса, мураккаб кўринишга эга

бўлади: $Z = a_1X_1 + a_2X_2 + a_3X_3 + \dots + a_nX_n$ ёки $Z = \sum_{i=1}^n a_iX_i$, бу ерда $n = 1, 2, 3, \dots, n$. Ушбу модель материалларга бўлган эҳтиёжнинг икки гуруҳ омилларга боғлиқ эканлигини кўрсатиб турибди: тайёрланаётган буюмлар сони ва буюм учун материаллар сарфланиш меъёри. Бундай модель дескриптив (лотинча “desckribo”) деб аталади.

Иқтисодий ва ижтимоий парогнозлаш моделларининг айрим турлари оптималлаштириш мезони ёки энг яхши кутилаётган натижага қараб таснифланиши мумкин. Хусусан, иқтисодий-математик моделлар (унда харажатлар минималлаштирилади) ва масалан имкон қадар кўп маҳсулот олишга қаратилган моделлар ажратилади.

Вақт омилини ҳисобга олган ҳолда моделлар статистик (яъни моделда режали давр мобайнида муайян бир вақт кесими учун чегаралар қўйилган ва бу шароитларда харажаталар минималлаштириладиган ёки якуний натижа максималлаштирадиган ҳолатлар мавжуд) ёки динамик (бу ҳолатда чегаралар

бутун режали давр учун самарани худди шундай минималлаштириш ёки макисмаллаштириш шароитида бир нечта вақт кесими учун ўрнатилган).

Қуйидаги эконометрик моделларни ажратиб олиш мумкин: омилли, таркибли ва комбинацион. Битта модел тури турли иқтисодий объектларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Агрегирлашган даражасига қараб иқтисодиётни ривожланишининг кўрсаткичларини макроиқтисодий, тармоқлараро, ҳудудлараро, тармоқли, ҳудудий моделларга бўлинади. Иқтисодиётни ривожлантириш жиҳатлари бўйича асосий фондларни, меҳнат ресурсларни такрор ишлаб чиқариш, молия тизими ва нарх шакллантириш ҳамда бошқа моделлар ажралиб туради.

Омилли моделлар у ёки бу иқтисодий кўрсаткичнинг даражаси ва динамикаси ҳамда унга таъсир этувчи иқтисодий кўрсаткичлар-далилларнинг даражаси ва динамикасига бўлган нисбатларини изоҳлайди.

Эконометрик моделларнинг ўзгарувчан кўрсаткичлари экзоген (ташқи) ва эндоген (ички) моделларга бўлинади. Масалан моделдаги экзоген омиллар корхона учун етказиб беришларнинг жўшқинлигини, эндоген омиллар эса корхонада меҳнат ресурсларнинг мавжудлигини кўрсатиб бериши мумкин.

Омилли моделлар ўзгарувчи кўрсаткичларнинг турли миқдорини ва уларга мос равишда ўлчамларини ўз таркибига олиши мумкин. Омилли моделнинг содда тури бир омилли модел ҳисобланади. Унда омил сифатида бирон бир вақт кўрсаткичи хизмат қилади. Бу ҳолатда у ёки бу кўрсаткични таҳлил ва прогноз қилиш вақтнинг хронологик қаторига нисбатан боғлиқликда амалга оширилади ва шу йўл билан трендлар (у ёки бу динамик қатори ўзгаришининг умумий тенденцияни тавсифловчи боғлиқлик) аниқланади.

Чизиқли, ночизиқли турдаги кўп омилли моделлар прогноз қилинаётган кўрсаткичнинг даражаси ва динамикасига бир вақтнинг ўзида бир нечта омилларнинг таъсир этишини ҳисобга олишга имкон беради. Ушбу моделлар жумласига макроиқтисодий ишлаб чиқариш функцияларни тавсифловчи моделлар, аҳоли даромадлари, нарх, тўйинганлик даражаси, унумли истеъмол

меъёрлари ва ҳ.к. га қараб алоҳида истеъмол буюм учун талабни таҳлил қилиш моделлари кириши мумкин.

Таркибий моделлар бир бутун ёки агрегатни шакллантирувчи алоҳида унсурлар ўртасидаги нисбатларни, алоқаларни изоҳлаб беради. Ушбу моделлар таркибий-баланс турдаги моделлар сирасига киради, яъни унда у ёки бу агрегатни таркибий қисмларга бўлиш билан бир вақтда ушбу унсурларнинг ўзаро алоқалари кўриб чиқилади. Бундай моделлар матрицали шаклга эга ва тармоқлараро ҳамда ҳудудлараро алоқаларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш учун қўлланилади. Улар ёрдамида оқимларнинг, ўзаро алоқалари масалан маҳсулотни соҳалараро етказиб бериш изоҳланади. Таркибий-баланс моделининг энг кенг тарқалган шакли ишлаб чиқаришнинг тармоқлараро баланси ва маҳсулотларни тақсимлаш ҳисобланади.

Тармоқлараро моделлар мажмуаси йириклашган динамик ва кенгайтирилган табиий-қийматли моделларни ўзи ичига олади. Тизимнинг ҳамжиҳатлиги миллий даромад, уни тақсимлаш тузилмаси ҳамда моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг сармоя қўйилмаларга бўлган эҳтиёжларини тавсифловчи кўрсаткичлар ва бошқалар каби йириклашган динамик моделининг асосий кўрсаткичларнинг табиий-қийматли тармоқлараро балансини тузиш учун қўлланилиши билан таъминланади.

Замонавий динамик тармоқлараро моделлар иқтисодий ривожланишнинг суръатлари ва нисбатларини аниқловчи учта асосий омиллар гуруҳи бўйича иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболлини башоратлашга имкон беради. Хусусан улар қуйидагилар: режали давр бошига йиғилган асосий ишлаб чиқариш фондларнимикёси ва таркиби билан тавсифланадиган иқтисодий салоҳиятнинг бошланғич даражаси; меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш кўрсаткичлар ўзгаришининг истиболли тенденциялар; жамиятнинг якуний эҳтиёжларининг истиқболли таркиби.

Бир маҳсулотли модел нафақат бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашган соҳаларда, балки бир қатор ҳолатларда агар ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар истеъмол қилинишда бир-бирини ўрнини

босадиган бўлса ёки уларни мутлақ кўрсаткичлар, масалан, қайта ҳисоблаш коэффициентидан фойдаланиш ҳисобига битта маҳсулотга келтириш мумкин бўлса, кўп маҳсулот ишлаб чиқариладиган соҳаларда ҳам қўлланилиши мумкин. Ушбу коэффициентлар турли маҳсулотнинг истеъмол қийматини муҳим аҳамиятига эга бўлган бирон бир фойдалилик сифати бўйича таққослашга имконият беради. Масалан, ёқилғи саноатида электр энергия ташувчининг иссиқликка бардошлилиги бўйича таққосланади.

Кўп маҳсулотли моделларда бутун тармоқ ишлаб чиқараётган маҳсулотга ва хомашё ёки бошқа қандайдир ресурсларни истеъмол қилишга бўлган талаб бўйича иккита ёки ундан ҳам кўп чегаралар кўриб чиқилади. Ушбу моделларда турли маҳсулотларни истеъмолида ўрнини босадиган хусусиятини ҳисобга олган ҳолда турдош маҳсулотга келтириш имкониятидан унумли фойдаланилиши мумкин. Бу ҳолатда талабни ташкил этувчи унсурларни алоҳида маҳсулотлар эмас, балки турли бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи маҳсулотлар билан қондириладиган эҳтиёжларнинг ўлчамлари тавсифланади. Бунда, шунингдек, тармоқда ишлаб чиқарилаётган сон жиҳатдан катта ҳажмдаги маҳсулотларни чегарланган маҳсулот гуруҳига келтириш мумкин.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Корреляция коэффициентининг моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Корреляция коэффициентининг аниқланиш соҳасини ифодалаб беринг.
3. Корреляцион ва функционал боғланиш ўртасидаги фарқ нимадан иборат?
4. Кичик квадратлар усулининг моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Эластиклик коэффициентининг иқтисодий моҳиятини тушунтириб беринг.
6. Агар кузатувда мавсумийлик мавжуд бўлса у ҳолда қанақа усулдан фойдаланилади?
7. Иқтисодий ўсишни таҳлил қилиш моделларини тушунтириб беринг.
8. Прогноз, гипотеза ва режанинг ўзаро қарқи ва алоқадорлиги нимада?
9. Прогнозлаштириш объектининг тизимли таҳлили деганда нимани тушунаси?
10. Прогнозлаштириш турлари классификацияси деганда нимани тушунаси?

10-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МАТРИЦАЛИ МОДЕЛЛАРИ

10.1 Статик тармоқлараро баланс модели

Матрицавий иқтисодий математик моделлар алоҳида олинган корхонадан бошлаб бутун республика халқ хўжалигини қамраб олган ҳолда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва тақсимлашни таҳлил қилиш ҳамда режалаштириш учун мўлжалланган бўлиб, бу юзага келган пропорцияларни ўрганиш, режаларни муваффиқлаштириш имконини беради.

Халқ хўжалиги даражасидаги тармоқлараро баланс (ТАБ) да миллий даромаднинг яратилиши ва тақсимланиши, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, тармоқлар ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқалари ҳамда ижтимоий маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши ва тақсимланиши ўз аксини топади.

Баланс тузишда қуйидагиларга асосланамиз:

а) ишлаб чиқариш тармоқларини i ҳарфи билан, истеъмолчи тармоқларни j ҳарфи билан белгилаймиз;

$$i=1,2,3,\dots,n; j=1,2,3,\dots,n.$$

б) халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғи балансда ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчи сифатида қатнашади;

в) ишлаб чиқариш тармоқларига балансдаги муайян бир қатор, истеъмолчи тармоқларига эса муайян бир устун мос келади.

X_{ij} катталиклар i -тармоқда ишлаб чиқарилган ва j -тармоқда истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларининг қийматини кўрсатади.

Тармоқлараро баланснинг устунларида ҳар бир тармоқдаги моддий харажатлар тузилиши ва соф маҳсулоти аксланади. Фараз қилайлик, жадвалнинг 1-тармоғи электроэнергия ишлаб чиқариш, 2-тармоғи кўмир саноати бўлсин. У ҳолда x_{11} катталик 1-тармоқнинг ўз эҳтиёжига сарфланган электроэнергия қийматини, x_{21} эса электроэнергия ишлаб чиқаришдаги кўмир харажатларини кўрсатади. Умуман, 1-устундаги $x_{11}, x_{21}, x_{31}, \dots, x_{n1}$ катталиклар 1-тармоқнинг таъминотчи тармоқлар бўйича моддий харажатлари тузилишини кўрсатади. 1-тармоқнинг

соф маҳсулоти иш ҳақи (v_1) ва соф даромад (m_1) нинг йиғиндисидан ташкил топган. Моддий харажатлар ва соф маҳсулотнинг жамланмаси эса тармоқнинг ялпи маҳсулотига тенг бўлади,

$$\text{яъни } X_1 = X_{11} + X_{21} + X_{31} + \dots + X_{n1} + v_1 + m_1 = \sum_{i=1}^n X_{i1} + v_1 + m_1.$$

Шу каби ҳар бир тармоқ учун қуйидаги тенгликни ёзиш мумкин:

$$X_j = \sum_{i=1}^n X_{ij} + v_j + m_j, \quad j = \overline{1, n} \quad (10.1.1.)$$

Ишлаб чиқариш тармоқлари	Истеъмол тармоқлар					Пировард маҳсулот	Ялпи маҳсулот
	1	2	3	...	n		
1	x_{11}	x_{12}	x_{13}	...	x_{1n}	Y_1	X_1
2	x_{21}	x_{22}	x_{23}	...	x_{2n}	Y_2	X_2
3	x_{31}	x_{32}	x_{33}	...	x_{3n}	Y_3	X_3
...	...	...	...	...	...	...	...
n	x_{n1}	x_{n2}	x_{n3}	...	x_{nn}	Y_n	X_n
Иш ҳақи	v_1	v_2	v_3	...	v_n	v_c	-
Соф даромад	m_1	m_2	m_3	...	m_n	m_c	-
Ялпи маҳсулот	X_1	X_2	X_3	...	X_n	-	X

Тармоқлараро баланснинг сатрларида моддий ишлаб чиқаришнинг ҳар бир тармоғидаги йиллик маҳсулот ҳажмининг тақсимланиши ўз аксини топади. Масалан, 1-тармоқ қаторидаги $x_{11}, x_{12}, x_{13}, \dots, x_{1n}$ катталиклар электроэнергия тармоғи маҳсулотининг шу тармоқнинг ўзида, кўмир саноатида ва барча бошқа тармоқларда сарфланган миқдорини кўрсатади. Электроэнергиянинг моддий ишлаб чиқаришдан ташқаридаги сарфланиши, яъни сўнгги (пировард) истеъмолни Y_1 кўрсатади. Пировард истеъмол шахсий (хусусий) ва ижтимоий истеъмолдан ташкил топади.

1-сатрдаги барча катталиклар йиғиндиси худди 1-устундаги катталиклар йиғиндиси каби натижага, яъни йил давомида ишлаб чиқарилган электроэнергия маҳсулотининг қиймат кўринишига тенг бўлиши керак:

$$X_1 = X_{11} + X_{12} + X_{13} + \dots + X_{1n} + Y_1 = \sum_{j=1}^n X_{1j} + y_1$$

Худди шунингдек ихтиёрий олинган ишлаб чиқариш тармоғи учун:

$$X_i = \sum_{j=1}^n X_{ij} + y_i. \quad (10.1.2)$$

Кўришиб турибдики, бундай тенгламалар сони n та, яъни $i=1,2,3,\dots,n$. Бу тенгламалар моддий ишлаб чиқариш тармоқлари маҳсулотларининг тақсимот тенгламалари дейилади. Шундай қилиб, баланс маълумотларининг алоҳида тармоқлар бўйича қаралиши йиллик маҳсулотнинг қиймат жиҳатидан таркибини бу маҳсулотларнинг фойдаланиш учун тақсимланишини кўрсатар экан.

ТАБ тўртта қисм - квадрантлардан иборатдир.

1 квадрант шахмат тахтаси каби тузилган бўлиб, унда ишлаб чиқариш воситаларининг оқими аксланади. 1-қисм маълумотлари тармоқлар моддий харажатлари таркибини таҳлил қилишда, тармоқлар ўртасидаги ишлаб чиқариш боғланишлари ва пропорцияларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

2 квадрантда барча моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг сўнгги маҳсулоти кўринади. Сўнгги маҳсулот деб, ишлаб чиқаришдан ташқаридаги истеъмол ва жамғармадаги маҳсулотлар йиғиндисига айтилади. Сўнгги маҳсулот таркибига кирувчи ижтимоий истеъмол таълим тарбия, ўқув, фан, соғлиқни сақлаш, муҳофаа, бошқарув, спорт каби соҳалардаги истеъмолдан таркиб топади. Шундай қилиб, 2-квадрантдаги маълумотлар миллий даромаднинг тармоқлар бўйича моддий тузилиши, унинг жамғарма ва истеъмол фондларига тақсимланишини ҳарактерлайди.

3 квадрант кўрсаткичлари ҳам миллий даромадни ҳарактерлайди, фақат бунда унинг қиймати таркиби яъни барча тармоқларда меҳнатга тўланган ҳақ ва соф даромад йиғиндиси сифатида қаралади. 3-квадрант маълумотлари моддий

ишлаб чиқаришда зарурий ва қўшимча маҳсулот орасидаги ҳамда янгидан яратилган ва қўчирилган қийматлар нисбатини таҳлил қилиш учун зарурдир.

2 ва 3 квадрантларнинг умумий йиғиндиси ўзаро тенгдир. Барча тармоқлар бўйича (1) тенгламани жамлаб қуйидагини ҳосил қиламиз:

$$\sum_{j=1}^n X_j = \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^n x_{ij} + \sum_{j=1}^n v_j + \sum_{j=1}^n m_j \quad (10.1.3)$$

(2) тенгламани i бўйича жамласак

$$\sum_{i=1}^n X_i = \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^n x_{ij} + \sum_{i=1}^n y_i \quad (10.1.4)$$

(3) ва (4) тенгликларнинг чап қисмида бир хил катталиқ - ялпи ижтимоий маҳсулот X ҳосил бўлади. Тенгликларнинг ўнг қисмидаги 1- қўшилувчилар ҳам бир хил, яъни 1-квадрантнинг жамига тенгдир. Демак, тенгликларнинг қолган қисмлари ҳам тенгдир:

$$\sum_{j=1}^n v_j + \sum_{j=1}^n m_j = \sum_{i=1}^n Y_i \quad (10.1.5)$$

(5) тенгликнинг чап қисмида 3-квадрантнинг жамланмаси, ўнг қисмида эса 2-квадрант жамланмаси ҳосил булди, яъни миллий даромаднинг моддий-маҳсулот ва қиймат таркиблари бир хил бўлиши кўринди.

4 квадрант ТАБ нинг сўнгги маҳсулотлар устуни ва даромадлар сатрининг кесишган жойида бўлиб, бу ерда миллий даромаднинг сўнгги тақсимланиши ва фойдаланиши ўз аксини топади. Дастлаб яратилган миллий даромаднинг қайта тақсимланиши оқибатида аҳолининг корхоналарнинг ва давлатнинг сўнгги даромадлари юзага келади. 4-қисм маълумотлари тармоқлараро моделларда аҳолининг даромад ва чиқимларини кўрсатишда муҳим рол ўйнайди. Шундай қилиб, ТАБ ягона иқтисодий-математик модел таркибида моддий ишлаб чиқариш тармоқлари баланси, ялпи ижтимоий маҳсулот баланси, миллий даромад баланси ҳамда аҳолининг даромад ва харажатлари балансларини бирлаштиради.

10.2 Динамик тармоқлараро баланс моделлари асосида иқтисодий ўсишни прогнозлаш

Тармоқлараро баланс моделлари иқтисодиётни ва унинг тармоқларини прогнозлаш алоқаларини таъминлаш, уларни миқдорий боғлиқлигини таъминлаш, иқтисодий таҳлил қилиш ва шулар асосида прогнозлаштириш ҳамда режалаштириш учун асосий воситалардан бўлиб ҳисобланади.

Тармоқлараро баланс ишлаб чиқаришни ва барча тармоқлар ҳамда маҳсулотларнинг аниқ белгиланган турларини прогнозлашда, режалаштиришда инвестицияларни, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш меҳнат миқдорини режалаштиришда, ишлаб чиқаришни ҳудудлар бўйича ташкил қилишда кенг қўлланилмоқда.

Тармоқлараро баланслар моделининг амалда кенг қўлланилиши макроиқтисодий таҳлил янада илмий асосли ўтказилиши, прогнозларни илмийлигини ва реал режалаштиришни таъминлайди.

Тармоқлараро баланс кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқалар тизими ва пропорцияларини ўрганишда, таҳлил қилишда, прогнозлашда энг ихчам, амалда кенг қўллаш мумкин бўлган воситалардан, механизмлардан бири ҳисобланади. Ушбу баланс ёрдамида макроиқтисодий кўрсаткичлардан ҳисобланган ялпи ички маҳсулот пировард яъни якуний маҳсулот ва миллий даромад тузилишини, маҳсулотларни такрор ишлаб чиқариш фондлари ўртасида тақсимланиш структурасини ва ижтимоий ишлаб чиқариш харажатларини тузилишини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар асосда самарали бошқарув ечимини қабул қилиш мумкин.

Тармоқлараро баланснинг оддий кўриниши статистик модел асосида ифодаланиб, маълум даврдаги ресурслар ва эҳтиёжларнинг миқдорий жиҳатдан ўзаро мослашишини таъминлайди, ишлаб чиқариш ресурсларининг чекланганлик шартлари, ишлаб чиқариш билан маҳсулотлардан фойдаланишнинг баланс муносабатлари, зарур техник технологик шартлар ва


бошқаларни бажарилган ҳолда прогнозлаш ва унинг асосида режанинг мумкин бўлган вариантларини топишга имкон яратади.

Тармоқлараро баланснинг статик модели бир йиллик давр учун тузилади, бир йиллик ҳолатдан ташқаридаги ўзгаришлар инобатга олинмайди. Амалда эса ишлаб чиқариш доим ривожланиб, кенгайиб боради. Ушбу ҳолат статик тармоқлараро балансда ўз аксини топмайди. Бу камчиликни йўқотишнинг объектив йўли доимий ҳаракатдаги ўзгаришларни инобатга олувчи, кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришни ифодаловчи динамик тармоқлараро баланс тузишдир.

Ижтимоий, иқтисодий тизимли ишлаб чиқариш жараёнини ривожланиши динамикасини инобатга олиш бу – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини маълум даврдаги ўзгариши, мавжуд ва қўшимча киритилган ишлаб чиқариш фондлари ва қувватлари билан, шунингдек мавжуд ва келажакда кутилаётган меғнат ресурслари узвий боғланган қамраб олувчи динамик тармоқлараро баланс тузишдир.

Прогнозлаш бу келажакни, ҳаракатдаги ҳатосини баҳолаш, шунинг учун макроиқтисодий жараёнларни, тармоқларни ўзаро алоқадаги ҳолатларини прогнозлашда кўпроқ динамик тармоқлараро баланс моделлардан фойдаланиш мақсадига мувофиқ ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш жараёнини қуйидагича ифодалаш мумкин. (шартли бир йиллик ҳолат)



10.2.1-Расм. Оддий ишлаб чиқариш жараёни

Оддий ишлаб чиқариш жараёнида p_i миқдордаги ишлаб чиқариш ресурсларни ишлаб чиқариш жараёнига киритилди ва j -турдаги N миқдорли маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ушбу жараён иқтисодиётнинг барча тармоқларини ўзаро боғлиқда ва бевосита ўзаро алоқада бўлган ҳолда амалга оширилади.

Тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш харажатлари ҳаракатини, натижада якуний ва ялпи ички маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳолатини қуйидаги статик тармоқлараро баланс орқали ифодалаш мумкин.

Статик тармоқлараро баланс устунларида моддий харажатлар тузилмаси ва ҳар бир тармоқнинг соф даромади акс эттирилган. Моддий харажатлар ва соф даромад жами тармоқнинг ялпи маҳсулотига тенг. Биринчи истеъмолчи тармоқнинг ялпи маҳсулоти қуйидагича бўлади:

$$X_1 = X_{11} + X_{21} + X_{31} \dots + X_{n1} + V_1 + m_1 = \sum_{i=1}^n x_{i1} + V_1 + m_1 \quad (10.2.6)$$

Барча тармоқлар учун ҳам қуйидаги тенглик ўринли.

$$X_j = \sum_{i=1}^n x_{ij} + V_j + m_j, \text{ бу ерда } j=1, n \quad (10.2.7)$$

Статик тармоқлараро баланс қаторларида ҳар бир моддий ишлаб чиқариш тармоғи бир йиллик маҳсулотининг тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. N-жадвал бўйича биринчи қатор қуйидаги тенглама орқали ифодаланиши мумкин, яъни:

$$X_1 = X_{11} + X_{12} + X_{13} \dots + X_{1n} + Y_1 = \sum_{j=1}^n x_{1j} + Y_1 \quad (10.2.8)$$

Шунингдек бошқа тармоқлар бўйича қуйидаги умумий тенгламани асос қилиб олиш мумкин.

$$X_i = \sum_{j=1}^n x_{ij} + Y_i, \quad (i=1, 2, 3, \dots, n) \quad (10.2.9)$$

Тармоқлараро баланс параметрлари ўртасидаги бевосита алоқаларни иқтисодий баҳолаш учун турли кўринишдаги коэффициентлардан фойдаланиш мумкин. Ҳисобот давридаги тармоқлараро баланс маълумотларидан фойдаланиб бевосита моддий харажатлар коэффициентларини (a_{ij}) тармоқлараро материал оқимлари миқдорини истеъмол қилувчи тармоқлар ялпи ички маҳсулоти нисбати орқали ҳисоблаш мумкин, яъни

$$a_{ij} = \frac{X_{ij}}{X_j} \quad (10.2.10)$$

Бевосита харажатлар коэффициентлари квадрат матрицани ташкил этади

$$A = \begin{pmatrix} a_{11}a_{12}a_{13}\dots a_{1n} \\ a_{21}a_{22}a_{23}\dots a_{2n} \\ a_{31}a_{32}a_{33}\dots a_{34} \\ \dots\dots\dots \\ a_{n1}a_{n2}a_{n3}\dots a_{nn} \end{pmatrix} \quad (10.2.11)$$

Агар a_{ij} нинг қиймати аниқ бўлса тармоқлараро харажатлар оқими қуйидагича топилади.

$$X_{ij} = a_{ij}X_j \quad (10.2.12)$$

Юқоридаги формуладан қатор бўйича тармоқнинг ялпи ички маҳсулотини қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

$$X_i = \sum_{j=1}^n a_{ij}X_j + Y_i \quad (10.2.13)$$

Статик тармоқлараро баланс моделларининг вектор кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$X = AX + Y \quad (10.2.14)$$

бунда: X – ялпи ички маҳсулот вектори;

Y – пировард маҳсулот вектори;


A – тўлиқ материал харажатлари коэффициентлари матрицаси

$$X = \begin{pmatrix} X_1 \\ X_2 \\ X_3 \\ \dots \\ X_n \end{pmatrix} \quad Y = \begin{pmatrix} Y_1 \\ Y_2 \\ Y_3 \\ \dots \\ Y_n \end{pmatrix} \quad A = \begin{pmatrix} a_{11}a_{12}a_{13}\dots a_{1n} \\ a_{21}a_{22}a_{23}\dots a_{2n} \\ a_{31}a_{32}a_{33}\dots a_{34} \\ \dots\dots\dots \\ a_{n1}a_{n2}a_{n3}\dots a_{nn} \end{pmatrix}$$

Тўлиқ материаллар харажатлари коэффициенти (A) бевосита ва билвосита материаллар харажатлар коэффициентларининг йиғиндисидан ташкил топади.

Статик тармоқлараро баланс тизими ва моделни асосан макроиктисодий таҳлил учун кенг фойдаланилади. Макроиктисодий жараёнларни прогнозлаш учун динамик тармоқлараро балансдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришдаги динамик ҳолат юқори даражадаги мураккаб жараёндр. Ишлаб чиқаришнинг динамик ҳолатини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин.



10.2.2-Расм. Кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш.

Динамик ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш қўшимча табиий ресурслар, фондлар ва қўшимча меҳнат ресурслар асосида шакллантирилади. Динамик тармоқлараро баланс қуйидаги кўринишга эга.

Тармоқлар	Жорий харажатлар ҳаракати потоки	Тармоқлараро фондлар ҳаракати (ўсиши)	Якуний маҳсулот	Ялпи маҳсулот
	1 2 3 ... n	1 2 3 ... n		
1	$X_{11}X_{12}X_{13}X_{1n}$	$\Delta\Phi_{11}\Delta\Phi_{12}\Delta\Phi_{13}\dots\Delta\Phi_{1n}$	N_1	X_1
2	$X_{21}X_{22}X_{23}\dots X_{2n}$	$\Delta\Phi_{21}\Delta\Phi_{22}\Delta\Phi_{23}\dots\Delta\Phi_{2n}$	N_2	X_2
3	$X_{31}X_{32}X_{33}\dots X_{3n}$	$\Delta\Phi_{31}\Delta\Phi_{32}\Delta\Phi_{33}\dots\Delta\Phi_{3n}$	N_3	X_3
..			..	..
n	$X_{n1}X_{n2}X_{n3}\dots X_{nn}$	$\Delta\Phi_{n1}\Delta\Phi_{n2}\Delta\Phi_{n3}\dots\Delta\Phi_{nn}$	N_n	X_n

Динамик балансда харажатлар ва маҳсулотлар тақсимоти тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади.

$$X_i = \sum_{j=1}^n X_{ij} + \sum \Delta\Phi_{ij} + N_i \quad (10.2.15)$$

Иқтисодий ўсишга фақат кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришда, яъни динамик ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилгандагина эришиш мумкин. Маълум бир вақт (t) ичидаги ўзгаришни тасаввур қилсанг, ўсиш ΔX_j қуйидаги фарқдан келиб чиқади:

$$\Delta X_j = X_j^{(t)} - X_j^{(t-1)} \quad (10.2.16)$$

Иқтисодий ўсишнинг фондларни ўсишга пропорционаллиги қуйидагича аниқланади.

$$\Delta \Phi_{ij} = b_{ij} \Delta X_j, \quad \text{яъни} \quad b_{ij} = \frac{\Delta \Phi_{ij}}{\Delta X_j}$$

Прогноз натижаларнинг сифатини ошириш учун прогноз объектнинг хусусиятларини чуқур ўрганиб, унинг ҳар бир элементини вақт бирлигида ўзгаришини чуқур ўрганиш, тадқиқот қилиш зарур. Иқтисодиётнинг макродаражаси ўта мураккаб тизим ҳисобланади. Чунки барча тармоқлар бир бири билан бевосита ажралмас ҳолда боғлиқдир. Алоҳидабир тармоқнинг ривожланишини прогноз қилмоқчи бўлсак, унинг бошқа тармоқлар билан боғлиқлик даражасини инобатга олмаслик прогноз натижаларини талабларга ўлиқ жавоб бермайди.

Прогноз асосида макродаражада шакллантирилган режани амалда бажарилишини таъминлаш, тармоқлар ўртасида диспропорция бўлмаслиги, тармоқлараро материаллар харажатлари қандай бўлиши кераклиги, якуний, яъни ва материаллар харажатлари ўртасидаги миқдорий боғлиқликни аниқлаш фақат тармоқлараро баланс моделлари асосида амалга оширилиши мумкин.

10.3 Тармоқлараро балансда меҳнат ва фонд харажатлари

ТАБ асосий моделининг шаклини ўзгартириш ёрдамида яна бир неча иқтисодий кўрсаткичларни, жумладан, бевосита ва тўла меҳнат харажатлари коэффициентларини ҳам аниқлаш мумкин. Бу ҳолатда табиий (натурал) ўлчовдаги маҳсулотлараро балансга асосланамиз. Баланс сатрларида ҳар бир маҳсулотнинг бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ва сўнгги истеъмолга тақсимланиши ҳамда ҳамма турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жонли

меҳнат сарфланиш тақсимои кўринади (меҳнат сарфлари бир хил мураккабликда деб олинади). α_j - j -махсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган жонли меҳнат харажатлари; X_j - j -махсулотни ишлаб чиқариш ҳажми бўлсин.

У ҳолда $t_j = \frac{\alpha_j}{X_j}$ - j -махсулотнинг 1 донасини ишлаб чиқаришдаги бевосита меҳнат харажатларини кўрсатади. Тўла меҳнат харажатлари тушунчаси бевосита жонли меҳнат харажатлари билан моддийлашган меҳнат харажатлари йиғиндиси сифатида қаралади ва қуйидагича ҳосил бўлади:

$$\begin{array}{ccccc}
 a_{11}T_1 & a_{12}T_1 & a_{13}T_1 & \dots & a_{1n}T_1 \\
 a_{21}T_2 & a_{22}T_2 & a_{23}T_2 & \dots & a_{2n}T_2 \\
 a_{31}T_3 & a_{32}T_3 & a_{33}T_3 & \dots & a_{3n}T_3 \\
 \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\
 a_{n1}T_n & a_{n2}T_n & a_{n3}T_n & \dots & a_{nn}T_n \\
 \hline
 t_1 & t_2 & t_3 & \dots & t_n \\
 \hline
 T_1 & T_2 & T_3 & \dots & T_n
 \end{array}$$

Бу шаклда ҳар бир j - маҳсулот учун:

T_j - j -бирлик маҳсулотга сарфланган тўла меҳнат харажатлари коэффиценти;

t_j - бирлик маҳсулотга сарфланган бевосита жонли меҳнат харажатлари коэффиценти;

$a_{ij}T_i$ - i -ишлаб чиқариш воситаси ёрдамида j -махсулотга кўчирилган моддийлашган меҳнат харажатлари.

$$T_j = \sum_{i=1}^n a_{ij} \cdot T_i + t_j. \quad (10.3.1)$$

Бу тенгламадан зарур алмаштиришлар ёрдамида қуйидаги тенгламани олиш мумкин:

$$T_j = \sum_{i=1}^n b_{ij} \cdot t_j, \quad (10.3.2)$$

бу ерда b_{ij} - тўла харажатлар коэффицентларидир. Демак, ҳар қандай j - маҳсулот учун тўла меҳнат харажатлари катталиги барча хилдаги маҳсулотлар турларига сарфланган бевосита меҳнат харажатларининг солиштирма йиғиндиси сифатида аниқланиши мумкин.

Тўла меҳнат харажатлари кўрсаткичлари ҳар бир маҳсулот тури бўйича 1 дона маҳсулотга сарфланган ҳақиқий ижтимоий меҳнат харажатларини акслантиради.

Ҳозирги кунда мураккаб бозор иқтисодиёти шароитида фаолият олиб боровчи субъектларнинг самарали хатти-ҳаракатлари уларнинг бозор конъюнктурасини яхши таҳлил қила олишлари ва керакли қарор қабул қилишларига боғлиқдир. Бунинг учун улар ўзларининг турли шароитларини ҳар томонлама иқтисодий таҳлил қила олишлари керак. Буларга мавжуд маблағлардан қандай маҳсулотлардан қанча ишлаб чиқариш, қаерда ва кимга қандай баҳоларда сотиш кераклигини аниқлайди.

Бунинг учун уларга моделлар ва моделлаштириш, уларнинг турлари, асосий босқичлари, маълумотлар билан тузилган моделларни тўлдириш йўллари ўргатилиш билан моделлаштириш натижаларида қўлга киритилган иккиламчи маълумотлардан бозор иқтисодиёти шароитида турли қарорлар қабул қилишда амалда фойдаланиш йўллари кўрсатиб беради. Аниқ иқтисодий объектлар мисолида моделлаштиришни, объектга таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва уларнинг таъсир кучини баҳолаш, самаланинг моделини тузиш ва компьютерда турли хилдаги вариантлар устида иқтисодий-математик изланишлар олиб бориш ва олинган натижаларни ҳам иқтисодий, ҳам математик томондан тўғри талқин қила билишни ўргатишдир.

НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Тармоқлараро баланснинг афзалликлари ва камчиликларини санаб беринг.
2. Статистик ва динамик тармоқлараро баланснинг фарқи нимада?
3. Тармоқлараро баланснинг нечта квадрантлари мавжуд ва унинг моҳияти нимада?
4. Динамик тармоқлараро баланс асосида иқтисодий ўсишни прогнозлашни тушунтириб беринг.
5. Оддий ва кенгайтирилган ишлаб чиқаришда тармоқлараро балансни ифодалаб беринг.
6. Тармоқлараро балансда меҳнат харажатларини изоҳланг.

7. Тармоқлараро балансда фонд ҳаражатларини изоҳланг.
8. Тармоқлараро балансда меҳнат ва фонд ҳаражатларини ўзаро алоқадорлигини тушунтиринг.
9. Ишлаб чиқариш фондлари ва меҳнат ресурсларининг ўсишини прогнозлашни ифодалаб беринг.

Глоссарий

Автокорреляция	– вақтли қаторларнинг кейинги ва олдинги хадлари ўртасидаги корреляцион боғланиш ҳисобланади.
Аҳолининг ўсиши	– аҳолининг туғилганлар сони билан вафот этганлар сони ўртасидаги фарқ
Барқарор иқтисодий ўсиш	– узоқ вақт давомида иқтисодиётни юқори суръатлар билан ўсиб боришидир.
Детерминация коэффиценти	– эконометрик моделда киритилган факторларнинг иқтисодий воқеяликка қай даражада боғлиқлигини ифодалаб берувчи кўрсаткич
Жамғарма	– даромаднинг истеъмол қилиб бўлинган қисмидан кейинги қолган қисми. жамғарма узоқ даврда истеъмол қилиш учун фойдаланилади.
Ижара	– мулк эгаси - ижарга берувчи билан ижарага олувчи ўртасидаги шартнома бўлиб, ижарачи мулкни муайян тўлов ҳисобига тўла ёки қисман эгалик қилган ҳолда вақтинча фойдаланиш учун олади, хўжалик фаолияти ёки бошқа мақсадларни мустақил амалга оширади. Амалда ижаранинг рентинг – қисқа муддатли, хайринг – ўрта муддатли ва лизинг – узоқ муддатли турлари мавжуд.
Иқтисодий математик усуллар	–у комплекс иқтисодий ва математик илмий фанларнинг умумий номи бўлиб, улар ёрдамида иқтисодий жараёнларни ўрганиш воситалари

ишлаб чиқилади.

Иқтисодий ресурслар	– иқтисодий неъматларни ишлаб чиқаришда катнашадиган элементлар (ер, меҳнат, капитал, тадбиркорлик қобилияти ва ахборот)
Иқтисодий ривожланиш	– иқтисодий ўсишда интенсив омилларнинг устунлик қилиш натижасида узок давр мобайнида амалга ошади
Иқтисодий ўсиш	– тўлиқ бандлик билан мужассамлашган ишлаб чиқариш реал ҳажмининг ўзоқ муддат мобайнида ўсишидир.
Илмий-техника тараққиёти	– илм-фанга узок йиллар мобайнида йўналтирилган инвестициялар натижасида жамиятнинг янги ривожланиш босқичига ўтишидир
Инвестиция	– фойда олиш мақсадида сармояни бирор корхонага узок муддатли сарфлаш.
Инновация	– ишлаб чиқариш жараёнига янгилик киритиш йўли билан маҳсулот сифати, тури ёки умуман янги турдаги маҳсулотнинг юзага келиши бўлиб ҳисобланади
Инсон капитали	– инсоннинг тажрибаси, малакаси ва билими ошиши натижасида меҳнат самарадорлигини ошиши

Интенсив иқтисодий ўсиш	– ишлаб чиқариш жараёнига қўшимча ресурсларни жалб этмаган ҳолда меҳнат самарадорлиги, капитал самарадорлиги эвазига иқтисодий ўсишга эришиш тушунилади
Инфратузилма	– такрор ишлаб чиқариш шарт-шароитларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари мажмуи: транспорт, алоқа, консалтинг, аудит, инжиниринг.
Истеъмол	– аҳоли ўз эҳтиёжларини қондириш учун узоқ ва қисқа муддатли, моддий ва маънавий товарлани истеъмол қилиши
Капитал жамғарилишини олтин қондаси	– истеъмол ҳажмининг етарли даражада максималлаштиришни ва иқтисодиётда барқарорликни таъминловчи жамғарма миқдори
Ишлаб чиқариш	– бизнес корхоналарининг асосий фаолият тури бўлиб, бу жараён чекланган ресурслардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.
Ишлаб чиқариш имконияти	– берилган технологик ривожланишда ва барча мавжуд ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланган ҳолда жамиятнинг иқтисодий неъматлар ишлаб чиқариш қобилиятидир.
Ишлаб чиқариш функцияси	– сарфланадиган ишлаб чиқариш омиллари миқдори билан, ушбу омиллардан фойдаланган ҳолда максимал ишлаб чиқариладиган маҳсулот ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи математик боғланиш.

Капитал	– ишлаб чиқариш омиллардан бири бўлиб у асосан асоий фондлар ва капитал қйилмаларни ўзида мужассамлаштиралди
Капитал самарадорлиги	– бир бирлик капиталга тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми
Капитал сиғими	– бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун керак бўладиган капитал ҳажми
Капитал чиқими нормаси	– маълум вақт оралиғида асосий капиталнинг эскирган қийматини умумий капитал қийматига нисбати
Капиталга чекланган Моийллик	– ишлаб чиқариш жараёнига бошқа ишлаб чиқариш омиллари ўзгармаган ҳолда қўшимча капитал киритиш натижасида қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш
Қисқа муддатли проноз	– иқтисодиётни миқдорий жиҳатдан маълум вақт оралиғида пронозлаш бўлиб одатда у 1 йилдан 5 йилгача ташикил этади
Математик моделлаштириш	– ўрганилаётган жараёнларни математик тенгламалар ва тенгсизликлар кўринишида ифодалаш усулидир.
Меҳнат	– ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ишчи кучлари (одатда киши, соат бирликларда ўлчанида)
Меҳнат сиғими	– бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун талаб қилинидиган меҳнат ҳажми

Меҳнат унумдорлиги	– бир бирлик меҳнатга тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми
Меҳнатга чекланган мойиллик	– ишлаб чиқариш жараёнига бошқа ишлаб чиқариш омиллари ўзгармаган ҳолда қўшимча меҳнат жалб этиш натижасида қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш
Оптималилик	– бу мавжуд тақчил ресурслардан фойдаланиш бўйича энг самарали (қулай) вариантдир.
Прогноз	– аниқ факт ва таҳлилларга асосланган маълум усуллардан фойдаланган ҳолда иқтисодий воқеликларни прогнозлаш
Регрессион таҳлил	– у икки ва ундан ортиқ омиллар ўртасида математик статистик боғланишларни аниқлаш усулидир.
Регрессия	– бир неча нуқталар бўйича эгри чизикни аниқлашдир.
Режа	– бирор натижага эришиш учун олдинда белгилаб олинган схемага асосан босиқичма- босқич ҳаракат қилиш жараёнидир.
Соф экспорт	– экспорт билан импорт ўртасидаги фарқ
Узоқ муддатли проноз	– иқтисодий жараёни миқдорий ва сифат ўзгаришларини прогноз қилиб мақбул йўналишларни танлаш ҳисобланади, одатда у 10-30 йилларни ўз ичига олади

Ўрта муддатли прогноз	– 5-10 йилни ўз ичига олиб қисқа муддатли прогноз билан узоқ муддатли прогноз орасида ётади, бунда миқдорий ўзгаришдан сифат ўзгаришга бўлган жараён прогноз қилинади
Экзоген омил	– моделда бошқа омилларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгармас сифатида қабул қилинадиган омил
Эндоген омил	– моделда бошқа омилларга боғлиқ ҳолда киритиладиган омил
Экстенсив иқтисодий ўсиш	– иқтисодий ўсишга қўшимча ишлаб чиқариш омилларни жалб этган ҳолда эришиш

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аҳмедов Д.Қ., Ишмуҳамедов А.Э ва бошқалар “Макроиктисодиёт” ўқув қўлланма, –Т.: ТДИУ. 2004 й.
2. Барро Р. Дж., Сала-и-Мартин Х. Экономический рост. пер. с англ. — М. : БИНОМ. Лаборатория знаний, 2014. —824 с.
3. Бекчанова Ф.Р. Минтақавий ижтимоий иқтисодий ривожлантириш муаммолари. МЭКМ 01. Магистрлик дис. 2005 й.
4. Кенжаев Д.С. Ўзбекистонда минтақавий иқтисодиётни тузилишини такомиллаштириш. БМИ. 2004 й.
5. Макконнел К.Р., Брю С.Л. Экономикс. –М.: Инфра-М, 2003 г.
6. Макроиктисодиёт. Экономикс дарслигига амалий қўлланма. Т.: 2001 й.
7. Махмудов Н.М. ва бошқалар Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш. Дарслик. -Т.: 2014.
8. Махмудов Н.М. и другие Методы и модели прогнозирования социально-экономических процессов. –Т.: 1996 г.
9. Мэнкью Н.Г. Макроэкономика. Пер. с англ. - М.: Изд-во МГУ, 1994. - 736 с.
10. Нуреев Р.М. Экономика развития: модели становление и модернизации рыночной экономики. Учебник. - М.: Норма, 2008. -365
11. Сакс Дж.Д., Ларрен Ф.Б. Макроэкономика. Глобальный подход: Пер. с англ. - М.: Дело, 1996. - 848 с.
12. "Туманова Е.А., Шагас Н.Л. Макроэкономика. Элементы
13. продвинутого подхода: Учебник. — М.: ИНФРА-М, 2004. — 400 с."
14. "Хакимов Т.Х. Иқтисодий ўсишнинг математик моделлари. Ўқув
15. қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2011 – 141 бет."
16. Чепель С.В. И др. Методические подходы к разработке сценарных условий и макроэкономическому прогнозированию: Аналитический доклад, - Т.: 2010. 69 с.

17. Чепель С.В. Системный анализ и моделирования перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистана. Монография. –Т.: 2014 г.
18. Чечеловой Т.В. Эффективный экономический рост: Теория и практика. Учебное пособие для студентов экономических ВУЗов, –М.: Экзамен, 2003 г. 320 стр.
19. Шараев Ю.В. Теория экономического роста. Учебник. –М.: Изд. Дом ГУ ВШЭ, 2006. - 256 с.
20. Экономика Ўзбекистана: Статистика-аналитический обзор. Годовой выпуск, 2012 г.

Интернет маълумотлари

1. Жаҳон банки расмий сайти: <http://data.worldbank.org/indicator>
2. Халқаро валюта фонди расмий сайти: <http://www.imf.org/external>
3. БМТ тараққиёт дастури расмий сайти: <http://www.uz.undp.org/>
4. Осий тараққиёт банки расмий сайти: <http://www.adb.org/data/main>
5. Халқаро савдо ташкилоти расмий сайти: <http://i-tip.wto.org/services>

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
1-БОБ. “ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МОДЕЛЛАРИ” ФАННИНГ МОҲИАТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.....	7
1.1 Иқтисодий ўсишнинг моҳияти ва турлари.....	7
1.2 Иқтисодий ўсишнинг дастлабки шартлари.....	17
1.3 Жамият институтларини ўзгариши иқтисодий ўсишга таъсири.....	25
2-БОБ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ, ТУРЛАРИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	30
2.1 Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар.....	30
2.2. Иқтисодий ўсиш турлари.....	36
2.3 Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари.....	45
3-БОБ: ИҚТИСОДИЙ ЎСИШДА КЕЙНСЧИЛАР МОДЕЛИ.....	52
3.1 Иқтисодий ўсишда ижтимоий-иқтисодий моделлар.....	52
3.2 У.Ростоунинг иқтисодий ўсиш модели концепцияси.....	59
3.3 Е. Домарнинг иқтисодий ўсиш модели.....	62
3.4 Р. Харроднинг иқтисодий ўсиш модели.....	67
4-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ НЕОКЛАССИК МОДЕЛЛАРИ.....	77
4.1 Р. Солоуни неоклассик иқтисодий ўсиш модели.....	77
4.2 Иқтисодий ўсишда Дж. Мид модели.....	88
4.3 Иқтисодий ўсишни А. Льюис модели.....	89
5-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ЯНГИЧА НАЗАРИЯСИ.....	94
5.1 Иқтисодий ўсиш моделларида инсон капиталини инобатга олиниши.....	94
5.2 Инсон капиталини иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганиш ва моделлаштириш назариялари.....	97
5.3 Давлатнинг иқтисодий сиёсатини иқтисодий ўсишга таъсири.....	101
6-БОБ. ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ.....	106
6.1 Инвестициянинг иқтисодиётни ривожланишидаги моҳияти ва унинг турлари.....	106
6.2 Инвестиция бозори ва уни шакллантириш муаммолари.....	115
6.3 Инвестицияларни иқтисодий ўсишга таъсири.....	122
7-БОБ. ИННОВАЦИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ.....	134
7.1 Инновацион жараёни иқтисодий ўсишга таъсири.....	134
7.2 Товар турларини кўпайишининг иқтисодий ўсишга таъсири.....	145
7.3 Маҳсулот сифатининг иқтисодий ўсишга таъсири.....	148

8-БОБ. ИҚТИСОДИЙ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАР ВА УЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ.....	152
8.1 Иқтисодий математик моделларнинг моҳияти ва унинг амалий аҳамияти.....	152
8.2 Иқтисодий математик моделлар таснифи.....	173
8.3 Иқтисодий ўсишни прогнознинг объекти, предмети ва амалий аҳамияти.....	181
9-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ПРОГНОЗЛАШНИНГ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАРИ.....	188
9.1 Иқтисодий кўрсаткичлар ўртасида боғланишларни аниқлаш усуллари.....	188
9.2. Прогноз, гипотеза ва режа ҳақида тушунчалар.....	197
9.3 Иқтисодий ўсишни таҳлил қилиш моделлари тушунчаси, унинг моҳияти ва функцияси.....	201
9.4 Прогнозлаштириш объектининг тизимли таҳлили.....	207
9.5 Прогноз турларининг классификацияси.....	210
9.6 Иқтисодий прогнозлаш моделларининг турлари.....	216
10-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МАТРИЦАЛИ МОДЕЛЛАРИ.....	221
10.1 Статик тармоқлараро баланс модели.....	221
10.2 Динамик тармоқлараро баланс моделлари асосида иқтисодий ўсишни прогнозлаш.....	225
10.3 Тармоқлараро балансда меҳнат ва фонд харажатлари.....	230
Глоссарий.....	234
Адабиётлар рўйхати.....	240

СОДЕРЖАНИЕ

Введение	5
Глава 1. Суть, целей и задач предмета модели экономического роста.....	7
1.1 Суть и виды экономического роста	7
1.2 Основные условия экономического роста.....	17
1.3 Влияние изменения в институты общества в экономический рост....	25
Глава 2 Основные виды факторов экономического роста	30
2.1 Факторы, влияющие на экономический рост	30
2.2 Виды экономического роста	36
2.3 Показатели экономического роста	45
Глава 3. Кейнские модели экономического роста	52
3.1 Социально-экономические модели экономического роста.....	52
3.2 Концепция У. Ростоуна модели экономического роста	59
3.3 Модель экономического роста Е. Домара.....	62
3.4 Модель экономического роста Р. Харрода.....	67
Глава 4. Неоклассические модели экономического роста	77
4.1. Неоклассическая модель экономического роста Р.Солоу.....	77
4.2 Модель экономического роста Дж. Мида.....	88
4.3 Модель экономического роста А. Льюиса.....	89
Глава 5. Новости волна теории экономического роста	94
5.1 Считывания модели экономического роста, человеческий капитал..	94
5.2 Теория человеческого капитала и моделирование эффектов экономического роста.....	97
5.3 Влияние на экономический рост и экономическая политика государства	101
Глава 6. Воздействие инвестиционного климата на экономический рост	106
6.1 Роль инвестиции в развитие экономики и их типы.....	106
6.2 Формирование и проблемы инвестиционного рынка.....	115
6.3 Воздействие инвестиции на экономический рост.....	122
Глава 7. Инновация и экономический рост	134
7.1 Влияние инновация на процесс экономического роста	134
7.2 Влияния увеличения ассортиментов товаров на экономический рост.....	145
7.3 Влияние изменение качество продукта на экономический рост.....	148
Глава 8. Экономико-математические модели и их классификация..	152
8.1 Сущность экономическо-математических моделей и их	152

практическое значение	
8.2 Классификация экономическо-математических моделей	173
8.3. Объект, предмет и практическое значение прогнозирование экономического роста.....	181
Глава 9. Эконометрическое моделирование и прогнозирование экономического роста.....	188
9.1 Определения связи между экономическими показателями.....	188
9.2 Понятия о прогноз, гипотеза и плане	197
9.3 Модели для анализа экономического роста, их сущность и функции.....	201
9.4. Анализ структуры объекта прогнозирование	207
9.5 классификация и типы прогнозов.....	210
9.6 Модели прогнозирование экономических явление.....	216
Глава 10. Матричные модели экономического роста.....	221
10.1 Статическая модель межотраслевого баланса	221
10.2 Прогнозирование экономического роста с помощи динамического межотраслевого баланса	225
10.3 Расходы на оплату труда и капитал на межотраслевом балансе.....	230
Глоссарий.....	234
Библиография	240

CONTENTS

Introduction.....	5
Chapter 1. Aims and objectives and the essence of the model of economic growth subject.....	7
1.1 The essence and forms of economic growth.....	7
1.2 The basic conditions of economic growth.....	17
1.3 Impact of social institutions to economic growth.....	25
Chapter 2. Main factors, types and indicators of economic growth.....	30
2.1. Factors affecting the growth.....	30
2.2 Types of economic growth.....	36
2.3 Economic growth indicators.....	45
Chapter 3. Keynesian model in economic growth.....	52
3.1 Socio-economic models in economic growth.....	52
3.2 W. Rostow's economic growth model's concept.....	59
3.3 The model of economic growth of E. Domar.....	62
3.4 The model of economic growth of D. Harrod	67
Chapter 4. The neoclassical economic growth model.....	77
4.1 The neoclassical economic growth model of R.Solou.....	77
4.2 The model of economic growth of J. Mead.....	88
4.3 The model of economic growth of A. Lewis.....	89
Chapter 5. New wave theory of economic growth.....	94
5.1 Reading the pattern of economic growth, human capital.....	94
5.2 Human capital theory and modeling of the effects of economic growth...	97
5.3 The impact of economic policy of the State on growth.....	101
Chapter 6. The impact of investment climate on economic growth.....	106
6.1 The role of investment in economic development and their forms	106
6.2 Investment market and issues of its establishing.....	115
6.3 The impact of investments on economic growth.....	122
Chapter 7. Innovation and economic growth.....	134
7.1 The impact of innovation on economic growth.....	134
7.2 The effect of increasing range of goods on economic growth.....	145
7.3 Effect of changes in product quality on economics growth.....	148
Chapter 8. Economic and mathematical models and their classification..	152
8.1 The essence of economic and mathematical models and their practical value.....	152
8.2 Classification of economic and mathematical models.....	173
8.3 The object, the subject and the practical value of forecasting economic growth.....	181

Chapter 9. econometric modeling and forecasting economic growth.....	188
9.1 Defining the relationship between economic indicators.....	188
9.2 The concept of forecasting, hypothesis and the plan.....	197
9.3 Models of economic growth, analysis their nature and function.....	201
9.4 Systematic analysis of forecasted subject.....	207
9.5 Classification and types of forecasts.....	210
9.6 Forms of economic forecasting models.....	216
Chapter 10. Matrix models of economic growth.....	221
10.1 The static model of intersectoral balance balance.....	221
10.2 Forecasting economic growth through a dynamic input-output balance.	225
10.3 Labor and fund expenses in intersectoral balance.....	230
Glossary for economic terms.....	234
Bibliography.....	240

